

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА  
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

**С.А. АЗИМБОЕВ**

# **ДЕҲҚОНЧИЛИК, ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ АСОСЛАРИ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим  
вазирлиги томонидан иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)  
бўйича таълим йўналиши талабалари учун дарслик  
сифатида тавсия этилган.*

Деҳқончилик ва тупроқшунослик илми — эгизак тушунча. Бинобарин, тупроқ шароитини билмасдан туриб, деҳқончилик фанини тарақкий эттириш мумкин эмас.

Мазкур дарсликда деҳқончилик, тупроқшунослик ва агрокимё фанининг баъзи жиҳатлари ўз аксини топган. Хусусан, тупроқнинг пайдо бўлиши, меҳаник таркиби, классификацияси, агрофизик хоссалари, деҳқончиликнинг ривожланиши тарихи, тупроққа ишлов беришининг усуслари, бегона ўтларга қарши кураш, агрокимё фани асослари, ўғит турлари каби бир қатор масалалар борасида илмий мулоҳазалар юритилади. Мухтасар шаклда айттанди, ушбу ўқув дарслигида замонавий деҳқончилик илми сир-асрорлари ёритиб берилган.

**Тақризчилар:** И. Туропов - Тупроқшунослик кафедраси мудири,

профессор.


Б. Мусаев - Агрокимё кафедраси мудири, доцент.

М. Шодмонов - Деҳқончилик ва қишлоқ хўжалик мелиорацияси кафедраси доценти

### Азимбоев С.А.

Деҳқончилик, тупроқшунослик ва агрокимё асослари: Иқтисодий (қишлоқ хўжалиги) бўйича таълим йўналиши талабалари учун дарслик / Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги; Тош. Давлат аграр ун-ти.-Т.: Iqtisod-Moliya, 2006.—182 б.

ББК 41.4я73 + 40.3я73 + 40.5я73



---

## I. ДЕҲҚОНЧИЛИК, ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ АСОСЛАРИ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Деҳқончилик, тупроқшунослик ва агрокимё асослари фани орқали талабаларга тупроқшунослик, агрокимё ва деҳқончилик фанларининг умумий масалалари ҳақида маълумотлар берилади.

) Деҳқончилик фанининг умумий масалаларини тўлиқ ўрганиш учун талабалар тупроқшунослик фанининг асосий мавзуларини билишлари зарур./

Деҳқончилик фани агрономия фанлари орасида муҳим ўрин тутади. У табиий ва илмий фанларни амалий агрономия билан боғловчи соҳа ҳисобланади. Деҳқончилик - амалий фанлардан бири бўлиб, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ердан оқилона фойдаланиш, экинлардан юқори ва барқарор ҳосил олиш йўлларини ўргатади.

Деҳқончилик деганда, қишлоқ хўжалигига ердан фойдаланиш ва экин етиштиришда қўлланиладиган тадбирлар тизими тушунилади.

Республикамизнинг 447,4 минг квадрат километрдан ортиқ бўлган умумий майдонининг атиги 10 фоизини экин майдонлари ташкил этади. Ўзбекистонда 1 км<sup>2</sup> ерга 51,4 киши, Қозогистонда - 6,1, Қирғизистонда - 22,7, Туркманистанда эса 9,4 киши тўғри келади. Ўзбекистонда ҳар бир кишига 0,17 гектар, Қозогистонда - 1,54, Қирғизистонда - 0,26, Украина - 0,59, Россияда 0,67 гектар экин майдони тўғри келади.

Сўнгти 50 йил мобайнида суғориладиган ерлар майдони 2,46 млн. гектардан 4,28 млн. гектарга етказилди. Фақат 1975-1985 йиллар мобайнида 1 млн. гектарга яқин ер ўзлаштирилиб, 1990 йилда ер майдони 1985 йилга нисбатан 1,5 баробар ортди. Ана шу ер майдонининг қарийб 50 фоизини мелиоратив ҳолати ёмон ва шу билан бир қаторда 1990 йилга қадар суғориладиган ерларнинг 75 фоизига пахта экилиши тупроқ унумдорлигини пасайишига олиб келди.

Аҳолини ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш учун ерлардан оқилона фойдаланиш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш талаб этилади.

) Деҳқончилик фанининг вазифаси талабаларни деҳқончиликда қўлланилаётган назарий асослар ва ишлаб чиқаришдаги жараёнлар билан таништиришдан иборат.

Деҳқончилик фани қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади: деҳқончиликнинг илмий асослари, тупроқ режимлари ва уларни бошқариш, бегона ўтларга қарши кураш тадбирлари, ерга ишлов бериш, экинларни экиш, алмашлаб экиш ва деҳқончилик тизими. )

Қишлоқ хўжалиги ривожланиб бориши давомида "деҳқончилик" тушунчаси ҳам ўзгарган. Илк даврда уни қишлоқ хўжалити ишлаб чиқариши деб тушунилди ва кейинчалик ундан чорвачилик ажralиб чиқсан.

А.Тээр XIX асрда "Қишлоқ хўжалигининг рационал асослари" китобининг 1-қисмини умумий масалаларга, 2-қисмини ўсимликларни таърифлашгага ажратди. Кейинчалик 1-қисм умумий деҳқончилик, 2-қисм ўсимлиқшунослик деб атала бошланди. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши давомида бошқа фанлар ҳам ажralиб чиқди. Деҳқончилик фанида ерлардан рационал фойдаланиш, тупроқнинг эфектив унумдорлигини ошириш, бегона ўтлар ва уларга қарши кураш каби масалалар қолди.

/ Деҳқончилик фанининг ривожланишига катта ҳисса кўшган қатор олимларни санаб ўтиш мумкин. Масалан: М.В.Ломоносов (1711-1765) "Ер қатламлари ҳақида" номли асарида қора тупроқни келиб чиқишини баён қилди.:

Болотов XVIII асрнинг иккинчи ярмида ер тузилиши, алмашлаб экиш, бегона ўтларга қарши кураш, ўғитлаш масалалари бўйича мақолалар билан деҳқончиликнинг асосий принципларини таърифлади. У етти далали алмашлаб экишнинг 3 та даласи қўриқ бўлишини баён этди. И.М.Комов 1898 йилда "Деҳқончилик ҳақида" асарида партов системасига қарши чиқиб кўп далали ва экинлар навбатлаб экиладиган алмашлаб экишни тавсия қилди. Д.И.Менделеев минерал ўғитларни қўллашни текшириб, деҳқончиликни интенсивлаштиришга даъват этди. М.Г.Павлов (1793-1840) алмашлаб экишни кенг ташвиқот қилди. У тупроқнинг сингдириш қобилиятини ўрганиш бўйича катта ишлар олиб борди. В.Р.Вильямс (1863-1939) тупроқшуносликда биологик назария асосчиси ҳисобланади. К.А.Тимирязев, Д.Н.Прянишников, А.Г.Дояренко, К.К.Гедройц каби олимлар ўсимликларнинг озиқланиши ва уни бошқариш масалалари бўйича қатор асарлар яраттанлар. Н.Рижов (1903-1981) гўзани сугориш ва тупроқнинг физик хоссаларини ўрганиш бўйича ишлар қилди.

М.В.Муҳамеджонов ва А.Қ.Қашқаров ер ҳайдаш, ер ҳайдашни табақалаштириш, оралиқ ва сидерат экинларни экиш масалалари бўйича илмий ишлар олиб бориб, ишлаб чиқаришга тавсияномалар беришиди.

| Деҳқончилик ҳозирги даврда фан ва техника янгиликлари ҳамда ишлаб чиқариш илфорлари тажрибаси натижаларини умумлаштирган ҳолда ўзига хос йўналишида ривожланмоқда. /

## **ТУПРОҚ ВА ТУПРОҚШУНОСЛИК ФАНИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА**

Ерга ишлов беришда құлланилған ҳар бир тадбир биринчи навбатда тупроққа таъсир этади. Натижада тупроқнинг тузилиши, физик-кимёвий хоссалари үзгариб, ўсимликларнинг яшаш шароити яхшиланади. Шунинг учун ҳам тупроқшунослик фани деҳқончиликнинг рационал асоси ҳисобланади. Демак, тупроқшунослик асосларини билмасдан туриб, ўсимликларнинг тупроқдан озиқланиши қонуниятларини ва шунингдек, физик-химик хоссаларининг қай даражада таъсир этишини тұла тушиуниш қийин.

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини таъминлаш ҳусусиятига эга бўлган ернинг устки ғовак унумдор қатлами тупроқ дейилади. Тупроқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бирдан-бир воситаси ва ҳар бир мамлакатнинг битмас-туганмас табиий бойлиги ҳамда кишилик жамияти учун зарурый озиқ-маҳсулотлари ва турли хомашёлар этишириладиган асосий ва ягона манбайдир.

Тупроқ маълум шароитдаги турли табиий фактор ва тирик орғанизмларнинг биргаликдаги ўзаро таъсири натижасида ер юзасидаги ҳар хил төғ жинсларидан пайдо бўлган. Тупроқ мураккаб табиий жисм бўлиб, ўзига хос тузилишга, таркиб ва бошқа бир қанча хоссаларга ҳамда ривожланиш ҳусусиятларига эга.

Тупроқ ҳақидаги илмий фан асосчиси - буюк рус олими В.В. Докучаев (1846-1903) ҳисобланади. В.В. Докучаев тупроқшуносликнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқди ва тупроқ ҳақидаги илмий тушунчани тавсия этди. Унинг асарларида тупроқшуносликка доир кўплаб каш-фиётлар баён этилди. Докучаев тупроққа унинг келиб чиқиши нуқтаи назаридан табиий-тарихий жисм сифатида қарашни тавсия этади. Шунинг учун ҳам В.В. Докучаев яратган тупроқ ҳақидаги фан - генетик тупроқшунослик деб номланадиган бўлди. Тупроқ пайдо бўлиши ниҳоятда мураккаб биофизик-кимёвий жараёндир. Ер юзасида тарқалған ҳар хил тош, қум, чанг ва лойқа сингари ғовак жинслар узоқ вақтлардан буён давом этиб келаётган нураш процесси маҳсул ҳисобланади ва асосан ернинг нурайдиган пўстида учрайди.

Тупроқ ҳосил бўлиш жараёни ва тупроқнинг шаклланишига таъсир қиласидиган шароитларга тупроқ ҳосил қилувчи факторлар дейилади.

В.В.Докучаев қуйидаги бешта тупроқ ҳосил қилувчи факторларни ажратади:

- 1) тупроқ ҳосил қилувчи она жинс;
- 2) иқлим;
- 3) рельеф;

- 4) ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;
- 5) тупроқнинг ёши (вақти).

Ҳароратнинг ўзгариши, ҳаво ҳамда организмлар таъсирида тоғ жинслари ва минералларнинг майдаланиши ва парчаланиши ҳодисасига нураш дейилади. Тупроқ она жинси пайдо бўлишидаги дастлабки жараён ҳисобланган нураш жараёни уни юзага келтирадиган айрим табиий факторлар таъсирига асосан физикавий, кимёвий ва биологик нураш турларига бўлинади.

Физикавий нураш, асосан, ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши таъсирида содир бўлганлиги сабабли кўпинча термик нураш ҳам дейилади.

Тоғ жинслари, айрим минераллар сув ва атмосферадаги кислород ҳамда карбонат ангидрид ( $\text{CO}_2$ ) таъсирида кимёвий ўзгаришидан янги бирикмалар ва минераллар ҳосил бўлиш жараёни кимёвий нураш дейилади.

Тоғ жинслари ва минераллар турли организмлар (микроорганизмлар, ўсимликлар, ҳайвонлар ва уларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотлари) таъсирида механикавий равишда парчаланиши ва уларда кимёвий ўзгаришлар содир бўлиш жараёни биологик нураш дейилади.

Тупроқда ўсимлик ва ҳайвонлар қолдигидан иборат жуда кўп органик моддалар тўпланади. Бу моддаларнинг бир қисми ҳали тўла чиrimаган ва ўзининг дастлабки ҳолатини сақлаган органик қолдиқлар бўлса, иккинчи қисми чириш процесси натижасида ўзгарган тўқ тусли ва мураккаб таркибли комплекс органик бирикма, яъни чиринди-гумусга айланган ва тупроқнинг минерал қисмига шимилиб кетган бўлади.

Тупроқ пайдо бўлиши ва тупроқ унумдорлигининг ривожланиши ҳамда яхшиланишида чириндининг аҳамияти катта. Чиринди ўсимликларнинг озиқланиши учун зарур ва биологик аҳамиятга эга бўлган кўплаб озиқ элементлари, айниқса азот ва карбонат ангидриднинг асосий манбаидир.

Тупроқ пайдо бўлиши жараёнига турли омилларнинг таъсири натижасида тупроқ таркибидаги минераллар, тоғ жинслари ва органик қолдиқлар тўхтовсиз майдаланади ва парчаланади ҳамда тупроқ таркибида майда зарралар аралашмаси, яъни дисперс тизим ҳосил бўлади. Ана шу тизимдаги диаметри 0,2-0,01 микрон атрофида бўлган заррачалар тупроқ коллоидлари дейилади.

Академик К.К. Гедройц тупроқ ҳар хил моддаларни ушлаб қолиши, сингдириши ва бунда кечадиган жараёнларни эътиборга олиб, тупроқнинг сингдириш қобилиятини беш қисмга: механикавий, физикавий, физик-кимёвий, кимёвий ва биологик сингдиришга бўлади.

Табиатда учрайдиган хилма-хил тупроқлар маълум шароит ва омиллар таъсирида пайдо бўлган. Тупроқнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва

унумдорлигини белгиловчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат: тупроқ она жинси, ўсимликлар ва ҳайвонот олами, иқлим, жойнинг рельефи тупроқнинг ёши ва инсонлар фаолияти. Бу омиллар тупроқ пайдо бўлишида турлича таъсир кўрсатади. Демак, тупроқ унумдорлиги ҳам турлича бўлади. Шунинг учун ҳам тупроқнинг агрономик нуқтаи назардан баҳолашда, экинларни тўғри жойлаштириш ва агромелиоратив тадбирларни белгилашда бу омилларнинг ҳар бирини пухта ўрганиш лозим. Гумус - лотинча Gums сўзидан келиб чиққан - тупроқ яъни ер маъносини билдиради. Орасидаги ўзаро муносабатни аниқлаш, маълум шароитда қайси омилнинг таъсири кучли эканини белгилаб иш тутиш керак.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон тупроқлари ҳар томонлама ўрганишда Н.А.Димо, И.П.Герасимов, В.А.Ковда, Н.А.Розанов, Е.В.Лобова, В.В.Егоров ва бошқаларнинг тупроқ генезиси, физикаси ва мелиорацияси борасидаги ишлари республикада қишлоқ хўжалигини айниқса, пахтачиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон тупроқларининг тарқалиш қонуниятлари, эволюцияси, классификацияси ва пахтачилик туманлари тупроқларини ўрганишда М.А.Орлов, С.Н.Рижов, М.А.Панков, Н.В.Кимберг, М.Б.Баҳодировларни ишлари, ҳамда шўрланган тупроқлар генезиси ва мелиорацияси соҳасида А.М.Расулов, М.У.Умаров, О.К.Комиловларнинг Мирзачўл ва Қарши чўлларини ўзлаштириш, айниқса, сугориладиган тупроқлардан оқилона фойдаланиш ва мелиорация соҳасидаги олиб борилган ишлари катта аҳамиятга эгадир. Тоғ ва тоголди зоналарида эрозия жараёнлари ва унга қарши кураш (Гуссак, Мақсадов, Ҳамдамов), "Тупроқларнинг шамол эрозиясига оид" К.Мирзажонов, Ш.Нурматов, М.Ҳамроев ва бошқаларнинг ишлари Ўзбекистонда тупроқшунослик фанини, сугориладиган дехқончиликни илмий асосларини яратишда аҳамияти каттадир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда тупроқ шароитларини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва самарали фойдаланиш соҳасида олиб борилаётган илмий ишларга Тупроқшунослик ва агрокимё институти, Тошкент Давлат Аграр университети, "ЎзДаверлойиҳа" институти ва бошқа кўпгина илмий текшириш институтлари олимларининг илмий ишларининг (Д.Р.Исматов, М.М.Тошқўзиев, И.Т.Туропов, Р.Қўзиев, Л.Т.Турсунов, О.Р.Рамазонов, С.А.Азимбоев, С.А.Абдуллаев, С.Мамбетназаров, А.Мақсадов, Ж.Мақсадов, Л.А.Фофурова ва бошқалар) аҳамияти каттадир. Ўзбекистонлик тупроқшунос олимлар томонидан яратилган фундаментал "Ўзбекистон тупроқлари" ва "Тупроқшунослик" дарслклари [М.А.Панков (1963), Б.М.Баҳодиров, А.М.Расулов (1975), И.Бобохўжаев, П.Узоқов (1995)] қишлоқ хўжалигига ва кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

## ТУПРОҚНИНГ МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ

Тупроқ дәхқончиликнинг асосий обьекти бўлиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий воситаси ҳисобланади. Тупроқниң таркиби ва хоссаларини билмасдан туриб ундан оқилона ва самарали фойдаланиб, унинг унумдорлии ини сақлаб қолиб ва ошириб бўлмайди.

Тупроқ - мустақил табиий жисм. У ер пўстлоғи (литосфера) нинг устки унумдор қатлами бўлиб, органик дунё (ўсимликлар, микроорганизмлар) нинг минерал моддалар билан табиий мұхит (иқлим, жой) нинг муайян шароитларида ўзаро таъсирашуви натижасида юзага келган. Тупроқ фақат ўзига хос бўлган ривожланиш тарихига, ташқи ва ички таркибларига ҳамда хоссаларига эга.

Тупроқшунослик фанининг асосчиси ҳисобланган В.В. Докучаев тупроқ тўғрисидаги тушунчани қуидагича таърифлайди: тупроқ - грунт, иқлим, ўсимлик ва ҳайвонот қодиклари, жойнинг ёши ва рельефининг биргаликдаги ўзаро фаолияти натижасида пайдо бўлган табиий жисмдир.

Тупроқниң қайси тип ва хилга мансуб эканлигини аниқлашда морфологик белгиларни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам тупроқниң морфологик (ташқи) белгиларини ўрганиш унинг пайдо бўлишидаги биологик, физикавий, кимёвий, физик-кимёвий ва биокимёвий жараёнларни ва унумдорлик даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Тупроқниң морфологик белгилари лаборатория шароитида тупроқ монолити, дала шароитида эса маҳсус тупроқ кесмаси (разрези) ёрдамида ўрганилади.

Тупроқларни далада текшириш ва уларнинг морфологик белгиларини ўрганишда асосий кесма (разрез), ярим кесма ва чуқурчалар қазилади. Қазилган кесма текширилаётган тупроқниң ва тупроқ она жинсининг морфологик хоссаларини атрофлича тўлиқ ўрганишга ёрдам беради. Унинг чуқурлиги текширилаётган жой рельефнинг хусусиятига ва сизот (грунт) сувнинг сатҳи ва она жинс тавсифига қараб, 150-200 см бъязан, 250 см, кенглиги 70-80 см, узунлиги эса чуқурлигига мутаносиб бўлиши керак.

Кесма қазища даланинг геоморфологик ва бошқа хусусияти жиҳатдан характерли жойини топиш керак. Бунда даланинг рельефи, ўсимликлари, шунингдек, бўз ёки қўриқ ер эканлиги, ўзлаштирилган ер бўлса, инсоннинг таъсири ва ишланиш даражаси эътиборга олиниши лозим. Дала рельефи нотекис, ўсимликлари турлича ва шўрланиши ҳар хил бўлса, кўпроқ кесма (разрез) қазилади.

Тупроқ кесмаси ёки монолитта қараб унинг қатламлари (горизонтлари) аниқланади ва қофозга чизилиб, қатламлар ҳар хил рангли қаламда бўйлади.

Тупроқнинг асосий морфологик белгиларига қуйидагилар киради:  
1) тупроқнинг генетик қатламлари (горизонтлари); 2) тупроқ қатлами қалинлиги; 3) тупроқ ранги (туси); 4) тупроқнинг меҳаник таркиби; 5) тупроқ структураси; 6) тупроқ намлиги; 7) тупроқ қовушмаси; 8) тупроқнинг янги яралмаси; 9) тупроқ қўшилмаси.

Энди тупроқнинг асосий морфологик белгиларига таъриф бериб ўтамиз.

**Тупроқнинг генетик қатлами (горизонти).** Текширилаётган тупроқ кесмасининг вертикал деворидаги кўзга ташланниб турган морфологик белгилар у бир қанча қатламлардан тузилганлигини кўрсатади. Бир-бираидан фарқ қиласидаги ва тупроқнинг келиб чиқиши (генезиси) га ва ривожланишига боғлиқ бўлган бу қатламлар *генетик қатлам (горизонт)* дейилади. Ҳар бир қатлам ўз номига эга бўлиб, алоҳида белгилар – символлар – лотин алфавитининг бош ҳарфлари билан ифодаланади.

В.В.Докучаев тупроқ қатламини уч хил генетик қатлам (горизонт) га бўлади. А-чириндили (аккумулятив) қатлам, В - ўтувчи (иллювиал) қатлам ва С-тупроқ ҳосил қилувчи она жинс қатлам (1-расм). Кўпчилик тупроқларда, одатда ҳар бир генетик қатлам бир неча қатламчаларга ажратилади. Бу ҳолда улар A<sub>1</sub>, A<sub>2</sub>, B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub> белгилари билан белгиланади.

*Чиринди устки қатлам (A) да* модда, чиринди ва ҳар хил элементлар бирикмасидан иборат минерал моддалар тўпланади, унинг туси қуий қатламларга нисбатан тўқ бўлади. Шунинг учун ҳам бу қатлам *чириндили аккумулятив қатлам* дейилади.


Ўтувчи қатлам (B) *иллювиал (ювилувчан) горизонт* деб ҳам аталади. Туси, структураси ва қовушмасига кўра устки қатламдан ажralиб турган бу қатламдаги айrim бирикмалар қуий қатламга ювилиб тушиб туради. Бу жараён, айниқса, подзол - кислотали ва шўртоб - ишқорли тупроқларда очиқ қўриниб туради.

Тупроқ ҳосил қилувчи она жинс қатлами (C); тупроқ пайдо бўлиш жараёнлари четлаб ўтган ана шу жинсдан кейинчалик тупроқ пайдо бўлган.

Ер юзасининг асосан текисликдан иборат куруқлик қисмида тарқалган ва тупроқ пайдо қила оладиган ғовак ҳолдаги тог жинслари тупроқ она жинси дейилади.

Ер юзасида тарқалган тупроқларнинг она жинси, асосан, сув, шамол, музликлар ҳаракати натижасида тўртламчи даврда ҳосил бўлган ҳар хил қалинликдаги турли ётқизиқлардан иборат бўлиб, келиб чиқишига кўра улар қуийдаги типларга бўлинади: элювий, делювий, пролювий,

аллювий, денгиз, күл, эол (шамол), лёсс, коллювий ётқизиқлари. Бу ётқизиқлар ер юзаси нураши қобиғининг энг устки қисмida тарқалган бўлиб, улардан ҳар хил тупроқлар ҳосил бўлган.



1-расм. Тупроқнинг генетик қатламлари

см дан 150 см гача бўлади. Баъзан 250 - 300 см қалинликдаги тупроқлар ҳам учрайди.

Тупроқнинг умумий қалинлигини ва айрим генетик қатлам қалинлигини аниқлаш агрономик нуқтаи назаридан жуда катта аҳамиятга эга. Масалан, табиий шароитда тупроқ чириндили қатламининг қалин бўлиши, шунингдек, дехқончилик ва сугориш натижасида пайдо бўлган қатлам қалинлиги тупроқнинг унумдор ва қадимдан фойдаланиб келинаётганлигини кўрсатувчи белги ҳисобланади. Демак, тупроқнинг ва айрим қатламларнинг қалинлигини ўрганиш билан тупроқ пайдо қилувчи жараёнлар тавсифи ва тупроқнинг бир қанча агрономик сифатларини аниқлаш мумкин.

**Тупроқнинг ранги (туси).** Тупроқнинг ва айрим қатламларнинг ўзига хос ранги (туси) уларнинг энг муҳим морфологик белгиларидан биридир. Тупроқ бу билан она жинсидан, шунингдек, генетик қатламлар бир-биридан аниқ фарқ қиласи. Тупроқнинг ранги тупроқ пайдо қилувчи она жинснинг дастлабки ранги ва тупроқ пайдо бўлиш жараёнига боғлиқ бўлади. Тупроқлар рангига қараб турли ном билан аталади. Масалан, қора тупроқ, қизил тупроқ, бўз тупроқ ва бошқалар. Тупроқнинг асосий ранги унинг кимёвий таркиби ва чиринди миқдорига қараб ўзгаради. Тупроқ таркибида органик модда, чиринди қанча кўп бўлса, унинг тузи шунчалик қорамтири бўлади. Шунинг учун тупроқ тусини пухта ўрганиш ва тўғри аниқлаш билан ундаги чиринди миқдорини тахминлаш мумкин. Чунончи, чиринди 10% дан

кўп бўлса, тупроқ тим қора, 8-10% бўлса қорамтири ёки тўқ жигар ранг тусда бўлади. Тупроқда чиринди миқдорининг камайиб бориши билан тупроқ тўқ кулранг, кулранг, оч кулранг, оқиш турларга ўтиши мумкин.

Таркибида кўп миқдорда кальций карбонатлар ( $\text{CaCO}_3$ ), кремнезём ( $\text{SiO}_2$ ), каолин ( $\text{H}_2\text{Al}_2^*\text{Si}_2\text{O}_8\text{H}_2\text{O}$ ), алюминий оксиди ( $\text{Al}_2\text{O}_3^*\text{nH}_2\text{O}$ ), сувда осон эрийдиган тузлар ёки гипс бўлган тупроқлар оқ рангда бўлади.

Қизил тусли тупроқлар таркибида темир (III)-оксидининг гидрати ( $\text{Fe}_2\text{O}_3^*\text{nH}_2\text{O}$ ) бирикмалари кўп бўлади. Тупроқ қатламларининг кўкимтири бўлиши муайян қатламда темир (II) – гидрат оксидининг ( $\text{FeO}^*\text{nH}_2\text{O}$ ) бирикмаси ва вивианит  $[(\text{Fe}_3(\text{PO}_4)_2)^*\text{8H}_2\text{O}]$  минерали борлигини ҳамда муайян қатламнинг ботқоқланиш белгиси ва даражасини билдиради. Тупроқ қатламларида учрайдиган қора ёки қўнғир доғлар тупроқда марганец бирикмалари борлигини кўрсатади.

Тупроқнинг пайдо құлувчи она жинси лёсс ётқизикларидан иборат бўлса тупроқнинг ранги сариқ, оқ-сарғиши тусда бўлади.

**Тупроқнинг механик таркиби.** Дала шароитида тупроқнинг морфологик белгилари ўрганилаётганда механик таркиб ҳам аниқланади.

Тупроқ ҳар хил катталиқдаги минерал элементлардан ташкил топган. Она жинс ва тупроқ қаттиқ қисмидаги турли катта-кичичликларидаги механик элементларнинг фоиз ҳисобидаги нисбий миқдорига тупроқнинг механик таркиби дейилади. Механик таркибининг классификациясида «физик кум» ва «физик лой» фракцияларининг нисбати асос қилиб олинган.

Ҳар бир қатлам механик таркибига кўра соз, қумоқ, қумлоқ ёки қумли тупроқларга бўлинади. Тупроқнинг механик таркибини аниқлаш деҳқончиликда бир қанча масалаларни тўғри ҳал қилишга, чунончи, ерларни ишлаш, экинларни суғориш ва тупроқ унумдорлигини оширишда қўлланиладиган тадбирларнинг самарали бўлишини таъмин этишга ёрдам беради.

Тупроқларнинг механик таркибини далада ҳам аниқлаш мумкин. Соз тупроқлар қуруқлигига жуда қаттиқ бўлиб, кесакчаларини бармоқ билан майдалаб бўлмайди. Бу тупроқнинг нам кесакчаларини кафтга олиб эзсан ва эзилган тасмани доира шаклида бусксак ҳам ёрилмайди. Қумоқ тупроқлар нам ҳолида эшилса ҳам, бироқ доира шаклида букилганда ёрилиб синиб кетади. Қумлоқ тупроқлар қовушмайди, намлигига ҳам сочилиб туради. Қум тупроқлар эса мутлақо қовушмайди. Демак тупроқнинг механик таркибини дала шароитида уни бармоқ билан эзиб ва эшиб кўриш билан аниқлаш мумкин.

**Тупроқнинг структураси.** Майдага чанг заррачаларининг бир-бiri билан бирикиб, ҳар хил шакл ва катталиктаги агрегат (кесакча) лар ҳосил қилиши **тупроқ структураси** дейилади.

Қатламларнинг бу морфологик белгисини аниқлаш билан тупроқдаги органик модда ва бошқа кимёвий бирикмалар ҳамда механикавий заррача ва коллоидлар устида түғри мулоҳазалар юритиш мумкин бўлади. Чунки структуранинг пайдо бўлиши ва структура бўлакчаларининг сифати тупроқнинг механикавий, коллоид ва кимёвий таркибига боғлиқ. Булардан ташқари, структурали тупроқнинг бир қанча физикавий ва физик-кимёвий хоссаларига, шунингдек, сув, ҳаво, иссиқлик ва озиқ режимларига ҳам кучли таъсир этади. Донадор структурали тупроқ структурасиз тупроққа нисбатан сифатли ва унумдор ҳисобланади.

**Тупроқнинг намлиги.** Тупроқнинг морфологик белгиларини ўрганишда ҳар қайси қатламнинг намлигини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга, чунки тупроқнинг баъзи белгилари унинг намлик даражасига қараб ўзгариади. Намлик даражасига кўра тупроқ қатлами хўл, зах, нам, намхуш ва қуруқ бўлади.

Қатлам орасида сув томчилари сизиб турса хўл тупроқ, тупроқни кўл кафти орасига олиб сиқилса, ундан сув томса зах тупроқ, зарра оралиги сув билан тўйингган бўлса нам тупроқ, зарралар тўзимасдан бир-бирига ёпишиб турса намхуш тупроқ ва зарралар тўзғоқ ҳолда бўлса қуруқ тупроқ дейилади.

**Тупроқ қовушмаси.** Ҳар қайси қатламдаги заррача ва бўлакча (агрегат)ларнинг зичлиги характери ва даражаси **тупроқ қовушмаси** дейилади. Тупроқнинг бу морфологик белгиси она жинсининг таркибига, тупроқнинг органик, органоминерал ва механикавий таркибига, структурасига боғлиқ.

Тупроқнинг зичлиги зичли-ўлчагич деб аталувчи асбоблар – плотнотетр билан ўлчанади. Далада тупроқ кесмасини морфологик таърифлашда тупроқнинг зичлиги қуйидаги кўрсаткичларга асосланган ҳолда кўз билан чамалаб аниқланади.

Тупроқнинг жуда зич, зич, ғовак ва сочишма қовушмалари кўп учрайди.

**Жуда зич қовушмали** тупроқни кетмон ёки белкурак билан кавлаб бўлмайди, бу мақсадда лом ва киркадан фойдаланилади. Бу хилдаги қовушма оз чириндили, структурасиз ва оғир механикавий таркибли соз тупроқларнинг айрим қуруқ қатламларида учрайди.

**Зич қовушмали** тупроқларда ҳам қатламларни қазиша кетмон ёки белкуракдан фойдаланиш мумкин. Бу хилдаги қовушма майдага заррачалари кўп бўлган соз ва қумоқ тупроқлар учун хосдир.

*Fовак қовушмали тупроқ* - серчиринди, структура бўлакчалари бир-бирига ёпишмаганлиги сабабли бу тупроқларни ишлаш жуда осон бўлади.

*Сочилма қовушма тупроқ* қум ёки қумлоқ таркибли тупроқларга хос бўлиб, кўпинча бундай тупроқларда органик модда (чиринди) оз бўлади.

Шундай қилиб, тупроқнинг бу муҳим морфологик белгисини ўрганиш билан қатламлардаги сув, ҳаво режими ва тупроқни ишлаш оғир ёки енгил эканлиги аниқланади.

*Тупроқнинг янги яралмаси.* Тупроқ пайдо бўлиш жараёнида вужудга келадиган ва тупроқ қатламларида тўпландиган турли шакл ва кимёвий таркибли моддаларга янги яралма дейилади. Тупроқда борадиган физик, кимёвий ва биологик жараёнлар натижасида ўсимлик ва ҳайвонот оламининг бевосита таъсиридан ҳосил бўлишига кўра кимёвий ва биологик янги яралмаларга ажратилади.

Тупроқ қатламида тўпланиб қолган кальций хлорид ( $\text{CaCl}_2$ ), магний сульфат ( $\text{MgSO}_4$ ), гипс ( $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ), оҳак ( $\text{CaCO}_3$ ) сингарис тузлар шунингдек, темир, кремний оксидлари ( $\text{Fe}_2\text{O}_3$ ,  $\text{SiO}_2$ ) бирикмалари кимёвий янги яралма дейилади.

Тупроқда яшайдиган жониворларнинг ҳаёт кечириши ва ўсимлик илдизларининг ривожланиши натижасида пайдо бўлган йўллар, шунингдек, айрим жониворлар организми орқали чиқарилган моддалар биологик янги яралма ҳисобланади. Ҳар қайси қатламдаги янги яралмаларнинг тури ва характеристики ўрганиш билан тупроқнинг пайдо бўлиши ва айрим қатламлардаги кимёвий ва биологик жараёнларни аниқлаш мумкин.

*Тупроқ қўшилмаси.* Қатлам орасида учрайдиган ва тупроқ пайдо бўлишида қатнашмаган, кейинчалик тупроққа аралашиб кетган минерал, тоғ жинси парчалари, тирик организмлар қолдиқлари ва бошқалар тупроқ қўшилмаси дейилади.

Ҳайвонларнинг суяги, ўсимликларнинг қолдиги биологик қўшилма ҳисобланади. Тош, шағал сингарилар эса минерал қўшилма бўлади. Булардан ташқари, кўмир парчалари, уй-рўзгор асбобларининг синиқлари ва инсон суяклари сингарилар археологик қўшилма дейилади.

Бу қўшилмаларни ўрганиш тупроқнинг ёшини ва инсонларнинг тупроққа қай даражада таъсир қилганликларини аниқлашга имкон беради.

Тупроқнинг юқорида таърифланган морфологик белгиларини ўрганиш тупроқ пайдо қилувчи жараёнларни ҳамда айрим қатламларнинг таркиби, хоссалари характеристи асосида тупроқ типлари, типчалари ва турларини аниқлаш имконини беради.

## ТУПРОҚНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ, МЕХАНИК ТАРКИБИ ВА КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Тупроқ төғ жинсларидан пайдо бўлган. Аммо, тупроқ ўзининг бир қанча хусусиятлари, айниқса унумдорлиги, яъни ўсимликларни сув, ҳаво ва озиқ моддалари ҳамда бошқа ҳаёт омиллари билан таъминлаш хусусияти билан төғ жинсларидан кескин фарқ қиласди. Сув, ҳаво ўтказиш, капиллярлик ва нам сигими каби физикавий хоссаларга эга бўлган бу ғовак төғ жинси қатламларида аста-секин бир қанча янги кимёвий бирикмалар пайдо бўлади.

Тупроқ пайдо бўлишида нураш қобиги юзасида жуда кўп муҳим ва мураккаб ҳодисалар рўй беради, чунончи, органик моддалар пайдо бўлиши ва парчаланиши, органик ва анорганик моддалар тўпланиши, минералларнинг парчаланиши ва синтезланниши, атмосферадан нам тушиши ва бугланиб кетиш, кўёшдан келаётган ёруғлик энергиясининг сингдирилиши ва тарқалиб кетиши каби жараёнлар боради.

Тупроқ, асосан, ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмлар таъсирида рўй берадиган моддаларнинг кичик биологик айланиши натижасида вужудга келади. Тупроқ, төғ жинси ва атмосферадаги турли кимёвий элементлар моддаларнинг биологик айланиши туфайли организмларга ўтади, натижада синтезланган янги органик модда - гумус (чиринди) пайдо бўлади. Органик моддалар парчалангандага эса улар таркибидаги кимёвий моддалар ажralиб, яна атмосферага ва тупроққа қайтади.

Моддаларнинг биологик айланиши туфайли органик моддалар ҳосил бўлиши ва парчаланиши, шунингдек, ўсимликлар билан ҳайвонлар орасида органик қолдиқларнинг минералланиши сингари узлуксиз ўзаро муносабат тупроқ пайдо бўлишидаги асосий омил ҳисобланади ва шу туфайли янги мустақил табиий жисм - тупроқ пайдо бўлади.

Тупроқ, асосан, ўсимликлар олами ва ҳайвонот организмларининг она жинсга ҳар томонлама узлуксиз таъсир этиши натижасида пайдо бўлса-да, аммо тупроқнинг ривожланиши бир қанча табиий шароит ва омилларнинг бевосита ёки билвосита таъсири натижасида давом этади. Тупроқ пайдо бўлиш шароитининг ўзгариши билан тупроқнинг айрим хоссалари ҳам, жумладан, агрономик хоссалари ва унумдорлик даражаси ҳам ўзгаради.

Шундай қилиб, тупроқ пайдо бўлиш жараённида биологик омиллар асосий ўрин эгаллайди, чунки бу жараён натижасида минерал моддалар органик бирикмаларга, органик бирикмалар эса қайта парчаланиб, яна турли минерал моддаларга айланади.

Тупроқ пайдо бўлиш жараёнларининг ривожланиши ва давом этиши натижасида юқорида айтилганидек, она жинслардан янги табиий жисм - тупроқ вужудга келади. Тупроқда ўзига хос бир қанча муҳим хосса ва белгилар юзага келиб, унда она жинс таркибидаги бўлмаган модда ва бирикмалар пайдо бўлади. Натижада тупроқ она жинсдан унумдорлиги билангина эмас, балки морфологик белгилари билан ҳам кескин фарқ қиласи. Шунингдек, тупроқ ўзининг тузилиши ва морфологик белгилари билан тоғ жинсларидан ва турли типдаги тупроқлар эса бир-биридан фарқ қиласи. Тупроқнинг тузилиши, морфологиясини аниқ ва пухта ўрганиш натижасида тупроқ пайдо қиласиган жараёнларининг йўналиши ва даражаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Тупроқ қатламларининг энг муҳим морфологик белгилари тупроқнинг генетик горизонтлари, тупроқ ва қатлам қалинлиги, тузи, механик таркиби, структураси, қовушмаси, янги яралмаси ва кўшилмаси киради.

Тупроқнинг юқорида айтиб ўтилган муҳим морфологик белгилари далада, табиий шароитда ўрганилгандан кейин, шу жойдаги тупроқнинг пайдо бўлиш жараёни ҳамда айрим горизонтларининг таркиби, хусусияти ва характеристики асосида тупроқнинг қайси тип ва турга мансуб эканлиги аниқланади.

2. Тупроқларнинг механикавий таркиби. Она жинс ва тупроқ қаттиқ қисмидаги ҳар хил катта - кичикликдаги минерал зарраларнинг/фоиз ҳисобидаги нисбий миқдорига тупроқнинг механик таркиби дейилади.

Тупроқ ва жинсларнинг механик таркиби унинг физик, физик-кимёвий ва кимёвий хоссаларига қараб бир неча гуруҳларга ажратилади.

Тупроқнинг механик таркиби классификациясида «физик қум» ва «физик лой» фракцияларининг нисбати асос қилиб олинган. Дастраслабки ана шундай классификациялардан бирини Н.М. Сибирцев тавсия этган. Ҳозирги вақтда Н.А. Качинскийнинг анча мукаммалаштирилган ва фойдаланиш учун қулай классификацияси кенг кўлланилмоқда (1-жадвал)

Бу классификацияга кўра механик таркибининг асосий номи «физик қум»нинг «физик лой»га бўлган нисбатига қараб берилади ва қўшимча номланётганда эса, кўпроқ учрайдиган фракциялар миқдори эътиборга олинади.

## 1 - жадвал

**Тупроқлар ва она жинсларнинг механик таркибига  
кўра классификацияси (Н.А. Качинский)**

Механик таркибида кўра қисқача номи	“Физик лой” (<0,01 мм) миқдори, фоиз		“Физик қум” (>0,01 мм) миқдори, фоиз			
	ТУПРОҚЛАР					
	подзол типидаги	дашт, қизил ва сариқ	шўртоб ва кучли шўртоб	подзол типидаги	дашт, қизил ва сариқ	шўртоб ва кучли шўртоб
<b>Кум тупроқ</b>						
Сочилма қум	0-5	0-5	0-5	100-95	100-95	100-95
Бириккан қум	5-10	5-10	5-10	95-90	95-90	95-90
Кумлоқ тупроқ	10-20	10-20	10-15	90-80	90-80	90-85
<b>Кумоқ тупроқ</b>						
Енгил қумоқ	20-30	20-30	15-20	80-70	80-70	85-80
Ўрта қумоқ	30-40	30-45	20-30	70-60	70-55	80-70
Оғир қумоқ	40-50	45-60	30-40	60-50	55-40	70-60
<b>Соз тупроқ</b>						
Енгил соз	50-65	60-75	40-50	50-35	40-25	60-50
Ўрта соз	65-80	75-85	50-65	35-20	25-15	50-35
Оғир соз	> 80	> 85	> 65	< 20	< 15	< 35

Тупроқнинг механик таркиби муҳим агрономик аҳамиятга эга. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, нам сифими каби хоссалари ҳамда ҳаво, сув, иссиқлик каби режимлари механик таркиби билан бевосита боғлиқ бўлиб, суғориш ва заҳ қочириш мелиорациясида бу кўрсаткичлар муҳим роль ўйнайди.

Турли механик таркибли тупроқлар ҳар хил унумдорликка эга бўлганлигидан ерни ишлаш, ўсимликларни озиқлантириш бўйича турли агротехник тадбирлар олиб борилади.

3. Мамлакатимиз тупроқ қоплами, ўзининг мураккаб тузилиши ва хилма-хиллиги билан характерланади. Тупроқларни ўрганишда ва рационал фойдаланишда, уларни тўғри аниқлаш, яъни классификация қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Тупроқларнинг ўхшаш белгилари, келиб чиқиши ва унумдорлиги каби хусусиятларига кўра муайян гуруҳларга бирлаштиришга тупроқ классификацияси (таснифи) дейилади.

Тупроқларни классификациялаш муаммолари тупроқшуносликдаги энг долзарб ва мунозарали масалалардан бири ҳисобланади. Тупроқларни классификациялашда тупроқнинг генетик типлари асос қилиб олинади.

Тип деб, деярли бир хилдаги тупроқ пайдо бўлиш жараёнлари кечадиган ҳамда ўхшаш физик-географик шароитларда катта майдонларда шаклланган конкрет тупроқларга айтилади.

Тупроқ типлари одатда экологик-генетик синфлар ва қаторларга бирлаштирилади.

Табиий шароитларга боғлиқ бўлган тупроқнинг ички асосий хоссаларига қараб, типлар одатда экологик-генетик синфларга бирлаштирилади. Ана шундай хоссаларга тупроқнинг иссиқлик режими, тупроқ пайдо бўлишининг биоэнергетик хусусиятлари ва атмосфера ёғинларига кўра тупроқ сув режимининг ўзгариши сингарилар киради. Тупроқнинг экологик-генетик синфлари билан дехқончилик, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигининг ўзига хос географик хусусиятлари боғлиқ бўлади.

Ҳар бир экологик-генетик типлар синфидағи тупроқлар 4 та генетик қатор (автоморф, ярим гидроморф, гидроморф, қайир-аллювиал) га бўлинади. Тупроқлар гидрологиясига асосланган бу қаторлар қишлоқ хўжалигидаги тупроқлардан самарали фойдаланишда катта аҳамиятта эга.

## ТУПРОҚЛАР ГЕОГРАФИЯСИ. ЎЗБЕКИСТОН ТУПРОҚЛАРИ

1. Ер юзидағи барча тупроқлар ўзига хос географик зонада маълум табиий қонун асосида тарқалган. Тупроқларнинг текислиқда экватордан кутбга томон тарқалиши горизонтал зоналлик ва текислиқдан (денгиз сатҳидан) тоғликка қараб кўтарилиши (аста-секин ўзгариб бориши) вертикаль зоналлик деб аталади. Муайян шароитда маҳаллий омиллар таъсирида бир зонада тарқалган тупроқлар орасида бошқа типдаги тупроқларнинг учраши эса интразоналлик деб юритилади. Масалан: подзол тупроқлар зонасида сув ер юзасига яқин жойлашган ботқоқ тупроқлар учрайди. Ёки бўз тупроқлар зонасида шўрхоклар учрайди. Демак, бу ҳолда ботқоқ (тупроқ) ва шўрхоклар интразонал тупроқлар ҳисобланади.

Ер юзининг текислик қисмида кутбдан экваторга томон қўйидаги горизонтал тупроқ зоналари мавжуд:

- 1) Тундра тупроқлари зонаси;
- 2) Подзол тупроқлари зонаси;
- 3) Ўрмон сур тусли тупроқлар зонаси;
- 4) Қора тупроқлар зонаси;
- 5) Каштан ва қўнғир тупроқлар зонаси;
- 6) Бўз тупроқлар зонаси;
- 7) Чўл тупроқлар зонаси;
- 8) Қизил ва сариқ тупроқлар зонаси.

Юқорида баён қўлганимиздек, тупроқларнинг ўзгариши уларни пайдо қилувчи омиллар (тупроқ она жинси, иқлим, рельеф, ўсимлик, ҳайвонлар ва инсон фаолияти) га боғлиқ.

## 2. Ўзбекистон тупроқлари.

Ўзбекистоннинг рельефи жуда хилма-хил. Чунончи, жанубий ва шарқий томонлари тоғ тизмалари билан ўралган, гарби-шимолий томонлари паст текисликлар Қизилқум саҳроси, Устюрт ва Орол денгизи билан туташиб кетган.

Текисликлар асосан Амударё, Зарафшон ва Сирдарёнинг ўрга ва қуий оқимларига жойлашган бўлиб, республика майдонининг 70-75% ташкил этади. Бу текисликларда Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро ва Хоразм воҳалари билан бир қаторда Қизилқум, Малик, Қарши ва Карноб чўллари ҳам жойлашган.

Ўзбекистоннинг рельефи гарбдан жанубий-шарққа томон аста-секин кўтарилиб боради. Шунинг учун дарёларнинг ҳаммаси шимоли -гарбга томон оқади. Масалан: Амударё қуий оқимининг баландлиги денгиз сатҳидан 60-100 м, Қизилқум чўли 100-150 м, Мирзачўл эса 200-250 м баланд. Бу ерларнинг нишаблиги кам бўлгани учун тупроғи шўр ва шўрланишга бир мунча мойилдир.

Ўзбекистоннинг умумий ер майдони 44405 минг гектар бўлиб, бундан 4277,6 минг гектар ер майдонини алоҳида қўмматга эга бўлган сугориладиган унумдор ерлар ташкил қиласи ёки улар 9,6% (фоизни) ташкил қиласи.

Республика бўйича лалми экин ер майдони 743 минг гектарни ташкил этади. Лалми экин ерларнинг майдони кичик бўлишига қарамай, баъзи хўжаликларда уларни ишлаб чиқариш қуввати анча каттадир. Лалми ерларда қишлоқ хўжалик экин турларини етиштириш тупроқ қатламида ёғингарчилик даврида йигилган намлиқ ҳисобига бўлганлиги сабабли, республикада лалми экинлар ўртacha йиллик ёғингарчилик 200 мм дан юқори бўлган ҳудудларда жойлашган. Бўз ерлар майдони 80,7 минг гектар, шунингдек сугориладигани 46,5 минг гектар, лалми 34,2 минг гектарни ташкил қиласи.

Республиканинг кўпчилик қисмини - 22151,3 минг гектарини яйлов ташкил этиб, чорвачиликнинг асосий озуқа манбаи ҳисобланади. Сув билан таъминланган ер 19449,2 минг гектар ёки 87% ни ташкил этади.

## Ўзбекистон тупроқларининг асосий тип ва типчалари.

Кенглик (текислик) тупроқ иқлим зонаси тизимида Ўзбекистоннинг текислик қисми жанубий зона-сур кўнгир тусли, қумли чўл ва тақирил тупроқлар тарқалган чўл зонасига киради. Республиkaning шарқий қисмидаги вертикал зона (баландлик миңтақа) сида эса тоғ олди паст тоғ бўз тупроқлари, ўрта баланд тоғ жигарранг ва кўнгир тоғ - ўрмон тупроқлари, ҳамда баланд тоғ оч кўнгир тусли ўтлоқи - чўл тупроқлари кенг тарқалган.

Провинциал бўлинниш схемасида (тизимида) Ўзбекистон Ўрта Осиё тупроқ автоморф (зонал) тупроқлар доирасида бир қатор гидроморф тупроқлар ҳам учрайди. Шунингдек тупроқнинг ҳам автоморф, ҳам гидроморф хоссаларини акс эттирувчи ярим гидроморф тупроқлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Суфориладиган тупроқлар алоҳида (ўзгача) хусусиятларга эга бўлган тупроқ типлари бўлиб, улар мазкур тупроқларнинг зоналлик тарқалишида ва суформа деҳқончиликда фойдаланиш натижасида ўзгарганилиги даражаси билан аниқланади.

Тупроқ ҳосил қилувчи она жинслар минерал генезисининг турлича бўлиши, уларнинг литологик тузилишларининг мураккаблиги, қуруқ конгигентал иқлим ва ўсимликлар билан биргаликдаги турлича гидрогеологик шароитлари турли хилдаги тупроқларнинг пайдо бўлишига имкон яратади. Ўзбекистон ҳудудида чўл зонаси ва баландлик (вертикал) минтақа тупроқлари тарқалган, бу ҳақида 2-жадвалда маълумотлар келтирилган.

2 - жадвал

### Ўзбекистон тупроқлари тили ва тишчалари

Т.р	Тупроқлар	Майдони минг гектар ҳисобида	Умумий майдонга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>I. Баландлик (вертикал) минтақасининг тупроқлари</b>			
1.	Оч қўнгир тусли баланд төғ тупроқлари	540	1.2
2.	Жигарранг ва қўнгир ўрта төғ тупроқлари	1660	3.7
3.	Тўқ тусли бўз тупроқлар	1050	2.4
4.	Типик бўз тупроқлар	3050	6.8
5.	Оч тусли бўз тупроқлар	2590	5.8
6.	Ўтлоқи - бўз ва бўз - ўтлоқи тупроқлар	780	1.8
7.	Бўз тупроқлар минтақаси ўтлоқи тупроқлари	670	1.5
8.	Бўз тупроқлар минтақаси ботқоқ - ўтлоқи тупроқ	70	0.2
<b>ЖАМИ:</b>		10410	23.4
<b>II. Чўл минтақасининг тупроқлари</b>			
9.	Сур тусли қўнгир тупроқлар	11025	24.8
10.	Кўмли чўл тупроқлари	1370	3.1
11.	Тақирил ва тақирил тупроқлар	1780	4.0
12.	Ўтлоқи-тақирил ва тақирил - ўтлоқи тупроқлар	460	1.0
13.	Чўл минтақаси ўтлоқи тупроқлари	1790	4.1
14.	Чўл минтақаси ботқоқ - ўтлоқи тупроқлари	50	0.1
15.	Кўмлар	12100	27.3
16.	Бошқа ерлар (чўққилар, қияликлар)	4150	9.3
17.	Шўрхоклар	1270	2.9
<b>ЖАМИ:</b>		33995	76.6
<b>Ҳамма ерлар:</b>		44405	100.0

Ўзбекистон тупроқларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланиш тавсифи ва қиймати кўп жиҳатдан уларнинг у ёки бу тупроқ иқлим зонасида жойлашганлигига боғлиқ.

### **3. Баландлик минтақаси тупроқлари.**

Оч тусли қўнғир тупроқлар дengiz satxidan 3000-3300 m balandlikdan boşlaniб, baland togлarda tarқalgan. Ular kўпроқ элювий va deluvий ётқизикларidan rivожланган, erozияga учрагan va йирик скелетli bўlib, er юзасига чиқib қолган она toғ jинслари bilan birgаликda учрайди. Mайда zarraчали - тошloқ қатламиning қалинлиги odatda kичикroқ, 2 m dan kam ҳолатларда ortadi. Chirindi (gumus) қатlamasi 30-60 cm. Shimolij қияликдаги (экспозиция) mайda zarraчали tупроқларнинг chимли қатlamida gumus miқdori 4-6% gacha etadi, janubiy қияликлардаги шағallli tупроқларда chim қатlamasi учрамайди. Юқори қатlamariдаги gumus miқdori 2-3% dan oшмайди. Bu erlar ёзги чорвачилик яйловлари сифатida fойдаланилади. Иқlimning ўta нокулайлиги bois deхқончилик учун яроқсиз.

Жигарранг тупроқлар асосан ўрта va past баландликдаги togлarda dengiz satxidan 1200-1600 m баландликda tarқalgan. Ular элювиал, deluvivial va тош - шағal проловиал ётқизикларда rivожланган. Mайда tупроқli ёки тош - mайда tупроқdi қатламиning қалинлиги bir неча metргa etishi mumkin. Gumus қатlamining қалиnлиги 30-100 cm atrofida ўзгариб turadi. Жигарранг ювилмаган tупроқларнинг юқори қатlamariдаги gumus miқdori 4% dan 8% gacha, ювилган tупроқларда esa 1,5-3,0% atrofida. Ювилмаган va kучsiz ювилган жигарранг tупроқлар ўzlari tarқalgan minтақадa 30% atrofida, ўrtacha va kучli ювилган aйrimlariда 70% gacha mайдонларни tashkil etadi.

Иқlim va потенциал unumдорлик жигарранг tупроқлардан barқарор юқори лалми экиnlari ҳосилини oлишга imkon beradi. Ammo erlar-nинг ўta muраккab шакли va niшablikning катталиги bu tупроқларда kelajakda қишлоқ хўжалик экиnlarini etиштириш imkonini bermайдi. Ulardan яйлов сифатida fойдаланилади. Urmonlardan қимmatli archa ёғочлари, ёввойи мевалар va dorivor ўсимликлар olinadi.

Tўк тусли бўз тупроқлар dengiz satxidan 700-1000 m dan 1400-1600 m gacha bўlgan mайдонларда toғ oldi tekisliklарining юқори қисмида keng tarқalgan. Bu tупроқ асосан adirlik, past toғlik va past баландликларнинг юқори қисмини iшғol этгани учун deярli sugorilmайдi.

Bu tупроқларда gumus қатlамиning қалиnлиги 70-80 cm gacha boradi. Chirindi miқdori юқори қатlamda 0,8-3,0% ni tashkil этиб, pastki

қатламларда кескин камаяди. Ўта мураккаб рельефли шароитда бу тупроқлар ҳар хил даражада эрозия жараёнлариға мойил. Бу тупроқ тарқалған ерлар баҳорги-кузги яйловлар сифатида фойдаланилади, сокин рельефли ерларда лалмикор (таяминланған лалмикор ерлар) деңқончилик яхши ривожланған. Лалми деңқончиликтен келажакда көнтәйтиришнинг рельефнинг нокулайлиги ва тупроққа механизациялашган ишлов беришнинг нокулайлиги сабабли имкони йўқ.

Асаларичиликни ривожлантириш, доривор гиёҳлар етишириш ва ёввойи мевали ўсимликлар ўстириш учун қулай шароитлар мавжуд. Бу минтақа ўрмон ниҳоллари ва мевали дараҳтларнинг айрим турларини ўстириш учун қулай.

Типик бўз тупроқлар мураккаб рельефли тоғ олди, тоғ ости текисликларида ва дарёларнинг юқори терассаларида 350-1000 м дениз сатҳидан баландликда жойлашган Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, қисман, Наманганд, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида учрайди. Бу тупроқ тарқалған ерлар бирмунча баланд – паст ва анча қия бўлиши ҳамда дарё водийларининг кесиб ўтганлиги билан ажралиб туради. Типик бўз тупроқлар тарқалған зонада йил давомида 250-400 мм гача ёғин ёғиб, тупроқ қатлами 1,5 м гача намланади.

Тупроқлари лойли ва қумлоқли, асосан лёссимондир. Жойлашиш шароити эрозиялашганлик ва ювилиш даражасига боғлиқ ҳолда гумус миқдори ҳайдалма қатламларда 0,8-2,5 фойизни ташкил этади. Бу минтақада лалми ва сугориладиган деңқончилик яхши ривожланған. Республикада типик бўз тупроқли ерлар жами лалми ерларнинг (ярим таяминланған лалми) 70% ини, сугориладиган ер майдонларининг эса 17% ни ташкил этади. Бу тупроқлар республика ер фондининг юқори баҳоли тупроқлари ҳисобланади.

Оч тусли бўз тупроқлар тоғ олди қия текисликларнинг куйи қисми ва паст тепаликларда жойлашган. Уларнинг энг баланд чегараси дениз сатҳидан 350-600 метр. Сирдарёнинг чап соҳили Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарёларнинг юқори терассаси ва текисликларининг катта майдонлари шу хил тупроқдан иборат. Оч тусли бўз тупроқларнинг асосий қисми лёсслар, лёсс сингари она жинслар асосида пайдо бўлган. Оч тусли бўз тупроқлар зонасида йил давомида ўртача 200-300 мм ёғин ёради.

Тупроқнинг устки қатламидаги шўр тузлар яхши ювилмайди, маълум чуқурликда, таҳминан 40-60 см, баъзан 1-2 м пастда ҳам шўрланған қатлам учрайди. Оч тусли бўз тупроқлар бошқа минтақа тупроқларига нисбатан механик таркибиға кўра органик моддалари кам ҳисобланади. Ҳайдалма қатламда 0,5 дан 1,5% гумус бўлади. Оч

тусли бўз тупроқлар миңтақада жами лалми ерларнинг 10% ни (таъминланган лалми) жами суғориладиган майдонларнинг 18 фоизини ташкил этади. Янги суғориладиган ер майдонлари (Мирзачўл, Жиззах, Қарши) чўлларининг катта қисми оч тусли бўз тупроқлардан иборат.

Оч тусли бўз тупроқларнинг донадорлиги яхши эмас. Лекин сув ўтказувчанлиги ва юқори даражада капиллярлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бир оз нишаб ерларда оч тусли бўз тупроқли ерлар ювиш натижасида шўрсизлантирилади, аммо рельефи текис жойларда ортиқча суғориш ва бошқа омиллар таъсирида шўр ер ости суви билан бирга тупроқ юзасига кўтарилиб, қайта шўрланишга сабаб бўлади. Бундай ҳол сизот сувларининг сатҳини камайтириш учун коллектор зовурлар қазиш, тупроқ шўрини ювиш, экинлар суғориш режимини қатъий тартибга солиш, ерларни текислаш, алмашлаб экишни жорий этиш, иҳотазорларни барпо этиш ва бошқа тадбирларни тақозо этади.

Ўтлоқи бўз тупроқлари дарё терассаларининг юқори ва тоғ остики текисликларининг қуий қисмидаги сизот сувлари билан оз миқдорда намланишдан ҳосил бўлади.

Тупроқлари қулай яхши сув физик хоссаларга эга. Ўтлоқи-бўз тупроқлари (бўз-ўтлоқи тупроқлари) нинг оч тусли бўз тупроқлар миңтақасида жойлашган катта қисми турли даражада шўрланган бўлиб, бу ҳолат рельефининг жойлашган ўрнига боғлиқdir. Бу тупроқларнинг бўз (кўрик) ерлари хўжалик ички яйловлари тарзида фойдаланилади.

Ўтлоқи тупроқлар бўз тупроқлар миңтақасининг дарё терассалари қуий қисмидаги, делъта ва яssi тоғ қия текисликларида жойлашган. Улар доимий сизот сувлари билан намланиши натижасида доимий ривожланиб боради ва гумуснинг катта миқдори билан ажралиб (5% гача) туради. Ўтлоқи тупроқларни ҳайдагандаги дренажларни қўрганда гумус таркиби тупроқ ҳайдалма қатламида камаяди, бу эса ҳосилдорликни камайишига олиб келади.

Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар типик ва тўқ тусли бўз тупроқлар миңтақасида қулай агрокимёвий ва агрономик хусусиятларга эга. Ўтлоқи тупроқлар оч тусли бўз тупроқлар миңтақасида яхши дренлашмаган рельеф шароитида жойлашган.

Шунинг натижасида сизот сувлари тупроқ намланишига катта таъсири этади, иқлимининг таъсирида (типик бўз тупроқлар миңтақасига солиштирганда) ўтлоқи тупроқлари шўрланишга мойиллайди. Дренажларнинг ёмонлашувида, улар тез шўрхок тупроқларга айланаб қолади. Ёмонлашган дренаж тизимида, бу тупроқларни кимё-

физикавий хусусиятлари бузилади. Сугориладиган ўтлоқи тупроқларида гумус миқдори 1-2% ни ташкил этади.

**Ботқоқ - ўтлоқи тупроқлари** бўз тупроқлар минтақасининг ўтлоқи тупроқ массивлари оралиғидаги рельефнинг пастлашган ерларида жойлашган. Сизот сувларининг (1 м гача) яқинлиги оқибатида кўп намланишда бу тупроқлар кўп миқдорда органик моддаларга бой.

Дренажларни қурганда ва сизот сувлари сатҳини 2 м пастга туширилганда ботқоқ-утлоқи тупроқлари қуриб, ўтлоқи тупроқлар қаторига ўтиши мумкин.

Бу тупроқлар кам майдонни ташкил этганлиги учун хўжаликда унча аҳамият қасб этмайди.

#### **4. Чўл минтақасининг тупроқлари.**

Чўл минтақаси тупроқларининг асосий хусусиятлари - улардаги гумус миқдорининг камлиги, юқори карбонатлиги, шўрланишнинг кенг тарқалганлиги, жойларда шўрхок ва гипслашганлигидир.

**Сур тусли қўнғир тупроқлар** қадимий геологик тупроқ ётқизиқларида ривожланган. Тупроқ ҳосил қилувчи ётқизиқлари бўлиб - учламчи давр ётқизиқлари ва бошқа қадимий ётқизиқлар хизмат қилади. Бу тупроқларнинг юқори қатламида 0,3 дан 0,7% гача гумус бўлади. Сур тусли қўнғир тупроқлардан асосан яйловлар сифатида йил бўйи фойдаланилади. Сугоришда кам даражада ўзлаштирилади, чунки етарли даражада майда тупроқ қатламига эга эмас, сув ўтказмайдиган қаттиқ ва майдаланувчан шўрланган гипслашган ётқизиқлардан иборат бўлиб, катта майдонда оддий сугоришдан чекланган сур тусли тупроқлар ўзининг ноқулай агрокимёвий ва сув – физик хусусиятлари билан тавсифланади. Ҳайдаладиган ерларда гумус таркиби 0,6% дан ошмайди, ҳаммаси сувда эрувчан тузлари билан шўрланган, уларда карст ва бузилувчан хусусиятлар учрайди. Кучли гипслалиш даражаси 60% гача боради. Гипс горизонтлари қалинлиги 1,0 м гача етади. Гипс горизонтларининг зичлашиши оқибатида илдизларнинг ривожланишига халақит қилади. Бундай ерларнинг мелиорацияси жуда мушкул ва қимматга тушади.

**Қумли чўл тупроқлари.** Қизилқумда, қадимий Амударё дельтасида тарқалган. Улар элювиал ва аллювиал қумли ва қумоқ ётқизиқларда ривожланган, 0,3 дан 0,6 гача гумусга эга. Ерлари доимий яйловлар сифатида фойдаланилади. Тупроғи ноқулай, нотекис рельефда (баланд-паст қумликларда) жойлашганлиги туфайли сугорилганда юза қисмини текислашга, капитал планировка қилишга тўғри келади. Тупроқ қовушқоқлигининг йўқлиги, сугоришга режалаштирилган тупроқнинг

энг кучсиз шамол таъсирида ҳам чант бўлиб учишига олиб келади. Суфориладиган қумли чўл тупроқлари агрономик усусларга яроқсиз ҳисобланади. Улар кам гумусли ( $0,3\text{--}0,4\%$ ) енгил бузилувчан, кўп сув ва озуқа талаб этувчи. Сизот сувларининг кўтарилишида гидроморф режимига ўтади.

Тақирли тупроқлар ва тақирлар водий ва Амударё, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё дельталари, шунингдек Қизилқум ва Устюрт кенглик текисликларида тарқалган. Тақирли тупроқларда ўсимликлар жуда оз ёки умуман бўлмайди. Бу ўз навбатида тупроқ қатламида органик моддаларнинг етишмовчилигига сабаб бўлади. Бундай тупроқларнинг юқори қатламларида  $0,4$  дан  $1,0\%$  гача гумус миқдори бор. Механик таркибига кўра бу тупроқлар оғир ва шўрхок бўлиб, кучсиз сув ўтказувчаникка эга. Чўл зонасида тақир тупроқлар суфориш учун яхши ўзлаштирилган. Улар тез ўзлаштирилади ва яхши ҳосилдор бўлади.

Ўтлоқи тақир тупроқлар дельта текисликларининг тақир ва ўтлоқи зоналари бирлашган ерларда ривожланган. Сизот сувлари  $3\text{--}5$  м чуқурлиқда жойлашган. Гумус миқдори бу тупроқларда аввалда мавжуд бўлган тупроқ қатламларининг гумус ҳолатига кўра  $0,7$  дан  $2\%$  гача бўлади. Деярли барча ўтлоқи-тақир тупроқлар у ёки бу даражада шўрланган, суфориш натижасида шўрланиш кўпаяди. Шундай бўлишига қарамай, бу чўл зонасида суфориш билан ўзлаштириш яхши натижалар беради.

Ўтлоқи тупроқлар чўл зонада дарё дельталарининг доимий ўртacha ва кўп даражада намланган сизот сувларига эга ерларда ( $1\text{--}3$  м) ривожланган. Суфориладиган ўтлоқи тупроқларнинг асосий қисми Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятларида жойлашган. Ўтлоқи ерларда гумус таркиби  $0,5$  дан  $2\%$  гача етади. Сув айрилиш ҳудудларда ўтлоқи тупроқлар енгил механик таркибга, сизот сувлари кучсиз минераллашган ювилган ёки енгил шўрланган грунтлардан иборат. Пастликлардаги ўтлоқи тупроқлар оғир механик таркиб ва сизот сувлари оқимининг ёмонлиги сабабли шўрланиш даражасининг юқорилиги билан характерланади.

Ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар чўл зонасида ўтлоқи тупроқлар каби кулай шароитларда ривожланади, лекин сизот сувлари намлигининг кўплиги оқибатида ботқоқлашади. Ботқоқ-ўтлоқи тупроқларнинг майдони унча катта эмас ва улардан асосан йил мобайнида яйлов сифатида фойдаланилади.

Шўрхоклар дарё дельталари текисликлари ва дельталарда, тоғ олди водийларда пастқам ерлар депресияларида ривожланган. Асосан чўл

зонасида кенг тарқалган бўлиб, оч тусли тупроқларниң қўйи пастки минтақасида тарқалган. Барча шўрхоклар гумус горизонти қатламига эга, бу қатlam ўз навбатида ўсимликлар билан қопланган. Шўрхоклар суфориладиган тупроқлар орасида қўйи текисликларда ва суфориладиган ерлардан ташқарида тарқалган. Керакли мелиоратив тадбирларни ўtkазилса, суфориш учун тайёрлаш мумкин бўлади. Шўрхокларда тузлар юқори горизонт қатламларида жойлашганлиги боис сувда эрувчан тузлар 3 дан 20-30 фоизгача етади.

Юқорида айтилганидек, деҳқончилик амалий фан бўлса-да, тупроқшунослик, ўсимликлар физиологияси, агрокимё ва қишлоқ хўжалиги мелиорацияси каби фанлар унинг асоси ҳисобланади. Тупроқшунослик деҳқончилик тараққиёти талаблари асосида шаклланади ва ривожланиб боради, унинг кўплаб назарий масалаларини ҳал этади. Шунинг учун ҳам деҳқончилик тупроқшунослик билан узвий боғлиқ бўлиб, ерга турли ишлов бериш, ўғит солиш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа жараёнларини илмий-амалий асосларга таянган ҳолда олиб боради.

## **ТУПРОҚНИНГ АГРОФИЗИК ХОССАЛАРИ. ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ВА МАДАНИЙЛИГИ. СТРУКТУРА ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ**

### **1. Тупроқнинг агрофизик хоссалари.**

Тупроқнинг механик таркиби ва структура ҳолати билан бевосита боғлиқ бўлган агрофизикавий хоссалари ҳамда унда кечадиган физикавий жараёнлар тупроқнинг сув, ҳаво ва иссиқлик режимлари, шунингдек, ўсимликларниң ўсиб ривожланишида жуда катта аҳамиятга эга.

Тупроқнинг агрофизикавий хоссалари кўплаб омиллар, жумладан, тупроқнинг қаттиқ, суюқ, газсимон қисми ва тирик фазалари таркиби, улар нисбати ва ўзаро таъсири кабилар билан бевосита боғлиқдир.

Тупроқнинг агрофизик хоссаларига тупроқнинг солиштирма оғирлиги, ҳажмий оғирлиги, ҳайдалма қатlam тузилиши, пластиклиги, ёпишқоқлиги кабилар киради.

Маълум ҳажмдаги абсолют қуруқ тупроқ қаттиқ қисми оғирлигининг  $+4^{\circ}$  ҳароратдаги худди шундай ҳажмдаги сувнинг оғирлигига бўлган нисбатига тупроқнинг солиштирма оғирлиги дейилади.

Тупроқнинг солиштирма оғирлиги унинг минералогик таркиби ва чиринди миқдорига боғлиқ. Тупроқ таркибидаги минералларнинг со-

лиштирма оғирлиги 2,25 - 4,0 оралигіда бўлиб, органик моддаларники 1,25 - 1,80 атрофидадир.

Турли типдаги тупроқлар ва уларнинг айрим генетик горизонтларининг солиштирма оғирлиги бир хил бўлмайди. Умуман тупроқларнинг ўртача солиштирма оғирлиги 2,5 - 2,7 атрофида бўлади.

Табиий ҳолатдаги абсолют қуруқ тупроқ вазнининг шундай ҳажмдаги сув оғирлигига нисбати тупроқнинг ҳажмий оғирлиги дейилади ва  $\text{г}/\text{см}^3$  да ифодаланади. Ҳажмий оғирлик тупроқнинг механикавий ва минералогик таркибиغا, чиринди модда миқдорига, структураси, қовушмаси, шунингдек ишланиш даражасига боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам тупроқнинг ҳажмий оғирлиги тупроқ типи, турига, қатламларнинг таркиби ва хусусиятларига кўра 0,9 дан 1,8 гача ўзгариб туради; сугориладиган бўз тупроқларнинг ҳажмий оғирлиги ўртача 1,2-1,4, оғир механик таркибли ботқоқ тупроқларда эса 1,7-1,9 атрофида бўлади.

*Ҳайдалма қатлам тузилиши ва унинг аҳамияти.* Тупроқнинг қаттиқ қисми ҳажмининг улар орасидаги капилляр ва нокапилляр ковакликлар ҳажмларига нисбати ҳайдалма қатлам тузилиши дейилади. Тупроқдаги ковакларнинг диаметри 1-2 мм дан кичикларини капилляр, 2 мм дан катталарини нокапилляр коваклик дейилади. Нокапилляр ковакликлардан сув фақат пастга ҳаракат қиласи. Капилляр ковакликлар кўпайса, яъни тупроқ зичлашса сувнинг юқорига ҳаракати тезлашади. Капилляр ва нокапилляр ковакликлар нисбати 1:1 бўлганда тупроқнинг сув, ҳаво ва озиқ режими энг қулай бўлади. Тупроқнинг ҳаво, сув, озиқ ва иссиқлик режимлари ҳайдалма қатлам тузилишига боғлиқ бўлади.

Тупроқнинг ҳайдалма қатлам тузилиши муҳим унумдорлик кўрсаткичи ҳисобланади. Тупроқнинг нокапилляр ва капилляр ковакликлар ҳажмининг нисбати унинг сув ўтказувчанлигига, сув кўтارувчанлигига, нам сифимига, нам буғланишига, ҳаво алмашинувига ва микроорганизмларнинг фаолиятига таъсир этади.

Тадқиқотчи олимларнинг маълумотларига қараганда, экинлар учун қулай ҳайдалма қатлам тузилиши умумий коваклик тупроқнинг ялпи ҳажмига нисбатан 50- 60% ни, шундан нокапиллярга 12,5 – 30%, капилляр коваклиги эса 37,5 – 30% ни ташкил этганда намоён бўлиши аниқланган.

Тупроқка ишлов бериш ёрдамида ҳайдалма қатламга керакли тузилиш берилади. Турли ўсимликлар тупроқ зичлигига ҳар хил талаб кўяди. Кўпгина ўсимликлар тупроқ зичлиги  $1,2 - 1,3 \text{ г}/\text{см}^3$  бўлганда яхши ўсади.

 Тупроқ унумдорлиги деганда, ўсимликни бутун вегетация давомида сув ва озиқ элементлари билан таъминлаш хусусияти тушунилади.

Тупроқ унумдорлиги ерга оқилона таъсир этганда яхшиланиб боради, нотўғри ишлов берилганда эса аксинча пасайиб боради.

Тупроқ унумдорлиги табиий ва сунъий турларга бўлинади.

Табиий унумдорлик табиий омиллар таъсирида пайдо бўлади ҳамда тупроқ ҳосил бўлиш шароитига, унинг органик, минерал таркибига, кимёвий ва биологик хоссаларига қараб юқори ёки паст бўлиши мумкин. Сунъий унумдорлик инсон томонидан яратилади. Фан ва техника ютуқларидан фойдаланиб инсон тупроқнинг табиий хоссаларини ўзгартиради. Деҳқончиликда қўлланилаётган ерга ишлов бериш, суғориш, ўғитлаш, алмашлаб экишни жорий этиш, шўрни ювиш, сизот сувлар сатҳини пасайтириш каби агротехник тадбирлар тупроқнинг сунъий унумдорлигини пайдо қиласди.

Тупроқ унумдорлиги потенциал ва самарали унумдорликка ҳам бўлинади. Потенциал унумдорлик тупроқдаги озиқ элементларининг умумий миқдорини кўрсатади. Самарали унумдорлик тупроқдаги ўсимлик ўзлаштира оладиган озиқ моддалар миқдори билан белтиланади.

Ўсимликни ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратилган, зарарли организмлардан тозаланган тупроқ маданийлашган тупроқ дейилади. Тупроқ биологик, кимёвий ва физикавий усусларда маданийлаштирилади.

Биологик усул - бунда тупроқдаги органик моддаларнинг синтезлаши ва чиришини бошқариш, серҳосил, навдор, касаллик ва зааркунандаларга чидамли, маҳаллий шароитга мослашган экин навларини экиш, алмашлаб экишни жорий этиш, бактериал ўғитларни қўллаш каби тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Кимёвий усул - бунда тупроқларга ҳар хил минерал, бактериал ўғитлар солинади, оҳак, гипс ва бошқа моддалар қўлланилиб, тупроқда ўсимлик осон ўзлаштирадиган ҳолатдаги моддалар миқдори кўпайтирилади.

Физикавий усул - бунда ерга физик - механик таъсир этилади, яъни ерга ҳар хил ишловлар берилади, тупроқнинг структурали бўлиши ва унинг ҳаво, иссиқлик, сув ва бошқа омилларини бошқаришда ўтказиладиган тадбирлар мажмуаси амалга оширилади.

Тупроқ унумдорлиги ва маданийлик даражаси ундаги чиринди, микроорганизмлар миқдори, тупроқ муҳити, донадорлиги, тузилиши, ҳайдалма қатлам қалинлиги ва бошқа кўрсаткичларга қараб аниқланади.

## ТУПРОҚ СТРУКТУРАСИ

Тупроқ қаттиқ фазаси, ҳар хил катта-кичиликдаги ўзига хос таркиб ва хусусиятга эга бўлган механик элементлар мажмуасидан иборат. Бу элементлар табиий шароитда якка ҳолда ҳамда ўзаро бир-бирларига таъсир этади ёки муносабатда бўлади. Шунинг учун ҳам юза тортилиш кучи ҳамда бир қатор ички ва ташқи кучлар таъсирида икки ёки ундан ортиқ механик элементлар жисплашиб тупроқ агрегатларини вужудга келтиради. Ўз навбатида бу агрегатлар биологик ва гидрометрик факторлар таъсирида янада йириклишиб тупроқнинг структуралари ўз навбатида тупроқдаги сув ва ҳаво ҳаракатига ёки кетадиган жараёнларнинг ҳаммасига таъсир кўрсатади. Ф.Энгельс таъбирича, тупроқдаги агрегатлар-шундай таянч нуқтаки, ундаги миқдор ўзгаришлари унинг сифат ўзгаришига олиб келади.

3 - жадвал

### Тупроқ структура бўлакчаларининг классификацияси

(С.А.Захаровдан)

Тури	Хили	Агрегат йирик, майдалиги, мм
Палахса	1.тип. Кубсимон йирик палахса майда палахса	>10 10-1
Кесакча	йирик кесакча кесакча майда кесакча	10-3 3-1
Тўзон (чанг) Ёнгоқсимон	тўзон (чанг) йирик ёнгоқсимон ёнгоқсимон	>10 10-7 7-5
Донадор	майда ёнгоқсимон йирик донадор донадор майда донадор	5-3 3-1 1-0,5
Устунсимон	2.тип. Призасимон йирик устунсимон устунсимон	>5 5-3 3
Устуннамо	майда устунсимон йирик устуннамо устуннамо	5 5-3 <3
Призасимон	майда устуннамо йирик призасимон призасимон майда призасимон	>5 5-3 3-1
Плитасимон	3.тип. Плитасимон сланецсимон плитасимон пластинкасимон	>5 5-3 3-1 1
Тангачасимон	япроқсимон йирик тангачасимон майда тангачасимон	3-1 1

*Тупроқ структураси* деб, мазкур тип ва унинг қатламига хос ҳар хил катталикка, шаклга, чидамлика (сувга) эга бўлган агрегатлар ийғиндисига айтилади.

Тупроқда 3 хил (кубсимон, призмасимон, плитасимон) структура фарқ қилиниб, улар бир неча турдан иборат бўлади (3-жадвал).

Ҳар хил тупроқ типи учун маълум бир турдаги структура характеристидир. Масалан, қора тупроқлар учун-донадор кесакчали, подзол тупроқлар учун-баргсимон, шўртоблар учун-устунсимон, бўз тупроқлар учун-кесакчали чангсимон шакли характеристидир.

Деҳқончилик тарихида структурали тупроқларнинг сув, ҳаво ва озиқ режими яхши бўлиши исботланган. Бу борада рус ва МДХ олимларининг (В.В.Докучаев, П.А.Костичев, В.Р.Вильямс, К.К.Гедройц, Н.А.Качинский, И.Б.Ревут) хизматлари катта. Структурали тупроқнинг афзалиги шундаки, унинг тешиклиги айни вақтда икки категорияга бўлинади: ингички, қыл тешикли (диаметри 0,05 мм дан кичик) ва ўирик тешикли, кўпинча агрегатларро тешикли (диаметри 0,2 мм дан каттароқ) бўлади.

Тупроқда бу тешиклар мавжуд бўлса, унинг энг муҳим барча хоссаларисув, ҳаво шароити, микробиологик ва технологик шароитлари ўзаро мувофиқлашади. Натижада тупроқ унумдорлиги юқори бўлади ва экилган ҳар қандай экиндан мўл ҳосил олинади. Бундай структурага эга бўлмаган тупроқлар маданий ҳолга келмаган, унумдорлиги паст ҳисобланади.

Тупроқ структурасининг энг муҳим ҳусусияти-майдаги кесакчали ва донадорлигидир. Диаметри 0,25-10 мм катталиқдаги кесакчаларининг сувга чидамлилигидир. Агрегат бўлакчанинг қайси бир шаклига агрономик жиҳатдан баҳо бермоқчи бўлсан сувга чидамли макро- (диаметри 0,25 мм дан катта) ва микроагрегатлар (диаметри 0,25 мм дан кичик) миқдори инобатга олинади. (4-жадвал).

Принцип жиҳатидан бу қоида тўғри, лекин Ўрта Осиё тупроқларига нисбатан (А.Н.Розанов, С.Н.Рижов, А.А.Роде) бу қоидага жиддий ўзгаришлар киритилди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўрта Осиё тупроқларининг ҳеч қайсиси юқорида кўрсатилган шароитларга мос келмайди. Бироқ шунга қарамай, Ўрта Осиё пахтакорлари суюриш учун сарфланган сув, далаларга солинган ўғит ва сарф этилган меҳнат эвазига бу ерлардан мўл-кўл ҳосил олаётирлар. Бу фактлар, юқорида айтиб ўтилган концепция билан Ўрта Осиё суюриладиган тупроқларига нисбатан қайтадан кўриб чиқилди. Бу қоидалар қуйидагилардан иборат:

- 1) структуралилар критерийси суюриладиган тупроқларда эффектив унумдорлик даражасини кўрсатадиган белгидир;
- 2) агрегатларнинг энг кичик диаметри;

3) сувга чидамли агрегатларни ажратиб олиш усули.

Ўзбекистон Пахтачилик институти ва унинг регионал тажриба станцияларида ҳамда Ўрга Осиё республикаларининг тупроқшунослик ва агрокимё институтларида олинган маълумотлардан қўйидаги хulosага келинди.

1. Бўз тупроқлар минтақасида структурасининг яхшилиги жиҳатидан ўтлоқ тупроқлардан кейинги тўқ тусли бўз тупроқлар, ундан кейинги ўринда типик бўз тупроқлар ва энг кейинги ўринда оч тусли бўз тупроқлар туради.

2. Энг паст «структурали» тупроқлар саҳро зонаси тупроқларири. Булардан тақирлар энг охириг ўринда туради.

3. Бўз тупроқлар минтақасида ҳам, саҳро тупроқларида ҳам гидроморф тупроқларнинг макроструктураси шу минтақа ва зоналардаги автоморф тупроқлариникига нисбатан сувга чидамлироқ бўлади.

4. Ўзбекистоннинг экинбоп тупроқ типлари орасида, макроструктурасининг сувга чидамлилиги жиҳатидан Фарғона водийсининг тупроқлари жуда яхши ҳисобланади. Экинзорларнинг тупроқларини таққослаб кўрганда, улар ўртасидаги фарқ яқъол кўзга ташланади. Бунга агротехника савиясининг таъсири сабаб бўлса керак. Масалан, ЎзПИТИ Оққовоқ тажриба станциясида қадимдан ҳайдаб келинаётган типик бўз тупроқлар ҳайдалма қаватида сувга чидамли агрегатлар миқдори Саввинов усули бўйича аниқланганда, тахминан 15% ни ташкил этди, Фарғона водийсида эса 40% ни ташкил этди; бўз тупроқлар минтақасидаги айрим тупроқ типлари бошқа регион тупроқлари билан таққосланганда ҳам худди шундай натижа олинади.

5. Саҳро тупроқлари ичida энг паст структурали тупроқ -Фарбий Туркманистон тупроқлари ҳисобланади.

6. Ерларни ўзлаштириб экин эка бошлаш ҳам, қўлланиладиган агротехниканинг савияси ҳам тупроқларга турлича таъсир этади. С.Н.Рижов, П.Н.Беседин (сугориладиган бўз тупроқларга доир) ва Б.В.Горбуновларнинг (лалмикор бўз тупроқларга доир) маълумотларига кўра, янги ерларни ўзлаштириб, экин эка бошлаш айрим ҳолларда макроструктура сувга чидамлилигининг камайишига сабаб бўлади: бундай тупроқларда 1 мм. дан йирик агрегатлар миқдори кескин камайиб кетади (саҳро зонасидаги тупроқларга экин экила бошлаганда ҳам айни шу ахвол юз беради).

7. Макроструктуранинг сувга чидамлилиги масаласида ҳайдалма қават билан унинг тагидаги қатлам ўргасида сезиларли фарқ бўлмайди. Ўрга Осиёдаги сугориладиган тупроқлар мана шу хоссалари билан собиқ иттифоқ Европа қисмидаги тупроқларнинг аксари типларидан кескин ажralиб туради.

8. Ўрга Осиёда тупроқ ҳосил қўйувчи она жинс (қатлами алловийлар, пролювийлар, лесслар ва ҳ.к) лар макроструктурали эмас. Аммо алловий ҳул

қатламли бўлганда, баъзан 0,25 мм. дан йирик заррачалар учрайди, айрим жойларда унинг миқдори 20-30% га етади: уларнинг кўп қисми карбонат-гипсли яралмалардан иборат. Шундай қилиб, макроструктура Ўрта Осиё сугориладиган тупроқлари учун ҳосил бўлиш жараёнида вужудга келган маҳсулдир.

9. Сугориладиган тупроқларнинг структурасини яхшилашга имкон берадиган тадбирлар-алмашлаб экишни жорий қилиш, ўт аралашмалирининг роли, алмашлаб экишдаги майсазорлар сонининг пахта далаларига нисбати, экин экишга қадар тупроқни ишлаш усуллари, ниҳоят тупроқни ишлаш вақтида унинг қандай намлика бўлиши зарурлиги кабилар, у ёки бу даражада сувга чидамили макро ва айниқса, микроструктураларни вужудга келтиради. Бу, ўз навбатида ундаги сув, ҳаво ва озиқ режимини ҳамда ўсимлик ҳосилдорлигини бирмунча оширишни таъминловчи омил эканлиги исботланди.

10. Тупроқ структуралигига доир маълумотлар анализ қилинар экан, макроагрегатларнинг тупроқни агрономик жиҳатдан баҳолаш юзасидан В.Р.Вильямс белгилаган 1 мм дан иборат критик диаметрнинг энг кичик миқдорини 0,25 мм гача камайтиришга тўғри келади, чунки 1 мм дан йирик агрегатлар нақадар муҳим бўлса, 1-0,25 мм катталиқдаги агрегатларнинг ҳам шу қадар муҳим эканлигини кўрсатадиган маълумотлар тўпланди. Бу қоида ҳозирги вақтда мавжуд адабиётларда ҳам, чет эл адабиётида ҳам қабул қилинган. Борди-ю 1 мм катталиқдаги диаметрни критик диаметр деб қабул қиласа эканмиз, сабиқ иттифоқ Европа қисмидаги тупроқлари структурасининг мустаҳкамлиги ўртасидаги фарқ яна ҳам ортади.

Кейинги вақтларда С.Н.Рижов, Н.К.Балябо, П.Н.Беседин, Н.Ф.Беспалов, М.У.Умаров ва бошқалар микроструктура тешиклиги ва грунт қовушмасининг тавсифи сугориладиган тупроқларда ижобий аҳамиятга эга эканлигини исботладилар.

11. Олиб борилган экспериментал текширишга кўра, тупроқнинг микроагрегатлик таркибини механик таркиб билан таққослагандা. унинг микроагрегатлиги у қадар яхши билинмайди.

Г.И.Павлов усули бўйича таҳлил қилишда тупроқни ҳўллигича элаш ҳам, пипетка билан таҳлил қилиш ҳам қўлланилади, шу сабабли бу усул тупроқнинг структуралиллик ҳолатини яхшироқ аниқлашга имкон беради.

Шундай қилиб юқорида келтирилган маълумотлар Ўрта Осиёда сугориладиган тупроқларнинг структуралиллик ҳолати сабиқ иттифоқ Европа қисмидаги жойлашган тупроқлардан фарқ қилишини кўрсатади.

Тупроқ структурасининг ҳосил бўлиши унда мавжуд бўлган коллоидларнинг хосса ва хусусиятлари билан ҳамда коллоидларнинг тупроқ эритмасидаги тавсифи билан боғлиқ. Даставвал коллоидлар коагуляция

жараёнида аморф ҳолатдан қаттиқ (чүкма) ҳолатга ўтиш қобилиятига эга бўлиши лозим. «Коагуляция» термини лотинча «Coagulatis», яъни чўкмоқ, ивимоқ, куйилмоқ маъносини беради.

Коагуляция жараёнида дастлаб ибтидоий агрегатлар кейинчалик бир-ламчи агрегатчалар, электр зарядлари таъсирида ёки юза энергиясининг мавжудлиги туфайли иккинчи, учинчи ва юқори тартибли микроагрегатлар вужудга келади.

4 - жадвал

**Тупроқни сувга чидамли агрегатларининг микдорига қараб баҳолаш шкаласи  
(М.Умаров, Ж.Икрамов 1983)**

Сувга чидамли агрегатлар микдори (0,25 мм дан катта агрегатлар йигиндиси бўйича) оғирлигига нисбатан % ҳисобида	>25	Яхши структурали - типик бўз тупроқ минтақасининг ботқоқ, ботқоқ-ўтлоқ тупроқларининг ҳайдаладиган қатламига хос.
	15-25	Ўртча структурали - маданийлашган бўз тупроқ, бўз тупроқ ва бедазорнинг ўтлоқ тупроқларига хос.
	10-15	Енгил структурали - эродирланган типик бўз тупроқ, сугориладиган ранги бўз тупроқ ва чўл зонасидаги гидроморф тупроқнинг ҳайдаладиган қатламига хос.
	5-10	Ёмон структурали - шўрланмаган, сугориладиган тақир тупроқ, шўрланган бўз тупроқ ва чўл зонасидаги бошқа тупроқларга хос.
	<5	Структурасиз - янги ўзлаштирилган тақирлар. Чўл - қумоқ комплексида учрайдиган кулранг ва тақир ерлар учун хос.
	>70	Энг яхши - типик бўзтупроқ минтақасидаги гидроморф тупроқларининг структурали ҳайдаладиган қатламига хос, бедазор бўз тупроқнинг қатлами ва орқа қатлами, шунингдек етилган пайтда ишлаб берилган енгилланган тупроқларга хос.
	50-70	Яхши - етилган пайтда ишлов берилган бўз тупроқ, бедапояннинг қатлами бўйича тақир ва механик таркиби серой бўлган чўл зонасидаги гидроморф тупроқларнинг ҳайдаладиган қатламига хос.
	45-60	Ўртча (қониқарли) - бедапоялар сугориладиган бўзтупроқнинг ҳайдаладиган қатлами ва механик таркиби оғир бўлган чўл зонаси учун хос.
	<45	Қониқарсиз-бўз тупроқнинг кучли зичлашган қуруқ ҳайдаладиган ва хайдов ости қатламлари ва оғир механик таркибли чўл зонаси тупроқлари учун хос (бундай ерлар ҳайдалганда 60% лойли кўчкилар вужудга келади).

Бу тартибда ҳосил бўлган агрегат бўлакчалар кейинчалик ҳар хил йўллар билан йириклиша боради. Кейинги йилларда олиб борилган текширишлар агрегатларнинг сувга чидамлилиги ва механик қаттиқлиги гидроморф тупроқларнинг пастки қатламларидағи иссиқлик ва сув режимларининг ўзгаришидан келиб чиқадиган кимёвий жараёнлар оксидланishiш ва қайтарилиш реакциялари натижасида пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам дарё ўзанларидаги ўтлоқ тупроқларнинг пастки қатламлари, айниқса сизот сувларига яқин турган қисмлари кесакчали, донадор структурага эга бўладилар. Бу бўлакчаларнинг вужудга келишида аэроб ва анаэроб шароитда вужудга келувчи темир элементининг оксидланган ва қайтарилиган бирикмаларининг роли катта.

Агрегат бўлакчаларнинг йириклишувида капилляр (мениск) кучларнинг айниқса, уларнинг сувда чидамлилик қобилиятининг ошишида микроорганизмларнинг роли каттадир. Бу ерда ёмғир чувалчангларининг хизматини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Чувалчанглар тупроқ массасини энг олдин ўз ичакларида қайтадан ишлаб, ташқарига фовак, донадор ва сувга чидамили қилиб чиқаради. Масалан, Ч.Дарвин ҳисобига кўра, бир гектар ердаги тупроқ қатламларида яшаётган 70.000 чувалчанг (бу тақрибий сон) бир йилда 38 тоннага яқин тупроқни ўз организми орқали ўtkазиб майда донадор ҳолатга айлантиради. Шунингдек, структурани вужудга келишида чумоли, термит ва бошқа ҳашоратлар, баъзан ер қазувчи кемириувчи жониворлар ҳам иштирок этади. Умуман олганда биологик йўл билан вужудга келган агрегатлар қолган агрегатлардан фақатгина фоваклиги, сувга чидамлиги билан фарқ қилмасдан, балки ўсимликлар дунёси учун зарур бўлган озиқ элементларининг кўплиги билан тубдан ажralиб туради.

Структуранинг вужудга келишида ва такомиллашувида ҳар хил табиатдаги ва таркибдаги чириндининг, унинг хилма-хил кислоталарининг, тупроқдаги карбонатли бирикмаларнинг роли сезиларлидир. Масалан, қора тупроқ зонасида донадор кесакчали юқори сифатли бўлакчаларнинг вужудга келишида чириндининг, айниқса, гумин иккинчи, учинчи ва юқори тартибли микроагрегатлар кислотасининг роли катта. Бўз тупроқларда, агарда улар карбонатлашган лессли ва лессимон ётқизиклар устида вужудга келган бўлса, агрегат бўлакчаларининг такомиллашишида карбонатли бирикмаларнинг роли каттадир. Биз тупроқ структурасининг вужудга келишида ўсимлик дунёси ролини ёритмадик, чунки бу масала қўйида алоҳида кўриб чиқилади.

Энди структуранинг тупроқда кетадиган жараёнларга таъсири тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Даставвал тупроқнинг агрегатлик ҳолати унинг ғоваклигини таъминловчи кўрсаткичdir, чунки чанг-тўзондан ташкил топган тупроқ қатламида умумий ғоваклик жуда паст кўрсаткичга эга бўлади, айниқса эркин сувларнинг ва унда эриган озиқ-овқат моддаларининг ҳаракатини таъминловчи капилляр тешикчалар бўлмайди (5 —жадвал).

5 - жадвал

**Агрегатларнинг катта-кичиклигига кўра тупроқнинг ғоваклиги тупроқ ҳажмига нисбатан % ҳисобида. (А.Г.Доиренко маълумоти)**

Ғоваклик	Агрегатлар диаметри, мм да				
	<0,5	0,5-1	1-2	2-3	3-5
Умумий	47,5	50,0	54,7	59,6	62,6
Капилляр	44,8	25,6	25,1	24,5	23,9
Нокапилляр	2,7	24,5	29,6	35,1	38,7

Структурали тупроқда физик хосса ва режимни таъминловчи-сув ўтказувчанлик, ҳаво ўтказувчанлик, катта умумий нам сифими, жамғарилган сувни сақлаш қобилияти, эфектив иссиқлик режими каби омиллар мавжуд бўлади.

Структурасиз тупроқларда сув ва ҳаво омиллари қарама- қарши таъсирга эга. Структурали тупроқларда эса сув ва ҳаво бир вақтнинг ўзида иштирок этади.

Дарҳақиқат, агрегатларнинг катта-кичиклиги ҳамда намлигига қараб ҳаво ўтказиши тупроқдаги органик қолдиқларни аэроб ва анаэроб шароитда ачишига (бижишига) ҳамда улардан ҳар хил таркибдаги маҳсулотнинг вужудга келишига олиб келади.

Тупроқ структураси унинг унумдорлигини кўрсатувчи энг асосий омиллардан бири. Тупроқ структураси фақатгина ундаги сув-ҳаво режимига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, балки тупроқда мавжуд бўлган сув ва озиқ жамғармасини ўсимликнинг эҳтиёжига қараб сарфланишини таъминлайди. Структуранинг бу хусусиятини образли қилиб академик В.Р.Вильямс қўйидагича таърифлайди: «Тупроқдаги ҳар бир агрегат унда мавжуд бўлган озиқ моддаларини бекорга сарфланишининг оддини олувчи омонат кассадир. Ўсимлик эҳтиёжига қараб агрегат юзасида мавжуд бўлган озиқ элементларини олади. Кейинчалик илдизлари билан агрегат ичидаги янги озиқ бойликларига етиб боради, дарҳақиқат тупроқ агрегати сув — озиқ моддасининг бекорга сарфланишига тўсқинлик қилувчи катта қалқондир».

Структурали тупроқлар ишлов бериш вақтида ишлов асбобларига кам қаршилик кўрсатади, улардан пластиклик, ёпишқоқлик ҳамда қаттиқлик каби физик-механик кўрсаткичлар паст даражада ифодала-

нади, буларнинг ҳаммаси ўз навбатида тупроқса сифатли ишлов беришга сабаб бўлали ва тупроқ унумдорлигининг ошишига олиб келади.

Шундай қилиб ҳозирги вақтда у ёки бу тупроқ типи ёки турининг эфектив унумдорлиги даставал унинг структуралилик ҳолати билан чамбарчас боғлиқлиги исботланган. Шунинг учун ҳам тупроқ структурасини ўрганиш, уни сақлаш, яхшилаш каби тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

## СТРУКТУРАНИНГ БУЗИЛИШ САБАБЛАРИ

Юқорида баён этилгандардан маълумки, тупроқ структурасининг такомиллашиши узоқ вақт давомида рўёбга чиқади ва кўпдан-кўп процессларга дуч келади. Бироқ унинг бузилиши ва батамом йўқ бўлиши учун узоқ вақт талаб қилинмайди. Ўйламасдан қилинган ҳар бир агротехник тадбир ёки инсониятнинг деҳқончилик фаолияти тупроқ структурасининг бузилишига олиб келади.

Структуранинг бузилишига қуидагилар сабаб бўлади.

**1.Механик кучлар.** Бунга тупроқса ишлов берувчи йирик массали машина ва асбоб-ускуналар киради. Бу борада қишлоқ хўжалигига ишлатиладиган турли машиналарнинг далаларда беҳуда қатнашлари ёки уларнинг экин майдонларида узоқ муддат турив қолишларига йўл кўймаслигимиз керак.

**2.Агротехник тадбирларнинг нотўғри ёки плансиз ўтказилиши.** Масалан, сернам ёки нами қочиб, тобидан ўтиб кетган тупроқни шудгорлаш, ҳайдалган ерни ҳадеб молалай бериш, этилмаган ерларни бороналаш, бўлар-бўлмасга культивация қилиш ва бошқалар. Айниқса, бу ўринда нишаб (қия) ерларни ҳайдаш техникасини бузиш мавжуд структурани бузишгагина эмас, балки тупроқ унумдор қисмининг батамом йўқолишига ҳам олиб келади. Маълумки, нишабни асосий шудгор қилиш қиялик бўйича эмас, балки унда кўндаланг йўналишда ўтказилади. Катта қияликдаги майдонларни ҳайдаш умуман ман этилади. Бундай жойларда табиий ўсимликларни сақлаш ёки майсазор-бутазорлар бунёд этиш лозим.

**3.Ерни сугориш ва ўйтитлаш.** Сугориш сувлари (айниқса улар у ёки бу даражада минераллашган бўлса) таъсирида ҳам тупроқ структураси маълум даражада бузилади. Чунки бу сувлар тупроқ таркибидаги сувда эрувчан бирикмаларни ва тупроқса солинган минерал ўйтитларни эритади ҳамда энг яхши коагулятор ҳисобланган кальций катионини сиқиб чиқаради. Ерга солинган ўғит таркибидаги аммоний тупроқдаги

карбонатлар билан реакцияга киришиб, аммоний карбонат ҳосил қиласади. Маълумки бунда сиқиб чиқарилган кальций катиони туроқдан ювилиб кетади. Бундан ташқари, туроқни аммоний сульфат сингари физиологик кислотали ва натрий нитрат каби физиологик ишқорли минерал ўғитлар билан бир неча йил сурункасига ўғитлаш туроқ структурасининг бузилишига олиб келиши турган гап.

4. Туроқдаги биохимик жараёнлар: гумус ҳосил бўлиши, аэроб (кислородли) ва анаэроб (кислородсиз), бижгиш (чириш) катта таъсир кўрсатади. Чунки туроқ механик заррачаларини бир-бирига маҳкам ёпиштириб турган чиринди микроорганизмлар таъсирида аэроб шароитида батамом шаклланади. Бу ўринда ҳар хил физик-химик ва биохимик жараёнларда ҳосил бўлган сувда эрувчан тузларнинг структурани бузишдаги таъсири жуда катта.

## СТРУКТУРАНИ ТИКЛАШ ШАРОИТЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

П.А. Костичев, К.К. Геройц, В.Р. Вильямс структура ҳосил бўлишининг назарий асосларини ишлаб чиқдилар. Улар туроқнинг агрегатлик ҳолатини (структурасини) тиклашнинг агротехник тадбири ва усулларини ишлаб чиқдилар.

Хозирга қадар туроқ структурали ҳолатини тиклашнинг қуйидаги агротехник усуллари мавжуд:

- 1) туроқقا ишлов бериш;
- 2) туроқни гумин ва улмин кислоталари билан бойитиш;
- 3) нордон (кислотали) туроқларни оҳаклаш, ишқорли туроқларни гипслаш;
- 4) алмашлаб экиш системасини тўғри жорий этиш.

Ишлов ҳар йили қайтариладиган муҳим агротехник тадбир ҳисобланади. Уни амалга оширишда инсоният механик ва физик жиҳатдан катта иш бажаради. Исбот тариқасида Н.А. Качинскийнинг қуйидаги тахминий ҳисобини келтирамиз: бутун ер шарида 1 млрд. гектардан ортиқ ерга деҳқончилик қилинади. Шундан 500 млн. гектар ер майдони 20 см чуқурликда ҳайдалса, инсоният ҳар йили 1000 км<sup>3</sup> туроқни ағдар-тўнтар қилган бўлади. Бу эса бутун ер шаридағи дарёларнинг денгиз ва океанларга олиб келадиган қаттиқ минерал ётқизиқларидан 7-10 марта кўпdir.

Келтирилган оддий бир мисолдан кўриниб турибдики, инсоният ишлов жараённида катта иш бажарибгина қолмай, балки келажак ҳосил тақдирини ҳал этувчи туроқ муҳитини вужудга келтиради.

Етук тупроқшунос олим Э.Рассел таъкидлаши бўйича деҳқончилик системасида тупроқ унумдорлигини таъминловчи агрегат бўлакчаларини вужудга келтира олмаган ишлов усули яроқсиз ҳисобланади. Академик В.Р.Вильямс тупроққа маданий ишлов беришга алоҳида эътибор берди. Унинг таъкидлаши бўйича ишловнинг асосий вазифаси тупроқ ҳайдалма қатламини агрегатчалардан ташкил топган ғовак системага айлантиришдир.

Ишлов жараёнини ўтказиш вақтида тупроқ чанг-тўзонга айланмаслиги лозим.

Бинобарин, бу жараённи тупроқ ўта нам ёки жуда қуриб қолган шароитда олиб бориш мумкин эмас. Сифатли ишловни таъминловчи кўпгина физик-механик жараёнлар ёпишқоқлик, пластиклик, уваланиш, қаттиқлик ва бошқалар - тупроқнинг намлик кўрсаткичи билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Намликнинг ошуви тупроқ ёпишқоқлигини янада кўтарилишига, ишлов асбобларига кўрсатадиган солиширма қаршиликнинг ошишига олиб келади. Шунинг учун ҳам сифатли ишлов беришнинг асосий омили – бу тупроқ оптималь намлик кўрсаткичини топишдир. Оптималь намлик тупроқда қониқарли структурани вужудга келтиради, энг кам ёпишқоқликни, қаттиқликни таъмин этади. Намликнинг бу кўрсаткичини тупроқнинг физик етилганлиги дейилади.

Физик етилган тупроқнинг намлиги пластиклик (нам ҳолатда ўз шаклини сақлаш) ҳолатининг энг қуий даражасига яқин туради. Бу пайтда ҳайдалган тупроқ яхши увоқланади, ерни ишлаш учун кетадиган меҳнат сарфи камаяди ва энг чидамли агрегатлар ҳосил бўлади. Олинган кўпгина маълумотларнинг кўрсатишича типик бўз тупроқларда ҳайдалма қатлам пластиклигининг қуий чегараси 17-19% ни ташкил этади, структура ҳосил бўлиш намлиги эса 19-20% ўртасида ўзгариб туради. Сахро зонасининг сугориладиган ўтлоқи воҳа тупроқларида эса пластикликнинг қуий чегараси механик таркибига кўра 15-19% ни ташкил этса, структура ҳосил бўлиш намлиги эса 17-21% ўртасида бўлади. Хуллас, оптималь намлик кўрсаткичи тупроқнинг механик таркибига кўра дала нам сигимининг (ДНС) 65-75% ни ташкил этади. Тупроқ структурали ҳолатини тиклашнинг асосий йўлларидан бири уни чиринди моддалар билан бойитишдир. Тупроқ чириндиси таркибидаги турли органик кислота (гумин, фульво ва бошқа) лар тупроқ заррачаларини бир-бирига елимловчи модда ролини ўйнайди. Агарда чиринди кислоталари кальций, магний, қисман темир ёки алюминий тузлари ҳолида тупроқ заррачаларини ёпиштиурса, бундай ҳолда ҳақиқий сувга чидамли ва ғовак структуралар вужудга келади. Тупроқ чириндисини кўпайтириш учун унга кўп миқдорда гўнг солиш керак.

Тупроқ структурасини тиклаш унинг кимёвий хусусиятини яхшилаш билан ҳам амалга оширилади. Шўртоб ёки подзол тупроқлар бунга мисол бўлиши мумкин. Бундай тупроқларнинг сингдириш комплексида водород, натрий бўлиб, бундай элементлар иштирокида нордон ёки ишқорий муҳит пайдо бўлишидан ташқари сувга жуда чидамсиз структура ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам бундай тупроқларнинг структурали ҳолатини яхшилаш мақсадида ерга оҳак ёки гипс солинади. Бу тузлар таркибидаги икки валентли кальций тупроқнинг сингдириш комплексидаги бир валентли элементлар ўрнини олади. Бу жараённинг бир неча бор қайтарилиши нордон ва шўртоб тупроқларнинг структурали ҳолатини яхшилайди.

Тупроқни структурали қилишнинг яна бир муҳим тадбири шу зона эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўтдалали алмашлаб экишни жорий этишдир. Шу мақсадни назарда тутиб, ҳар қайси зона шароитига тўғри келадиган кўп йиллик дуккақдош ўтлар (беда, ўйнгичка) ва бир йиллик ўтлар (арпа, бугдой, маккажўхори, оқ жўхори ва бошқаларни) алмашлаб экиласди. Кўп йиллик ўтлар серилдиз бўлганлигидан ерда чиринди ҳосил қилувчи органик қолдиқ тўпланади ва тупроқнинг устки қатламида сувга чидамли донадор структура ҳосил бўлади (6-жадвал).

6 - жадвал

**Кумоқ бўз тупроқлар таркибида сувга чидамли микроагрегатларнинг ўзгариши  
(Г.И.Павлов усули бўйича)**

Вариантлар	0,25 мм дан йирик агрегатлар % ҳисобида			
	Типик бўз тупроқлар		Оч тусли бўз тупроқлар	
	0-25 см	25-40 см	0-25 см	25-40 см
Ўғитламасдан доим пахта экилганда.	20	35	10	27
Тўрт йиллик бедадан сўнг. Уч йиллик бедадан сўнг пахта экишнинг биринчи йили.	61	80	29	49
Уч йиллик бедадан сўнг пахта экишнинг иккинчи йили.	48	75	15	32
Тўрт йил узлуксиз пахта экилгандан сўнг.	21	40	8	19
Доимий гўнг (Органик ўғит) билан ўғитланганда.	6	28	3	9
Доимий минерал ўғитлар билан ўғитланганда.	43	72	25	43
	11	40	6	18

Ўрта Осиё хўжаликларида тўпланган ҳамда илмий-текшириш ташкилотларининг дала шароитида олиб борган кўп йиллик таж-рибаларининг якунлари қўйидаги хуносага олиб келди:

1) кўп йиллик ўт экинлари (айниқса беда) экиш ҳамда ерларга гўнг солиш тупроқ структурасини яхшилайди;

2) ўтлар ҳайдалгандан кейин пахта экишнинг биринчи йилида ёқ ҳар хил тур ва типдаги тупроқларда сувга чидамли макроагрегатларнинг миқдори кўпаяди ва пахга ҳосили ошади;

3) ўтлар ҳайдалгандан кейин экин экишнинг иккинчи йилида ёқ тупроқнинг макроструктураси тез ва кескин ёмонлашади;

4) сурункасига минерал ўғитлар билан ишланганда тупроқнинг структурали ҳолати деярли яхшиланмайди.

Структурани тиклашда термик омилнинг ҳам роли катта. Структуранинг вужудга келишида ҳарорат ва сув асосий омил ҳисобланади. Бу жараён таъсирини қўйидагича тушунтириш мумкин: Совуқ кунлар бошланишидан олдин ёқсан ёғин сувлари ёки сугориш сувлари тупроқ кавакларига кириб, уларни тўлдиришлари мумкин: ҳароратнинг кескин пасайиб кетиши туфайли бу сувлар музлайди, музлаш сув ҳажмини кенгайтиради. Натижада тупроқ тешикчаларида қўшимча катта куч вужудга келади. Бу ҳодиса ўз навбатида механик заррача ва агрегатларнинг бир-бирига янада катта куч билан сиқилишига олиб келади. Кунлар исиши билан тешикчалардаги музлар Эрийди. Тупроқнинг етилганлиги, унинг бирмунча донадор (маҳаллий тилда «қўзилаган») лиги сезилади. Кеч кузда бериладиган «яхоб» сувлар ана шу мақсадни кўзда тутади. Лекин ҳамма вақт ҳам музлаш структура ҳосил қиласвермайди. Музлаш жараёни ҳарорати анча паст ва ўта намланган тупроқларда структура ҳосил қиласвермайди, балки уни бузади.

Маълумотлардан маълум бўлдики, тупроқ структурасининг бу-зилишига сабаб бўлувчи омиллар кўп бўлганидек уни тиклашга қаратилган усуслар ҳам хилма-хилдир. Ҳозирги вақтда шу нарса исботландики, структурали тупроқларда сув, ҳаво, термик ҳамда озиқ режимлари маданий ўсимликлар учун етарли ва қулай шаклда бўлади. Структурали тупроқ маданий тупроқ ҳисобланади.

Шуни қатъий таъкидлаш керакки, структурани тиклашнинг бош масаласи тупроқда чириндinining тўпланишидир.

## **ТУПРОҚ СТРУКТУРАСИНГ ТИКЛАШНИНГ СУНЬЙИ ТАДБИРЛАРИ**

Кейинги йилларда кимё саноатининг тараққий этиши натижасида тупроқда гумус моддалари ўрнини эгаллайдиган юқори молекулали органик кислоталар ишлаб чиқилди. Бунинг учун юқори молекуляр бирикмалар полимерлар ва сополимерлардан фойдалана бошланди. Бу бирикмалар умумий ном билан *крилиумлар* деб юритилади. Крилиумлар асосан, учта органик акрил кислота ( $\text{CH}_2=\text{C}(\text{CH}_3)-\text{COOH}$ ), метакрил кислота  $\text{CH}_2+\text{C}(\text{CH}_3)-\text{COOH}$  ва малеин ( $\text{COOH}-\text{CH}_2-\text{CH}_2-\text{COOH}$ ) кислоталаридан ҳосил қўлинган типик полимерлардир. Крилиумлар таъсирида пайдо бўлган агрегатларни ўрганиш соҳасида ўтказилган кўпгина текширишлар шуни қўрсатадики, полимерлар билан тупроқ заррачалари орасидаги ўзаро кимёвий муносабат туфайли структура ҳосил бўлади. Структуранинг сувга чидамли бўлиши, коллоидлар коагуляцияси туфайлидир. Сунъий структор (крилиум) бундан ташқари биологик фаолдир: таркибида маълум миқдорда озиқ элементларини сақлайди.

Кўпгина олимларнинг текширишларидан аниқланадики, қумоқ ва соуз тупроқларда крилиумлар таъсирида ҳосил бўлган структура 3-5 йилгача, қумоқ ва қумли тупроқларда эса бир йилгача ўзининг агрегатлик ҳолатини сақлаб туради. Агрономик нұқтаи назардан қимматли ва сувга чидамли бу агрегатлар тупроқнинг сув, ҳаво хоссаларини яхшилайди, микробиологик процессларнинг ривожланишига, озиқ режимининг қулай бўлишига ва экинлар ҳосилининг ортишига ижобий таъсир кўрсатади.

Тупроқнинг агрофизик ҳолатларини яхшилаш ҳамда унумдорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли кимё институти томонидан ишлаб чиқилган «К» серияли полимерларни фойдаланиш борасида профессор В.Б Гуссак раҳбарлигига Қ.Мирзажонов, К.Паганяс, Ҳ. Мақсудов ва бошқалар кўпгина тажрибалар ўтказдилар. Олинган маълумотлар сугориладиган бўз тупроқли, тақир ва тақирсимон ерларда «К» серияли препаратларни қўллаб 0,25 мм дан йирик агрегатлар миқдорини 80% гача кўпайтириш ва сугоришга сарфланадиган сувни анча тежаш ҳамда экинлар ҳосилдорлигини ошириш мумкинлигини кўрсатди.

Ҳозирги вақтда МДХда ҳамда чет мамлакатларда (АҚШ, Франция, Англия) жуда кўп хилдаги сунъий структуралар мавжуд. Лекин, сунъий структорни кент кўламда кўллаш учун у қўйидаги талабларга жавоб берishi керак:

1. Структорлар (ёки тупроқ клейлари) тупроқларда ғовак, сувга қидамли ҳамда механик жиҳатдан қаттиқ бўлмаган бўлакчаларни вужудга келтириши.

2. Улар тупроқда инертмасса ҳосил қилиб, биологик ҳаёт учун заҳарли бўлмаслиги лозим.

3. Структор сувни яхши қабул қилиши ҳамда бўкиш хусусиятига эга бўлмоғи лозим, лекин, коагуляция жараёнидан сўнг (тупроқ массасини агрегатли ҳолатга ўтказгандан сўнг) сув таъсирида узоқ вақт бузилмаслиги керак.

4. Структорлар ўзида озиқ элементларини сақлаши, донадорлиги бузилган тақдирда ўсимликлар озиқ элементларини ўзлаштируғи зарур.

5. Структураларнинг фаолияти ҳеч бўлмагандан бир ротация даврини (4-5 йил) ўз ичига олиши лозим, акс ҳолда сунъий клейнинг таъсири қисқа муддатлилиги учун кенг ишлатилмайди.

6. Гумин кислотаси хусусиятига яқин туродиган структорларни излаш ва қўллаш катта аҳамиятга эга.

7. Структор арzon ва жуда фаол бўлиши, тупроқнинг структураси гектарига 0,5-1 тонна сарфланганда тикланиши лозим, акс ҳолда структорлар иқтисодий жиҳатдан ўзини окзоломайди.

Шундай қилиб, тупроқда ўсимликлар учун сув, ҳаво ва озиқ режимларининг қулай бўлиши, шунингдек экин майдонларида қўлланиладиган агрокомплекс тадбирларнинг яхши натижа бериши тупроқ структурасига боғлиқ. Демак структура тупроқнинг муҳим агрономик хоссаларидан бири, у тупроқнинг ғовак қовушмали ва серғовак ҳолатда бўлишини таъминлайди.

Тупроқнинг структуралилиги мазкур хўжалик деҳқончилик маданиятининг даражасини кўрсатади.

## *Саволлар*

1. Деҳқончилик, тупроқшунослик ва агрокимё асослари фанининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

2. Ушбу фанларнинг бир-бiri билан узвий алоқадорлигини нималarda кўриш мумкин?

3. Фан тараққиётига улкан ҳисса кўшган олимлардан кимларни биласиз?

4. Тупроқ пайдо бўлиши ҳақида қандай фикрлар мавжуд?

5. Қайси олимлар тупроқ классификациясининг асосчилари ҳисобланади?

6. Тупроқнинг механик таркиби унинг она жинси билан боғлиқми?

7. Нечта горизонтал тупроқ миңтақалари мавжуд?

8. Ўзбекистон ҳудудида нечта тупроқ типлари учрайди?
9. Чўл миңтақаси тупроқларининг бир-биридан фарқини кўрсатиб беринг?
10. Тупроқ унумдорлиги ва унинг турлари ҳақида нима биласиз?
11. Тупроқ маданийлиги ва уни яхшилаш усувлари ҳақида гапиринг?
12. Тупроқнинг агрофизик хоссаларига нималар киради?
13. Тупроқ зичлиги қандай аҳамиятга эга?
14. Тупроқ структурасини бузилиш сабаблари ва тиклаш усувлари нимадан иборат?

### *Адабиётлар*

1. Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий хужжатлар тўплами. 1-2 том. Т. Шарқ. 1998 й.
2. Абдулаев Х.А. Ўзбекистон тупроқлари. Т. 1973 й.
3. Баҳодиров М. Расулов А.М. Тупроқшунослик. Т. Ўқитувчи. 1975 й.
4. Бобохўжаев И. Узоқов П. Тупроқшунослик. Меҳнат. Т. 1995 й.
5. Ковда В.А. Основы учения о почвах. Т. 1-2. Наука М. 1973
6. Ковда В.А., Розанов Б.Г. Почвоведение. 1-2 части. Высшая школа. М. 1988.
7. Кауричев И.С. «Почвоведение» Колос, М., 1989
8. Л. Турсунов «Тупроқ физикаси» дарслик Т.: 1988
9. Л. Турсунов «Почвенные условия орошаемых земель западной части Узбекистана». Ташкент. Фан. 1981
10. Тупроқшунослик. Маъруза матнлари. Т. 1999 й.
11. Расулов А.М. Эрматов А.К. - Тупроқшунослик асослари ва дехқончилик. Т. Ўқитувчи 1980.

## II. ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

### ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

**1. Деҳқончиликнинг илмий асослари.** Деҳқончилик - қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлиб, аҳолини озиқ-овқат, саноатни хомашё, чорвачиликни эса ем-хашак билан тъъминлайди, экинлардан сифатли ва юқори ҳосил олиш мақсадида уларни парвариш қилиш усуллари, тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирлари билан шуғулланади. Ернинг асосий хусусиятларидан бири унинг эскирмаслигидир. Ердан тўғри фойдаланиш қишлоқ хўжалиги ходимларининг энг муҳим вазифасидир.

Маълумки, ҳамма ўсимликлар ҳам бошқа тирик организмлар каби, ўсиб-ривожланиши ва ҳосил бериши учун муайян шарт-шароит бўлишини талаб қиласди. Демак, уларнинг ҳаёт фаолияти ташқи мұхит билан чамбарчас боғлиқ. Шу боисдан ҳам ўсимликларнинг ташқи мұхит воситасида ўзаро бир-бирига таъсир этиши илмий деҳқончиликнинг асоси ҳисобланади.

Ўсимлик органлари ҳосил бўлишида қатнашувчи, ўсишига, ривожланишига, ҳосилдорлигига, этиширилган маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар деҳқончилика маданий ўсимликларнинг ҳаёт омиллари дейилади.

Ўсимликларнинг ҳаёт омиллари икки гурӯҳга бўлинади: биринчиси, космик ёки энергетик омил, бунга ёруғлик ва иссиқлик; иккинчиси, ер омиллари, бунга сув, ҳаво ва озиқ элементлари киради.

Ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига ҳаёт омиллари билан бир қаторда мұхит шароити ҳам таъсир этади. Мұхит шароити деганда, ҳаёт омилларининг ўсимликка таъсири натижасида содир бўладиган ташқи ҳолатни тушунамиз. Мұхит шароити ўз навбатида уч гурӯҳга бўлинади: 1) тупроқ мұхити (ҳайдалма қатламнинг тузилиши, ернинг шўрланганлиги, сизот сувларининг сатҳи, ишқорийлик, кислоталилик ва бошқалар); 2) фитологик (экинларнинг вегетация даврида унга салбий таъсир этувчи begona ўтлар, касаллик ва зааркунанда ҳамда бошқалар); 3) агротехник тадбирлар (дала ишларини ўз вақтида сифатли ўтказилиши ёки ўтказилмаслиги оқибатида содир бўладиган сабаблар ва бошқалар).

Илмий деҳқончиликнинг иккинчи асоси тупроқ унумдорлиги ҳақидаги таълимотдир. Тупроқ унумдорлиги унинг табиий хоссаси бўлса ҳам, у тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида тўпланганди озиқ элементларига, тупроқнинг физик хоссаларига ҳамда иқлим шароитига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳар бир туман ва хўжаликларнинг тупроқ ҳамда иқлим

шароити ўрганилиб, тегишли миңтақаларга бўлинади. Чунки тупроқ ва иқлим у ёки бу агротехникани қўллашда асос ҳисобланади.

Ўсимликларнинг ҳаёт омиллари ва муҳит шароитини ҳисобга олиб, уларни ўсимлик талабига қараб қўллаш деҳқончиликнинг учинчى илмий асосини ташкил этади. Ўсимликларнинг ҳаёт омиллари ва муҳит шароитини тарихий давр мобайнида ўрганиш натижасида илмий деҳқончиликнинг бир қанча қонунлари таркиб топди.

**2. Деҳқончиликнинг асосий қонунлари.** Қишлоқ хўжалигини интенсив равишда ривожлантириш учун деҳқончиликнинг қўйидаги асосий қонунларини билиш лозим:

1. Ўсимлик ҳаёт омилларининг teng аҳамиятлилик ва алмаштириб бўлмаслик қонуни.

2. Минимум, оптимум ва максимум қонунлари.

3. Ҳаёт омилларининг биргаликда таъсир этиш қонуни.

4. Тупроқдан олинган моддаларни қайтариш қонуни.

Академик В.Р.Вильямс биринчи бўлиб ўсимлик ҳаёт омилларининг teng аҳамиятлилиги ва алмаштириб бўлмаслик қонунини баён этди. Бу қонунга кўра, ўсимлик ҳаёт омилларининг бечириш бошқа бирон-бир омил билан алмаштирилмайди, чунки ҳар бир омил ўсимлик ҳаётида маълум бир функцияни бажаради.

Деҳқончиликда омилларнинг teng аҳамиятлилиги ўсимликнинг унга бўлган эҳтиёжини таъминлашда бир хил шароит бўлмаганлиги учун нисбий аҳамият касб этди. Масалан, турли хил тупроқ-иқлим шароитида етиштирилаётган экинлар мавжуд омиллар ҳар хил нисбатда бўлишини тақозо этади.

Минимум (минимум, оптимум ва максимум) қонуни. Ю.Либих ўсимлик ҳосили минимумда турган фактор миқдорини кўпайтиришга тўғри пропорционаллигини баён этди, яъни ҳосилдорлик минимумда турган омилга бөглиқ бўлади. Ўсимликларнинг ҳаёт омилларига бўлган талаби бўйича минимал, оптималь ва максимал меъёрларни белтилаш мумкин (2-расм).

Деҳқончилика юқори ва барқарор ҳосил етиштириш учун минимум қонунига амал қилиш керак. Бунда минимум ёки максимумда турган омилларни аниқ тадбирлар билан оптималь миқдорга етказиш, ўсимликни бутун вегетация даври давомида ўсиши ва ривожланиши учун қулай (оптималь) шароит яратиш зарур.

XIX асрда тажриба хуласаларига асосан Либшер минимум қонунига қўлпимга киритди. У ҳаёт омилларини биргаликда таъсир этиш қонунини қўйидагича таърифлadi, яъни «Ўсимлик бошқа омиллар билан қанчалик оптималь меъёрда таъминланган бўлса, у минимумда турган омилдан шунча самарали фойдаланади».

Маълумки, ўсимликнинг ҳаёт омиллари алоҳида-алоҳида таъсир этмай, бир-бирлари билан биргаликда таъсир этади. Улар бири иккинчисининг ўрнини боса олмаслиги нуқтаи назаридан тенг аҳамиятлидир.

Ҳаёт омилларининг биргаликда таъсир этиши қонунидан келиб чиқадиган асосий хулоса - қандайдир битта агрономик усул, ҳатто энг таъсирчани билан эмас, балки ҳамма агротехник тадбирлари комплекси қўлланилганда, дэхқончиликда энг юқори самараదорликка эришилади.

Тупроқдан олинган моддаларни қайта-риш қонунини 1840 йилда Ю. Либих кашф этди. Бу унинг дэхқончиликдаги иккинчи қонунидир. Бу қонунга биноан тупроқдан ҳосил билан чиқиб кетган моддалар ўғит солиш йўли билан тупроққа қайтарилиши лозим.


Қайтариш қонунига кўра, тупроқдаги ўсимлик ўзлаштира оладиган озиқ моддаларнинг баланси олинадиган ҳосил биланми ёки бошқа сабаблар натижасида бузиладими, барibir уни тегишли ўғитлар биланми ёки агротехник тадбирлар биланми тикилаш лозим.

Бу қонунга амал қилиш фақат тупроқ унумдорлигини сақлаш ёки оширишдагина аҳамиятга эга бўлмай, балки сифатли ва юқори маҳсулотлар етиштиришда ҳам етакчи роль ўйнайди.

3. Ўсимликларнинг ҳаёт омиллари қишлоқ хўжалик экинларига бир хил таъсир қилмайди. Маълум нав ёки турни ўсув даври давомида бу омиллар турлича таъсир қиласди. Ўсимликларнинг ҳаёт шароитларини, масалан, тупроқ шароитини ҳар хил агротехника усуллари билан бошқариш мумкин. Бу агротехник тадбирлар ҳаёт омилларининг ўсимликларга таъсирини оширади. Агротехник тадбирлари биринчи навбатда нисбатан минимумда омилга таъсир қиласди.

Агротехник тадбирлар ўсимликни бутун вегетация даври давомида ўзгариб турадиган талабига мувофиқ бўлганда унинг ўсиб ривожланишини бошқарадиган энг таъсирчан омил бўлади.

Энг яхши агротехник тадбирни ҳам сифатсиз ўтказилса, у кутилган натижани бермайди. Шудгорлашни ўз вақтида ўтказмаслик, экинни сифатсиз ўтказиш каби агротехник тадбирлар экинларнинг ўсиши ва ривожланишига, ҳосилдорлигига салбий таъсир қиласди.



2-расм. Минимум қонунини ифодаловчи график - чизма - Добенек бочкаси.

## ТУПРОҚНИНГ СУВ ВА ҲАВО РЕЖИМЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ БОШҚАРИШ

1. Тупроқда ва ўсимликда бўладиган кимёвий ва биокимёвий жараёнлар сувли муҳитда кечади. Ўсимлик сув билан етарли таъминлангандагина унда ўсиш, ривожланиш ва барча физиологик жараёнлар нормал ўтади. Ҳар қандай маданий ўсимлик уруғи униб чиқишидан олдин маълум миқдорда сув шимади.

7 - жадвал

**Урганинг униб чиқиши учун талаб этиладиган сув миқдори.**

(Уруг вазнига нисбатан% ҳисобида)

Экинлар	Талаб этиладиган сув	Экинлар	Талаб этиладиган сув
Ғўза	60,0	Зигир	100,0
Маккажӯхори	44,0	Қанд лавлаги	120,3
Буғдой	45,5	Тариқ	25,0
Арпа	48,2	Кўк нўхот	106,8
Жавдар	57,5	Беда	56,3
Сули	59,8	Қизил себарга	117,3

Ўсимликлар таркибида 80-90% гача сув бўлади. Ўсув даврида ўсимликлар бу сувнинг асосий қисмини буғлантириб юборади. Кузатишларга қараганда, ўсимликлар бутун вегетация давомида ўзлаштирган сувнинг атиги 0,01-0,03% ни ўз организмини шаклланиши учун сарфлайди.

Ўсимликларнинг сувга бўлган талаби уларнинг ривожланиш фазаларига қараб турлича бўлади. Масалан, кузги буғдой най чиқариш ва бошоқлаш даврида, маккажӯхори гуллаш ва дони сут пишиқлиги фазасида, картошка гуллаш ва ҳосил тугиши даврида, кунгабоқар гуллаш ва саватча ҳосил қилиш фазасида, ғўза гуллаш ва мева тугиши даврида сувни кўп талаб қиласди. Кўп йиллик экинлар эса сувга янада талабчан бўлади.

Ўсимликлар илдизи ёрдамида тупроқдаги намни ўзлаштириб, уни организми орқали атмосферага буғлатиб туриши **транспирация**, 1 грамм куруқ модда ҳосил қилиши учун сарфлаган сув миқдори эса **транспирация коэффициенти** дейилади.

Тупроқнинг сув режимини ўрганиш ва бошқариш йўлларини билиш экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишда катта аҳамиятга эга.

Ғўза ўсиш даврида жуда кўп сув сарфлайди, чунончи, чинбарг чиқарган даврида бир гектар ердаги ғўза суткасига  $10-12 \text{ м}^3$ , шоналаш даврида  $30-50 \text{ м}^3$  гуллаш ва мева тугиши даврида энг кўп  $80-120 \text{ м}^3$ , кўсаклар очилиши даврида эса  $30-40 \text{ м}^3$  сув сарфлайди. Бир гектар пахта майдонида ўсув даврида  $5000-8000 \text{ м}^3$  сув сарфланади.

2. Тупроқда сувнинг икки хил шакли бор: «Физикавий бириккан» сув ва «кимёвий бириккан» сув. Кимёвий бириккан сув минерал коллоидлар ва минераллар таркибида бирикма ёки молекула шаклида учрайди.

Физикавий шаклдаги сув қуйидаги хилларга бўлинади: бугсимон сув, гигроскопик сув, пардасимон сув, капилляр сув ва гравитацион сув. Ҳар қандай шароитда тупроқдаги сувнинг бир қисми буф ҳолатига ўтади. Тупроқ ғовакликларида буф тупроқ ҳароратини ўзгариб туриши натижасида томчи ҳолатига ўтиши ва ўсимликнинг илдизи орқали ўзлаштирилиши мумкин. Гигроскопик сув тупроқ зарралари юзасига сингдирилган намлиkdir. Пардасимон сув тупроқ заррачаларининг сиртидан юпқа парда сингари ўраб олган бўлади. Гигроскопик ва пардасимон сувни ўсимлик ўзлаштира олмайди.

Капилляр сув тупроқ қатламларидағи капилляр ғоваклар орқали қуий қатламдан юқори қатламга эркин ҳаракат қиласидан сувдир. Капилляр сув тупроқнинг жуда майда капиллярларини (йўлларини) тўлдиради ва ўсимликни сув билан таъминланада асосий манбалардан ҳисобланади.

Гравитацион сув. Тупроқнинг нокапилляр ғоваклари орқали юқоридан қуий қатламларига эркин ҳаракатланадиган сув гравитацион сув дейилади ва ундан ўсимлик қисман фойдаланади.

Тупроқнинг сув режими унинг агрофизик ва сув хоссаларига боғлиқ бўлади. Тупроқнинг сув хоссаларига сув ўтказувчанлиги, тупроқнинг сув кўтариш хусусияти, нам сифими кабилар киради.

Тупроқнинг маълум миқдорда ўзига сув сингдириб ушлаб туриш қобилияти унинг *нам сифими* дейилади. Тупроқнинг нам сифими максимал гигроскопик, капилляр, дала ва тўлиқ нам сифимларига бўлинади. Деҳқончилик нуқтаи назаридан капилляр, тўлиқ ва дала нам сифимлари аҳамиятли ҳисобланади.

Капилляр нам сифими деганда тупроқнинг капилляр ғовакларида ушланиб турган сув миқдори тушунилади. Капилляр нам сифими капилляр ғовакликлар ҳажмига ва шу капиллярларга намликни келиб туришига боғлиқ бўлади. Ҳамма ғовакликларни сув билан тўлиши тўлиқ нам сифими дейилади. Гравитацион сув юқоридан қуий қатламга оқиб кетгандан сўнг тупроқда ушланиб қолган сув миқдорига тупроқнинг максимал дала нам сифими дейилади.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги деб юқоридан пастки қатламларига сув ўтказиши қобилиятига айтилади.

Капилляр оралиқлар орқали сувни пастдан юқорига кўтаришига эса, тупроқнинг сув кўтариш хусусияти дейилади. Сув ўтказувчанлик

ва сув кўтариш тезлиги см/сек, см/мин ва ҫм/соатларда ифодаланади. Тупроқнинг сув хоссалари унинг механик таркибига, структурасига ва тузилишига боғлиқ бўлади.

Тупроқ сув режимини тўғри бўлиши учун: тупроқнинг сув ўтказувчалигини яхшилаш, нам сигимини ошириш, намни юқорига кўтариш хусусияти ва унинг буянниш сатҳини камайтириш зарур. Бевосита тупроқ сув режимини бошқаришда қўлланиладиган тадбирлардан энг муҳими тупроқни сифатли ишлашдир. Ер сифатли ишланганда тупроқ тузилиши яхшиланади, унинг ғовак, кесакли структураси сақланади ва бегона ўтлар йўқолади. Намликнинг беҳуда сарф бўлиши камаяди. Тупроқнинг сув режимини бошқаришда сугоришни тўғри ташкил этиш ва сугоргандан сўнг ер етилиши билан сифатли ишлов бериш муҳим аҳамиятга эга.

Сугориладиган дәхқончиликда тупроқнинг сув режимини яхшилаш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Тупроқда максимал даражада нам тўплаш ва фойдасиз сарфланишини, қўйи қатламларга сизиб кетишини, ёғин сувларининг пастликка, жарликларга оқиб кетиши ва бошқаларни иложи борича камайтириш зарур. Экилган уруғни биринчи навбатда тупроқнинг табиий намидаги үндирисиб олиш ва ундағи мавжуд намни сақлаган ҳолда оқилона фойдаланиш тадбирларини кўриш лозим.

Алмашлаб экиш далаларига экинларни тўғри навбатлаб экиш, срга органик ўйтлар солиш, ерни экишга сифатли тайёрлаш ва уруғни ўз вақтида экиш, ўсимликларни юқори агротехника асосида парвариши қилиш кабилар тупроқнинг сув режимига таъсир этувчи энг муҳим омиллар ҳисобланади.

3) Ҳар қандай тупроқда ҳамма вақт маълум миқдорда ҳаво бўлиб, ундағи бўшлиқларни тўлдириб туради.

Маълум вақт ичida тупроққа ҳаво кириши ва унинг миқдори ҳамда таркибини ўзгариши **ҳаво режими** дейилади.

Тупроқда атмосферадан кирган ҳаво ва тупроқдаги ҳар хил биокимёвий процесслар натижасида ҳосил бўлган газлар учрайди. Атмосфера ҳавосининг таркиби тупроқ ҳавосининг таркибидан анчагина фарқ қиласи. Атмосфера ҳавосида N (азот) 78,8%, O<sub>2</sub> (кислород) 20,95%, CO<sub>2</sub> (корбонат ангидрид) 0,03%, тупроқ ҳавосида эса N 78-80%, O<sub>2</sub> 19-21%, CO<sub>2</sub> 0,1-1,0% бўлади. Тупроқ ҳавоси унда яшайдиган айрим микроорганизмлар учун зарур, чунки тупроқда ҳаво етишмаса, аэроб микроорганизмлар ҳаёт кечира олмайди. Натижада органик қолдиқлар яхши чиримасдан, ўсимликлар ўзлаштира оладиган озиқ моддалар ҳосил бўлиши учун шароит бўлмайди.

Тупроқ ҳавоси таркибидаги кислород тупроқдаги ҳар хил минерал ва органик моддаларни оксидлайди. Натижада оксидланган баъзи элементлар эрувчан ҳолатга ўтса, айримлари аксинча, ҳаво етарли бўлмаган тупроқда ўсимликлар ҳаёти учун зарарли бўлган ҳар хил кимёвий бирикмалар ҳосил қиласди. Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши зарур ҳисобланган азот анаэроб шароитда газ ҳолдаги бирикмаларга ўтиб, тупроқдан атмосферага эркин ҳолда чиқиб кетади. Демак тупроқнинг унумдорлиги учун ҳавонинг аҳамияти ҳам муҳим ҳисобланади.

| Ўсимликлар ҳаётида ҳаво бошқа омиллар билан тенг аҳамиятга эга. Чунки ўсимликлар карбонат ангидридни ўзлаштирганда нафас олиш жараёни содир бўлиб, бунда кислородни ҳам сингдиради ва маълум миқдорда иссиқлик ажralиб чиқади. Ўсимликлар илдизи нафас олганда ажralиб чиқадиган  $\text{CO}_2$  бир қанча минерал моддаларнинг эрувчанилигини оширади. Бу ўсимликларнинг яхши озиқланишига ёрдам беради./

Ўсимликларда нафас олишга қараганда фотосинтез жараёни бир неча бор фаолроқ ўтади. Шунинг учун ҳам ўсимликларда органик моддалар тўпланади. Фотосинтез жараёнида ўсимликлар атмосферада 1 т углерод ўзлаштиурса, айни вақтда 2 т эркин кислород ажralиб чиқади.

Тупроқ ҳавосининг таркиби вақт-вақти билан ўзгариб туради. Тупроқ ҳавоси таркибидаги  $\text{CO}_2$  миқдорининг ортиши билан  $\text{O}_2$  миқдори камаяди. Кислород тупроқ типига қараб, 2-3% гача камаяди,  $\text{CO}_2$  миқдори эса 10% гача ортади.

Тупроқ ҳавосининг таркиби ва миқдори экинлар турига, ҳароратга, намликка ва унинг аэрациясига боғлиқ. Атмосфера ва тупроқ ҳавосининг алмашиниши тезлигига экинларни парвариш қилиш агротехникаси таъсир этади. Ерларни ўз вақтида ҳайдаш, сугориш, экин қатор ораларини ишлаш тупроқда ҳаво алмашинишини тезлаштиради. Ўсимлик илдизининг нафас олишида ва аэроб микроорганизмлар фаолиятида тупроқ ҳавосидаги кислород ниҳоятда зарур.

Иzlанишлар шуни кўрсатади, тупроқ умумий ғоваклигини 25-40% и ҳаво ва 75-60% и сув билан банд бўлганда маданий ўсимликлар яхши ўсади. Ўсимликларнинг нормал ўсиши ва ривожланишига тупроқ ҳавосининг таркиби ҳам таъсир этади. Масалан, тупроқ ҳавосида кислород етишмай, карбонат ангидрид миқдори ортикроқ бўлса, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши сустлашади, айрим вақтда эса қурийди. Тажриба маълумотларига қараганда, тупроққа кислород

бемалол кириб турғандагина нитрофикация жараёни фаол кечади ва азотобактерияларнинг тупроқда азот тўплаши учун шароит вужудга келади. Кислород микроорганизмлар учун жуда зарур.

Тупроқнинг ҳаво ўтказувчанлиги унинг механик таркибига, донадорлигига ва тузилишига боғлиқ. Донадор ғоваксимон ва юмшоқ тузилишга эга бўлган тупроқлар ҳавони яхши ўтказади. Структурасиз, зич тупроқлар ҳавони ёмон ўтказади.

(Тупроқнинг ўзида маълум миқдорда ҳаво ушлаб туриш қобилияти унинг ҳаво сифими дейилади. У асосан тупроқнинг ғоваклигига ва намланиш даражасига боғлиқ бўлади!)

Экинлардан юқори ҳосил олишда тупроқда қулай ҳаво режимини яратиш зарур тадбирлардан бири ҳисобланади. Бунинг учун ерни чукур ва сифатли шудгорлаш, чизеллаш, бороналаш ва культивациялаш каби агротехник тадбирлардан кенг фойдаланиш, тупроқдаги намликни меъёридан ошиб кетишига йўл қўймаслик зарур.

## **ТУПРОҚНИНГ ИССИКЛИК ВА ОЗУҚА РЕЖИМЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ БОШҚАРИШ**

Ўсимликларнинг уруғдан униб чиқиши, нормал ўсиб ривожланиши ва тупроқдаги турли микроорганизмларнинг ҳаёти бевосита тупроқдаги иссикликка боғлиқ.

Ўсимликлар ҳаётининг дастлабки даврида тупроқ ҳарорати ҳал қилувчи аҳамиятта эга бўлса, майсалар чиққандан кейин эса ҳаво ҳарорати катта аҳамиятта эга бўлади.

Экилган уруғларга уларнинг униб чиқиши ва кейинги ўсиши учун тупроқда маълум ҳарорат бўлиши керак. Уруғлар муайян ҳароратда униб чиқади. Агар ҳарорат ургунинг униб чиқиши учун етарли бўлса, минимал, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай бўлса, оптималь, агар ундан юқори бўлса, максимал ҳарорат дейилади. Максимал ҳарорат ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир этади.

Ўсимлик уруғининг униб чиқиши учун зарур ҳарорат, яъни минимал ҳарорат билан ўртacha суткалик ҳарорат орасидаги фарқ фойдали, яъни эффектив ҳарорат дейилади.

Ўсимликлар турига қараб ҳароратга турлича муносабатда бўлади. Масалан, улардан баъзилари юқори ҳароратда (ғўза, сули, маккажӯхори ва бошқалар) нормал ўсиб ривожланса бошқалари баҳорги дон экинлари нисбатан пастроқ ҳароратни талаб этади. Кузги дон экинлари қишини енгил ўтказади, баҳоргилари эса қишки паст ҳароратда нобуд бўлади.

Ғұза учун оптималь ҳарорат  $25\text{-}30^{\circ}$ , максимал ҳарорат эса  $35\text{-}37^{\circ}$ ; күзги галла экинлари (күзги жавдар, күзги бүгдой, баҳори арпа, сули, баҳори бүгдой) учун оптималь ҳарорат  $20\text{-}25^{\circ}$ , максимал ҳарорат эса  $30\text{-}35^{\circ}$  ҳисобланади.

Маккажұхори учун оптималь ҳарорат  $25\text{-}30^{\circ}$  ва максимал ҳарорат  $35\text{-}40^{\circ}$  ҳисобланади.

Ҳарорат күтәрилғанда иссиқликнинг ўсимликлар ҳаёт фаолиятига тәсіри тубдан ўзарағадиган даражаси ҳарорат нұқталари дейилади.

Ўсимликлар иссиққа бўлган талабига кўра икки гуруҳга бўлинади.

1. Мўътадил иқлим поясида ўсадиган ўсимликлар.

2. Жанубий кенгликларда ўсадиган ўсимликлар.

Биринчи гуруҳга мансуб ўсимликлар: арпа, сули, бүгдой, жавдар, кўк нўхат, беда ва бошқалар. Уларнинг уруги ўргача ҳарорат  $1\text{-}5^{\circ}$  бўлганда униб чиқади,  $10\text{-}12^{\circ}$  да гуллайди ва етилади. Бу ўсимликларнинг майсаси  $5\text{-}10^{\circ}$  да ҳам ҳаёт фаолиятини давом эттираверади. Шунинг учун бу ўсимлиknинг уруги эрта баҳорда - февралнинг охири ва мартнинг бошларида экиласди. Айрим экинлар совукқа анча чидамли бўлади. Масалан, беда қор тагида -  $40^{\circ}$ , қор бўлмаганда эса  $-30^{\circ}$  совукқа чидайди.

Иккинчи гуруҳга иссиқсевар ўсимликлар: ғўза, маккажұхори, оқжұхори, шоли, қовун, тарвуз ва бошқалар киради. Уларнинг уруги  $10\text{-}12^{\circ}$  да униб чиқади ва  $15\text{-}20^{\circ}$  да гуллайди. Шунга кўра, уларнинг уруги кеч, яъни мартнинг охири ва апрелнинг бошларида экиласди. Бу ўсимликлар орасида ғўза ўта иссиқсеварлиги билан ажralиб туради, чигит тупроқ ҳарорати  $10\text{-}12^{\circ}$  бўлганда унса ҳам, майсаси  $16^{\circ}$  да ер бетига чиқади. Унинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун ҳарорат  $25\text{-}30^{\circ}$  дан паст бўлмаслиги шарт, акс ҳолда ғўзанинг ривожланиши сусайди. Чигит униб чиқиши учун  $84^{\circ}$ , ғўза шоналаши учун  $400^{\circ}$ , гуллаши учун  $415^{\circ}$ , кўсаклар очилиши учун  $660^{\circ}$ , жами  $1560^{\circ}$  фойдали ҳарорат зарур.

Кечпишар ғўза навларининг вегетация даври  $150\text{-}160$  кун, чигит униб чиқиши учун  $84^{\circ}$ , ғўза шоналаши учун  $415^{\circ}$ , гуллаш учун  $700^{\circ}$ , кўсаклар очилиши учун  $720\text{-}800^{\circ}$ , жами  $1770\text{-}2000^{\circ}$  фойдали ҳарорат керак.

Иссиқлик режимини бошқариш тупроқ унумдорлигини оширишда ва экинлардан мўл ҳосил етиширишда муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Экинларнинг турига қараб уругини униб чиқиши, ўсиши ва ривожланиши учун ҳар хил миқдорда иссиқлик талаб этади.

Ерга солинган чиримаган гўнг, органик ўғитлар тупроқнинг иссиқлик режимини яхшилади, чунки 1 тн гўнг чириганды  $4\text{-}5$  млн ккал иссиқлик ажralиб чиқади.

Ерга барқарор совук тушмасдан олдин чуқур ва сифатли шудгорлаш тупроқнинг иссиқлик режимини яхшилашда самарали тадбир ҳисобланади (3-расм).



3-расм. Тупроқни иссиқлик режимини яхшилашда шудгорнинг аҳамияти катта.

омили чигит ёки бошқа экинлар уруғи экилгандан кейин ерларни мульчалашдир. Мульча сифатида чириган гүнг, кўмир кукуни, қора қофоз ва плёнка каби материаллардан фойдаланиш мумкин.

Озиқ моддалар ва сув тупроқ унумдорлигининг асосий элементлари ҳисобланади. Ўсимликларнинг озиқ элементларга талабчонлиги экинларнинг турига, навига, ҳосилдорлигига боғлиқ. Ўсимликларнинг бу соҳадаги талабини қондириш дәхқончиликдаги асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Тупроқнинг озиқ режимини бошқаришдаги барча тадбирларни куйидаги гурӯҳларга бўлиш мумкин:

- 1) тупроқни озиқ моддалар билан бойитиш;
- 2) тупроқдаги ўсимликлар қийин ўзлаштирадиган озиқ элементларини ўзлаштирадиган ҳолатга ўтказиш;
- 3) озиқ моддаларни ўсимликлар осон ўзлаштириши учун шароит яратиш;
- 4) тупроқда озиқ моддалар камайишига қарши кураш.

Озиқланиш ҳар қандай тирик организмнинг, шу жумладан, ўсимликларнинг ҳам ўсиш ва ривожланиш асосидир.

Кўпчилик тупроқларда ўсимликлар осон ўзлаштирадиган шаклдаги азот, фосфор ва калий кам бўлади, аммо ўсимликларнинг бу элементларга бўлган талаби ерга ҳар хил минерал ўғитлар солиши орқали қондирилади. Тупроқда зарур озиқ элементлардан бироргаси етишмаса, ўсимликлар нормал ўсиб ривожланмайди. Лекин озиқ моддалари ҳаддан ташқари кўп бўлса ҳам ўсимликларга салбий таъсир қиласди.

Тупроқдаги озиқ моддаларни ўзлаштириш миқдори экинларнинг турига, навига, ҳосилига ва улар ўсаётган шароитга боғлиқ.

Ғўза азот, фосфор ва калийга ниҳоятда талабчан ўсимлик. Масалан: 1-т пахта етиштириш учун тахминан 56 кг азот, 23 кг фосфор ва 53 кг калий талаб қилинади.

Этаг ва пушталардаги қулай ҳарорат режими тупроқнинг физикавий хоссалари билан боғлиқ ҳолда чигитнинг барвақт ва қийғос униб чиқишига имкон беради. Бундай ерларда чигит текис ердагига нисбатан 5-6 кун олдин униб чиқади.

Тупроқ ҳароратини оширишни ва режимини тартибига солишининг яна бир асосий

Кунгабоқар азот ва фосфорга қараганда калийни күпроқ ўзлаштиради. 1 т кунгабоқар ҳосили учун тупроқдан 228 кг калий, 50 кг азот ва 27 кг фосфор сарфланади. Илдизмевалилар ва тугунакмевалилар ҳам фосфор ва азотга қараганда калийга күпроқ талабчан. Одатда озиқ элементларнинг умумий миқдори ҳар гектар ерда бир неча тонна атрофика бўлади. Масалан, кузатишларга қараганда, қадимдан деярли 100 йилдан ортиқ суюрилиб дехқончилик қилинаётган бир гектар типик бўз тупроқли ернинг 0,28 см ҳайдалма қатламида ўргача 59,1 т чиринди, 4 т азот, 8 т фосфор ва ундан кейинги 28-100 см қатламда эса юқоридагиларга мувофиқ 73,5; 4,97 ва 16 т озиқ элементлари бўлар экан.

Ўсимликларнинг илдизи орқали озиқланиш фақат ерга солинаётган ўғитларга эмас, балки тупроқ мұхитига, микроорганизмларнинг фаолиятига, органик моддаларнинг чиришига ва тупроқнинг сув, ҳаво ҳамда иссиқлик режимини яхшилашга қаратилган агротехник тадбирларнинг қўлланишига ҳам боғлиқдир.

Ўсимликлар 3 хил: автотроф, микротроф ва бактериотроф усуllibarda озиқланади. Автотроф озиқланишда ўсимликлар тупроқдан сувда эриб оксидланган минерал тузларни ўзлаштиради. Озиқланишнинг бу усули ўсимликлар учун асосий ҳисобланади.

Микротроф озиқланиш микориза ёрдамида содир бўлади. Микориза ўсимликларнинг озиқланишига ёрдам бериб, уларнинг ҳаётига салбий таъсир қилмайди. Бу озиқланиш усули ҳозирги вақтда кам ўрганилган.

Ўсимликларнинг бактериялар ёрдамида озиқланиши бактериотроф озиқланиш дейилади. Ўсимликлар ва бактериялар орасида озиқ моддалар туганак ва илдизларни бир-бирига мустаҳкам боғловчи томир – тукчалар орқали ўзаро алмашинади. Дуккадош экинлар илдизида туганак бактериялар бўлиб, улар ёрдамида ҳаводаги азот ўзлаштирилади.

Азот тупроқдаги энг ҳаракатчан ва ўсимликларнинг мұхим озиқ элементларидан бири ҳисобланади. Ўсимликлар илдизи тупроқдаги азотни мұхим озиқланиш манбаларидан бўлган нитратлар, ( $\text{NO}_2$ ,  $\text{NO}_3$ ) дан ва аммоний тузлари ( $\text{NH}_4$ ) дан ўзлаштиради.

Ўсимликлар нормал ўсиб ривожланиши учун тупроқда ҳаракатчан азот миқдори етарли бўлиши керак. Тупроқдаги ҳаракатчан азот миқдори органик ва минерал ўғитлар солиши йўли билан тартибга солинади.

Органик моддаларнинг парчаланиб, аммиак ҳосил қилиш жараёни аммонификация деб аталади.

Аммиакнинг оксидланиб, нитрит ва нитрат кислоталарга айланиш жараёни нитрификация дейилади. Нитрификация жараёни 30-70 °C ҳароратда яхши кечади. Агар ер юмшоқ, аэрацияси яхши, тупроқ намлиги тўлиқ нам сифимига нисбатан 55-60% бўлса, нитрификация жараёни жадал ўтади ва тупроқда нитратлар кўп тўпланади.

Фосфорнинг тупроқдаги динамикаси азотнига қараганда яхши ўрганилмаган. Тупроқда фосфор кам ҳаракатчан бўлиб, тупроқса сингади, сувда ёмон эрийди. Тупроқда унинг ялпи миқдори жуда кўп, лекин ўсимликлар уларни қийин ўзлаштиради.

Ўсимликларга фосфор етишмаса, барги ва танасида қизғиш ва кўнғир тусли доғлар пайдо бўлади, пастки барглари барвақт сўлийди, тўқ кўнғир тусга киради ва тушиб кетади.

Ўсимликлар вегетациясининг дастлабки даврларида фосфатларни кўп ўзлаштиради. Улар фосфор билан етарли даражада таъминланмаса, экинларнинг кейинги ривожланиши сусаяди.

Калий ўсимликларда фотосинтез процессини, углеводлар ҳосил бўлишини ва ҳаракатини фаоллаштиради, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини тезлаштиради ва уларнинг ноқулай шароитга чидамлигини оширади ва ҳосил сифатига ҳам таъсир қиласи.

Гўнг солинган ерларда тупроқнинг табиий хоссалари яхшиланади, яъни механик таркиби оғир тупроқларни юмшатади, механик таркиби енгил тупроқларнинг ёпишқоқлиги ва донадорлигини оширади.

Ерга минерал ва органик ўғитлар солиш, кислотали тупроқларни оҳаклаш, ишқорийларни гипслаш, алмашлаб экиш, тупроқни сифатли ишлаш, структурани яхшилаш, етарли намликни сақлаш, озиқ режимини бошқарища асосий тадбирлардан ҳисобланади.

Тупроқнинг озиқ режимига ва табиий хоссаларига гўнг билан бир қаторда оралиқ экинлар, айниқса дуккақдош экинлар, кўкат ўғит сифатида дуккақли дон экинлари экиш айниқса яхши таъсир этади. Тупроқнинг озиқ режими ва унумдорлиги унда содир бўладиган микробиологик жараёнларга бевосита боғлиқ бўлади. Яъни айрим микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти таъсирида тупроқда ўсимликлар учун зарур бўлган озиқ моддалар тўпланади.

Тупроқдаги турли микроорганизмлар ҳаёт фаолияти, уларнинг сув, ҳаво ва иссиқлик режимларига боғлиқ. Шунинг учун деҳқончиликда турли агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш зарур. Бунда айниқса, ерларга ўз вақтида ишлов бериш, органик-минерал ўғитлар солиш, алмашлаб экишини жорий қилиш ва бошқа тадбирлар катта аҳамиятта эга.

## **Саволлар**

1. Деҳқончилик фанининг мақсади ва вазифаси нимадан иборат?
2. Ҳаёт омилларининг аҳамияти қандай?
3. Деҳқончиликнинг асосий қонуналарини кимлар ишлаб чиқкан?

4. Уругнинг униб чиқиши учун қанча сув талаб этилади?
5. Тупроқда сув қандай шаклларда учрайди?
6. Транспирация көэффициенти дегаңда нимани тушунасиз?
7. Тупроқда сув режими қандай тартибга солинади?
8. Атмосфера ҳавосининг тупроқ ҳавосидан қандай фарқи бор?
9. Үсимликлар ҳәётида тупроқ ҳавосининг қандай аҳамияти бор?
10. Тупроқ ҳаво режимини тартибга солишда нималарга аҳамият бериш керак?
11. Үсимликлар учун иссиқликнинг қандай аҳамияти бор?
12. Тупроқда иссиқлик режимини қандай тартибга солинади?
13. Үсимликлар ҳәётида озиқ режимининг аҳамияти?
14. Тупроқ озиқ режимини яхшилаш учун нималар қилиш керак?

### *Адабиётлар*

1. Эрматов А.Қ. - Сүғориладиган дәхқончилик. Т. Ўқитувчи 1983.
2. Зауров Э.И. Ибрағимов Ф.А. Расулов А.А. - Дәхқончилик. Т. Ўқитувчи 1978.
3. Зауров Э.И. Ибрағимов Ф.А. Расулов А.А. - Дәхқончилик. Т. Ўқитувчи 1985
4. Зауров Э.И. Дәхқончилиқдан амалий маңгутоллар. Т. Ўқитувчи. 1974
5. Зауров Э.И. - Дәхқончилиқдан лаборатория ишлари ва амалий маңгутоллар. Т. Ўқитувчи. 1979
6. Калантаров И. «Қишлоқ хўжалик асослари» Т.: «Ўқитувчи», 1976
7. «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чукурлаштиришга доир қонун ва меъёрий хужжатлар тўплами» I, II томлар
8. Лев В.Т. «Орошаюое Земледелие» Т.: «Ўқитувчи», 1981.
9. Эгамкулов Б.А. «Агрономия асосларидан практикум» Т.: «Ўқитувчи», 1983.
10. Румянцев В.И., Концева З.Ф., Сурков Н.Н. Земледелие и основами почвоведение. М. Колос., 1979
11. Зауров Э.И. Ибрағимов Ф.А. Расулов А.А. – Земледелие Т. Мекнат, 1986
12. Дәхқончилик, маъруза матнлари, Т. 2000

### **III. БЕГОНА ЎТЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА, УЛАРНИНГ ЗАРАРИ ВА БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **1. Бегона ўтлар ҳақида түшүнчә.**

Ер юзидаги ўсимликлар дунёси ниҳоятда турли-туман. Шунинг учун уларнинг хусусияти, яшаш жойи, ўсиши, ривожланиши ҳар хил бўлади. Маълумки, ёввойи ўсимликлар ер юзида кенг тарқалган бўлиб, асрлар давомида табиий танланиш асосида ўсиб ривожланган. Табиатда ўзи ўсадиган, ривожланадиган, кўпаядиган ва тарқаладиган ўсимликлар ёввойи ўт ёки ёввойи ўсимликлар деб аталади.

Инсон томонидан экилтмайдиган, аммо экинлар орасида ўсиб, уларга зарар етказадиган ўсимликлар *бегона ўтлар* дейилади. Бегона ўтлар ҳақиқий ва шартли begona ўтларга бўлинади. Ҳақиқий begona ўтлар бу экинлар орасида ўсадиган ёввойи ўтлар. Шартли begona ўтлар етиштирилаётган экиннинг у ер, бу ерида учрайдиган маданий ўсимликлардир. Масалан, пахтазорда учрайдиган маккажӯхори, тарвуз, помидор шартли begona ўт ҳисобланади.

Баъзи begona ўтлар алоҳида экин орасида ўсишга мослашган. Масалан, курмак шолипояда, зарпечак дуккакли экинлар орасида ўсишга мослашган.

Бегона ўтлар қишлоқ ҳўжалигига жуда катта зарар етказади. Улар ҳосил миқдори ва сифатини пасайтиради. Begona ўтлар туфайли дунёда ҳар йили 20 млрд. доллар атрофида зарар кўрилади. Ўзбекистонда эса, ҳар йили 15-20% пахта, 10-20% сабзавот ҳосили кам олинмоқда. Ялпи ҳаражатларнинг сезиларли қисми begona ўтларни йўқотишга сарф қилинмоқда. Fўза қатор орасидаги begona ўтларни йўқотиш учун гектарига 25 ишчи куни йўқотилмоқда. Begona ўтларни чопик қилиш пайтида ниҳолларни ўрнидан кўчиб кетиши ва шикастланиши туфайли кўчкат қалинлиги камайиб кетади. Ҳосилга begona ўтлар уруғи, мевалари ва барглари қўшилиб кетиши нагижасида унинг сифати ёмонлашади. Гумай, ажриқ, қамиш каби begona ўтлар билан кучли ифлосланган ерлардаги экинларни парвариш қилиши ниҳоятда қийин кечади. Эрта баҳорда ҳали маданий ўсимликлар униб чиқмаганда заараркунандалар begona ўтларда кўпаяди, кейинчалик маданий ўсимликларга ўтади. Кампирчопон, какра, гумай каби ўтларнинг уруғларида, органларида заҳарли моддалар бўлиб, одам ва ҳайвонлар учун зарарли ҳисобланади. Канал, ариқ ва бошқа суғориш шоҳобчаларида ўсадиган begona ўтлар сувни оқишини сусайтириб, сувнинг бефойда сарфланишига сабаб бўлади.

**Бегона ўтларнинг биологик хусусиятлари.** Begona ўтларнинг биологик хусусиятларидан бири уларнинг серуруғлилигидир. Масалан, бир туп ёввойи гултоҷихўроз - 500000, олабўта - 150000, түяқорин - 200000, итузум -45000, семизўт - 200000 та, айрим begona ўтлар миллиондан

ортиқ уруғ ҳосил қиласы, маданий ўсимликларнинг күпчилигининг уруғлари сони эса 200-300 тадан ошмайды.

Бегона ўтларнинг уруғи унувчанлигини узоқ йиллар давомида сақлады. Таҗриба маълумотлари бўйича семизўт уруғи 40 йил, тугмачагул 57 йилдан кейин унувчанлик қобилиятини 6-18,2% сақлаган, итқуноқ уруғи -29 °C совукда, янтоқники - 85-95°C иссиқ сувда унувчанлигини йўқотмаган. Буни уларнинг уруғи сув, ҳаво ўтказмайдиган махсус қобиққа ўралганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Олабўта етилганлик даражаси ҳар хил бўлган уруғлар қиласы. Йирик оқиш уруғлар биринчи йили, майда жигаррангли уруғлар иккинчи йили, майда қалин пўстли қора ялтироқ уруғлар учинчи йили униб чиқади.

Бегона ўтларнинг уруғи ҳар хил муддагларда униб чиқаверади, шунинг учун далаларда йил давомида begona ўтларни ўкратиш мумкин. Агар улар бир вақтда униб чиққандা эди, уларни йўқотиш анча осон бўлар эди.

*Бегона ўтларнинг кўлайшиши ва тарқалиши.* Фумай, ажрик, қамиш, саломалайкум, қўйпечак, янтоқ, какра каби кўп йиллик begona ўтлар илдизпояларининг бўлаклари, илдизбачкилари ҳамда уруғлари билан кўпаяди. Бир йиллик ва икки йиллик begona ўтларни шамол, сув, гўнг, ҳайвонлар, күшлар ва уруғлик билан тарқалади. Қамиш, илонўт, оқбош, қоқи ўтуруғлари шамол ёрдамида тарқалади. Шувоқ, қўйтикан, туюқорин каби ўтлар кузда думалоқ шаклга кириб, шамолда думалаб йўл-йўлакай уруғини тўкиб кетаверади. Қўйтикан, гўзатиканда ёпишувчи, илашувчи мосламалар бўлиб, ҳайвонлар жунига, одамларнинг кийимига ёпишиб тарқалади. Қора итузум чуғурчиқлар ёрдамида тарқалади. Begona ўтуруғлари яхши тозаланмаган уруғлик билан ҳам тарқалади. Тозаланмаган буғдой уруғларини экиш натижасида лалмикор ерларда ўсадиган begona ўтлар сугориладиган ерларга ҳам кириб келмоқда. Begona ўтлар уруғи далаларга солинаётган чиримаган гўнг билан ҳам тарқалади.

Маълумки, зарпечак кўпинча янтоқда паразитлик қиласы. Шунинг учун ҳам янтоқли жойларда боқилган қўй ва эчкиларнинг гўнгини беда, полиз, сабзавот экинлари экиладиган ерларга солиш ана шу экинларни зарпечак босишига олиб келади.

Ажрик, фумай, қамиш каби begona ўтларнинг илдизпоялари қишлоқ хўжалик машиналарининг ишчи органларига илашиб тарқалиши ҳам мумкин. Ана шу ўтлар бор жойларни дискли бороналарда бороналаш илдизпояларни майда бўлакларга бўлиниши ва бир қанча янги ўсимликлар пайдо бўлишига олиб келади.

Begona ўтларнинг биологик хусусиятларини яхши билиш кураш чораларини самарали ўтказишни режалаштириш имконини беради.

## БЕГОНА ЎТЛАРНИНГ БИОЛОГИК ГУРУҲЛАРИ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ УСУЛЛАРИ

*1. Бегона ўтлар классификацияси.* Ўзбекистонда begona ўтларнинг 72 та оиласига мансуб бўлган 841 тури учрайди. Шундан 519 тури бир йиллик, 322 тури эса кўп йиллик ўсимликлардир. Ишлаб чиқариш шароитида эса, уларнинг муҳим биологик хусусиятлари, яъни озиқланishi яшаш даври ва кўпайиш усулига кўра классификацияланади (8-жадвал).

8 - жадвал

### Бегона ўтлар классификацияси

Паразит begona ўтлар		Нопаразит begona ўтлар	
Ҳақиқий паразитлар	Ярим паразитлар	Кам йиллик begona ўтлар	Кўп йиллик begona ўтлар
1) Поя паразитлари	Илдиз ярим паразитлари	Эфемерлар. Баҳоргилар: а) эрта баҳорги. б) кеч баҳорги қишлоғчилар, кузгилар, икки йилликлар.	1) ўқ илдизлилар 2) попук илдизлилар 3) илдизпоялилар 4) илдиз бачкилилар 5) туганак илдизлилар 6) пиёзлилар 7) судралиб ўсувлар.
2) Илдиз паразитлари			

*Паразит begona ўтлар.* Паразит begona ўтлар нопаразит begona ўтлар ёки маданий ўсимликлар билан бирга яшаб, улар ҳисобига озиқланади. Улар ҳақиқий ва ярим паразит begona ўтларга бўлинади.

Ўзбекистонда ҳақиқий паразит begona ўтлар поя паразити ва илдиз паразитларига бўлинади.

*Поя паразитлари.* Паразит begona ўтларнинг бу гуруҳига печакгулдошлар (*Cuscitaceae*) оиласига кирадиган печакларнинг барча тури киради. Улар карантин begona ўтлар ҳисобланади. Бу begona ўтлар ингичка пояли ва йўғон поялиларга бўлинади.

Ингичка пояли паразитларга себарга зарпечаги, киприксимон зарпечак, зигир зарпечаги киради.

Ўзбекистонда йўғон пояли паразитлардан Леман зарпечаги ёки девпечак кўпроқ учрайди.

Илдиз паразитларига шумгияларнинг барча турлари киради. Улардан энг зарарлиси қуйидагилардир: тамаки шумгияси, кунгабоқар шумгияси, миср шумгияси, беда шумгияси.

Ўзбекистонда шумгиянинг икки тури: кунгабоқар ва миср шумгияси учрайди.

*Нопаразит begona ўтлар.* Бу гуруҳга яшил барғта ва илдиз системасига эга бўлган ҳамда тупроқдаги сув озиқ моддани бевосита ўзи ўзлаштирадиган ва мустақил ҳаёт кечирадиган begona ўтлар киради. Ўсув даврининг қисқа ёки узунлигига қараб, begona ўтлар бир йиллик, икки

Йиллик ва кўп йилликларга бўлинади. Бир йиллик ва икки йиллик бегона ўтлар ўз ҳаёти давомида бир марта, кўп йилликлари эса ҳар йили бир неча марта уруғ беради.

Бир йиллик бегона ўтлар энг кўп ва кенг тарқалган биологик гуруҳ ҳисобланади. Улар фақат уруғидан кўпаяди. Кўпчилик бир йиллик бегона ўтлар (итқўноқ, оқшўра, олабўта ва бошқалар) гетерокарпия, яъни ҳар хил катталиқдаги уруғ ҳосил қилиш хусусиятига эга.

Бир йиллик бегона ўтлар ўз навбатида уруғларининг униб чиқиш муддатларига қараб эфемерлар, баҳорги, қишловчи ва кузги бегона ўтлар каби биогуруҳларга бўлинади.

Эфемерларнинг ўсув даври қисқа бўлиб уларнинг ҳаёти униб чиқишидан уруғ етилгунча 1,5-2 ой давом этади. Бунга лолақизғалдоқ, юлдуз ўт ва бошқалар мисол бўлади. Кузда униб чиққанлари қишлиайди. Улар кузги бошоқли фалла, биринчи йилги беда, кузги пиёз ва бошқа экинлар орасида кўп учрайди.

Баҳорги бегона ўтлар ўз навбатида эрта ва кечки баҳоргиларга бўлинади. Эрта баҳорги бегона ўтларнинг майсалари баҳорда ва кузда чиқади, мавсумда бир марта уруғ беради. Буларга ёввойи сули, олабўта каби ўтлар мисол бўла олади.

Кечки баҳорги бегона ўтларнинг уруғи тупроқ етарли қизигандагина униб чиқиб, секин ривожланади. Масалан, ёввойи гултожихўroz, семизўт, шамак, итузум, туяқорин ва бошқалар.

Бегона ўтларга қарши курашда улар уруғларининг тиним даврини ва маълум вақтда ҳаётчанлитини сақлаш қобилиятини билиш катта аҳамиятта эга. Маълумки, бир қанча майда уруғли баҳорги бегона ўтларнинг уруғи 1-2 см чуқурлиқдан бемалол униб чиқса, 5 см ва ундан ортиқроқ чуқурлиқда эса мутлақо униб чиқмайди. Итқўноқнинг уруғи 10-12 см, ёввойи сули 20 см чуқурлиқдан ҳам униб чиқиши мумкин.

**Ёввойи сули** - фалласимонлар оиласига мансуб бўлиб бир йиллик бегона ўт ҳисобланади. Ёввойи сулини кўпчилик қора кўза деб ҳам атайди. Бошпоясининг баландлиги 20-80 см бўлиб тик ўсади. Майсалари оч яшил бўлиб, ташки кўринишидан маданий сулига ўхшайди. Асосан, баҳорги дон экинлари ва кўпинча сули орасида ўсиб, уруғидан кўпаяди. Ҳар бир рўвакда ўртача 40-60 тагача бошоқча бўлади. Уруғи етилиши биланоқ, сочилиб кетиб, маданий сулидан фарқ қиласи, ҳар бир тупида 600 донагача уруғ бўлади (4-расм).

Оқ шўра, олабўта - шўрадошлар оиласига кирувчи энг кўп тарқалган бегона ўтлар ҳисобланади. Ўзбекистонда оқ шўра, сассиқ шўра, хушбўй шўра кенг тарқалган.

**Хушбүй шўра - сарғиш - яшил рангли, хушбүй ҳид чиқарадиган, безли тукчалар билан қопланган. Ҳамма экинлар орасида учрайди.**

**Сассиқ шўра - ўзига хос ўткир ҳид чиқаради. Суғориладиган экинлар билан бир қаторда ҳовлиларда, ариқ ва йўл ёқаларида, партов ерларда кўп учрайди.**

**Оқ шўра** - барглари унсимон доғлар билан қопланган бўлиб, суғориладиган экинлар, айниқса гўза орасида кенг тарқалган. Пояси тўғри, бўйи 40-100 см.га етадиган сершоҳ, япроқлари туксимон, чети қиррали бўлиб ўсади. Шўра жуда серуруг бўлиб, бир тупда 1,5 млн тагача уруғ ҳосил бўлади (5-расм).

**Ёввойи гултоҳихўроз** - гултоҳихўрозлар оиласига мансуб бўлиб, бир йиллик кеч баҳорги бегона ўтлардан ҳисобланади. Бир туп ёввойи гултоҳихўроз 500 мингтагача уруғ қилади.

**Шамак, қоракурмак** - фалладошлар оиласидан бўлиб, бир йиллик кеч баҳорги бегона ўт ҳисобланади. Пояси туксиз бўлиб, бўйи 80-100 см га етади. Япроқлари тасмасимон чети ғадир - будур, пастдан шохланган бўлади (6-расм).

**Итқўноқ** - бошоқдошлар оиласига киравчи, бўйи 70 см гача етадиган кеч баҳорги бир йиллик ўт, унинг 2 тури бор. Кўк итқўноқ ва оқ итқўноқ.

**Қишлоғчи бегона ўтлар**. Бу гуруҳга майсалари қишлиаш қобилиятига эга бўлган ўсимликлар мисол бўла олади. Кузда унган уруғлар илдиз ёнидан тўғбарг ҳосил қилиб ҳамма ривожланиш палласида, ҳатто гулаш фазасида ҳам қишлиashi мумкин. Бунга жағ-жағ мисол бўла олади.

**Жағ-жағ, ачамбити** - буттгуллилар оиласига киравчи, бўйи 10 см, баъзан 70 см келадиган бир ёки бир қанча пояга эга бўлган бир йиллик ўтдир (7-расм).

**Кузги бегона ўтлар**. Бу ўтларнинг уруғи кузда униб чиқади. Уларнинг майсаси яхши ўсиши ва ривожланиши учун кузги, қишки даврдаги паст ҳарорат зарур. Кузги бегона ўтларнинг уруғи қайси вақтда униб чиқишидан қатъий назар, фақат келгуси йили поя, гул, мева ва уруғ беради. Буларга ёввойи супурги, ялтирош, қорамиқ каби ўтлар киради.

**Икки йиллик бегона ўтлар**. Айрим ўтларнинг ўсици, ривожланиши ва уруғ ҳосил қилиши учун 2 йил зарур. Бу биологик гуруҳдаги бегона ўтларнинг уруғи баҳорда, ёзда униб чиқса бир қиш, кузда униб чиқса икки қиш қишилайди.

**Икки йиллик бегона ўтларга қашқарбеда, сигиркуйруқ, сариқ ёввойи беда, латтатикан, оқ каррак, сутчўп, ёввойи сабзи каби ўсимликлар киради.**

**Кўп йиллик бегона ўтлар**. Бу биологик гуруҳдаги бегона ўтлар турли хил оиласа мансуб бўлиб, 322 турни ташкил этади. Кўп йиллик бегона ўтлар генератив (уругидан) ва вегетатив (илдизпоя, илдиз куртакларидан) усуlda кўпаяди.

Кўп йиллик бегона ўтлар: ўқилдизлилар, попук илдизлилар, илдиз-поялилар, илдизбачкилилар, тугунакилдизлилар, пиёзлилар ва судралиб ўсувчиларга бўлинади.

Ўқилдизли кўп йиллик бегона ўтларга отқулоқ, сачратқи, оққурай, кампирчопон, қоқиёт, изен, эрман ва бошқалар киради.

Попук илдизлиларга бир нечта кўп йиллик ўсимликлар мансуб бўлиб, вегетатив усулда кўпайиш учун уларнинг маҳсус органлари йўқ. Шунинг учун бу гурухга киравчи бегона ўтлар фақат уруғдан кўпаяди. Буларга зуптурум, баргизуб ва бошқалар киради.

Илдизпояли кўп йиллик бегона ўтларга гумай, ажириқ, қамиш, саломалайкум, дала қирқбўғими, аччиқ мия, оқ мия каби ўтлар киради.

Илдизбачкилиларга - кўйпечак, янтоқ, какра, қизилмия, бўзтикан каби ўтлар киради.

Туганакилдизли бегона ўтларнинг жуда қисқарган асосий ўқ илдизи бўлади, булардан туганак шаклида қўшимча илдизлар чиқади. Буларга қирқбўғим, саломалайкум ва ҳоказолар киради.

Пиёзли кўп йиллик бегона ўтлар: анзур пиёз, гулпиёз, қумпиёз, чўчқапиёз, оташак пиёз, тоф пиёз, дашт пиёз.

Судралиб ўсувчи ўтларга айиқтовон, тугмабош, қуёнүт, олмосўт ва бошқалар киради.

Бу кўп йиллик бегона ўтлардан илдизпоялилар ва илдизбачкилилар экинлар орасида тарқалган ашаддий бегона ўтлар ҳисобланади. Уларни йўқотиш анча қийин, чунки илдизидаги ҳар бир куртакдан янги ўсимта ҳосил қиласди.

*Гумай* – бошоқдошлар оиласига киради. Ҳамма экинлар орасида ўсади. Май-июнь ойларида гуллайди, июль-октябрда ҳосил тугади. Поясининг бўйи 1,5 м гача етади, паст томонидан шохлайди.

*Ажриқ* - у ҳам бошоқдошлар оиласига киради. Пояси бўғимли, кўп баргли, шохланган, бўйи 30-50 см гача бўлади.

*Кўйпечак* – печакгулдошлар оиласига киради. Барча экинлар орасида учраши мумкин. Пояси ингичка, чирмашиб ўсади, узунлиги 30-100 см. Ўзбекистонда май-августда гуллайди. Битта ўсимлиги 600 тагача уруғ тувиши мумкин (8-расм).

4. Далалардаги ёки экин майдонларидағи бегона ўтларга қарши самарали курашиш учун аввало уларни ҳисобга олиш керак. Чунки у ёки бу тадбирни қўллашдан олдин ифлослантирувчи бегона ўтларнинг



8-расм. Кўйпечак

биологик хусусиятларини билиш лозим. Экин майдонлари бегона ўтлар билан қай даражада ифлосланганлигини билиш ва харита тузиш уларга қарши кураш тадбирларини түғри ташкил этиштә ёрдам беради.

Бунда бегона ўтлар иккى хил усулда: юриб кўз билан чамалаб (тахминан) ва аниқ ҳисобга олинади.

**Юриб кўз билан чамалаш усули.** Бу усул осон ва қулай, чунки бунда даланинг диагонали бўйлаб маълум оралиқда юрилиб, бегона ўтлар тахминан ҳисобга олинади ва балларга ажратилади.

Баллга ажратишда академик А.И. Мальцевнинг қўйидаги тўрт балли шкаласидан фойдаланилади.

1 балл - ўсимлик қопламида 5% гача бегона ўт учрайди.

2 балл - ўсимлик қопламида 5 - 25% гача бегона ўт учрайди.

3 балл - ўсимлик қопламида 25 - 50% гача бегона ўт учрайди.

4 баллда эса бегона ўтлар маданий ўсимликларга нисбатан кўпчиликни ташкил этади.

Далада бегона ўтларнинг миқдорига қараб юқоридаги баллардан бири олинади.

**Бегона ўтларни аниқ усулда ҳисобга олиш.** Бу усулда бегона ўтларни ҳисобга олиш ва миқдорий-тортиш усулларидан фойдаланилади. Бу усуллар мураккаб ва сермехнат бўлганлиги учун ишлаб чиқариш шароитида умуман қўлланилмайди. Тажриба ишларида эса далаларни бегона ўтлар билан ифлосланганлигини аниқлашда миқдорий-тортиш усулидан кенг фойдаланилади.

Текшириц натижасида олинган маълумотларга асосланиб, хўжалик далаларининг бегона ўтлар билан ифлосланганлик харитаси тузилади. Ушбу харитада далаларнинг бегона ўтлар билан ифлосланганлик даражаси балл билан, бегона ўтларнинг турлари режали ҳолда тегишли рангларга бўяш ёки штрихлаш ва тури шартли белгиларда ифодаланади. Харита далаларда бегона ўтларнинг таркиби ва миқдорининг ўзгариши қараб, уларга қарши ҳар хил кураш тадбирларини танлашда ва қўллашда ёрдам беради.

## БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРИШ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

### **1. Бегона ўтларни йўқотиш олдини олиш, қирувчи ва махсус тадбирларга бўлинади.**

Далаларни бегона ўтлардан тоза бўлишини таъминлашда уларни тарқалишини олдини олиш тадбирлари муҳим аҳамиятга эга. Кўпчилик бегона ўтларнинг уруғи экин билан бирга етилади. Ҳосил йифишириб

олинганда улар донга аралашып кетади. Одатда буғдоға олабута, исмалоқ, беда уруғига зарпекшак, шолига курмак аралашған бўлади.

Уруғликни тозалаш экиннинг соғ бўлишига имкон беради. Бегона ўтлар уруги етилмасдан экинлар ҳосилини йиғиб олиш уруғликнинг тоза бўлишини таъминлайди. Бедани 15-25% гуллагандага ўриш бегона ўтлар уруги етилишига йўл қўймайди. Канал, ариқ, зовур йўл ёқаларида ўсадиган бегона ўтларни уруғламасдан йўқотиб туриш сув орқали уруғлар тарқалишининг олдини олади.

Бегона ўтлар тарқалишини олдини олишда далаларга яхши чириган гўнг солиш керак. Чиримаган гўнгда эса бегона ўт уруғлари кўп бўлади.

Экинлар кўчат қалинлиги сийрак бўлса бегона ўтлар ўсишига имконият яратилади. Шунинг учун кўчат қалинлиги нормал бўлишига эришиш лозим.

Бир хил экин сурункасига экилаверса шу экин агротехникасига мослашган бегона ўтлар кўпайиб кетади. Буни олдини олиш учун агротехникаси бир-биридан кескин фарқ қиласидиган экинларни навбатлаб экиш лозим.

**Карантин тадбирлар.** Бегона ўтларни тарқалишини олдини олиш учун ички ва ташқи карантин тадбирлари қўлланилади. Ички карантин мамлакат ичидағи хавфли бегона ўтларни бир вилоятдан иккинчи вилоятга ўтишини олдини олади. Ташқи карантин эса чет эллардан ашаддий бегона ўтларни Ўзбекистонга кириб келишини олдини олади. Ички карантин бегона ўтларга ёввойи гултоҳихўroz, ажириқ, гумай, какра, саломалайкум, аччиқмия, оқмия, кампирчопон, девкурмак, говкурмак, зарпекшак ва бошқалар киради. Уларнинг рўйхатига ўзгартиришлар киритиб борилади.

2. Бегона ўтларга қарши самарали курашиб учун уларнинг тарқалишини олдини олиш тадбирларини агротехник тадбирлар билан биргаликда олиб бориш зарур.

Агротехника тадбирларини амалга ошириш муддати ва қўйилган вазифаларга кўра кузги шудгорлаш, ерга экин экишдан олдинги, экин экилганидан кейинги ва қатор ораларига ишлов беришдаги тадбирларга бўлинади.

Кузги шудгорни сифатли қилиб икки ярусли плуглар билан ўтказиш бегона ўтлар сонини кескин камайтиради. Чимқирқарли плуг билан тупроқ юзасига тўкилган бегона ўт уруғлари 30-35 см чуқурликка кўмилса маълум миқдорда унувчанигини йўқотади.

Гумай, ажириқ, қамиш каби илдизпояли бегона ўтларни шудгорлашдан олдин ағдаргичи олинган плугда 18-22 см чуқурликда юмшатиб сўнгра чизель ёрдамида илдизпояларни тирмалаб олиш керак.

Хар йил ўзгарган чуқурликда ҳайдаш ҳам бегона ўтларни камайтиради. Агар ер биринчи йили 40 см чуқурликда, кейинги йилларда 25,30,35 ва 40 см чуқурликда шудгорланса бегона ўт уруғлари тушган қатлам уч йилгача ер бетига чиқмайди ва унувчан уруғлар миқдори камаяди.

3. Бегона ўтларга қарши маҳсус чораларга биологик, оловли кураш, мульчалаш каби усулилар киради.

Алмашлаб экиш, экинларнинг экиш муддатлари, мөйёrlари бегона ўтларнинг зааркунандалари ва касалликларидан фойдаланиш биологик кураш усулига киради.

Агротехникаси турлича бўлган экинларни навбатлаб экиш бегона ўтларни кескин камайтиради. Масалан бедадан кейин пахта экилса бегона ўтлар сони 40-50% камаяди.

Шумгияга қарши фитомиза пашибаси кўлланилганда унинг уруги 71% гача камаяди.

Оловли культиваторлар ёрдамида бегона ўтларни куйдириш мураккаблиги учун деярли кўлланилмаяпти.

**Мульчалаш усули.** Мульчалаш учун плёнка, нефт чиқиндиси, маҳсус қоғоздан фойдаланиш мумкин. Бу нарсаларни қатор устига ёпиш бегона ўтлар ўсишининг олдини олади.

**Бегона ўтларга қарши кимёвий кураш чоралари.** Бегона ўтларга қарши курашда гербицидлар самарали восита ҳисобланади. Тузилишига кўра гербицидлар анорганик ва органик моддаларга бўлинади. Экинларга ва бегона ўтларга таъсир этишига кўра гербицидлар танлаб таъсир этувчи ва ёппасига таъсир этувчи икки гуруҳга бўлинади. Бегона ўтларга таъсир этишга қараб контакт ва ичдан таъсир этувчиларга бўлинади. Контакт таъсир этувчилар ўсимликнинг теккан жойига таъсир этади. Ичдан таъсир этувчилар бегона ўтларнинг қайси қисмига тегишидан қатъий назар унинг танасига сингиб модда алмашинув жараёнини бузади.

Гербицидлар ОВХ - 28 аппаратида ёппасига, ПГС - 2,4, ПГС - 3,6 аппаратида тасмасимон усульда сепилади (9-расм).

Гербицидларнинг самарадорлиги уларнинг мөйёри, кўллаш усули, муддати ҳамда тупроқ намлигига боғлиқ бўлади. Оғир механик таркибли, чириндига бой тупроқларда юқори, қумлоқ ва қумоқ тупроқларда нисбатан пастроқ мөйёрларда кўлланилади.

Пахтчиликда которан, котофор гербицидлари экиш билан бирга лента усулида 0,9-1,2 кг/га, трефлан 4,0-6,0 л/га мөйёрда экишдан олдин ёппасига сепилади. Кўп йиллик ўтларга қарши фосулен сентябрь, октябрь ойларида 9-12 кг/га мөйёрда кўлланилади. Фюзилад 3,0 л/га мөйёрда фўзанинг биринчи сувидан кейин сепилади.

Маккажүхорида симазин 1,9-7,5 га/кг, атразин 3,0-8,0 га/кг, агелон 4,0-6,0 кг/га, политриазин 3,0-6,0 га/кг меъёрда лента усулида қўлланилади.


Фалла экинларида 2,4 -Д нинг аминли тузлари ёки эфирлари ишлатилади. Солиш меъёри 1-2 кг/га, 300 л/га сувда эритиб самолётда, 600 л/га сувда эритиб ОВХ - 28 туркагичида пуркаш мумкин. Шунингдек, ҳозирги кунда буғдойда гранстар гербициди ҳам қўлланилади. Шолида ялан (8-16 кг/га), пропанид (16-30кг/га), фаллада триллат (2-4 кг/га) гербицидларидан фойдаланилади.

Сабзида линурон (0,8-3,0 л/га) керосин (300-400 л/га), пиёзда рамрод (4,6-6,6 л/га) каби гербицидлар қўлланилади.

Бегона ўтларга қарши курашда агротехник, биологик ва кимёвий кураш чораларини уйғунлашган ҳолда олиб бориш керак.

Пахта ҳосилдорлигини ошириш ва унинг ялпи ҳосилини кўпайтиришга пахтачиликда комплекс механизацияни ва ўсимликларни ҳимоя қилишда химизацияни кенг жорий қилиш ҳамда дэҳкончилик маданиятини юксалтириш туфайли эришилди. Шунингдек, республика пахтакорлари кейинги 10 йил ичida асосий пахта майдонларида ва дала атрофларидаги begona ўтларни ўйқотиш, begona ўтлар оқибатида кўриладиган зарарни камайтириш, кўл меҳнатини камайтириш, машиналарнинг иш унумдорлигини ошириш ва машина билан териб олинадиган пахтанинг сифатини яхшилаш мақсадида қўлланган комплекс тадбирлар ҳам бу борада муҳим роль ўйнади.

Begona ўтлар пахта ҳосилдорлигини оширишда асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади. Суфориладиган дэҳкончилик зоналарида begona ўтларнинг авж олиб ўсиши, ривожланиши ва тез кўпайиши муносабати билан улар фўзанинг энг хавфли душманига айланиб бормоқда. Ҳозир алмашлаб экиш



9-расм. ПТС-2.4 мосламасининг технологик схемаси:

1-резервуар; 2-сув ўлчаш наий; 3-насос; 4-ва 5-сурвичи шланглар; 6-фильтр; 7-суюқлик ҳайдап магистрал; 8-блок регулятор; 9-беркитувчи клапани; 10-тақсимлагич; 11-шланглар; 12-учлик; 13-қайта ўтказувчи шланг; 14-босим регулятори.

далаларида 74 хилдан күпроқ бегона ўтлар учрайди. Улар орасида бир йилликлардан олабуга, мачин, шамак, бўритароқ, итузум, семизўт, итқўноқ, кўк итқўноқ, дағал каноп ва бошқалар; кўп йилликлардан гумай, ажриқ, кўйпечак, бўзтикан, янтоқ, саломалайкум ва ҳоказолар бор.

Пахта далаларида тарқалган бегона ўтларнинг биологик хусусиятларига келсак, улар ниҳоятда тез кўпайдиган, уруғларини осонгина сочадиган ва турли вақтларда кўкарадиган бўлиб, ниҳоллари бир текисда унмаслиги билан ажралиб туради.

Кўп йиллик бегона ўтларнинг илдиз бачкилари жуда яшовчи бўлади. Ер бетига қўпориб чиқарилган бегона ўт қолдиқлари нам етарли бўлган шароитда тез кўкаради, осон илдиз отади. Бегона ўтларнинг илдизларида куртаклар ривожланади ва улардан ҳам устки поялар – мустақил яшай оладиган ўсимлик турлари пайдо бўлади.

Экинларни суғоришда бериладиган сувлар (улар билан бегона ўтларнинг уруғлари ва вегетатив поялари узоқ-узоқ масофаларга тарқалади), тупроқни экиш олдидан юмшатиш ва қатор ораларини ўз вақтида ишламаслик, суғориш пайтида чимдан фойдаланиш, шунингдек сурункасига яхши чиритилмаган гўнгни қўлланиши бегона ўтларнинг ёппасига кўпайишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, олдини олиш чоралари қўлланилмаганда пахта майдонлари атрофида, суғориш шахобчалари бўйларида, йўл ёқаларида ҳамда бўш ётган ерларда ёз фасли давомида бегона ўтлар бир неча марта уруғ боғлашга улгуради. Бу хилдаги уруғлар шамол, ҳайвонлар ва паррандалар орқали тарқалиб, яна экин майдонларига келиб қолади.

Турли хил бегона ўтларнинг уруғлари, илдиз поялари ва илдизбачкилари ҳар қандай тупроқ иқлим шароитида, ҳатто энг такомиллашган агротехника тадбирлари қўлланилганда ҳам, тупроқнинг 0-30 см ли ҳайдалма қатламида тўпланади, бир йиллик бегона ўтнинг асосий қисми эса тупроқнинг юза қаватида (0-10 см) кўкариб чиқади.

Олимлар томонидан аниқланишича, тупроқнинг ҳайдалма қатламида бўладиган бегона ўт уруғлари захираси гектарига 0,3 дан 3-4 млрд. донагача боради.

Олимлар бегона ўтларга қарши 10-15 йил мобайнинда сурункасига олиб борган кураш тадбирлари туфайли тупроқдаги бегона ўт уруғлари миқдори 50-70 млн. донагача камайган. Бегона ўтларни бундан ортиқ камайтириш мумкин эмас экан. Буни бегона ўтлар тез кўпайиши хусусиятига эга эканлиги, уларнинг захираси ҳар йили янгиланиб туриши, шунингдек, бегона ўт уруғларининг яшовчанлиги, узоқ муддат сақланиши билан изоҳлаш мумкин.

Бегона ўтлар яхши ўғитланган майдонларда маданий экинлар (ғұза, маккажұхори, беда ва бошқалар) билан кучли даражада рақобатлик қилади ва оқибатда күриладиган заарар күпинчә анча юқори бұлади.

Бир қатар бегона ўтлар маълум турдаги минерал ўғитлар билан озиқланишга жуда таъсирчан бўлади ва улардан интенсив равишда фойдаланилади. Масалан, азотли ўғитлар билан яхши таъминланадиган шароитда шўра ва олабуга илдизлари ва ер усти қисмлари авж олиб ўсади. Иткўноқ, кўк иткўноқ ва шамакда бу хилдаги кучли ўсиш ўсимликлар фосфорли ўғитлар билан яхши таъминланган ҳолларда содир бўлади. Минерал ўғитлар мөъёрини ошириш бегона ўтларнинг ўсиши ва ривожланишини ғўзага нисбатан 10-15 марта кучайтиради. Минерал ўғитларнинг оширилган мөъёрини қўлланилиши муносабати билан бегона ўтларни йўқотиш бўйича комплекс кураш чораларини жорий этиш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Алмашлаб экиш далаларидаги ва тупроғи ишланмайдиган майдонлардаги бегона ўтларга қарши қўлланиладиган тадбирлар комплексига биологик, кимёвий ва агротехник кураш чоралари киради. Бу хилдаги кураш чоралари пахта ҳосилини ошириш билан бирга пахтчиликка катта заарар келтираётган бегона ўтларни бутунлай қириб ташлаш имконини беради.

Тупроғи ўртача ва кучли даражада шўрланган, тупроқ унумдорлигини учалик юқори бўлмаган ерларда жорий этиш учун тавсия этилган 3:6 ва 2:4:1:3 далали алмашлаб экиш схемалари бегона ўтларни йўқотишда энг самарали тадбирлардан ҳисобланади. Ғўза – беда алмашлаб экишнинг ўт даласида беданинг бир текисда қалин бўлиши пахта майдонларини бутун ротация давомида ўтлардан ҳоли тутиш имконини беради. Унумдорлиги юқори бўлган бўз тупроқлар учун ғўза-беда алмашлаб экишнинг 3:7 далали схемаси мос келади. Бунда алмашлаб экиш далаларида экинларнинг навбатланиши муносабати билан ёруғлик ва сугоришга бўлган талаб ҳар хил бўлганлигидан далалардаги экологик режим ҳам кескин даражада үзгаради. Бу эса ўз навбатида бегона ўтларни сиқиб кўйиши ва уларни бутунлай йўқотишга олиб боради.

Бегона ўтларга қарши курашиш борасидаги агротехник кураш тадбирлари системасида ер ҳайдаш мұхим ақзамият қасб этади. Ер ҳайдашдан мақсад тупроқни юмшатиш ва уларнинг уруғларини ерга чукӯр кўмиб юборишидир. Ер қўш ярусли плугда қават-қават ҳайдалганда тупроқнинг ҳайдалма қатлами икки қаватга бўлиниб, устки қавати плуг томонидан очилган эгат тубига ташланиб, пастки қавати унинг устига ағдарилади. Бу билан тупроқ ҳайдалма қатламининг тўла ағдариб ( $180^{\circ}$ га) ҳайдалиши таъминланади. Натижада тупроққа




4-расм. Қоракұза (ёввойи сули)



5-расм. Шұра



6-расм. Қоракурмак (шамак)



7-расм. Жаг-жат (ачамбити)

чукур күміб юборилған бегона ўт уруғлари ва уларнинг қолдиқлари қайта күкара олмайди.

Дала атрофлари сугориши шахобчалари ва новлар яқинидаги жойларни сифатли қилиб ҳайдаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки. бу хилдаги ерларда асосан илдизпояли кўп йиллик ўтлар тарқалган бўлади.

Кўп йиллик бегона ўтларни ўйқотиш ва далаларни бегона ўтлардан ҳоли тутиш учун қамиш, гумай, ажриқ каби бегона ўтларнинг илдиз поялари тирмалаб йигиб олинади. Тупроқнинг ҳайдалма қатламидан тирмалаб йигиб олинган бегона ўтларнинг илдиз поялари даладан ташқарига чиқарилиб ёқиб юборилади. Махсус машина бўлмаган ҳолларда бу операция ҳозирда мавжуд бўлган машиналар – отвали олиб қўйилған ўрнатма ва тиркама плуглар, чизеллар ёки культиваторлар, тишли бороналар ёрдамида бажарилиши мумкин. Шу мақсадда культиваторлардан фойдаланишда юмшатувчи панжалар культиваторнинг ҳар қайси грядилига 12-15 см оралиқда ишлайдиган қилиб ўрнатилади. Бегона ўтларнинг илдизпояларини тирмалаб йигиб олиш қуидаги тартибда бажарилади. Даладаги рўзапоялар йигиб олингандан кейин ерлар отвали олиб қўйилған плуглар билан бегона ўтларнинг илдиз поялари жойлашган чукурликда (15-18 см) юмшатилади. Бунда тупроқ қатлами илдиз поялари билан бирга қирқилиб, ер бетига ағдариб ташланади ва у илдиз поялардан ажратилмаган ҳолда юмшатилади. Кейин эса чизеллар ёки культиваторлар билан илдиз поялар икки бора (участканинг узунасига ва кўндалангига қаратиб) тирмалаб, йигиб олинади. Бунда агрегат иш органларининг юриш чукурлиги тупроқнинг дастлабки юмшатиш чукурлигига мос келиши, бороналар эса 8-10 см чукурликда ишлаши керак. Агрегатларнинг иш органлари, бегона ўт илдиз поялари уюмларининг тўпланиб боришига қараб, уларни тозалаб йигиб олиш учун янада чукурроқ ишлаши керак.

Тупроқнинг юза қатламидаги тирмаланмай қолган бегона ўтларнинг илдиз пояларини охиригача йигиб олиш учун ўрнатма ёки тиркама тишли бороналардан фойдаланилади. Йигиб олинган илдиз поялар транспорт воситаларига юкланади ва даладан ташқарига чиқариб йўқотилади. Ана шу операциялар бажарилгандан кейин далалар қўш ярусли плутлар билан ҳайдалади, бунда тупроқдаги бегона ўт қолдиқлари тупроқча чукур кўмилиб кетади ва у қайта кўкариб чиқмайди.

Илдиз пояларни тирмалаб йигиб олиш одатда кузда ўтказилади, эртаги экинлардан бўшаган ерларда эса бу иш ёзда бажарилади. Агар тупроқ ҳаддан ташқари қуриб кетган бўлса, у вақтда ерлар ҳайдаш олдидан гектарига  $600\text{-}800 \text{ м}^3$  меъёрда сув бериб сугорилади.

Ерларни плантажли плуглар билан чуқур ҳайдаш даланинг ўт босишини икки марта ва ундан ҳам кўпроқ камайтиради. Бедапояларни бузишда плуг лемехига маҳсус пичоқ, ўрнатилиб, бу пичоқ беда илдизининг тупбарғларини қирқиб кетади ёки бўлмаса, ерни асосий ишлашга (ҳайдашга) қадар тупроқ лушчиликлар билан 6-8 см чуқурлиқда ишланади, шундан кейин қўш ярусли плуг билан ер қаватма - қават қилиб ҳайдалади.

Беда экиш билан ҳосил қилинган тупроқ унумдорлигидан самарали фойдаланиш ва бегона ўтларга қарши курашишда фўза-беда алмашлаб экиш далаларини ўзгартирилган чуқурлиқда ҳайдаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи йили бедапоялар зоналарига қараб 30 ёки 40 см чуқурлиқда ҳайдалади, иккинчи ва учинчи йиллари эса ер ҳайдаш чуқурлиги 20 см гача камайтирилади, кейинчалик эса ер ҳайдаш йил оралатиб 30-20-30-20 ёки 40-20-40-20 см ли схема бўйича амалга оширилаверади.

Бедапояларни ўзгартирилган чуқурлиқда ҳайдашда даланинг ўт босиши анча камаяди, ҳосилдорлик ўзгармай аввалгича қолаверади ёки бир оз ошади.

Эрта баҳорда бегона ўт уруғларининг жадал униб чиқиши учун мувофиқ шароит вужудга келади. Бегона ўтларнинг дастлабки кўкариб чиқиши босқичида уларни бороналаш йўли билан йўқотиш яхши натижага беради. Бороналаш икки бора амалга оширилади. Бороналар дала чеккасига чиққанда улар бегона ўтлардан тозаланади ва бегона ўтларнинг бутун дала бўйлаб тарқалиб кетишига йўл қўйилмайди.

Тупроғи ишланмайдиган ерлардаги ўтларни йўқотишда агротехник кураш тадбирлари ва кимёвий воситаlardан фойдаланилади.

Йўл ёқаларидағи, дала чеккаларидағи, сугориш шаҳобчалари ва коллектор-зовур бўйларидағи буш ётган ерларда тарқалган бегона ўтларни ўз вақтида мунтазам равишда йўқотиб бориш ҳам фоят муҳимдир. Кейинги йилларда кўпчилик хўжаликларда нов орқали сугоришга кўчилиши муносабати билан сугориш новларини ҳар икки томонида, 5-10 метр оралиқдаги жойларда, қамиш ва ажриқ каби кўп йиллик ўтлар ўсиши кузатилмоқда. Шунга кўра сугориш новлари атрофидаги бегона ўтларни ўз вақтида йўқотиб туриш ва уларнинг илдизпоялар орқали тарқалишига йўл қўймаслик лозим.

Чорвачилик фермалари ҳудудлари, электр линиялари атрофи, курилиш майдончалари ва темир йўл ёқаларидағи қияликларда ўсиб ётадиган бегона ўтларни йўқотиш ҳам жуда муҳимдир. Негаки, тупроғи ишланмайдиган ерлардаги бегона ўтларга қарши ўз вақтида кураш олиб борилмаса, улар бегона ўт уруғлари ва илдизпояларининг тарқалиш манбаига айланаб қолади.

Йўл ёқалари, ўрмон ихота минтақаларининг чеккалари, муҳофаза қилинган участкалар, умуман маданий экинлар экилмаган ерлар, албатта кўп йиллик ўтлар, беда, судан ўти ва бошқалар билан банд қилиниши лозим. Қишлоқ хўжалик экинларини экиш мумкин бўлган жойларда эса бегона ўтларни йўқотиш учун жамики механик усуллар ва кимёвий воситалар қўлланилиши керак.

Томорқа участкалари, хиёбонлар, парклар, чорвачилик фермалари худудлари ва дала шийлонларидағи бегона ўтлар ҳам ўз вақтида ўриб олиниши ва чопиб ташланиши лозим.

Телеграф симёғочлари, электр линиялари тиргаклари, техника сақланадиган майдончалар ва бошқа жойлардаги бегона ўтларни йўқотиш зарур. Шундай қилиб, айтиш керакки, бегона ўтларни ҳамма ерда оммавий равишида йўқотиб бориш уларнинг тарқалишини маълум даражада камайтиради.

Пахта далаларида кўп йиллик ва бир йиллик бегона ўтларга қарши курашда танлаб таъсир этадиган гербицидлар қўлланилади. Тупроқ-иклим шароитларига, қўлланиладиган агротехник тадбирларга, шунингдек, ишлатиладиган гербицидларнинг вазифасига қараб – улар кузда, кўкламда, экишга қадар, экиш билан бир вақтда ва ёзанинг вегетацияси даври мобайнида бериб борилади.

Кўп йиллик бегона ўтларга қарши гербицидлар кузда, одатда ерни асосий ишлашдан кейин берилади. Ёнингарчилик кам бўладиган районларда кўп йиллик бегона ўтларга қарши гербицидлар ишлатишдан олдин ерлар суфорилади, тупроғи шўрланган ерларнинг шўри ювилади. Системали равишида таъсир этадиган гербицидлар сувда яхши эрувчан бўлади, ўсимликнинг илдиз системаси орқали осонгина кириб боради. Ёнингарчилик кўп содир бўлгудек бўлса, гербицидлар тупроқнинг пастки қатламларига ювилиб тушади. Кузи қурғоқчил ва қиши давомида қор кам ёқсан шароитда бу хилдаги гербицидлар тупроқнинг пастки қатламларига ювилиб кетмаган ҳолда, тушган жойида сақланади.

Гербициднинг меъёри ишлатиш ҳолатига ва таркибидағи соғ модда микдорига қараб белгиланади.

Ажриқ босган пахта майдонларини гербицидлар билан дорилашни ҳосил йигиб олингандан кейин кузги шудгорлашга қадар ўтказиш мақсаддага мувофиқдир. Кучли даражада ажриқ босган далаларга бу хилдаги гербицид ёппасига берилиб, серажриқ участкалар танлаб ишланади. Шуни эсда тутиш лозимки, гербицидлар билан ишланган майдонларда мол боқиш ман этилади.

Шўрланган тупроқларда гербицид тупроқ шўри ювилгандан кейин солинади. Одатда бу хилдаги дорилаш маккажӯҳори, оқжӯҳори ва бошқа

Экинлар ҳосилини йиғиб олингандан сүнг, сентябрь-октябрь ойларида, янын тупроқ етилгандан кейин ўтказилади.

Гумай ва ажриқ босган далаларни ёппасига дорилаш учун ОВХ-14 маркалы пуркагиңдан ёки далани ёппасига ишлайдиган шунга ўшаш машиналардан фойдаланилади. Бу хилдаги машиналар бўлмаган ҳолларда ПГС-2,4 ёки ПХГ-4 маркали мосламаларни далаларни ёппасига дорилаш учун қайта ускуналашга тўғри келади. Бунинг учун машина брусиға осгич учун махсус таянч пайвандланади ва унга шарнирли қилиб ПХГ-4 нинг 8-12 та училиги бўлган трубаси уланади.

Тупроғи шўрланмаган, ўртача қумоқ, чириндиға бой бўлган ерларда бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга қарши курашишда ерга ўзига нам тортадиган (таркибида 80% соф модда сақловчи) гербицидни қўллаш тавсия этилади. Тупроққа солинган гербицидининг таъсир кучи 2-3 ойгача сақланади. Кўп йиллик тажрибалар ва ишлаб чиқариш амалиётининг кўрсатишича, бу хилдаги препарат чигит экиш билан бир вақтда ўсимлик қаторларига лента усулида берилганда ва вегетация даврида қаторларнинг бегона ўтлардан муҳофаза қилинадиган зонасиға пуркалганда янада юқорироқ самара беради. Механик таркиби жиҳатидан жуда енгил ва чиринди моддаси кам бўлган тупроқларда чигит сугориш эгатлари қатор оралатиб олинган ҳолда экилиши лозим. Бу тадбир ёғингарчилик бўлиб қолиб, тупроқни сув босмаслиги ва гербицидларнинг таъсир кучини кучайтириб юбормаслик учун амалга оширилади.

Бир қатор олимлар, олиб борган кўп йиллик экспериментал ишлари натижаларига асосланиб, тупроқ эрозиясиға мойил бўлган ерларда гербицидларни тупроқни мустахкамлайдиган ССБ (сульфит спиртли барда) препарати билан аралаштириб ишлатиши тавсия этадилар. Натижада ер бетида тупроқнинг майда зарраларини шамол учирив кетишидан сақлайдиган ва бегона ўт ўсимталарини нобуд қиласидиган даражада парда ҳосил бўлади: икки ой давомида гербицид таъсиридан нобуд бўлган бегона ўтлар миқдори 90% ни ташкил қиласиди, пахта ҳосилдорлиги эса гектарига назоратдагига нисбатан 5-6 центнер ошади.

Ғўза-беда алмашлаб экиш далаларида майдонни ўт босиши типлари турлича бўлиб, айрим гербицидларнинг таъсир кўрсатиши доираси эса нисбатан тор бўлади. Шунга кўра, бегона ўтларга қарши кураш тадбирлари комплексида гербицидлар қўлланишини агротехника тадбирларига боғлаб олиб боришга алоҳида аҳамият берилади. Ерга гербицид солишда тупроқни юза юмшатиш катта аҳамият касб этади. Маълумки, бу тадбир кўп йиллик бачки илдизли бегона ўтларнинг

ривожланиши учун тупроқ ишланган биринчи йили ҳам, алмашлаб экиш далалари бўйича ҳам энг мувофиқ шароит яратиб беради. Фақат ўз муддатида ва тўғри ишлатилган гербицидлар йўқ қилиниши қийин бўлган бегона ўтларга қарши курашишнинг ҳал этувчи, бирдан-бир воситаси ҳисобланади.

Алмашлаб экишда бегона ўтларга қарши курашишнинг энг асосий шартларидан бири бегона ўтларнинг тур таркиби ҳақида ва даланинг қанчалик ўт босганилиги тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлишдан иборатdir. Бу хилдаги маълумотлар бегона ўтларни йўқотишнинг узоқ муддатга мўлжалланган тизимини тузиш учун керак бўлади.

Тупроқда мавжуд бўлган бегона ўт уруғлари ва кўп йиллик бегона ўтларнинг илдиз қолдиқлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бу маълумотлар далалардаги бегона ўтларнинг турлари ва даланинг қанчалик ўт босганилиги ҳақида маълумот тузишда асосий материал бўлиб хизмат қиласди.

Гербицидлардан фойдаланишда тупроқда бўлган қолдиқ гербицидларнинг парчаланиб кетиши учун маълум интервалга амал қилиш керак бўлади, акс ҳолда, атроф муҳитни қолдиқ гербицидлар билан заҳарлаб кўйиш мумкин.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, турли хил препаратларни қўлланишга, уларнинг таъсир кўрсатиш доираси хилма-хиллиги туфайли, бу борада усталик билан иш тутиш ва йиллар бўйича бегона ўтларнинг алмашинишига қараб гербицидларнинг мувофиқ келадиган турларидан фойдаланиш керак бўлади.

Олиб борилган кўп йиллик кузатишларда аниқланишича, 6-7 йил давомида сурункасига гербицидлар қўлланилган майдонларга уч йил давомида пахта экиш мумкин эмас. Бунда пахтадан кейин биринчи йили бедани судан ўти билан бирга экиш, кейинги йилларда эсатупроқда қолган гербицидларнинг парчаланиб кетиши учун – беданинг бир ўзи ўстирилиб, бегона ўтларга қарши кимёвий препаратлар ишлатилмаслиги тавсия этилади. Яхши авж олиб ўсган бедапояларда, гербицидлар қўлланилмаган тақдирда ҳам, бегона ўтлар ўз-ўзидан сиқилиб қолади ва фойдали энтомофауна яхши ривожланади. Пахта майдонларида қўлланиладиган гербицидларнинг самарали таъсир кучини ошириш ва тупроқда қолдиқлари тўпланиб қолишини олдини олиш учун улар навбатланиб ишлатилиши керак.

Дала шароитида олиб борилган тажриба натижаларига қараганда, кўп йил давомида бир хилдаги гербицидни сурункасига ишлатиш -- бир турга оид бегона ўтларни нобуд қилган ҳолда, бошқа турининг кўпайиб кетишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, гербицидларни навбатлаб ишлатиш тупроқда уларнинг қолдиқлари тўпланиб қолишининг олдини олади, чидамли бегона ўтларнинг кўпайишига йўл қўймайди, шунингдек, қўлланиладиган гербицидларнинг атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатиши йўқолади. Ниҳоят, бегона ўтларга қарши олиб бориладиган комплекс тадбирлар препаратларни сотиб олишга ва уларни қўлланиш борасида қилинадиган ҳаражатларнинг қопланиб кетишига қаратилгандир. Бегона ўтларга қарши агротехник, кимёвий ва биологик кураш чораларини бир-бирига боғлаб олиб боришдан кўриладиган асосий иқтисодий самара-ҳосилдорликни ошириш ва унинг сифатини яхшилаш ҳисобига қўшимча фойда олиш, шунингдек, пахта етиширишдаги умумий ҳаражатларни сезиларли даражада қисқартириш, биринчи навбатда ҳар гектар экин майдони ва маҳсулот бирлиги ҳисобига қилинадиган қўл меҳнатини камайтиришдан иборатdir.

Шуни ҳам айтиш керакки, сугориладиган деҳқончиликнинг деярли ҳамма пахтачилик зоналарида экин майдонлари бегона ўтлар билан маълум даражада заарланган бўлиб, гўза ниҳоллари ердан униб чиқсан биринчи кундан эътиборан турли хил бегона ўтларнинг рақобатига дуч келади. Гўзанинг ўсиши учун, айниқса, вилт билан касалланган далалар катта қийинчилик туғдиради. Чунки, кўпчилик бегона ўтлар вертициллиум замбуруғи билан заарланган ҳолда, уларнинг кўп микдордаги қолдиқлари тупроқдаги замбуруғларнинг кўпайиши учун мувофиқ муҳит сифатида хизмат қиласи. Демак, бегона ўтларга қарши ўз вақтида кураш олиб бормаслик гўзани вилт касаллиги билан кучли даражада касалланишига сабаб бўлади. Шунга кўра, вилт касаллиги тарқалган пахта майдонларида гербицидлар чигит экишдан бир неча кун олдин дала бўйлаб ҳамма ерга (тупроқни бороналаш маҳалида) ёспасига берилади.

Кузда пахта майдонларидағи бегона ўтларнинг илдизпояллари ва уларнинг қолдиқлари тирмалаб йигиб олиниши ва даладан ташқарига чиқариб, куйдириб юборилиши керак. Бу хилдаги тадбир амалга оширилганда, келгуси йили тупроқда вилтнинг тўпланиши ва тарқалиши, шунингдек, бу касаллик билан заарланадиган ўсимликлар микдори сезиларли даражада камаяди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бегона ўтлар ерга солинган минерал ўғитларга нисбатан жуда таъсирчан бўлади. Бегона ўтлар азот, фосфор ва калийни гўзага нисбатан ўн баравардан ҳам тезроқ ўзлаштиради. Буни ҳисобга олиб, минерал ўғитлар бегона ўтлар пахта майдонларидан чиқариб ташлангандан, қатор оралари ишлангандан ва бегона ўтлар ўтоқ қилиб олингандан кейингина ерга солиниши лозим. Шундагина гўза улардан тўла-тўқис фойдаланади.

Минерал ўғитларнинг оширилган нормаларини ҳисобга олган ҳолда, гербицидларни ишлатиш гўзанинг ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилга киришини кучайтиради. Ерга солинган гербицидлар ўғитларнинг самараадорлигини анча оширади.

Шундай қилиб, ерга ўғит солиш – гербицидларнинг техник самарасини оширади, гербицидлар эса ерга солинган ўғитлар самараадорлигини ошириш имконини яратади.

Агротехник тадбирлардан ташқари, гербицидларни гўза ниҳоллари униб чиққунча қўллаш ҳам бегона ўтларни сезиларли даражада йўқотиш имконини беради. Шуни ҳам айтиш керакки, юқорида келтирилган агротехник тадбирлар бегона ўтларни бутун вегетация даври мобайнида йўқотиб боришни таъминлай олмайди. Гербицидлар ўзларининг таъсир кўрсатиш фаоллигини 1,5-2 ой деганда йўқотади. Натижада, тупроқнинг пастки қатламларидан ер бетига чиққан бегона ўт уруғлари униб чиқшини ҳеч қандай қаршиликсиз давом эттиради, гўзани соялайди, озиқ элементлари ва сувга шерик бўлади. Айниқса, гўза ёппасига шоналаш даврига кирганда ўсимлик қаторларини кўплаб бегона ўтлар босади. Энди уларни механизмлар билан йўқотиш мумкин бўлмай қолади.

Гўзанинг уя оралиқларидаги ва ўсимлик қаторларидаги (пушталардаги) бегона ўтларни йўқотиш учун гербицидларни вегетация давридаги суғоришга қадар ва суғориш эгатларини очиш билан бир вақтда ишлатиш усули ишлаб чиқилган. Дала шароитида олиб борилган кўп йиллик тажриба ва ишлаб чиқаришдаги кузатиш натижаларига кўра, гербицидларни ерга солишнинг энг мувофиқ муддати гўзанинг дастлабки суғоришигача бўлган даври ҳисобланади. Бунда ўсимлик асосий поясининг баландлиги 15-25 см гача бўлиши мумкин.

Илмий тадқиқотларда аниқланишича, гўза турлари ва навларида гербицидларга нисбатан таъсирчанлик бир хилда бўлмайди. Бунда гўзанинг келиб чиқиши, генетик хусусиятлари, илдиз системасининг тузилиши, шунингдек гўзада дастлабки ривожланиш фазасининг қанчалик жадал бориши муҳим аҳамият касб этади.

Алмашлаб экишнинг бутун ротацияси давомида далаларга гербицид ишлатиш бўйича олиб борилган кўп йиллик тажриба натижаларига қараганда, гербицидлар пахта толаси ва чигитнинг технологик хоссаларига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди. Шунга кўра, пахтачиликдаги ҳозирги замон индустрисиал технологияси гербицидлардан, яни бегона ўтларга қарши курашда кимёвий воситалардан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Ўсимликларга танлаб таъсир этувчи гербицидлар алоҳида аҳамият касб этиб, улар икки группага, контакт ва системали таъсир кўрсатувчи гербицидларга нисбатан нечоғлик чидамлилиги уларнинг қайси гурӯҳ ва

синфга оидлигига боғлиқ бўлиб, гербицидларни тез ёки секин ўзлаштиришларига қараб белгиланади. Ўсимлик ичига кириб олган гербицид молекулаларининг кўпчилиги тез орада турли хил ўзгаришларга учрайди, натижада дастлабки гербицидларга қараганда фитотоксиглиги турли хил даражада бўладиган кўплаб метаболитлар пайдо бўлади. Гербицидлар ерга солингандан кейин улар физик омиллар таъсирига ҳам дуч келадилар (тупроқ эритмасида эрийди, ёғинлар оқибатида ювилади, тупроққа сингийди, ер бетидан буғланиб кетади ва ёруғлик таъсирида парчаланади).

Тупроққа солинган гербицидларнинг фаоллигига физик ва кимёвий омиллардан ташқари биологик омиллар ҳам катта таъсири этиб, бунда гербицидлар нисбатан таъсиричан ва чидамли бўлган ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади ва микробиологик парчаланишга учрайди.

Тупроққа солинган гербицидлар замбурууглар, бактериялар ва актиномицентлар томонидан ҳам парчаланади.

Тупроққа солинган гербицидлар тупроқнинг фойдали микрофлораси ва микрофаунасига қанчалик салбий таъсири кўрсатиши ҳозирча кузатилмаганлиги туфайли гербицидларни оптималь меъёрда ишлатиш тавсия этилади.

Гербицид қолдиқларининг атроф мұхитта – ҳаво, сув, тупроқ ва ўсимлик орқали сингиши ҳозирча тўла маълум эмас. Бундан ташқари, юқорида айтиб ўтилганидек, гербицидлар билан ишланадиган майдонлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. Фўза-беда алмашлаб экишдаги экинлар учун ишлаб чиқарилаётган гербицидларнинг ассортименти ҳам кўпайиб бормоқда. Шунга кўра, ҳимоя санитария зонасига қатъий амал қилиш, яъни тупроғи дориланадиган майдонлар аҳоли яшайдиган пунктлардан ҳамда чорвачилик фермаларидан мумкин қадар узоқда бўлиши керак.

Гербицидларни тўғри сақлаш ва уларни билиб ишлатиш кимёвий воситалардан самарали фойдаланиш ва атроф мұхитни гербицидларнинг қолдиқлари билан ифлосланишидан ҳимоя қилишнинг мұхим шаргларидан ҳисобланади.

Бегона ўтларга қарши курашда агротехника кураш тадбирларини кимёвий кураш чораларига боғлаб бориш пахтачиликда иқтисодий жиҳатдан фойдалидир.

Хуллас, гербицидларни агротехник тадбирлар билан боғлиқ ҳолда қўллаш – даланинг ўт босишини камайтиради, пахта ҳосилини оширади. Олинган ҳосилнинг пахтаси, уруғлиги ва чигит ёғининг сифати юқори бўлади. Бундан ташқари, пахта териш машиналарининг иш унумдорлигини ошириш имконияти туғилади, begona ўтларни ўташга кетадиган харажатлар қисқаради ва маҳсулот таннархи арzonлашади.



10-расм. ПЯ-3-35 маркали икки ярусли плуг



11-расм. Six-Bottom-165 русумли икки ярусли универсал плуг



12-расм. «ТДБ-3/5» русумли оғир дискли борона

## ***Саволлар***

1. Ҳақиқий ва шартли бегона ўтлар бир-биридан қандай фарқ қиласы?
2. Бегона ўтларнинг зарари нимадан иборат?
3. Бегона ўтларнинг асосий биологик хусусиятларига нималар киради?
4. Паразит бегона ўтлар қайси турларга бўлинади?
5. Бир йиллик ўтларга таъриф беринг.
6. Кўп йиллик бегона ўтлар қайси гурухларга бўлинади? Вакилларини айтинг.
7. Бегона ўтларни ҳисобга олиш усусларини санаб беринг?
8. Бегона ўтларни тарқалишини қандай олди олинади?
9. Бегона ўтларни йўқотишида кузги шудгорнинг аҳамияти нимадан иборат?
10. Илдизпояли бегона ўтларни йўқотишида дискли бороналардан фойдаланса бўладими?
11. Пахтачиликда гербицидларни қўллаш бўйича нималарни биласиз?
12. Галлачиликда қайси гербицидлардан фойдаланилади?

## ***Адабиётлар:***

1. Жўракулов А. Бегона ўтларга ҳар хил усулда курашишнинг (усули) уларни сонига ва шўр таркибига таъсири. Сугориладиган ерларда бегона ўтлар ва уларга қарши кураш чоралари (илмий асарлар) Тошкент, 1992.
2. Полопова И.В. Агрофитоциология ва далаларни бегона ўтлар билан ифлосланишига қарши кураш чоралари. ТошДАД илмий ишлар тўплами. Тошкент, 1992.
3. Кимсанбоев Х.Х., Мухаммед А. Сурия жумхурияти гўза далаларидағи бегона ўтлар турлари, ТошДАД илмий асарлар тўплами, Тошкент, 1992.
4. Алиев Б.Г. Основные меры борьбы с сорняками при интенсивной земледелии. Труды СоюзНИХИ, 1988 г.
5. Шодмонов М., Рўзметов Р. Пахтачиликда трефлан гербицидини тасмасимон усулда қўллашнинг бегона ўтларга таъсири, ТошДАД илмий ишлар тўплами. Тошкент, 1992.
6. Киселев А.Н., Сорные растения и меры борьбы с цили. М., Колос, 1971 г.
7. Цой Э. Пахтазорлардаги бегона ўтларга қарши интеграл кураш чоралари. Сугориладиган ерлардаги бегона ўтлар ва уларга қарши кураш чоралари. ТошДАД илмий ишлар тўплами. Тошкент, 1992.
8. Ҳамраев А.Ш., Ҳасанов Б.А., Очилов Р.О., Азимов Ш.А., Эшматов О.Т., Рашидов М.И. Галла ва шолини зааркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. Тошкент, 1999 й.
9. Ўзбекистон Республикасида ишлатиш учун рухсат этилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхати, Т. 2002.
10. Захарченко В.А. «Ўсимликшуносликда гербицидлар қўллашнинг иқтисодий қирралари», Актуальные вопросы борьбы с сорными растениями, М.: ВАСХИЛ 1980.
11. Шералиев А.Ш., Нуралиев Х.Х. Бегона ўтлар уруғининг фузариум замбуруғининг турларини тарқалишидаги аҳамияти. ТошДАД илмий ишлар тўплами. Т. 1992.

## **IV. ТУПРОҚНИ ИШЛАШНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ**

### **ТУПРОҚҚА АСОСИЙ ИШЛОВ БЕРИШ**

**1.** Тупроқнинг унумдорлигига ва экинлардан юқори ҳосил олишга қаратилган барча агротехник тадбирлар орасида тупроқни ишлаш асосий аҳамиятга эга. Чунки, ер тўғри ишланганда тупроқнинг физик, кимёвий ва биологик хоссалари яхшиланади ва барча агротехник тадбирларнинг самарадорлиги ортади. Ерга ишлов бермасдан унда экин етиштириб бўлмайди. Тупроқ ўсимлик илдизи учун етарли даражада юмшоқ бўлганда, унинг сув-физик хусусиятлари ва микроорганизмларнинг фаолияти яхши бўлади. Ерни ишлаш деганда уни шудгор қилиш, текислаш, асосий ишлов бериш, бороналаш, культивациялаш, чизеллаш, мола босиш кабилар тушунилади.

Бир-бiri билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган тупроққа ҳар хил механик таъсир этишларга ерни ишлаш тизими дейилади.

Ер ишланганда тупроқ (сув, ҳаво, иссиқлик ва озиқ) режимларининг қулиятини учун қулият шароит яратилади, яъни ҳайдалма қатлам тузилиши ва унинг донадорлиги ўзгаради; тупроқнинг қуий қатламидаги озиқ моддалар юқорига кўтарилиб, унинг айланиши даври ва микробиологик жараёнлар тезлатилади; бегона ўтлар йўқотилади; органо-минерал ўғит ва анфислар тупроққа қўшилади; тупроқ юза қатламида ёки ўсимлик қолдиқларида яшаётган экинларнинг зараркунанда ва касаллик қўзгатувчилари йўқотилади; ерни экин экишга тайёрлаш, эгат ва жўяқ олиш ҳамда экинни парвариш қилишда қатор орасига ишлов бериш; бегона ўтларни йўқотиш каби ишлар бажарилади.

**2.** Ерни ишлашда қуийдаги технологик жараёнлар амалга оширилади: ер қатлами ағдарилади, аралаштирилади ва юмшатилади; бегона ўт илдизлари кирқилади, тупроқ зичланади, текисланади, эгат ва жўяқ олинади.

Ер заруриятга қараб юза ҳайдов чуқурлигига юмшатилади. Ҳайдалма қатлам тупроғини аралаштириш натижасида тупроқдаги органик ва минерал ўғитлар, микроорганизмлар ҳайдалма қатламда бир текис тақсимланиб, тупроқ унумдорлигини оширади. Тупроқни зичлаш яъни мола бостирилганда капилляр ғоваклиги ортади. Экилган уруғларни пастки қатламда намлик билан таъминлаш яхши бўлади. Суғориладиган дэҳқончиликда ерни текислашнинг экин экиш ва уни парвариш қилиш учун аҳамияти катта, бунда сифатли экиш, суғориш, парвариш қилиш учун шароит яратилади.

Ер ҳайдалганда ағдарилаётган қатламлар  $135^{\circ}$ - $145^{\circ}$  қияликда бир-бiriга ёнбошласа, қатлам чала, қатлам  $180^{\circ}$  ағдарилса тўлиқ ағдарилган ҳисобланади.

Ерни ҳайдаш сифати плуг ағдаргич (отвал) ларининг шаклига боғлиқ. Улар винтсимон, цилиндрический, ярим винтсимон ва маданий бўлади.

Маданий отвали плуглар қатламни яхши увоқлайди ва ағдаради. 1870 йили Рудольф Сакк ярим винтли ва цилиндрический отвали плуглардан маданий отвали плуг яратди. Бу плутнинг асосий корпуси олдига кенглиги асосий корпуснинг 2/3 қисмiga тенг келадиган чимқирқар ўрнатилган.

Ҳозирги вақтда ер кўпроқ П-5-35М, ПН-4-35 маркали тиркама ёки осма плуглар билан ҳайдалмоқда. Кейинги йилларда чимқирқарнинг кенглигини 27 см гача узайтирилган, ПЯ-3-35 маркали икки ярусли плуглардан фойдаланилмоқда (10-расм).

Ҳозирги даврда шамол эрозиясига мойил ерларни ағдармасдан, анғизлар сақланган ҳолда, асосий ишлов бериш усули кенг қўлланилмоқда.

Ерни сифатли ишлаш қўлланилаётган қуролнинг тузилишига, яъни плуг отвалининг шаклига, ишчи органларнинг турига, агрегатнинг юриш тезлигига ва тупроқнинг технологик хоссаларига боғлиқ.

**3.** Ерни кузда шудгорлаш асосий агротехник тадбирлардан бири бўлиб, ўсимликларнинг ўсиб ривожланишида муҳим аҳамиятта эга. Кузда ҳайдаш қўйилган ерда намлик кўп тўпландади, микробиологик жараёнлар учун қулай шароит яратилади. Ўсимлик қолдиқлари кўмилиб чириши учун имконият яратилади. Кузда ҳайдаш қўйилган ерни баҳорда экин экишга тайёрлаш анча осон бўлади. Сифатли ўтказилган кузги шудгор баҳорги ҳайдашга нисбатан экинлар ҳосилини 10-20% оширади, ҳосил эрта ва сифатли бўлиб етилади.

Тупроқ намлиги максимал дала нам сифатига нисбатан 40-60% бўлганда ер сифатли ҳайдалади. Куруқ ёки сернам тупроқ ҳайдалганда палахса ва кесаклар ҳосил бўлади.

**4.** Республикализнинг шимолий зонасида ноябрь ойи, Марказий зонасида 15 ноябрдан 15 декабргача, жанубий зонада 20 ноябрдан 15 декабргача бўлган вақт кузги шудгор учун энг қулай вақт ҳисобланади.

Тупроқ шароитига кўра, ер 30-35 см гача чуқурликда ҳайдалиши мумкин. Янги ўзлаштирилган ерлар 20-22 см чуқурликда ҳайдалади. Кейинчалик ҳайдаш чуқурлиги аста-секин ошириб борилади.

Ерни икки ярусли плуг билан ҳайдаш муҳим аҳамиятта эга. Ҳозирги кунда Six-Bottom-165 русумли икки ярусли универсал плугдан ҳам фойдаланилмоқда (11-расм). Икки ярусли ҳайдалганда устки қатлам (0-15см) пастга, пастки қатлам (15-30см) тепага чиқарилади.

Ерни ҳар хил чуқурликда ҳайдаш – бегона ўтларни, зааркундадарни, касалликларни камайтириш ва органик қолдиқларни тўла чиришини таъминлаш учун ўтказилади. Ер биринчи йили 30-32 см,

иккинчи йили 22-24 см, учинчи йили 26-28 см чуқурликда ҳайдалса, юқорида күрсатилған чуқурликдаги қатламга тушган заарлы организмлар ҳамда органик қолдиклар уч йилгача тупроқ юзасига чиқарылмайды. Натижада, заарлы организмларни камайиши ва ўсимлик қолдикларини тұла чиришига эришиләди.

## **ТУПРОҚА ЭКИН ЭКИШДАН ОЛДИН ИШЛОВ БЕРИШ. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИ ЭКИШ УСУЛЛАРИ**

1. Ерга екин екиш олдидан ишлов бериш уруғларни тұлиқ униб чиқиши ва кейинги парвариши ишларини бажаришга қулай шароит яратып учун үтказилади. Ишлов бериш орқали тупроққа керакты тузилиш ва мұйтадил зичлик берилади, бегона үтлар йүқотилади. Бу ишлар қыйидагилардан иборат: 1) ерни жорий текислаш; 2) уруғларни бир хил чуқурликка екиш ва қийғос униб чиқишини таъминлайдын юмшоқ қатлам ҳосил қилиш; 3) бегона үтларни йүқотиш.


Ерларни текис бўлиши уруғларни бир хил чуқурликка тушиши ва сифатли қилиб сугоришга имконият яратади. Вегетация даврида үтказиладиган ҳамма парвариши ишларининг сифати ва самараадорлиги кўп жиҳатдан далаларни текис бўлишига боғлиқ. Далаларни шудгорлаш пайтида ҳосил бўлган марза ва эгатлар, тракторларнинг бурилиш жойларидағи дўнглик-чуқурликлар ҳар йили жорий текисланади. Ерни текислаш учун узун базали текислагич грейдер, кенг қамровли мола, темир-бетон брус ёки оддий ёғоч молалардан фойдаланилади. Агрегатлар ёрдамида текисланмай қолган дўнглик ва пастқам жойлар қўлда текисланади.

Навбатдаги тадбирлар намлиknи сақлаб, юмшоқ қатлам ҳосил қилиши ва бегона үтларни йүқотишга қаратилмоги лозим. Ерни екин екишга гайёрлаш, шудгорни бороналашдан бошланади. Бороналаш даврида тупроқ намлиги ва уни сақлашга зътибор бериш лозим. Ерни бороналашга тупроқ етилган пайтда киришилса кесаклар яхши майдаланади, тупроқ донадор ҳолатта келади. Тупроқда намлик сақлаб қолишга эришиләди.

Бороналаш кўпинча молалаш билан биргаликда үтказилади. Бунда тупроқ юзаси текисланади ва маълум даражада зичланади. Бегона үтлар энди униб чиқаёттанды бороналаш үтказилса, уларнинг майсалари нобуд бўлади. Ер бетидаги қатқалоқни юмшатиб туриш намлиknи бехуда буғланиб кетишини олдини олади.

Ерларни бороналашда иккى қатор қилиб уланган «зиг-заг» бороналардан фойдаланилади. Бороналашни иложи борича занжирли тракторлар ёрдамида

амалга ошириш лозим. Чунки, филдиракли тракторлар ерларни зичлаштириб юборади. Далаалар дәстлаб ер ҳайдалиш йұналишига күндаланғ, иккінчи марта эса узунасига бороналанади (13-расм).



13-расм. Тишли борона:

Ерни экишга тайёрлаш, бороналаш ишларини экишдан бир неча күн илгари режалаштирилган қолда амалга оширилиши мақсадға мувофиқ. Ҳозирги пайтда Қашқадарё вилоятіда ерлар экишдан 10-15 күн илгари бороналаниб, тайёрлаб қўйилмоқда. Экиш олдидан эса ернинг ҳолатига қараб яна бир марта бороналанмоқда.

Бороналаш ишларини бошлаш муддатини тўғри белгилашга катта ўзиб бериш лозим. Юқорида айтиб ўтилганидек, бороналаш ишларини муддатидан эрта ёки кеч бошлаш ерни сифатсиз тайёрланишига сабаб бўлади. Шудгорнинг 5-10 см чуқурликдаги тупроғи етилиши билан ерни ишлай бошлаш лозим.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида февраль ойининг иккінчи ўн кунлиги, Бухоро вилоятіда февралнинг иккінчи ярми ва март ойининг биринчи ярми, Тошкент, Жиззах, Самарқанд вилоятларида марг ойининг иккінчи ярми, Фарғона водийсида март ойининг биринчи ярми, Хоразм ва Қорақалпоғистонда март ойининг учинчи ўн кунлиги кулай муддат ҳисобланади.

Яхоб суви берилган, шўри ювилган ерларни экин экишга тайёрлаш учун ерлар аввал яхшилаб текисланади, кейин этаг ва ўқ ариқлар олинади. Тупроқнинг ҳолатига қараб гектарига  $1500 \text{ m}^3$  гача сув берилади. Ер етилиши билан ўқ ариқлар текисланади, чизель-культиватор ва культиваторлар ёрдамида юшшатилади. Сўнгра икки қатор қилиб тақилган бороналар ёрдамида бороналанади. Агар кесаклар кўп бўлса, дискли бороналар ёрдамида майдаланади (12,14-расм).

Шўрланмаган ва яхоб суви берилмаган ерлар иккى марта бороналанаби, сўнгра мола бостириллади. Тошкент вилоятининг бўз ва ўглоқи бўз тупроқлари шароитида молага икки қатор уланган борона ёрдамида ишлов берилади.

Агарда, бороналантган ерга ёмғир ёғиб, қатқалоқ ҳосил бўлса, қайта бороналаш лозим бўлади.

Далаларни ғумай, ажриқ каби илдизпояли қўйиллик бегона ўтлар билан ифлосланган қисмини бороналашни алоҳида бажариш лозим. Шунда бу ўларнинг илдизпоялари бороналарга илашиб далаларнинг тоза қисмларига тарқалмайди. Шунингдек, бундай ерларда дискли бороналардан ҳам фойдаланиш мумкин эмас. Чунки, илдизпояларни бўлакларга бўлиниши ва тарқалиши бу бегона ўтларни кўпайиб кетишига олиб келади.


Баҳорда ерларни қайта ҳайдамаслик лозим. Агар ер зичлашиб кетган бўлса, чизель-культиваторлар ёрдамида юмшатиш керак. Баҳорда ҳайдаладиган ерларни экин экишга тайёрлаш кузда ҳайдалган ерларга нисбатан қийинроқ бўлиб, қўп ишлашни талаб этади. Бундай жойларда ишлов беришни ер стилиши билан бошлиш ва қисқа муддатлар ичida тутатиш лозим. Шундай қилингандага тупроқнинг намлиги сақлаб қолинади, экиладиган уруғларни қийғос униб чиқиши учун қулай шароит яратилади.

## **2. Қишлоқ хўжалиги экинларини экиш усуллари.**

Фан ва техниканинг ривожланиши натижасида қишлоқ хўжалиги экинларини экиш усуллари ҳам ўзгариб такомиллашиб келди. Илмий таҳрибалар ёрдамида мўътадил кўчат қалинлиги, қатор ораларининг кенглиги, ўсимликларни қаторларда жойлаштириш схемалари ишлаб чиқилди.

Кўчатлар сони меъридан кам ёки кўп бўлиб қолиши ҳам экинлар ҳосили ва маҳсулот сифатини пасайишига олиб келади. Ўртacha кўчат қалинлиги гектарига ғўза учун 100-110 минг туп, маккажӯҳори (дон) учун 50-60 минг туп, бугдой 5 млн., каноп (поя) учун 1,6 млн. уруғлик, каноп учун 200 минг туп бўлиши керак. Экиш усуллари ва меъёри мўътадил кўчат қалинлигини таъминлаши лозим.

**Экиш усули.** Уруғлар асосан сочма ва қаторлаб экилади. Сочма усули кўлда, сеялка ва самолётлар ёрдамида, қаторлаб экисе сеялкаларда бажарилади. Техниканинг ривожланиши натижасида экинлар деярли



14-расм. БДТ-2,2 дискли оғир борона:  
1-диск; 2-гидравлик цилиндр; 3-рама; 4-рамани тўғриловчи механизим; 5- кейинги чап батарея; 7-ғиддирак; 8-олдинги чапбатарея; 9-тиркаш мосламаси; 10-кергич.

сейлкаларда қаторлаб экилмоқда. Бу усулда экилганды уруғлар белги-ланган чуқурликка күмилади ва бир текисда қийғос униб чиқади.


Қаторлаб экиши усулининг қуйидаги турлари бор: ёппасига қаторлаб, кенг қаторлаб, тор қаторлаб, тасмасимон, уялаб, квадрат уялаб, эгатларга, марзаларга, пункттир ва аниқ миқдорда экиши.

СД-24, СЭН-24, комбинациялаштирилган СУК-24 ва бошқа сейлкаларда арпа, бүгдой, жавдар, сули ва бошқа ўтларни ёппасига қаторлаб экилади. Қатор оралари 13-15 см, ўсимликлар ораси 1,2-1,5 см қилиб олинади. СУБ-48, СУБ-48Б ва СА-48 маркали дискли ёки сошникли сейлкаларда зигир, бугдой, рапс, жавдар тор қаторлаб экилади. Қаторлар ораси 6-8 см, ўсимликлар ораси 3-4 см бўлади.

СУ-24, СЗД-24, СУК-24 сейлкаларини уруғ меъёрининг ярмини (50% ини) сепадиган қилиб созланади. Даланинг узунасига ва кўндалангига шахмат усулида уруғ сепиб чиқилади. Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, ўсимлик бир текисда униб чиқиши учун экиш ишларини бир кунда тутгаллаш лозим.

Бир-бирига яқинлаштириб экилган қаторлар тасма дейилади. Бу усулда сабзи, пиёз, каноп, тариқ, беда каби экинлар экилади. Ҳозирги даврда ғўза плёнка остига тасма усулида экилмоқда. Бегона ўтларга қарши ҳамда намликни сақлаш мақсадида тасмалар орасидаги оралиқ 30-60 см, тасмадаги қаторлар ораси 10-15 см қилиб олинмоқда. Тасма усулида экиш сошниклари маълум масофада ўрнатилган сейлкаларда бажарилади.

Ғўза, маккажӯхори, ерёнфоқ каби экинлар кенг қаторлаб экилади.



15-расм. СХХ-4А-III русумли сяялка:

1-аниқ миқдорда экиш аппарати; 2-сошник секцияси; 3-чигитни кўмадиган ишчи органлари секцияси; 4-рама; 5-чигит сақланадиган идиш; 6-харакатлантирувчи чап вал; 7-маркер.

Бу экинларнинг уругини экиш учун СЧХ-4А-III маркали сяялкадан фойдаланилади. Экинларнинг биологик хусусиятига қараб қатор ораси 45-90 см бўлиши мумкин (15-расм).

Ўзбекистон шароитида кенг қаторлаб экиш ва қатор ораларига изчил ишлов бериш туфайли пахта, маккажӯхори, ерёнфоқ, картошка, кунгабоқар каби экинлардан юқори ҳосил этиштирилмоқда.

Квадрат уялаб экиш кенг қаторлаб экиш усулининг бир кўриниши бўлиб, экинларнинг экин қаторлари ва уялар жуда тўғри бўлиши керак. Бу усул 60-йилларда кенг кўлланилди. Культивацияни узунаси ва қўндалангига ишлатилганлиги туфайли далаларни бегона ўтлардан тозалашда юқори самараға эришилди. Уяларни квадрат шаклида жойлаштириш мураккаб бўлганлиги учун ҳозирги даврда квадрат уялаб экilmайди.

Кейинги йилларда чигит, маккажўхори, лавлаги ва бошқа экинлар белгилантан схемаларда экилмоқда. Масалан, чигит 90x10x1 уядаги экилганда қатор оралари 90 см, қатордаги ўсимлик ораси 10 см, уядаги уруғ сони 1 дона бўлади. Бундай экишга *кенг қаторлаб серуялаб* экиш дейилади. Экишнинг бу усулида қатор оралари 60-90 см, қатор орадаги ўсимлик ораси эса 10-30 см қилиб олиниши мумкин.

*Пуштага* (эгатга) экиш қаторлаб экиш усулининг бир кўриниши бўлиб, уруғлар олдиндан олиб қўйилган пуштага экилади. Пуштада тупроқ тез қизийди, ортиқча сувни оқиб чиқиб кетиши учун шароит яратилган бўлади. Намлиқ етишмаганда тезда суфориш ҳам мумкин. Пушталар кузда ёки эрта баҳорда олинади.

Бу усул тупроқ юзаси қуриб қоладиган, қурғоқчилик ва тоғли районларда *эгат тубига* экиш кўлланилади. Бунда эгат очадиган маҳсус панжалар сеялканинг сошниклари олдига ўрнатилади.

*Экиш меъёри*. Бир гектар ерга экилиши керак бўлган уруғлик миқдори (*га/кг*) экиш меъёри дейилади. Бу уруғларнинг йирик-майдалиги ва режалаштирилган кўчат қалинлигига боғлиқ бўлади. Уруғларнинг абсолют массаси дейилганда 1000 дона уруғнинг вазни тушунилади. Беда уруғлари майда бўлганлиги учун экиш меъёри 12-15 га/кг картошканики эса 2-3 га/кг меъёрда экилади,

Уруғликнинг экишга яроқлилиги қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$X = \frac{m \cdot y}{100}$$

бу ерда:  $x$  - уруғнинг яроқлилиги;  $m$  - тозалиги;  $y$  - уруғнинг унувчанлиги,%; 100 - доимий сон.

Масалан, уруғнинг тозалиги 97%, унувчанлиги 98% бўлса, унинг экишга яроқлилиги

$$X = \frac{97 \cdot 98}{100}$$

Демак, 100 кг уруғликнинг 3% ини яъни 3 килограммини ифлослантирувчи бошқа аралашмалар ташкил қиласи. Ана шу 97 кг уруғликнинг 96% и унувчан бўлганлигидан, уруғнинг яроқлилиги 93,1% га тенгdir.

Хўжалик жиҳатдан яроқлилиги паст бўлган уруғликни экиш меъёри назарий жиҳатдан белгиланганидан кўпроқ бўлади. Бунинг учун экин меъёрига яроқлилиги 100% дан кам бўлган миқдор кўшилади. Уни қўйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$X = \frac{100 \cdot 100}{93,5} = 106,9 \text{ кг/га}$$

Демак, уруғликнинг амалдаги экиш меъёри 106,9 га/кг қилиб олинади. Экиш меъерини тупроқ иқлим шароитига ва етиштирилаётган экин хусусиятига боғлиқ ҳолда кўпайтириш ёки камайтириш мумкин.

Уруғ экиш меъёри экиш усулига қараб ҳам ўзгаради: сочма усулда экилганда экиш меъёри 10-15% га кўпайтирилади.

*Уруғни экиш чуқурлиги.* Уруғларни қийғос униб чиқиши бошқа омиллар билан бир қаторда экиш чуқурлигига ҳам боғлиқ. Агар уруғ меъеридан чуқурроқ экилса, уни униб чиқиши кечикади ёки униб чиқа олмаслиги ҳам мумкин. Уруғлар юза экилганда тупроқ қуриб қолиши ва нам етишмаслиги натижасида кўчатлар сийрак бўлиб қолиши мумкин. Уруғларни экиш чуқурлиги уруғларнинг йирик, майдалигига, тупроқнинг механик таркибига ва намлигига, шунингдек, экиш муддатларига боғлиқ бўлади (9-жадвал).

9 - жадвал

#### Турли экинлар уруғларини экиш чуқурликлари, см

Экин тури	Енгил тупроқли ерларда	Ўртача тупроқли ерларда		Оғир тупроқли ерларда
		Нам тупроқ	Куриган тупроқ	
Бугдой, жавдар сули, Арпа	5,0 5,0-5,5	3,0 2,5-3,5	5,0-6,0 4,0-5,0	4,0 2,0
Кўк нўхат, дуккаклар	7,0	4,0	6,0	3,0
Картошка	13,0	7,0	9,0	5,0
Беда	3,0	0,5	0,5-1,0	0,5-1,0
Маккажўхори	7,0	4,0	5,0	3,0
Ғўза	4-5	3-4	5-7	3,0-4,0

Йирик уруғлар анча чуқур (маккажўхори, кўк нўхат ва дуккаклар) 7 см; картошка 13 см; беда ва шу каби майда уруғлар 1 см. чуқурлика экилади.

Оғир тупроқли ерларда уруғ юза экилади, чунки тупроқнинг механикавий таркиби ўсимликларнинг униб чиқишига анчагина қийинчилик туғдиради. Бундан ташқари, оғир тупроқли ерларда енгил тупроқли ерлардагига нисбатан нам кўп сақланади. Механик таркиби енгил бўлган тупроқларда уруғ чуқур экилади, бунда сув ўтказувчанлиги яхши бўлганидан нам қатлам чуқур жойла-

шади. Тупроқнинг намлигига кўра ҳам уруғни кўмиш чуқурлиги ўзгаради. Яхши намланган тупроқларда уруғ юза, қуриб қолган тупроқларда эса тупроқнинг намланган қатламига ётиш учун чуқурроқ экилади.

*Экиш муддатлари.* Экинлардан юқори ҳосил етишириш уларни ўз вақтида экишга боғлиқ. Экиш ўз вақтида ўтказилса, уруғларнинг униб чиқиши учун яхши шароит вужудга келади, тупроқ намлигидан ва озиқ моддалар заҳирасидан тўлиқроқ фойдаланилади. Шунингдек, ўсимлик ўсишда бегона ўтлардан ўтиб кетади. Яратилган қулай шароит ўсимликнинг жадал ривожланишига ва юқори ҳосил тўплашига ёрдам беради. Экиш муддатини белгилашда, экиладиган экинлар хусусияти, ўсиб чиқаётганда уларнинг иссиқликка бўлган талаби, майсаларнинг қора совуқларга муносабати, ўсув даврининг узун-қисқалиги ва бошқалар ҳисобга олиниши зарур.

Жанубдан келиб чиқсан экинлар (ғўза, шоли, ерёнгоқ, кунжут) уруғларининг униб чиқиши учун нисбатан юқори ҳарорат зарур, лекин шимолий ўсимликлар уруғлари эса (буғдој, арпа) нисбатан паст ҳароратларда ҳам ўсиб чиқа олади (10-жадвал).

10 - жадвал

**Турли хил ўсимлик уруғларининг униб чиқиши ва ўсимталар пайдо бўлишида тупроқнинг минимал ҳарорати, °C**

Ўсимликлар	Энг қуйи ҳарорат
Буғдој, арпа, кўк нўхат	1-2
Нўхат, лавлаги, маҳсар	3-4
Кунгабоқар, картошка	5-6
Маккажўхори, соя, тарик	8-10
Ловия, оқжўхори	10-12
Ғўза, шоли, ерёнгоқ, кунжут	12-14

Енгил механик таркибли тупроқларда экин экиш барвақт бошланади. Оғир механик таркибли тупроқларда намлик секин камайганлиги учун бирмунча кечроқ бошланади. Ўзбекистонда экинлар тўрт муддатда экилади: эрта ва кеч баҳорда; ёзда ва кузда. Эрта баҳорда (15 февралдан 15 марта) лалмикор ерларда баҳорги фалла экинлари, сугориладиган ерларда эса беда, эргаги картошка, кўк нўхат экилади. Кеч баҳорда (1 апрелдан 20 апрелгача) чигит, маккажўхори экилади, шоли, ерёнгоқ, полиз экинлари эса 15 апрелдан май ойининг ўрталаригача экилади. Куз фаслида (сентябрь, октябрь) бошоқли фалла экинлари ва беда экилади.

## ТУПРОҚҚА ЭКИН ЭКИШДАН КЕЙИН ИШЛОВ БЕРИШ. ҚАТОР ОРАЛАРИ ИШЛАНАДИГАН ВА ЁППАСИГА ЭКИЛГАН ЭКИНЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ


*1. Ерни экин экишдан кейин ишлаш.* Ерни экишдан кейин ишлашдан мақсад, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратишдан иборат. Тупроққа экишдан кейин ишлов бериш қўйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган: уруғларни тўлиқ униб чиқиши ва ўсимликни яхши ривожланишини таъминлаш, тупроқ юзасини юмшоқ ҳолда сақлаш, намликни беҳуда буғланишини олдини олиш, ўсув даврида чиқадиган бегона ўтларни йўқотиш, ўғитларни тупроққа аралаштириш, эгат ва жўяқ олиш ва бошқалар.

Маълумки, ерни ўз вақтида ҳайдаш, экин экишдан олдин ишлаш ўсимликларнинг бутун вегетация даврида сув, ҳаво, иссиқлик ва озиқ режимига бўлган талабини қондира олмайди. Шунинг учун ўтказилган агротехника тадбирлари билан қаноатланмасдан уларни тегишли шароит билан тўла таъминлаш мақсадида ерни экин экилганидан кейин ишлов бериш талаб қилинади.

Ҳар бир экин учун унинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида парвариш қилиш усуслари ишлаб чиқилган. Бу усуслар экин экилган хўжаликнинг тупроқ-иқлим шароитига, навнинг хусусиятларига, даланинг бегона ўтлар билан ифлосланганлигига, об-ҳаво шароитига ва ҳоказоларга қараб амалга оширилади.

Ерни экин экилгандан кейин ишлаш қатор оралари ишланадиган ва ёппасига экилган экинларни ишлаш тизимларига бўлинади.


*2. Ерга экишдан кейин ишлов бериш одатда қатқалоқни юмшатишдан ва бегона ўтларга қарши курашишдан бошланади.* Ерни экишдан кейин ишлаш қатор оралари ишланадиган экинларда бутун ўсув давомида олиб борилади. Қатор оралари ишланадиган экинларга маккажўхори, оқжўхори, каноп, картошка ва бошқалар киради. Бу экинларнинг қатор ораларига ишлов бериш *культиваторлар* ёрдамида амалга оширилади. Фўза, маккажўхори каби экинларнинг майсалари униб чиқмасдан қатқалоқ ҳосил бўлган бўлса, у «зиг-заг» бороналар ёрдамида йўқотилади. Майсаларнинг ярми ва ундан кўпроғи униб чиқсан бўлса, қатқалоқ культиваторларга ўрнатилган *ротацион мотигалар* ёрдамида йўқотилади (16-расм). Бундан ташқари бажариш вазифасига қараб, культиваторлар юмшатадиган, кесадиган, эгат очадиган, ўғит соладиган иш органлари билан жиҳозланади (17-расм).




16-расм. MBH-2,8 маркали ротацион мотига

Қатор ораларини ишлайдиган культиваторлар қатор ораларига ишлов бериш (тупроқни юмшатиш, бегона ўтларни йўқотиш ва суориши эгатлари очиш) мақсадида кўлланилади (18-расм).

Биринчи культивация майсалар чиққанда бошланади. Биринчи культивация 5-6 см, кейингилари 12-14 см чуқурликда ўтказилади. Бунда культиваторнинг четки ишчи органлари ўргадагиларига қараганда саёзроқ ишлайдиган қилиб ўрнатилади. Культиваторлар билан ишлов вақтида ўсимликнинг илдизларига шикаст етказмасликка эътибор бериш керак. Бунинг учун, қаторнинг ҳар икки томонидан 10-12 см ҳимоя минтақаси қолдирилади. Қатор оралари га ишлов бериш тупроқнинг ҳолатига қараб белгиланади. Агар тупроқ зичлашган ва бегона ўтлар кўп бўлса, культивация тупроқни юмшатиш ҳамда бегона ўтларни



17-расм. Культиваторнинг ишчи органларини секцияларга жойлаштириш (қатор ораси 90 см).



18-расм. Ерни ағдармай чукур юмшатадиган ГР-2,7 маркалы қуорл.

йўқотиш мақсадида ўтказилади. Суфориладиган ерларда ўғит солиши ва эгат олиш ишлари ҳам юқоридаги жараёнлар билан бирга амалга оширилади. Ҳар бир суфорищдан сўнг ер етилиши билан намликни сақлаб қолиш, тупроқни юмшатиш ва бегона ўтларни йўқотиш мақсадида культивация қилинади.

3. Экинлар ёппасига экилганда уларга ишлов бериш қатор оралари ишланадиган экинларга қараганда қийин бўлади. Ёппасига экиладиган

экинларга кузги ва баҳорги бошоқли экинлар, беда каби экинларни киритишимиз мумкин.

Галла экинлари далаларида уруғлар экилгандан сўнг қатқалоқни ва энди униб чиқаётган бегона ўтларни йўқотиш учун экиш йўналишига нисбатан кўндалангига енгил бороналар билан бороналанади. Бу ишларни тезда (2-3 кунда) амалга ошириш учун тракторлар ва бороналар олдиндан тайёрлаб қўйилиши керак. Ўз вақтида бороналаш намликни сақлаш ва бегона ўтларни йўқотишни тъминлайди, ҳаво алмашинувини яхшилайди ва бороналанмаган ерларга нисбатан ҳосилдорликни 30% га оширади.

Бундан ташқари, ёппасига экилган экинлар орасида учрайдиган бегона ўтларга қарши гербицидлардан фойдаланиш ҳам экинлар ҳосилдорлигини оширади.

Беда экиб бўлгандан кейин ҳамда иккинчи ва учинчи йиллари эрта баҳорда фосфорли ўғитлар сочилади, сўнгра дискли бороналар билан кўмилади. Дисклаш кўчат қалинлиги сийраклашиб қолган бедапояларда ҳам ўтказилади. Беданинг илдизбўғзи кесилиши орқали кўчатлар сони кўпайтирилади. Агарда бедапояда чимли қатлам ҳосил бўлган бўлса, уни эрта баҳорда тишли бороналар ёрдамида бороналаб ҳаво алмашинуви яхшиланади.

### ***Саволлар***

1. Ерга ишлов беришда тупроқда қандай технологик жараёнлар бажарилади?
2. Ернинг сифатли ҳайдаш учун нималарга эътибор бериш керак?
3. Кузги шудгор баҳорги ҳайдовга нисбатан қандай афзалликларга эга?

4. Кузги шудгор қайси мұддаттарда ўтказилади?
5. Кузги шудгор қандай чуқурликда ўтказилади?
6. Ерни әкишдан олдин ишлеш табдирларини күрсатинг.
7. Экинларни әкиш усуулари ва мөбөрларини табрифланг.
8. Экиш чуқурлиги ва мұддаттарини белгиловчы омиллар.
9. Экин әкишдан кейин ерга ишлов бериш табдирларини күрсатинг.
10. Қатор оралари ишланадиган әкинлар неча марта культивация қилиниши мүмкін?
11. Ёппасига әкилған кузги ва баҳорғи бошоқли әкинларга ишлов беришнинг фарқини айтинг?
12. Бедазорга ишлов бериш технологияси.

### *Адабиёттар*

1. Минимализация обработки почв. Рекомендации ВАСХНИЛ. –М.: Агропромиздат, 1985.
2. Пупонин А.И. Обработка почвы в интенсивном земледелии Нечерноземной зоны. – М.: Колос, 1984
3. Ресерсберегающие технологии обработки почв: научные основы, опыт, перспективы. – Курск, 1989.
4. Ресерсберегающие системы обработки почвы. – М.: Агропромиздат, 1990.
5. Системы земледелия Нечерноземной зоны (обоснования, разработка, освоение). Сост. Г.И.Баздырев. – М.: МСХА, 1993.

## V. АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Қишлоқ хўжалик экинларини йиллар давомида далалар бўйича илмий асосда навбатлаб экиш алмашлаб экиш дейилади.

Алмашлаб экиш далаларда ўтказиладиган барча агротехник тадбирларнинг асоси бўлиб ҳисобланади. У тўғри ташкил этилганда тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишни, бегона ўтлар, заараркунанда ҳамда касалликларнинг кескин камайишини тъминлайди.

Алмашлаб экишда 2-3 йил давомида беда экилса кўп миқдорда органик қолдиқ тўпланади, гумус миқдори ортади, натижада тупроқ структураси тикланиб, унинг агрофизик хусусиятлари яхшиланади [1,3,4].

Алмашлаб экишга киритилган экинларнинг рўйхати ёки шу экинлар билан банд бўлган далаларнинг бир-бирига бўлган нисбати алмашлаб экиш тизими дейилади. Алмашлаб экиш рўйхатига киритилган ҳар бир экиннинг режадаги ҳамма далаларга бир марта тўлиқ айланиб экиши учун кетган вақт ротация дейилади. Алмашлаб экишнинг ротация даври алмашлаб экишдаги далалар сонига тенг бўлади (19-расм).

Экинларни ҳамма далалар бўйича навбатланиши ротацион жадвалда кўрсатилган. Бу жадвалда қайси йили, қайси далада қандай экин экилиши яқъол кўриниб туради. Масалан, алмашлаб экишда буғдой-пахта 1:2:1:2:1:2 тизимда жойлаштирилиши лозим бўлса, унда ротацион жадвал кўйидаги кўринишга эга бўлади. (11-жадвал).

11 - жадвал

**1:2:1:2:1:2 тизимдаги буғдой-пахта алмашлаб экишнинг  
ротацион жадвали**

Йил лар	Д а л а л а р								
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX
2001	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>
2002	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ
2003	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>
2004	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>
2005	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ
2006	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>
2007	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>
2008	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ
2009	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Буғ	F <sub>1</sub>

**Эслатма:**

F<sub>1</sub>-Fўзанинг биринчи йили; Буғ-буғдой

ИЧЧАДА	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
2000										
2001										
2002										
2003										
2004										
2005										
2006										
2007										
2008										
2009										

19-расм. 3:7 схемасидаги пахта-беда алмашлаб экишнинг ротацион жадвали.

Ротацион жадвалда кўпинча ҳар бир ўсимликнинг номи ўрнига унинг бош ҳарфи ёки экинлар мансуб бўлган гуруҳ кўрсатилади. Масалан, эртаги сабзавот, кечки сабзавот, кузги фалла, баҳорги фалла, қатор оралари ишланадиган экинлар.

Агар бир экин битта далада узоқ йиллар давомида экилса, у сурункасига экиш дейилади. Хўжаликда асосан, битта экин етиширилса, бу монокультура дейилади. *Моно* - юонча сўз бўлиб бир, ягона демакдир. Масалан, хўжаликда монокультура сифатида етиширилаётган буғдой тоза шудгор билан алмашса, унинг сурункасига экилиши узилади, лекин монокультуралиги сақланади [1,3].

Сурункасига экиш ва монокультуранинг зарари жуда катта. Бир экин битта далада узоқ йиллар давомида экилаверса, шу экинга мослашган бегона ўтлар, зааркунандалар ва касалликлар кўпайиб кетади. Ўзбекистондаги кўргина хўжаликларда фўзани узоқ йиллар давомида алмаштирилмасдан экиш натижасида вилт билан заарланган майдонлар кўпайди. ЎзҲҲҚИТИ нинг Кўқон таянч пунктида фўза сурункасига экилганда 49,1-50,9 фоизи вилт билан заарланган [5].

Бир майдоннинг ўзида бир хил экин узоқ вақт экилса, озиқ элементларининг бир томонлама камайиши юз беради. Маълумки, экинларнинг озиқ элементларига талаби турлича бўлади. Фалла экинлари, картошка фосфорни, илдизмевалилар калийни, дуккаклилар фосфор ва калийни, фўза азот ва фосфорни кўп ўзлаштиради. Бундан ташқари, турли

ўсимликларнинг илдиз системаси ҳар хил бўлади ва сув ҳамда озиқ моддаларни тупроқнинг турли қатламларидан ҳар хил миқдорда ўзлаштиради.

Сурункасига экишнинг зарари ривожланган мамлакатларда ўтказилган илмий тажрибаларда олинган натижалар билан исботланган. К.А.Тимирязев номидаги Москва қишлоқ ҳўжалик академиясида 1912 йилдан бўён кўп йиллик тажриба олиб борилади. Унда кузги жавдар, сули, картошка, зигир, себарга сурункасига ҳамда олти далали алмашлаб экиласди ва тоза шудгор билан ҳосили таққосланади. Бу экинлар сурункасига экилганда уларнинг ҳосилдорлиги ҳар хил миқдорда камайган. Алмашлаб экиш далаларида эса ҳосил сезиларли даражада ортиқ бўлган.

Зигир, себарга сурункасига экишга бардош беролмай, фузариоз ва бошқа касалликлардан умуман нобуд бўлган. Картошканинг ҳосили эса, унчалик камаймаган [1].

Полтава тажриба станциясида кузги бугдой 40 йил сурункасига етиширилди. Бугдой ҳосилдорлиги шу давр мобайнинда 23,8 ц дан 6 ц гача камайган. Буюк Британиянинг Ротамстед тажриба станциясида бир далада сурункасига 85 йил кузги бугдой экилган. Ўғитланмаган далада ҳосилдорлик гектарига 17,2 ц дан 9,4 ц гача камайган. Германияндин Фалла тажриба станциясида ҳам сурункасига жавдар етиширилганда шунга ўхшашиб натижада қайд қилинган.

АҚШнинг Айова штатида бир далада сурункасига беш йил маккажӯхори етиширилганда, ҳосилдорлик гектарига 13,3 ц ни, беш далали алмашлаб экишда эса 45,4 ц ни ташкил этган. Иккинчи ротацияда ҳосилдорлик гектарига 10,9 ц гача камайган, алмашлаб экишда эса 62,9 ц га етган [3].

Шунга ўхшашиб маълумотлар бошқа кўплаб илмий тажрибаларда ҳам олинган бўлиб, алмашлаб экишнинг аҳамиятини, сурункасига экишнинг зарарини тўла исботлаб беради.

Ўзбекистон пахтачилик илмий ғаджиқот институтининг Марказий экспериментал базасида 1936 йилдан бўён шундай тажрибалардан бири олиб борилмоқда. 40 йил давомида ғўза ўғитсиз сурункасига экилганда ҳосилдорлик 14,8 ц ни, ўғитланганда 35,8 ц ни, алмашлаб экилганда 41,2 ц ни ташкил этган, яъни алмашлаб экиш ҳисобига 5,4 ц қўшимча пахта ҳосили олинган. Шунга ўхшашиб маълумотлар Тоҷикистон, Туркманистон ва Озарбайжонда ўтказилган илмий тажрибаларда ҳам олинган [3].

Юқоридаги маълумотларга қараганда, экинларни сурункасига экиш уларнинг ҳосилдорлигини 10-40% гача камайишига, баъзи ҳолларда эса ўсимликларнинг касалликларини кўпайиши туфайли умуман нобуд бўлишига олиб келар экан.

Алмашлаб экишдаги етиширилаётган экиндан олдин экилган экин ўтмишдош ҳисобланади. Масалан, бугдойдан кейин ғўза экилса, бугдой ғўза учун ўтмишдош бўлади. Экинларни етиширишида қўлланилган

агротехник тадбирлар тупроқнинг унумдорлигига, агрофизик хоссаларига ва микроорганизмлар фаолиятига таъсир этади. Бу кейин экиладиган экиннинг ўсиши ва ривожланишига салбий ёки ижобий таъсир этиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, ўтмишдош экинларни танлашда, яъни алмашлаб экишни ташкил этишда экинларнинг биологик хусусиятларига, уларга мослашган бегона ўтлар, зараркунандалар ва касалликларга эътибор қилиш лозим. Ўтмишдош экинларни таъсир этиши хусусиятларига қараб қўйидаги гурухларга бўлиш мумкин: қатор оралари ишланадиган экинлар; қатор оралари ишланмайдиган экинлар; дуккакли дон экинлари; кузги дон ва баҳорги дон экинлари; бир йиллик ўтлар; кўп йиллик ўтлар.

Сугориладиган ерларда қатор ораларига ишлов бериладиган экинлардан фўза, маккажўхори, каноп, лавлаги, ерёнфоқ, картошка ва бошқа экинлар экилади. Бу экинларнинг қатор ораларига ўсув даврида кўп марта ишлов берилади. Бегона ўтлар йўқотилади. Тупроқнинг сув, ҳаво, иссиқлик ва озиқ режими керакли меъёрда ушлаб турилади. Шунинг учун ҳам қатор оралари ишланадиган ўсимликлар ўзидан кейин экиладиган экинлар учун яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Қишлоқ ҳўжалик фани ва амалиёти битта оиласа киравчи ўсимликлар бир-бирига яхши ўтмишдош бўла олмаслилигини аниқлаган. Масалан, зифир, тарик, кунгабоқар, қанд лавлаги иккинчи йили ҳам бир далага экилса ҳосилдорлик кескин пасайиб кетади [1].

Сугориладиган ерларда беда ўтмишдош сифатида катта аҳамиятта эга. У тупроқ унумдорлигини, органик моддалар миқдорини оширишда, тупроқ структурасини тиклашда энг яхши ўсимлик ҳисобланади. Беда илдизидаги тутунак бактериялар биологик азот тўплайди. Уч йиллик беда гектарига 300-500 кг гача азот тўплаши мумкин. Суперфосфат билан ўғитлаб, вақтида сугориб турилган бедапояда гектарига 300 кг гача азот тўпланади ёки 100 минг гектар яхши парвариш қилинган бедапоя каттагина битта азот комбинати берадиган миқдорда азот тўплайди [1,3].

Бедапоя ҳайдалгандан кейин беда илдизлари чириб гумус миқдорини оширади. Чириндининг кўпайиши тупроқ структурасини яхшилади. Натижада тупроқнинг нам сифими, сув ўтказувчанлиги ортади. Кўчкат қалинлиги яхши бўлган бедапояда бегона ўтлар сони кескин камаяди.

Вилт, гоммоз, ўргимчакканадан зарарланган пахта далаларида беда, маккажўхори, буғдой каби экинлар экилса, бу зарарли организмлар мальум даражада йўқолади. Гаффа экинлари экилган далаларга фўза экилса, қоракуя, занг касалликлари йўқолади. Агар беда, сабзи, картошка, помидор каби экинлар экилган далаларда заречак кўпайиб кетса уларнинг ўрнига маккажўхори, фўза, жўхори каби экинлар экилса, улар зарлечакдан зарарланмайди. Вертициллөз замбуруғи келтириб чиқарадиган вилт

касаллигига қарши курашда ҳам алмашлаб экишнинг аҳамияти катта. Бу замбуурғ бўлган далаларга беда ва ғалла экинларини экиш яхши натижа беради. Чунки, уларнинг илдизи атрофида яшайдиган микроорганизмлар вилт замбуургларини ўлдиради ёки фаолиятини тўхтатиб қўяди [2,3,5].

Ўзбекистон ва бошқа қўшни мамлакатларда ўтказилган илмий тажрибаларнинг натижалари беда энг яхши ўтмишдош! эканлигини исботлаган. Айниқса беданинг уч йил туриши мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган. Тажриба маълумотлари уч йиллик бедадан кейин 7 йилгача пахтадан юқори ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатади. Икки йиллик бедадан кейин экилган пахта далаларида ҳосилдорлик 4-йили сурункасига экилаётган далалардаги ҳосилдорликка деярли тенглашиб қолган [3]. Беда маккажӯхорига қўшиб экилганда, икки йиллик соғ беда экилган далага нисбатан юқори пахта ҳосили олинган. Маккажӯхори силос учун ўрилгандан кейин пахта етиширилганда, сурункасига экилаётган ерга қараганда икки йил давомида ҳосилдорлик юқори бўлган. Адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, пахта ҳосили ўтмишдошлардан кейин 3 ва 4 йиллардан камая бошлади.

Тупроқ унумдорлиги яхши бўлган ерларда бедадан сўнг пахта ҳосилдорлиги сезиларли даражада юқори бўлади. Бундай ерларда 2 йиллик беда ҳам самарали ўтмишдош бўла олади.

Кейинги йилларда буғдой-ғўза алмашлаб экиш кенг жорий этилганлиги туфайли беда экиладиган майдонлар кескин қисқариб кетди. Натижада, тупроқларнинг унумдорлигини камайишига олиб келди. Кўпгина жойларда тупроқ бонитет балли сезиларли даражада камайиб кетди. Бунинг олдини олиш учун алмашлаб экишда беданинг салмоғини ошириш лозим бўлади.

Ўтмишдошларни танлашда тўғри ёндошиш керак, яъни бир йил экиладиган экин ва уни етиширишда ўтказиладиган тадбирлар келаси йили экиладиган экин учун яхши шароит яратсин. Шу нуқтai назардан олганда, деҳқончилик соҳасида ишлаёттан мутахассис тупроқ ва ҳар хил экинларнинг хусусиятлари тўғрисида чуқур билимга эга бўлиши лозим.

## АЛМАШЛАБ ЭКИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Экинлар сурункасига экилганда ҳосили камайиб кетишими ибтидоий одамлар сезишган, аммо унинг сабабларини билмаганлар. Табиий фанлар ривожланиши билан экинларни навбатлаб экишни илмий асослари пайдо бўла бошлади. Биринчилардан бўлиб шундай уринишларни швейцариялик

ботаниклар Декандоллар қилишди. Уларнинг назарияси бўйича ўсимликлар тупроқдан керакли ва кераксиз моддаларни ўзлаштиради. Кераксиз моддалар тупроқقا қайта чиқариб ташланади. Бу моддалар тупроқда тўпланиб, кейинги йилларда шу экинга салбий таъсир этади [1].

Бу назария Макер томонидан текширилиб, ўсимликлар илдизидан зарарли органик моддалар чиқариши аниқланди. Унинг фикрича, ана шу моддалар тупроқда қанча кўп тўпланса сурункасига экилаётган экин шунча кўп зарарланади, бошқа ўсимлик учун эса улар зарар қилмайди, аксинча озиқ бўлиб ҳисобланади [1,3].

XIX асрнинг бошларида Альберт Теэр органик моддаларни камайтирувчи ва кўтпайтирувчи экинларни навбатлаб экишни тавсия этди. 1840 йилда Германиялик олим Юстус Либих экинлар ҳосилдорлигини пасайишига асосий сабаб, тупроқдаги озиқ элементларини ҳосил билан олиб чиқиб кетилиши эканлигини кўрсатди. У озиқ элементларига талаби ҳар хил бўлган экинларни навбатлаб экишни тавсия этди. Фосфор, калий ва кальцийга бўлган талабига кўра экинлар уч гурӯхга бўлинди. Ҳосилдорликни пасайиши ана шу элементлардан бирортасининг камайиши билан изоҳланади.

Дуккакли экинларнинг озиқланишда симбиозни аниқланиши дуккакли ва бошқа экинларни навбатлаб экишни асослаб берди. Дуккакли экинларни сурункасига экиш натижасида тутунак бактериялар тўплаган ортиқча азот бу экинларга салбий таъсир этиши мумкин. Бошқа экинлар аксинча, бу азотдан фойдаланиб яхши ўсади.

Кейинчалик экинларни навбатлаб экиш назариясида янги йўналиш ривожлана бошлади. Бу назариянинг тарафдорлари (П.А.Костычев, В.Р.Вильямс) экинлар ҳосилдорлигининг камайишига сабаб озиқ элементларининг камайиши эмас, балки бир йиллик фалла экинларининг экилиши таъсирида тупроқнинг физик хусусиятларини ёмонлашуви деб кўрсатдилар. Тупроқ структурасининг бузилиши унинг сув, ҳаво ва озиқ режимларини бузилишига олиб келади. Бу назария асосида бир йиллик дон экинларини кўп йиллик дуккакли экинлар билан навбатлаб экиш тавсия этилди. Бу алмашлаб экиш ўт-далали алмашлаб экиш номи билан аталади.

Юқоридаги назарияларнинг камчилиги уларнинг бир томон-ламалигига, яъни экинларни навбатлаб экишни тақозо этувчи барча омилларни ҳисобга олинмаганлигидадир.

Д.Н.Прянишников бу омилларни 4 та гурӯхга бўлади: кимёвий, яъни ўсимликларни азот ва кул элементлари билан озиқланишига таалуқли омиллар; физиковий, яъни қишлоқ хўжалик экинлари ва уларнинг агротехникасини тупроқнинг физик хусусиятлари ҳамда эрозияга чидамлигига таъсири; биологик сабаблар, яъни ўсимликларнинг бошқа

ўсимликларга, бегона ўтларга, касалликларга, ҳашоратларга муносабати; иқтисодий, яъни хўжаликнинг иқтисодий ва тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқсан ҳолда экинлар структураси ва уларнинг жойлашуви билан боғлиқ омиллар [1,3].

### Алмазлаб экицнинг кимёвий асослари.

Қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш мобайнида тупроқда органик моддаларнинг синтезланиши, тўпланиши ва парчаланиши юз беради. Бу жарабёнлар ва озиқ элементларини ўзлаштирилиши турли экинлар экилган далаларда ҳар хил ўтади. Тупроқда органик модда қолдириши бўйича экинларни қўйидагича жойлаштириш мумкин: кўп йиллик ўтлар - кузги фалла – баҳорги фалла -- маккажӯхори – дуккакли дон экинлари.

Ҳар хил экинлар экилган майдонлар нисбатини ўзгартириб, далаларда органик моддаларнинг тўпланишини бошқариш мумкин. Қатор ораларига ишлов бериладиган экинлар сурункасига экилганда тупроқда органик моддалар камайиб кетади. Бу гумус миқдорини пасайишига олиб келади. Кўп йиллик ўтларни сурункасига экиш натижасида органик моддалар тўпланиши кўпаяди. Бу сувда эрийдиган минерал моддаларни етишмаслигига олиб келиши мумкин. Мамлакатимизда деярли 90 йил мобайнида пахта якка ҳокимлиги ҳукм сурди. Бу тупроқ унумдорлигини пасайиши, экологик мувозанатнинг бузилишига ҳам сабабчи бўлди [1,2,6].

Ротация давомида тупроқда тўпландиган органик моддалар миқдорини оралиқ экинлар экиш орқали ҳам кўпайтириш имкони мавжуд. Оралиқ экинлар экиш натижасида гектарига 10 тоннагача органик қолдиқ тўплаш мумкин [1,2,3,4].

Қишлоқ хўжалигининг ҳар хил экинлари қолдирган органик масса гумус балансига турлича таъсир этади. Қатор оралари ишланадиган экинлар ўстирилаётган далаларда гумуснинг камайиши қўпроқ, кузги фалла экилган ерларда камроқ бўлади. Кўп йиллик ўтлар экилган майдонларда гумус миқдори ортади.

Тупроқда тез-тез ишлов бериш ҳам органик модданинг тез парчаланишига сабаб бўлади.

Германия шароитида органик модданинг дефицитсиз балансига 75% майдонда дуккаклилар ва фалла экинларини аралаштириб экилган алмашлаб экишда эришилган [1].

Ўсимлик қолдиқлари ва органик моддаларнинг бир қисмигина гумусга айланади. Катта қисми оддий минерал моддаларгача парчаланиб кетади ва кейинги йили экиладиган экинлар учун озиқ модда бўлиб хизмат қиласи.

Озиқ элементлари балансининг кирим қисми ўсимлик қолдиқлари нинг чириган маҳсулоти ва тупроққа солинган ўғитлардан иборат. Бундан

ташқари, азот дуккакли экинларнинг илдизидаги тутунакли бактериялар ҳисобига тўпланади. Кўп йиллик дуккакли экинлардан кейин азотли ўғитларни солиш меъёри камайтирилади, фосфорли ўғитлар миқдори, аксинча, оширилади.

Ҳар хил экинларни навбатлаб экиш озиқ элементларидан унумли фойдаланиши таъминлайди. Ўсимликларнинг озиқ элементларга бўлган талаби уларнинг турига, ҳосилига ва ўсиш шароитига боғлиқ бўлади.

Ғўза галлага нисбатан озиқ элементларини кўпроқ талаб қиласди. Азот, фосфор ва калийнинг нисбати ҳам бу экинларда бир-биридан фарқ қиласди.

Газл экинлари ўзлаштирган озиқ моддаларнинг бир қисми сомон билан тупроққа қайтади. Ем-хашак экинлари ўзлаштирган озиқ элементларининг деярли ҳаммаси гўнг, ўсимлик қолдиқлари билан тупроққа қайтади. Пахта ва каноп ҳосили билан олиб чиқиб кетилган моддалар тупроққа қайтарилмайди. Уларнинг ўрнини ўғитлаш билан тўлдириш мумкин.

Ҳеч қайси экин тупроқни кул элементлари билан бойитмайди, улардан фойдаланиш хусусияти ҳар хил экинларда турлича бўлади. Баъзи экинлар озиқ элементларни қийин ўзлаштириладиган бирикмалардан олса, бошқалари енгил ўзлаштириладиган шакллардан фойдаланади. Масалан, маржумак фосфорни қийин ўзлаштириладиган шакллардан олибгина қолмай, уни кейинги экинлар учун ҳам қолдиради.

Тупроқдаги озиқ элементларидан унумли фойдаланишда илдиз системаси тупроққа кириб бориши турлича бўлган экинларни навбатлаб экиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Рус олимлари В.Г.Ротмистров ва А.П.Модестов тупроқдаги озиқ элементларидан самарали фойдаланиш учун ҳар хил илдиз системасига эга бўлган экинларни навбатлаб экишни тавсия этишган [1].

### **Экинларни навбатлаб экишнинг физик асослари**

Қишлоқ хўжалик экинлари ва уларни навбатлаб экиш тупроқнинг физик хусусиятларига, айниқса структураси ва тузилишига таъсир этади. Бу этиштирилаётган экин қолдирадиган илдизнинг ривожланиши, органик моддаларнинг парчаланиши ҳамда тупроққа ишлов бериши жараёни билан боғлиқ.

Кўп йиллик дуккакли экинлар (беда) тупроқ юзасини тўлиқ бекитади, кўплаб органик масса қолдиради, вегетация даврида тупроққа ишлов берилмайди. Шунинг учун ҳам бу экинлар этиштириладиган давр мобайнида тупроқнинг структураси ва тузилиши яхшиланади.

Тупроқ структурасини тиклаш ва эрозиядан саклашда кузги галла экинлари ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Улар кўп илдиз системаси ҳосил

қилади. Куз, қишиң ва баҳор фаслларида тупроқни эрозиядан сақтайды. Қатор оралари ишланадиган экинлар ва илдизмевалилар етиштирилган далаларда тупроқ структураси күпроқ бузилади. Күп йиллик ўтлар ёрдамида тупроқ структурасини тиклаш унинг сув режимини ҳам яхшилади. Алмашлаб экишда оралиқ экинларини экиш тупроқни асосий экиндан бүшаган даврларда эрозиядан ҳимоя қилади [1,2,3].

#### Экинларни навбатлаб экишнинг биологик сабаблари.

Қишлоқ хўжалигининг ҳар хил экинлари бегона ўтларга, касалликларга ва зараркунандаларга турлича муносабатда бўлади. Жавдар, буғдой ва күп йиллик ўтлар бегона ўтларга нисбатан анча чидамли. Қатор оралари ишланадиган экинлар экилган далалар ҳам вегетация даврида бегона ўтлардан тозаланиб туради. Кўпгина бегона ўтлар маълум бир маданий ўсимлик орасида ўсишга мослашган. Бир экинга мослашган зараркунанда ва касалликларни камайтириш учун биологик хусусиятлари бир – биридан кескин фарқ қиласидиган экинларни навбатлаб экиш лозим [1,3,5].

Алмашлаб экишнинг иқтисодий сабаблари. Алмашлаб экишни тўғри ташкил этиш энг аввало иккита мақсадга қаратилган. Биринчиси - тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш. Иккинчиси - қишлоқ хўжалик экинларидан сифатли ва юқори ҳосил олиш. Тупроқ иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда, шундай алмашлаб экиш тизимларини танлаш керакки, ҳар бир ҳудудга жойлаштирилган алоҳида тизим ҳамма навбатлаб экилаётган экинлардан энг юқори, сифатли ва таннаҳри арzon ҳосил етиштириш ҳамда тупроқ унумдорлигини яхшилашни таъминласин.

## **АЛМАШЛАБ ЭКИШДА ЭКИНЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ**

Маданий ўсимликлар, уларни етиштириш усуллари, ўғитлаш хусусияти тупроқнинг физик, кимёвий ва биологик хусусиятларига сезиларли даражада турлича таъсир этади. Бу ўзгаришлар экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига акс этади.

Қишлоқ хўжалиги экинларини биологияси, етиштириш технологияси тупроқ хусусиятларига ва кейинги экинларга таъсир этиши бўйича гуруҳларга ажратиш мумкин. Масалан, күп йиллик ўтлар, қатор оралари ишланадиган экинлар, галла экинлари, дуккакли дон экинлари ва бошқалар.

*Алмашлаб экишда кўп йиллик ўтларнинг ўрни.* Алмашлаб экишда кўп йиллик ўтларни жойлаштириш, фойдаланиш муддати ва навбатлаб экиш тартиби тўғри ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Кўп йиллик

ўтлардан биринчи йили олинадиган ҳосил кам бўлганлиги учун улар арпа ёки маккажўхори билан экилади. Кўпинча қопловчи ўсимлик сифатида арпа қўшиб экиласди. Арпа ёзнинг биринчи қисмida тупроқ транспирациясини анча камайтиради.

Алмашлаб экишда кўп йиллик ўтлардан фойдаланиш муддати 2-3 йил бўлиб, бу муддат тупроқнинг маданийлашганлик даражасига боғлиқ. Кучсиз ва ўртача маданийлашган тупроқларда бедани 3 йил давомида ўстирган маъқул. Унумдор, яхши маданийлашган тупроқларда бедани 2 йил давомида ўстирса ҳам бўлаверади. Юқори унумдорликка эга бўлган ерларда кўп йиллик ўтларни бир йиллик ўтлар билан алмаштириш мумкин.

Бедадан кейин алмашлаб экишда ғалла экинлари, ғўза, маккажўхори, картошка каби экинларни экиш мумкин. Сабзавот алмашлаб экишда бедадан кейин биринчи экин сифатида карам экиш мақсадга мувофиқ [1].

Беда ва уни бошқа экинлар билан аралаштириб экиш каноп, тариқ каби экинлар учун ҳам яхши ўтмишдош бўлади.

З йиллик бедадан кейин ғўза экилган далаларда бегона ўтлар миқдори сурункасига ғўза экилган ерларга нисбатан 2 баравар камайиши илмий тажрибаларда исботланган [2,3].

Беда қатор оралари ишланадиган экинлар, жумладан, ғўза учун энг фойдали ўтмишдош ҳисобланади. Шоли, полиз экинлари учун ҳам беда яхши ўтмишдош бўла олади.

*Қатор оралари ишланадиган экинлар.* Бу гуруҳга киритиладиган ўсимликлар биологик хусусиятлари ва олинадиган маҳсулоти бўйича бир-биридан фарқ қиласди. Қатор ораларига ишлов бериш, ерни юмшатиб туриш бегона ўтларни камайтиради, микробиологик жараёнларни фаоллаштиради, органик моддалар тез парчаланиб кетади. Қатор ораларига ишлов бериладиган дуккакли экинлар (ерёнфоқ, соя) экилган далаларда тутунак бактериялар фаолияти туфайли азот тўпланади.

Маккажўхорининг илдизлари анча чуқурликка кириб боради. Шунинг учун сувни пастки қатламлардан ҳам bemalol ўзлаштира олади.

Ғўза тупроқда қолдирадиган органик модданинг миқдори бўйича маккажўхори ва кунгабоқарга яқин туради. Июль ойларида 1,0-1,5 метр чуқурликдаги намликтан ҳам фойдалана олади.

Юқори агротехника ёрдамида ғўза, маккажўхори ва дон экинларини бир неча йил битта далага қайта экиш мумкин. Айниқса, маккажўхорини қайта экиш унинг маҳсулдорлигини деярли пасайтиrmайди [1].

Картошка ва лавлагини битта далада 2 йилдан ортиқ экмаслик керак. Чунки, касаллик ва зааркунандалар күпайиб кетади. Кунгабоқарни бир далага иккинчи йили ҳам экиш заарли организмларни күпайиб кетишига олиб келади. Кунгабоқар картошка ва маккажүхори учун яхши ўтмишдош бўла олади. Маккажүхори силос учун, дуккакли экинлар ва картошка кузги фалла экинлари учун яхши ўтмишдош бўлади. Баҳорги буғдой ва арпа учун қанд лавлаги ҳамда картошка яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Қатор оралари ишланадиган экинларнинг камчилиги уларнинг тупроқни эрозиядан ҳимоя қилиш қобилиятининг кучизлигидадир.

*Фалла экинлари.* Кузги ва баҳорги фалла экинларининг илдизи массасининг қуруқ вазни умумий массанинг 15-30% ини ташкил этади. Улар ҳосил қилган органик модданинг 25-40% и далада қолади. Бу органик модданинг чириши тупроқ-икдим шароитига боғлиқ. Фалла экинлари қатор оралари ишланадиган экинларга нисбатан азотни кам ўзлаштиради. Калий эса тупроққа сомон билан қайтарилади. Азот заҳираси органик модданинг парчаланиши ва азотбактер микроорганизмлари фаолияти туфайли қисман тикланади. Азотнинг қолган қисмини ва фосфорни фалла экинлари тупроққа солинган ўғитдан олади.

Фалла экинларининг илдизлари тупроқ структурасини яхшилайди. Тупроқни эрозиядан ҳимоя қилишда кузги фалла экинлари катта аҳамиятга эга. Улар кузда ва баҳорда тупроқни эрозиядан сақлайди. Ёмғир ва қор сувларининг тупроққа сингишига ёрдам беради. Бегона ўтларни сиқиб қўйиб улар сонини камайтиради. Баҳорги фалла экинлари экилган далаларда begona ўтлар нисбатан қўпроқ ўсади.

Кузги фалла экинлари баҳорги фалла, картошка ва қатор оралари ишланадиган экинлар учун яхши ўтмишдош бўлади.

*Дуккакли дон экинлари.* Нўхат, вика, мош ва ер ёнғоқ тупроқда органик моддани жуда кам миқдорда қолдиради. Дуккакли дон экинлари илдизидаги тутунак бактериялар маълум даражада азот тўпланишини таъминлайди. Нўхатнинг тез пишар навлари паст ҳароратда ҳам ўса олади. Унинг тез етилиши далани кейинги экин учун тезроқ бўшашига имкон яратади. Тор қаторлаб қалин экилган нўхат begona ўтларни сиқиб қўяди, тупроқ тузилишини яхшилайди.

Дуккакли дон экинларининг касалликлари ва зааркунандалари фалла ва бошқа экинлар учун хавфли ҳисобланмайди. Нўхат, соя, мош ва ерёнғоқ фалла экинлари, гўза, картошка ва бошқа оиласа мансуб экинлар учун яхши ўтмишдош бўлади.

Б. Ҳолиқов ва А. Иминовлар (2003 й.) ўтказган тажрибада кузги, буғдойдан кейин такрорий экин сифатида мош экилган далада тупроқ

хусусиятлари яхшиланиб, келгуси йили пахтадан гектарига 3,8-4,9 ц қўшимча ҳосил олинган [5].

Дуккакли дон экинларини тақроран ёки шу оиласга мансуб бошқа дуккакли экин билан навбатлаб эмаслик керак. Шунда бу экинларга мослашган касаллик ва заараркунандаларнинг кўпайишини олди олинади.

*Лалмикор ерларда экинларни жойлаштириш.* Лалмикор ерларда кузги фалла экинлари учун энг яхши ўтмишдошлар тоза шудгор ва беда ҳисобланади.

Анғизни ҳайдаб, йил давомида экин экилмай маҳсус ажратилган дала тоза шудгор дейилади. Тоза шудгорга йил давомида ишлов берилиб, бегона ўтлар йўқотиб турилади. Ишлов бериш натижасида шудгор юмшоқ, бегона ўтлардан ҳоли бўлади, унда нам кўпроқ тўпланади, экинларнинг касаллик ва заараркунандалари камаяди.

Тоза шудгор эртаги, ўртаги, кечки ва банд шудгорларга бўлинади.

Жиззах вилоятининг Фаллачилик илмий төкшириш институтининг далаларида тоза шудгордан кейин экилган буғдой ҳосили 14-22 ц ни, сурункасига экилганда 4-8 ц ни ташкил этган.

Тоза шудгорга чопиқ талаб этадиган бирор экин экилса, у банд шудгор дейилади. Қатор ораларига ишлов берилганда бегона ўтлар йўқотиб турилади. Банд шудгор тоза шудгор билан навбатланиб туриши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. У ёгин миқдори етарли бўлган тоғли ва тоғ олди минтақаларда яхши самара беради.

Эрта баҳорги банд шудгорга кўк нўхат, хашаки нўхат, нўхат, кунгабоқар, маҳсар; ўрта баҳоригига оқ жўхори, маккажўхори, суданўти; кечки баҳоригига оқжўхори, маккажўхори, суданўти, полиз экинлари экилади.

## АЛМАШЛАБ ЭКИШДА ОРАЛИҚ ЭКИНЛАРНИ ЭКИШ

Ўсимликларнинг барги юзасида ушлаб қолинган қуёш энергияси пировардида бойликка айланади. Ўзбекистон шароитида куз-қиши ва эрта баҳор даврларида мусбат ҳарорат йигиндиси 1400-2500 °C гача етади. Ана шу ҳароратдан қўшимча маҳсулот олиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш учун фойдаланиш керак. ЎзПИТИ ва бошқа илмий тадқиқот мусассасаларида ўтказилган илмий ишлар бу даврда оралиқ экинларидан гектарига 150-450 ц дан кўк масса олиш мумкинлигини кўрсатади [2].

Далаларнинг асосий экинлардан буш бўлган даврида экиладиган экинлар оралиқ ёки тақрорий экин дейилади. «Оралиқ экинлар»

терминини 1891 йилда Шульц Люпич киритди. У асосий экинлар билан банд бўлмаган вақтда далага экиладиган экинларни оралиқ экинлар деб аташни таклиф этди [3].

Такрорий экинлар алмашлаб экишнинг ем-хашак даласида асосий ўтишидош экин ҳосили йигиб олингандан кейин, яъни ёзнинг иккинчи ярмида экилади.

Оралиқ экинлар, одатда, асосий экин ҳосили йигиб олингандан кейин кузда ёки улар ўсаётгандан қатор ораларига экилади. Уларни эрта баҳорда алоҳида ёки қатлам ости экин сифатида ҳам экиш мумкин.

Такрорий ва оралиқ экинлар ҳосили кузда ва баҳорда чорва молларига кўк озуқа сифатида йигишириб олиниади.

Кўпинчча, ўғит сифатида ҳайдаб юбориладиган сидерат экинлар ҳам оралиқ экин дейилади [3].

Маълумки куз, қиши ва баҳор даврларида ҳайдаб қўйилган ерларнинг тупроқлари сув ҳамда шамол эрозиясига учраши мумкин. Айниқса шамол қаттиқ эсадиган жойларда ва қияликларда тупроқларнинг эрозияга учраш жараёни кучли бўлади. Бундай жойларда оралиқ экинларни экиш орқали тупроқни сув ва шамол таъсиридан сақлаб қолиш мумкин.

ЎзПИТИ тажриба далаларида ерлардан йил давомида фойдаланиш мақсадида кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилди. Оралиқ экинлар 2:4:1:3; 2:4:1:2 ва 3:4:1:2 тизимли беда-пахта алмашлаб экишда иккинчи бўғинда (1:2 ва 1:3), яъни биринчи бўғиннинг (2:4 ва 3:4) охирида кузда кузги оралиқ экинлари-дуккакли дон экинлари ва рапс экилган. Апрель ойининг охирида, май ойларининг бошида оралиқ экинлар кўк масса сифатида ўрилиб молларга берилган.

Улар йигишириб олингандан кейин маккажӯхори дон учун ёки судан ўти экилган. Сентябрда ҳосил йигиб олиниб, ўрнига учинчи экин перко ёки рапс экилади. Улар ноябрда кўк масса сифатида ўриб олиниади ва кузги шудгор ўтказилади. Бир йил давомида уч марта ҳосил олинган. Жами олинган кўк масса ҳосили гектарига 1275,8 ц ни ёки 2382,5 озиқ бирлигини ташкил этган.

Мирзачўлда ўтказилган бошқа тажрибада кузги жавдар экилган. Апрель ойида 386,5-407,0 ц/га кўк масса ҳосили ўриб олинган [2].

Қашқадарё вилоятининг тақирили тупроқлари шароитида кузда экилган рапсдан 421,5 ц/га кўк масса ҳосили олинган. Ундан кейин маккажӯхори силос учун экилган ва гектарига 645,9 ц сўтали силос ҳосили етиширилган.

Оралиқ экинларни экиш учун Сурхондарё вилоятининг иқлим шароити ҳам қулай ҳисобланади. Куз ва баҳорда ҳарорат илиқ, қишида эса унчалик совуқ бўлмайди. Оралиқ экинлар совуқдан зааралланмайди. ЎзПИТИ олимларининг бу ерда ўтказган тажрибалари шуни кўрсатади-

ки, оралиқ әкінлар қиши фаслида совуқдан заарланмайды. Күзги жавдар, күзги вика ва қишлоғчы нұхат ҳамда уларнинг аралашмалари баһоргача күчат қалинлигини яхши сақтайды.

Күк масса учун ўришдан олдин виканинг бүйи 33,5-49,6 см, ханталники – 92,1 – 103,5 см, күзги жавдарники – 66,8 – 71,9 см бўлган. Бу әкінларни аралаштириб экилганда, уларнинг бүйи баландлиги алоҳида экилганга нисбатан унча фарқ қилмаган.

Күчат қалинлигини камайишига қарамасдан күк масса ҳосилини хантал энг кўп тўплаган. Бу әкіннинг ҳосили гектарига 311,3-369,0 ц ни ташкил этган. Жавдар алоҳида ва бошқа әкінлар билан аралашмада экканда 311,3-369 ц/га ҳосил берган. Дуккакли дон әкінлари (вика) алоҳида экилганда юқори ҳосил олишни таъминламайди. Келтирилган маълумотлар жавдарнинг дуккакли дон әкінлари билан аралаштириб экилганда юқори ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатади [2].

Қашқадарё вилоятида, шунингдек, Марказий иқлим минтақасидаги вилоятларда ҳам оралиқ әкінларини әкиб баҳорда яхшигина күк масса ҳосил олиш мумкин.

Масалан, Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида октябр ойида экилган рапсдан 250-300 ц/га яқин күк масса ҳосили олинган [5].

Оралиқ әкінларининг самарадорлиги уларнинг тупроқ унумдорлиги ва агрофизик хоссаларини яхшилаши билан ҳам баҳоланади. Улар ҳайдалма қатламда кўплаб органик қолдиқ қолдиради.

Ўзбекистон шароитида ўтказилган кўйлаб илмий тадқиқотлар натижалари оралиқ әкін сифатида жавдар, арла, күзги вика, хашибаки нұхат, хантал, рапс, шабдар каби әкінлар самарали эканлигини кўрсатади [1,2,3,4].

Бу әкінлар мўл ҳосил бериш билан бир қаторда тупроқ ҳусусиятларини яхшилаиди, заарли организмларни камайтиради.

## АЛМАШЛАБ ЭКИШНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Алмашлаб экишни классификациялаш учун уларнинг бир-биридан фарқ қилувчи белгилари асос қилиб олинган:

1) етиштириладиган маҳсулотнинг асосий тури (дон, техника әкінлари, ем-хашак, сабзавот ва ҳоказо);

2) биологик ҳусусиятлари, етиштириш технологияси ва тупроқ унумдорлигига таъсир этиши бўйича әкінлар гуруҳининг нисбати (ёлласига экиладиган фалла ва техника әкінлари, кўп йиллик ўтлар, дуккакли дон әкінлари, қатор оралари ишланадиган әкінлар ва тоза шудгор).

Биринчи белгилари бүйича алмашлаб экиш 3 та турға ажратылғанда, ем-хашак ва махсус алмашлаб экишлар (12-жадвал). Бу учта тур үз ичига ҳар хил алмашлаб экишларни олади. Улар иккинчи белгиларига қараб аниқланади [1,3].

Бу белгилардан ташқари, алмашлаб экиш далалар сонига қараб ҳам аниқланади. Далалар сони ташкилий – хұжалик ва тупроқ-иктим шароитини ҳисобға олган ҳолда белгиланади.

Дала алмашлаб экишдә майдоннинг ярмидан күпрөғига дон, пахта, картошка ва бошқа техника әқинлари экилади. Алмашлаб экиш товар маҳсулотининг турига қараб хилларға бўлинади ва асосий әқинлар номи билан аталади. Масалан: беда-пахта, беда-маккажӯхори-пахта, беда-шоли ва ҳоказо.

Ем-хашак алмашлаб экишдә майдоннинг ярмидан күпрөғига ем-хашак әқинлари экилади.

Ем-хашак алмашлаб экиш ферма олди ва пичанзор – яйлов алмашлаб экишга бўлинади.

12 - жадвал

#### Алмашлаб экиш классификацияси

Алмашлаб экиш турлари	Алмашлаб экиш хиллари.
I. Дала алмашлаб экиш.	Дон-шудгор. Дон-шудгор-қатор оралари ишланадиган әқинлар. Дон-ўт. Дон-қатор оралари ишланадиган әқинлар. Дон-ўт-қатор оралари ишланадиган әқинлар. Қатор оралари ишланадиган әқинлар. Ўт-қатор оралари ишланадиган әқинлар. Сидератлар.
II Ем-хашак алмашлаб экиш. 1) ферма олди. 2) Пичан-яйлов.	Дон-ўт-қатор оралари ишланадиган әқинлар. Қатор оралари ишланадиган әқинлар. Ўт-далали, (кўп ўт далали) шу жумладан тупроқни ҳимоя қиласидиган әқинлар. Дон-ўт, қатор оралари ишланадиган, шу жумладан сабзавот, сабзавот – ем-хашак, шоли, полиз, тамаки, дон-қатор оралари ишланадиган тупроқни ҳимоя қиласидиган.
III Махсус алмашлаб экиш.	Махсус алмашлаб экиш этиштириш учун махсус шароит ва агротехника талаб қиласидиган әқинлар учун жорий этилади. Буларга сабзавот, полиз әқинлари, шоли, тамаки ва бошқалар киради.

Махсус алмашлаб экиш этиштириш учун махсус шароит ва агротехника талаб қиласидиган әқинлар учун жорий этилади. Буларга сабзавот, полиз әқинлари, шоли, тамаки ва бошқалар киради.

Дала алмашлаб экиш. Күп далали дала экинларини алмашлаб экиш ротациясини бир-бири билан боғланган алоҳида қисмлардан иборат, деб қараш мумкин. Алмашлаб экишнинг алоҳида қисмида 2-3 та ҳар хил экин навбатланиши мумкин. Бу қисмлар яхши ўтмишдошларни экишдан бошланиши лозим [1].

Ўт-қатор оралари ишланадиган алмашлаб экишда тупроқ хусусиятларини яхшилашга қаратилган бўгим бу кўп йиллик ўтлар экилган дала ҳисобланади.

Беда-пахта алмашлаб экиш асосан 2 та экинни ўз ичига олади. Ўзбекистонинг гумус миқдори кам бўлган тупроқларида беданинг аҳамияти жуда катта. Бедадан кейин 3-4 йил давомида пахтадан юқори ҳосил олиш мумкин. Пахта экилаётган далаларда оралиқ экинлардан фойдаланиш пахта ҳосилининг барқарор бўлишига ёрдам беради.

Агар беда битта далада 3 йил, пахта 6 йил экилса алмашлаб экиш схемаси 3:6 рақами билан белгиланади. Беда 2 йил, фўза 3 йил, маккажўхори 1 йил, яна фўза 2 йил экилса, алмашлаб экиш 2:3:1:2 рақами билан белгиланади.

Чиқарилган далали алмашлаб экиш. Бу турдаги алмашлаб экишини ем-хашак экинларига ажратилган алмашлаб экишда чегараланган катталикдаги майдонда жорий қилинади. Шуниндек, беда-пахта алмашлаб экиш тизимида ҳам мелиоратив ёки чиқарилган далани қўллаш мумкин. Масалан 10 далали алмашлаб экишда битта далага беда экилади, қолган тўққизта далага 1:2:1:2:1:2 схемада буғдой ва пахта экилади. Беда уч йилдан кейин ҳайдалиб алмашлаб экишга қўшилади. Унинг ўрнига ҳосилдорлиги пасайган битта дала алмашлаб экишдан чиқазилади.

Ҳозирги даврда буғдой-пахта алмашлаб экишга бедани киритиш зарурати тобора ойдинлашиб бормоқда. Чунки, тупроқларнинг унумдорлиги сезиларли даражада пасаймоқда. Агар беда буғдой билан қоплам остида экилса алоҳида экин сифатида икки ярим йил давомида далани банд қиласди. Бундай қисқа муддатли алмашлаб экиш тупроқ унумдорлиги ва структурасини тиклашга ёрдам беради [4].

Алмашлаб экиш далаларининг сони ва катталиги дала ишларини ташкиллаштиришга таъсир этади. Дон, пахта каби экинларни етиштиришда далаларнинг майдони катта бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Экинлар структурасининг барқарорлигини таъминлаш учун далаларнинг майдони бир хил бўлгани маъкул.

Ем-хашак алмашлаб экиш. Ем-хашак экинлари ҳозирги даврда асосан дон ва техника экинларини навбатлаб экиш тизимига киритилган. Лекин, баъзи ем-хашак экинлари ўзининг биологик хусусиятларига кўра ҳамма жойда ҳам сифатли ва юқори ҳосил беравермайди.

Ферма олди ем-хашак алмашлаб экиш анча самарали ҳисобланади. Экинларнинг таркиби бўйича ферма олди алмашлаб экиш ўт-қатор оралари ишланадиган, дон-ўт-қатор оралари ишланадиган, дон-қатор оралари ишланадиган ва қатор оралари ишланадиган хилларга бўлинади [1].

Ўт-қатор оралари ишланадиган алмашлаб экишда кўп йиллик ўтлар ва бир йиллик ем-хашак (суданўти, маккажўхори) экинлари, бошқа алмашлаб экишда арпа, сули, жавдар, хашаки лавлаги каби экинлар экиласди.

Қатор оралари ишланадиган экинлар экиласдиган алмашлаб экишда асосий майдонни ёки ҳамма далани қатор оралари ишланадиган экинлар эгаллайди. Бу экинлар икки йил ва ундан ортиқ бир далада экилиши мумкин. Органик ва минерал ўғитларни егарли даражада қўллаш 1 гектар ердан олинадиган маҳсулот миқдорини юқори бўлишини таъминлайди.

Ферма олди алмашлаб экишда қатор оралари ишланадиган экинларни иложи борича унумдор ерларда қўллаш лозим. Унумдорлиги паст бўлган ерларда органик ва минерал ўғитларни қўллаш керак.

Ем-хашак алмашлаб экишда куйидаги схемаларни жорий этиш тавсия қилинган.

**Биринчи:** 1-кузги ғалла+беда; 2, 3 – беда; 4-хашаки лавлаги; 5,6 – маккажўхори.

Маккажўхори бир неча йиллар давомида ажратилган далада муваффақиятли ўстирилиши мумкин.

**Иккинчи:** 1-арпа+беда, 2, 3-беда, 4-маккажўхори силос учун, 5-хашаки лавлаги, 6-маккажўхори, 7-хашаки лавлаги. Хашаки лавлагини маккажўхори билан бирга қоплам ости экин сифатида ҳам экса бўлади.

**Учинчи:** 1-суданўти+беда; 2,3-беда; 4-маккажўхори силос учун; 5-картошка; 6-бир йиллик ўтлар кўк ем учун;

Қатор оралари ишланадиган экинларнинг салмоғи 33 дан -57%, гача, бир йиллик ва кўп йиллик ўтларнинг салмоғи 28 дан 67% гача бўлади. Бу алмашлаб экишларни тузишда қопловчи ва қоплам ости экинларни тўғри танлаш мухим аҳамиятга эга. Қатор оралари ишланадиган экинлар салмоғи кўп бўлган алмашлаб экишда оралиқ экинларни экиш яхши натижа беради.

Беда-маккажўхори икки далали алмашлаб экишни ҳам истиқболли деб қараш мумкин. Бу алмашлаб экишда 3-4 йиллик беда шунчак йил давомида етиштирилган маккажўхори даласи билан алмашади. Бундай алмашлаб экишда бир далада беда, иккинчи далада маккажўхори ўстирилади. Битта ёки иккала экиннинг ҳосилдорлиги пасайиши билан уларнинг ўрни алмаштирилади.

Ўт-қатор оралари ишланадиган алмашлаб экишга ғалла экинлари кўшилса дон-ўт-қатор оралари ишланадиган алмашлаб экишга айланади.

Масалан, 5 ва 8 далали алмашлаб экишлар: 1-силос экинлари; 2, 3 – кузги ёки баҳорги фалла (қоплам остида беда); 4- беда; 5 – картошка ёки илдизмевалилар: ва 1-баҳорги арпа-беда билан бирга; 2, 3 – беда; 4-маккажүхори; 5-картошка ва хашаки лавлаги; 6-бир йиллик ўтлар; 7-кузги фалла+маккажүхори силос учун; 8-маккажүхори.

Чорва молларининг тури ва таркибига қараб экинлар навбатланишига ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Пичанзор – яйлов алмашлаб экиш дарё ёқаларидаги ўтлоқи тупроқларда, ҳайдаладиган ерларнинг нишаблиги катта бўлган жойларида, ботқоғи куритилган ерларда ва ем-хашак экинларидан бошқа экинларни экиш кам самара берадиган ҳудудларда жойлаштирилади.

Пичан-яйлов алмашлаб экишда ҳар йили бир нечта дала қисқа даврда алмаштирилиб, фойдаланиладиган яйлов сифатида ажратилиди. (2-5 йилгача). Ўтлар ҳаётининг 1-2 йиллари нимжон бўлганлиги ва моллар тепкилаб ташламаслиги учун улар пичан сифатида ўриб турилади. 4-7 йилдан сўнг яйлов ҳайдалиб, унда бир йиллик ўтлар ўстирилади. Бу ҳосил бўлган чимни чиритиш озиқ моддаларга айланишини таъминлайди [1].

Шундай қилиб, пичан-яйлов алмашлаб экиш 2 даврга бўлинади: ўтлоқ ва пичан етиштириш.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш муносабатлари ва структурасини ўзгариши ем-хашак алмашлаб экишга илмий асосда ёндошишини тақозо этмоқда.

Махсус алмашлаб экиш.

*Сабзавот алмашлаб экиш.* Бу алмашлаб экишда даланинг асосий ёки ҳамма майдони сабзвот экинлари билан банд бўлади. Касалликлари ва зараркуннандалари бир хил бўлган экинларни навбатлаб экилса, уларнинг ҳосили кескин камайиб кетади.

Сабзвот экинларининг ўтмишдошларини 3 та гурухга бўлиш мумкин: яҳши, қониқарли ва ёмон.

Карам учун кўп йиллик ва бир йиллик ўтлар, сабзи, картошка яҳши ўтмишдош бўлади. Бедадан кейин иккинчи йили карам экса бўлади, лавлагини эса иккинчи йили экиш ҳосил сифатини пасайишига олиб келади.

Сабзи учун бир йиллик ўтлар, карам ва картошка яҳши ўтмишдош бўлади. Сабзининг ўзи эса қониқарли ўтмишдош ҳисобланади.

Лавлагини картошка ва сабзидан кейин жойлаштириш керак. Карамдан кейин экса ҳам бўлади.

*Сабзвотчиликда қўйидаги алмашлаб экишларни қўллаш мумкин:* 1-эртаги пиёз ва бодринг; 2-эртаги карам ва гулкарам; 3-илдизмевалилар; 4-эртаги картошка ва кечки карам; ёки 1-карам+кечки сабзи; 2-лавлаги;

3-эртаги сабзи+кечки карам; 4-маккажүхори силос учун; 5-сабзи; 6-күккөт ва бошқа сабзавот экинлари.

Агар сабзавот алмашлаб экишга ем-хашак экинлари киритилса, ем-хашак-сабзавот алмашлаб экишга айланади. Масалан: 1-бир йиллик ўтларни күп йиллик ўтлар билан аралаштирилиб экиш; 2, 3-күп йиллик ўтлар; 4-карам; 5-илдизмевалилар; 6-картошка; 7-хашаки лавлаги ва силос экинлари. Полиз экинлари учун алоҳида алмашлаб экиш кўлланилади.

Шоли алмашлаб экиш. Шоли экилган далаларда анаэроб шароитда тупроқда заҳарли бирималар тўпланади. Бу моддаларни оксидланиши учун тупроқда аэроб шароит яратиш, яъни шолини бошқа экин билан алмашлаб экиш лозим. Шоли учун яхши ўтмишдош беда ҳисобланади. У тупроқ структурасини тиклайди, унумдорликни яхшилайди. Қатор оралари ишланадиган экинлардан кейин шолини 2-3 йил экиш мумкин.

Ўзбекистонда шолини қуйидагича алмашлаб экиш мумкин.

Уч далали: 1-шоли; 2-шоли; 3-қатор оралари ишланадиган экин.

Тўрт далали: 3:1 шоли-қатор оралари ишланадиган экин.

Олти далали: 2:6 беда-шоли;

Етти далали: 2:2:1:2 беда-шоли-маккажүхори-шоли.

Тўққиз далали: 3:3:1:3 беда-шоли-маккажүхори-шоли.

Үн далали: 3:4:1:3 беда-шоли-маккажүхори-шоли.

Тупроқни ҳимоя қилувчи алмашлаб экишлар.

Алмашлаб экишнинг асосий вазифаларидан бири тупроқни сув ва шамол эрозиясидан сақлашдир. Қиялтиг 5<sup>0</sup> дан ортиқ ва шамол бўладиган ерларда тупроқни ҳимоя қилувчи алмашлаб экишни жорий қилиш лозим. Кўп йиллик ўтлар тупроқни йил давомида ҳимоя қиласди. Кузги фалла экинлари 9-10 ой, баҳорги фалла 3 ой, қатор оралари ишланадиган экинлар 1,5 ой давомида тупроқни қоплаб ҳимоя қиласди.

Украина шароитида қиялиги 6-8<sup>0</sup> дан ортиқ бўлган ерларда себарга даласида гектарига 2 т, кузги фалла даласида 19 т, тоза шудгорда 50 т тупроқ ювилиб кетади [1]. Бундай ерларда кўп йиллик ўтларни кузги фалла экинлари билан навбатлаб экиш керак. Сув эрозияси кучли бўлган қияликларда қуйидаги алмашлаб экишни қўллаш мумкин: 1, 2, 3-кўп йиллик ўтлар; 4-кузги фалла, 5-маккажүхори, 6-дуккакли дон экинлари, кузги фалла, 7-фалла экинлари.

Шамол кучли бўладиган ерларда иҳотали ҳимояловчи экинлар экилади. Бунинг учун кўп йиллик ўтлар шамолнинг кучи ва тупроқнинг механик таркибини ҳисобга олган ҳолда полоса-полоса қилиб 50-150 м масофада шамол йўналишига кўндаланг қилиб жойлаштирилади.

Лалмикор ерларда тоза шудгор ва қатор оралари ишланадиган экинлар кузги ғалла ва кўп йиллик ўтлар билан навбатлаб полоса қилиб жойлаштирилса тупроқ эрозиядан маълум даражада сақланади [1].

## АЛМАШЛАБ ЭКИШНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ, ЖОРӢӢ ЭТИШ ВА ЎЗЛАШТИРИШ

Алмашлаб экишни лойиҳалаштириш хўжаликнинг асосий йўналиши, тупроқ-иқлим шароити, сув ва меҳнат ресурслари ҳамда техника билан таъминланганлик даражасини аниқлашдан бошланади. Ана шулар асосида ташкилий-хўжалик режаси тузилади. Унинг асосий қисми ер тузиш ва ундан оқилона фойдаланиш ҳамда алмашлаб экишни жорӣ этишдан иборат бўлади.

Алмашлаб экишни лойиҳалаштириш учун тупроқ шароити ҳақидаги барча маълумотлар ўрганилади. Хўжаликда тупроқлар текширилиб чиқилади ва бу тупроқлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади (20-расм).

Қайси далада қандай экинни жойлаштириш яхши самара бериши аниқланади. Тупроқ шароити ёмон бўлган далалар аниқланиб, уларни яхшилаш бўйича тадбирлар режаси тузилади. Боф ва узумзорларни жойлаштириладиган ерлар аниқланади. Эрозияга учраган далалар ҳисобга олинади. Гидротехник ва тупроқни ҳимоя қилишга қаратилган иншоотлар, ихота дарахтзорлари текшириб ўрганиб чиқилади.

Тупроқ харитаси ва агрономик картограмма маълумотлари асосида ҳайдаладиган ерлар бир нечта категорияга бўлинади. Ерларни категорияларга бўлиш ҳар хил алмашлаб экишларни тўғри жойлаштириш имконини беради [1].

Тупроқ-иқлим шароитларига кўра, Ўзбекистоннинг ҳайдаладиган ерлари 2 минтақага бўлинган. Тоғ олди ярим саҳро минтақаси ва текис саҳро минтақаси. Бу минтақалар ўз навбатида 4 тадан кичик – кичик минтақаларга бўлинади [2].

Ҳар бир кичик минтақанинг тупроқ шароити, яъни механик таркиби, структураси, унумдорлиги, маданийлашганлиги, шўрланиш даражаси ва сизот сувларининг чукур ёки юза ётиши билан бирбиридан фарқ қиласи. Алмашлаб экишни лойиҳалаштиришда ана шу омилларнинг барчаси ҳисобга олинади.

Лойиҳа чизма ва матндан иборат бўлади. Чизмада лойиҳа режаси, ер тузиш лойиҳасининг чизмалари ва бошқа графикли маълумотлар кўрсатилади.

Мати қисмидә лойиҳани асослаш, далаларнинг ҳолати ҳақида таҳлилларнинг изоҳи берилади. Лойиҳада тупроқларнинг унумдорлиги ва бошқа хоссаларини яхшилаш бўйича тадбирлар белгиланади [1].

Лойиҳани амалга ошириш режаси. Бу лойиҳалаштиришнинг охирги босқичи ҳисобланади. Унда кўзда тутилган тадбирларни ўтказиш навбати ва муддати, ҳажми, қиймати ҳамда яхши ташкиллаштириш учун тавсиялар берилади.

Лойиҳа муҳокама қилингандан сўнг, ер тузиш ишлари амалга оширилади. Далаларнинг чегаралари аниқланади. Ер тузиш ишлари тугагандан сўнг, алмашлаб экиш жорий этилган ҳисобланади.

Кейин қилинадиган ишлар алмашлаб экишни қисқа вақт ичida ўзлаштиришдан иборат. Алмашлаб экиш схемасида кўрсатилган экинлар белгилангандан далага жойлаштирилса алмашлаб экиш ўзлаштирилган ҳисобланади. Алмашлаб экишини ўзлаштириш учун ўтиш жадвали тузилади (13-жадвал).

Ўтиш жадвалида 2-3 йил давомида экинларнинг жойлашуви кўрсатилади. Баъзан ўзлаштириш учун кўпроқ вақт кетиши ҳам мумкин.

Келтирилган жадвалдан кўриниб турибди-ки, 3:6 беда-пахта алмашлаб экишдан 1 дон : 2 беда : 3 фўза : 1 дон: 2 фўза алмашлаб экишга ўтиш учун 3 йил кетган, яъни тўртгинчи йили янги алмашлаб экиш тўлиқ ўзлаштирилган. Алмашлаб экишининг тўғри олиб борилишини назорат қилиш ротацион жадвал ва дала тарихи китоби ёрдамида амалга оширилади.



20-расм. Алмашлаб экиш тизими.

## 3:6 беда-ғұза алмашлаб экишдан 1 доң: 2 беда: 3 ғұза:

Йиллар	Далалар								
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX
2000	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	B <sub>3</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	F <sub>4</sub>	F <sub>5</sub>	F <sub>6</sub>
2001	B <sub>2</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	F <sub>4</sub>	F <sub>5</sub>	F <sub>6</sub>	B <sub>1</sub>
2002	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Бүг	F <sub>3</sub>	F <sub>4</sub>	F <sub>5</sub>	F <sub>6</sub>	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>
2003	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>4</sub>	F <sub>5</sub>	Бүг	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	F <sub>1</sub>
Үзланыптилган алмашлаб екиш.	2004	F <sub>3</sub>	Бүг	F <sub>2</sub>	F <sub>5</sub>	Бүг	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	F <sub>1</sub>
	2005	Бүг	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Бүг	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>3</sub>
	2006	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Бүг	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Бүг
	2007	F <sub>2</sub>	Бүг	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	Бүг
	2008	Бүг	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	Бүг	F <sub>2</sub>
	2009	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	Бүг	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>
	2010	B <sub>2</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	Бүг	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Бүг
	2011	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	Бүг	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Бүг	B <sub>1</sub>
	2012	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	Бүг	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	Бүг	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>
									F <sub>1</sub>

**Эслятма:**

F<sub>1</sub> - ғұза биринчи йили; B<sub>2</sub> – беда иккінчи йили;  
 Бүг - бүгдой.

Дала тарихи китобида экинларни йиллар давомида навбатлаб экилиши, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорларының ошириш бүйічә тадбирлар қайды этилади [1,3]. Масалан: далаларда үтказилған мелиоратив тадбирлар; ер ҳайдаш муддати, чукурлар; органик ва минерал үйітілар түри, мөщери, солиши үсуллари ва муддатлары; экин нави, экиш үсуллари, мөщери; экинларни парвариши қылиш (қатор ораларига ишлов беріш, бегона үтларға, заарарлы организмдерге қарши кураш); ҳосилни жиғишириб олиш муддати ва үсуллари; гектаридан олинган ҳосил ёзіб борилади [3].

Булардан ташқары тупроқ хусусиятларынинг үзгариб бориши ҳам қайд қылғынади.

## **ТОҒ ОЛДИ ЯРИМ САҲРО МИНТАҚАСИ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АЛМАШЛАБ ЭКИШ ТИЗИМЛАРИ**

**I.** Төг олди миңтақаси ярим саҳро иқлими билан таърифланади. Бу миңтақада асосан шўрланмаган тўқ тусли типик ва оч тусли бўз ҳамда ўтлоқи-бўз тупроқлар тарқалган. Баъзи жойларда эрозияга учраган ва шўрланган тупроқлар ҳам учрайди (14-жадвал).

Бўз тупроқлар миңтақасидаги тупроқлар таркибида гумус, азот ва фосфор миқдори кам, органик маддалар тез минераллашади. Тупроқ структураси унча мустаҳкам эмас. Лекин бу миңтақа тупроқларининг табиий унумдорлиги текис саҳро миңтақасидаги тупроқларга нисбатан сезиларли даражада юқори. Шунинг учун ҳам бу миңтақада пахта ва галла экинларининг салмоғи қўп бўлган алмашлаб экиш тизимларини тавсия этиш мумкин (18-жадвал) [1]. 1- миңтақа маданийлашганлик, шўрланиш ва эрозияга учраганлик даражасига қараб 4 та кичик миңтақага бўлинади.

**1-** кичик миңтақа тупроқлари унумдор, маданийлашган, пахта ва галла экинлари салмоғини кўпайтириш имкониятини беради.

**2-** кичик миңтақа - кучсиз маданийлашган, эрозияга учраган унумдорлиги паст тупроқлар. Тупроқларнинг унумдорлигини тиклаш ва ошириш учун қисқа ротацияли беда каби экинлар киритилган алмашлаб экишни қўллаш лозим.

**3-** кичик миңтақа - маданийлашган, кучсиз шўрланган ва шўрланмаган (шўри ювилган) тупроқлар. Бу тупроқлар яхши, нисбатан унумдор, лекин шўрланишига ҳамда ботқоқланишига қарши профилактик мелиоратив тадбирлар ўтказиб туришни тақозо этади.

**4-** кичик миңтақа - кучсиз маданийлашган, ўргача ва кучли шўрланган тупроқлар. Бу ерларда сувда эрийдиган заарли тузлари бўлган минераллашган сизот сувлари ер юзасига яқин ётади. Мелиоратив даврнинг бошларида қисқа ротацияли уч йиллик беда экиладиган алмашлаб экишни жорий этиш лозим.

**Төр өлді ярым саҳро минтақасыға кириүчі худудлар за уларнинг тупроқлари**

Тупрок тури, ҳолати	Мәмурый тұманлар	Вилоттлар
1	2	3
1- кичик минтака		
1. Кадимдан әкілиб келінгандан үннүмдер, бүз, ўтлоқи-бүз, ботқок-бүз тупроқлар	Асака, Булокбоси, Мархамат, Жалолкулдуқ, Күргөнтепа Жиззах	Хұжаобод, Андижон Сурхондарё
	Денов, Сарисиё, Бойсун, Узун Фарғона	Жиззах Фарғона
	Камаши, Китоб, Шахрисабз, Чирокчи, Яккабог	Сурхондарё Кашшадарё
	Кўйичирчик, Пскент, Ўрга Чирчик, Чиноз, Янгиюл, Юқори Чирчик, Бекобод, Бўка, Оқжурон	Тошкент
	Оқдарё, Жомбой, Иштихон, Пойарик, Пастдарғом, Каттакўрон, Челак.	Самарқанд
2- кичик минтака		
Кейинрек ўзлаштырылған, үрга ва күчли эрозияга учраган, аксарият түк тусли на оддий бүз гулпроқлар.	Косонсой, Чуст, Янтиқурғон, Чорток	Наманган

3- кичик минтақа					
Қалымдан шүрләнган тупроқлар	екилиб үтлөк,	келингән, үтлөгөн бүз	Шаҳрихон, Избоскан, Пахтаобод	Андижон, Сирдарә, Сайхунобод, Боёвут, Гулистан	Олтинқўл, Сурхондарё
			Шўрчи, Кумкўргон	Наманган, Тўракўргон, Уйчи, Учқўргон,	Андижон Наманган
			Пол, Норин	Пиштон, Тошлөк	
			Куба,	Фаргона	
4- кичик минтақа					
Кейинрок үзлаширилган ўртача ва кучли шўрланган, ўтлөк бўз, ўтлөк, ботқоқ ўтлөк, бўз тупроқлар	Гузор, Косон, Қарши Дўстлик, Арнасой, Зарбор, Мирзачўл, Зафаробод, Пахтакор	Кашқаларё Жиззах	Бекобод .	Тошкент Нарпай, Пахтаки Хатирчи	Самарқанд Навоий

## Төр олдлы ярым саҳро миңтакасы учун тавсия этилгандын алмаштырылган тизимлары

Авшал тизимлар	тавсия етилгандын	Гүза салмоги Фонкз	Кейин тавсия алмаштырылган тизимлари	галла	Гүза салмоги, Фонкз
1- кичик мингтака					
3:7	70,0	1 дон : 2 беда : 4 гүза : 1 дон : 2 гүза		60,0	
3:4:1:3	63,6	1 дон : 2 беда : 4 гүза : 1 дон : 3 гүза		63,6	
1:3:7	63,6	1 дон : 2 беда : 4 гүза : 1 б.эк : 1 дон : 2 гүза		54,5	
1:2:1:2:1:3	70,0	1 дон : 2 гүза : 1 дон : 2 гүза : 1 дон : 3 гүза		70,0	
3:5:1:3	66,7	1 дон : 2 беда : 4 гүза : 1 б.эк : 1 дон : 3 гүза		58,3	
3:6	66,7	1 дон : 2 беда : 3 гүза : 1 дон : 2 гүза		55,5	
		1 дон : 2 гүза : 1 дон : 2 гүза : 1 дон : 2 гүза		66,7	
2- кичик мингтака					
3:7	70,0	1 дон : 2 беда : 4 гүза : 1 дон : 2 гүза		60,0	
3:6	66,7	1 дон : 2 беда : 3 гүза : 1 дон : 2 гүза		55,5	
3:4:1:2		1 дон : 2 гүза : 1 дон : 2 гүза : 1 дон : 2 гүза		66,7	
2:3:1:1	60,0	1 дон : 2 беда : 4 гүза : 1 дон : 2 гүза		60,0	
	50,0	1 дон : 2 беда : 3 гүза : 1 б.эк. : 1 гүза		50,0	

3- кичик мингатка					
3:7	70,0	1 дон : 2 беда : 4 гўза : 1 дон : 2 гўза			60,0
		1 дон : 2 беда : 3 гўза : 1 б.эк : 1 дон : 2 гўза			50,0
3:6	66,7	1 дон : 2 беда : 3 гўза : 1 дон : 2 гўза			55,5
		1 дон : 2 гўза : 1 дон : 2 гўза : 1 дон : 2 гўза			66,7
3:4:1:2	60,0	1 дон : 2 беда : 3 гўза : 1 б.эк. : 1 дон : 2 гўза			50,0
3:5:1:2	63,7	1 дон : 2 беда : 4 гўза : 1 б.эк. : 1 дон : 2 гўза			54,5
4- кичик мингатка					
3:5	62,5	1 дон : 2 беда : 5 гўза			62,5
		1 дон : 2 беда : 3 гўза : 1 дон : 1 гўза			50,0
		1 дон : 2 гўза : 1 дон : 2 гўза : 1 дон : 1 гўза			55,5
3:6	66,7	1 дон : 2 гўза : 1 дон : 2 гўза : 1 дон : 2 гўза			66,7
		1 дон : 2 беда : 4 гўза : 1 дон : 1 гўза			55,5
		1 дон : 2 беда : 3 гўза : 1 дон : 2 гўза			55,5
1:3:6	60,0	1 дон : 2 беда : 4 гўза : 1 дон : 2 гўза			60,0
		1 дон : 2 беда : 3 гўза : 16.эк : 1 дон : 2 гўза			50,0
3:4:1:2	60,0	1 дон : 2 беда : 4 гўза : 1 дон : 2 гўза			60,0

**Эслатма:** 1 б.эк. - бошқа экинлар даласи, 1 м - ярим йил давомида далада мелиоратив тадбирлар кўпланилади.

## **ТЕКИС САХРО МИНТАҚАСИ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АЛМАШЛАБ ЭКИШЛАР**

II текис саҳро минтақасида шўрланган ёки шўрланаётган, тақирли, тақирли бўз ва ўтлоқи саҳро тупроқлари жойлашган (16-жадвал). Бу тупроқлар таркибида гумус, азот, фосфор миқдори жуда кам, структураси ёмон, органик моддалар биринчи минтақага нисбатан ҳам тез минераллашади [1].

Тупроқларнинг унумдорлиги ва агрофизик хусусиятларини яхшилаш учун бу жойларда беда қўшилган қисқа ротацияли алмашлаб экишларни жорий этиш лозим (17-жадвал).

Маданийлашганлик ва шўрланганлик даражасига кўра бу минтақада тупроқлар 4 та кичик минтақага бўлинади.

1-кичик минтақа-маданийлашган, юқори унумдор, кучсиз шўрланган ва шўри яхши ювилган тупроқлар. Бу тупроқларда майдонларнинг 70 фоизини пахта билан банд қилиш мумкин.

2 - кичик минтақа - кучсиз маданийлашган, ўртача шўрланган тупроқлар. Бу ерларда уч йиллик беда киритилган қисқа ротацияли алмашлаб экишлар тавсия этилган.

3 - кичик минтақа - кучсиз маданийлашган, кучли шўрланганлиги учун унумдорлиги паст тупроқлар. Бу ерларда ажратилган мелиоратив даласи бор, албатта уч йиллик беда киритилган алмашлаб экишлар тавсия этилган.

4 - кичик минтақа – кейинроқ ўзлаштирилган, кучсиз маданийлашган, ўртача ва кучли шўрланган ҳамда гипслашган ўтлоқи-бўз, ўтлоқи-тақир, сур тусли қўнғир, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар.

Маҳсулдорлиги паст бўлган ерлар мелиоратив дала сифатида алмашлаб экишдан вақтинча чиқарилади. Тупроқ шароити яхшилангандан сўнг алмашлаб экишга киритилади. Унинг ўрнига бошқа унумдорлиги паст дала мелиоратив тадбирлар ўтказиш учун ажратилади. Бу ерларда ҳам беда киритилган қисқа муддатли алмашлаб экишларни йўлга қўйиш лозим.

16 - ЖАДВАЛ

Түпрөк түри, холаты	Маъмурий туманлар	Вилоятлар	
1- кичик минтака			
Кадимдан шўрланмаган Суорирадиган хўнир, тупроқлар.	экилиб ва кам такир, ўтлоқи-такир,	келинган, шўрланган. Задарё Бешарик, Ўзбекистон, Ўзлоқи, Бодом, Боғод, Учқўприк Ўзбекистон, Ёзевон, Бувайда, Гиждувон, Бухоро, Қоракўл, Ромитон, Ўртачўл, Олат, Пешку Баликчи, Бўз Шеробод, Ангор, Термиз, Жаркургон Задарё Охунбоев, Олтиариқ Вобкент, Котон, Шофириқон, Муборак, Косон, У.Юсупов, Баҳористон	Андижон Сурхондарё Наманган Фарғона Бухоро Кашкадарё
2- кичик минтака			
Кейинроқ ўзлаштирилган, кучли шўрланган ўтлоқи оғир тупроқлар.	ўтлача ва ўтлоқи-такир,	Мўзробод, Олтинсой, Бандикон Беруний, Кораўзак, Кетейли, Кўниирот, Тўрткул, Шуманай, Кўжайли, Чимбой, Элликкальба, Амунарё, Бўзатов Хазорастп, Богоғ, Гурлан, Кўшикўпир, Хива, Шовот, Янтиариқ, Ургач, Хонча, Янтибозор Кизилтепа, Навоий, Навоаҳор	Кизирик, Сурхондарё Корақалпогистон Республикаси Хоразм
		Навоий	

**16 - ЖАДВАЛИНИНГ ДАВОМИ**

3- кичик минтақа	
Кейинрок ўзлаштирилган, ўртacha ва кучли шўрланган, шамол таъсирида дефляцияга учраган тақири тупроқлар. Сур тусли кўннир, ўтлок тақири, ўтлок тупроқлар	Ховос, Оқ олтин Ўзбекистон, Бешарик, Ёзёвон, Фурқат Учкўприк, Бувайда, Дангарा
Балиқчи	Андижон
Задарё	Намангандарё
4- кичик минтақа	
Кейинрок ўзлаштирилган, ўртacha ва кучли шўрланган ҳамда гипслашган ўтлоқи-буз, ўтлоқи тақири, сур тусли кўннир, ўтлоки-ботқок тупроқлар	Мирзаобод, Мехнатобод, Рашидов Нишон Зомин Жиззах

## Текис саҳро минтақаси учун тавсия этилган алмашлаб экши тизимлари

Аввал тавсия этилган тизимлар	Гӯза салмоги, фонз	Тавсия этилган кенгайтирилган галла алмашлаб екши тизимлари	Гӯза салмоги, фонз
1- кичик минтака			
3:7	70,0	1 дон : 2 беда : 4 гӯза : 1 дон : 2 гӯза	60,0
3:4:1:3	63,6	1 дон : 2 беда : 3 гӯза : 1 дон : 3 гӯза	54,5
1:2:1:2:1:3	70,0	1 дон : 2 гӯза : 1 дон : 2 гӯза : 1 дон : 3 гӯза	70,0
		1 дон : 2гӯза : 1 дон : 1 б.эк. : 1 дон : 2 гӯза	50,0
3:5:1:3	66,7	1 дон : 2 беда : 4 гӯза : 1 б.эк. : 1 дон : 3 гӯза	58,3
2- кичик минтака			
3:6	66,7	1 дон : 2 гӯза : 1 дон : 2 гӯза : 1 дон : 2 гӯза	66,7
		1 дон : 2 беда : 4 гӯза : 1 дон : 1 гӯза	55,5
3:4:1:2	60,0	1дон : 2 беда : 4 гӯза : 1 дон : 2 гӯза	60,0
1:3:6	50,0	1 м : 3 беда : 4 гӯза : 1 дон : 1 гӯза	50,0
3- кичик минтака			
1:3:5	55,5	1 м : 3 беда : 5 гӯза	55,5
		1 м : 3 беда : 1 дон : 4 гӯза	44,4
3:3:1:1	50,0	1 дон : 2 беда : 3 гӯза : 1 дон : 1 гӯза	50,0
3:6	66,7	1 дон : 2 гӯза : 1 дон : 2 гӯза : 1 дон : 2 гӯза	66,7
		1 дон : 2 беда : 4 гӯза : 1 дон : 1 гӯза	55,7

4- КИЧИК МИНГАҶА			
1:3:5	55,5	1 м : 3 беда : 5 гӯза	55,5
		1 м : 3 беда : 3 гӯза : 1 дон : 1 гӯза	44,4
		1 дон : 2 беда : 3 гӯза : 1 дон : 2 гӯза	55,5
3:5	62,5	1 дон : 2 гӯза : 1 дон : 2 гӯза : 1 дон : 1 гӯза	62,5
		1 дон : 2 беда : 3 гӯза : 1 дон : 1 гӯза	50,0

Эслатма: 1 б.эк. - бошқа экинлар даласи, 1 м - ярим йил давомида далада мелиоратив тадбирлар кўлланилади.

## *Саволлар*

- 1.** Алмашлаб экишнинг аҳамияти нимада?
- 2.** Сурункасига бир хил экиш оқибатида қандай жараёнлар юз беради?
- 3.** Алмашлаб экишнинг илмий асосларининг ривожланиш тарихи ҳақида гапиринг.
- 4.** Алмашлаб экищда кўп йиллик ўтларнинг аҳамияти қандай?
- 5.** Алмашлаб экищда фалла, дуккакли дон ва ёппасига экиладиган бошқа экинларнинг ўрни ҳақида гапиринг.
- 6.** Лалмикор ерларда экинлар қандай жойлаштирилади?
- 7.** Оралиқ ва такрорий экинлар деб қайси экинларга айтилади?
- 8.** Ем-хашак алмашлаб экишда қайси тизимлар самарали деб ҳисобланади?
- 9.** Алмашлаб экишни лойиҳалаштириш қандай олиб борилади?
- 10.** Дон-пахта алмашлаб экиш учун ротацион жадвал қандай тузилади?
- 11.** Мелиоратив тадбирлар ўтказишида алмашлаб экишнинг аҳамияти нимадан иборат?
- 12.** Тоғ олди минтақаси учун тавсия этилган алмашлаб экишлар ва унда экинлар салмоғи қандай?
- 13.** Алмашлаб экишда ажратилган мелиоратив даланинг аҳамияти нимадан иборат?
- 14.** Текис саҳро минтақаси учун тавсия этилган алмашлаб экиш тизимлари ва унда экинлар салмоғи қандай?

## *Адабиётлар*

- 1.** Воробъёв С.А., Каштанов А.Н., Лыков А.М., Макаров И.П. Земледелие. М.: «Агропромиздат» 1991, 152-157 б.
- 2.** Турсунхўжаев З., Болкунов А. Научные основы хлопковых севооборотов. Т.: «Меҳнат» 1987, 51-55 б.
- 3.** Эрматов А.Қ. «Сугориладиган деҳқончилик» Т.:« Ўқитувчи» 1983, 259-269 б.
- 4.** Зауров З.И., Иброҳимов F.A., Расулов А.А., Деҳқончилик. Т.: «Ўқитувчи» 1977, 234-236 б.
- 5.** Жалолов Т., Ҳайдаров А. «Алмашлаб экиш» Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Ж. 2002, №6, 23-24 б.
- 6.** Воробъёв С.А, Лошаков В.Г., Четверня А.М. Севооборот-важнейшее условие интенсификации земледелия. Земледелие. 1985, №11, 14-17 б.
- 7.** Жўраев К. Агробиологик омиллар ва вилт касаллиги. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» Ж. 2001 й. №5, 33-34 б.
- 8.** Эриазаров И. Деҳқончилик тизимида сифат ўзгаришлари. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» Ж. 2002 й № 2, 12-13 б.
- 9.** Ҳолиқов Б., Иминов А. Навбатлаб экишнинг тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигига таъсири. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Ж. 2003, № 3 8 б.

10. Раҳматов О., Шахимардонов Х. Изучение влияния различных предшественников на плодородие почвы и урожай хлопчатника. Тезисы докладов республиканского совещания - Технология получения высокого урожая культур хлопково-люцерного севооборота. Т.: 1979, 59-60 б.
11. Журакулов А. Интегрированная система борьбы с сорняками в хлопководстве. Т. Мөхнат 1987, 37-56 б.
12. Массино И.В. Интенсификация орошаемого кормопроизводства. Т.: Фан, 1984, 7-17 б.
13. Ақназаров Ф., Бозоров Д., Бараев Ф. Қисқа муддатли алмашлаб әкиш усуллари. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» Ж. 2003, №3 16-17 б.
14. Дубоносов В.Н., Утабаев А. Изучение приемов, повышающих эффективность хлопковых севооборотов с короткой ротацией. Тр. СоюзНИХИ. Севообороты и урожайность хлопчатника, вып. 57, Т.: 1985, 29-33 б.

## ДЕҲҚОНЧИЛИК ТИЗИМИ

1. Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишга қаратилган ташкилий – хўжалик, агротехник, агрокимёвий ҳамда агромелиоратив тадбирлар мажмуасига деҳқончилик тизими дейилади.

Ҳозирги вақтда тупроқ унумдорлигини ошириш ва тиклаш усулларини, ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайдиган ўзаро алоқадор агротехника, мелиорация ва ташкилий тадбирлар мажмуаси, деҳқончилик шакллари деҳқончилик тизими деб тушунилади.

Ҳозирги замон деҳқончилик тизими ерлардан самарали фойдаланишни ва унинг унумдорлигини оширишни, энг кам мөҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда ҳар гектар ердан энг кўп ва юқори ҳосил етиштиришни таъминлаши зарур.

Деҳқончиликнинг илмий асосланган тизими қишлоқ хўжалигини табиий оғатлардан сақлашда, тупроқ унумдорлигини оширишда, илгор агротехника тадбирларини ўзлаштиришда, ерларни суғоришда, кимёвий препаратлардан фойдаланишда, оққилона алмашлаб әкишда, яхши нав экинларни әкишда техникадан кенг кўламда фойдаланишга ёрдамлашиши зарур.

Барча деҳқончилик тизимлари умумий таркибга эга. Бунга қуйидагилар: хўжалик ҳудудининг агротехникасини тузиш ва алмашлаб әкиш тизими; ерни ишлаш тизими; ўғитлаш тизими; бегона ўтларга, касаллик ва зааркунандаларга қарши кураш тизими; уруғчилик; тупроқни сув ва шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш тадбирлари ва ҳоказолар киради.

2. Деҳқончилик тизими самарадорлик даражасига кўра уч турга ибтидоий, экстенсив ва интенсивга бўлинади.

Дәхқончиликнинг ибтидоий тизимиға қўриқ ёки бўз ер тизими, партов ер тизими; экстенсив тизимиға эса шудгорлаш тизими киради. Интенсив тизимга фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланишга асосланган тупроқ унумдорлигини оширишни ва экинлардан юқори ҳамда сифатли ҳосил олишни тъзминлайдиган ҳозирги замон тизимлари киради.

Ибтидоий жамоа тузуми даврида қўриқ ер ёки бўз ер тизими қўлланилган. Бу тизимда дәхқонлар қўриқ ер очиб, дәхқончилик қилишган. Ерга оддий қуролларда ишлов берганлар, 3-4 йил фалла экинлари экилгандан сўнг тупроқ унумдорлиги камайган, ҳашоратлар, касалликлар, бегона ўтлар кўпайиб кетган. Ҳосилдорликни пасайиб кетиши дәхқонларни бу ерни ташлаб, бошқа янги ер очишга мажбур қилган. Ташлаб кетилган ернинг хусусиятлари 15-20 йилдан кейин табиий равиша тикланган. Шу усулда тупроқ унумдорлигини тиклаш ва дәхқончилик юритиш партов ер тизими дейилади. Ташлаб кетилган ерга батзи жойларда 8-15 йилдан сўнг фойдаланиш учун қайтилган.

Дәхқончиликнинг ўрмон кесиши ва куйдириш тизими ҳам худди қўриқ ер тизимиға ўхшайди. Яъни ўрмон кесилиб ёки куйдирилиб, ер очилган. Ҳосилдорлик пасайиб кетиши билан дәхқонлар бошқа жойга ўтишган.

Дәхқончиликни **сидерация**лаш тизими бундан икки минг йиллар илгари шарқ мамлакатларида, қадимги Грецияда, Рим империяси ва бошқа мамлакатларда қўлланилган. Экинлар ҳосили йигиштириб олингандан сўнг кузги жавдар ёки рапс экиб, бу ўсимликлар маълум бир фазага кирганда кўк ўғит сифатида ҳайдаб юборилган.

Дәхқончиликнинг шудгорли тизимида ташлаб қўйилган партов ерга ишлов бериб, бегона ўтлар йўқотилади. Натижада бир йилдан сўнг яна экин экиш имконияти туғилади. Дастреблаби даврда икки далали шудгордон алмашлаб экиш қўлланилган. Яъни ерга бир йил тоза шудгор сифатида ишлов берилган, иққинчи йили донли экинлар экилган.

Дәхқончиликнинг кўп далали ўт тизимида ерларнинг ярмидан кўпи табиий яйлов ва кўп йиллик ўтлар билан банд бўлган. Колган қисмига дон экилган. Яъни куйидагига ўхшаш бўлган: 1-6 дала кўп йиллик ўтлар, 7-дала зигир, 8-дала тоза шудгор, 9-дала жавдар, 10-дала жавдар, 11-дала тоза шудгор, 12-15 далалар фалла экинлари. Бу тизим XIX асрнинг иккинчи ва XX асрнинг биринчи ярмида ёғин-сочин кўп бўладиган Европа мамлакатларида қўлланилган.

Дәхқончиликнинг яхшиланган фаллачилик тизимида тоза шудгор, дуккакли ва фалла экинлари алмашлаб экилган.

Алмашлаб экишда шудгор қўлланилмасдан ёки ниҳоятда оз майдонларда қўлланилиб, дон ва бошқа экинлар навбатлаб экиш экин алмашинадиган тизим дейилади. Бу тизимда фан ва техника ютуқларидан фойдаланилади.

Деҳқончиликнинг ўт-далали тизими XIX асрнинг биринчи ярмида кўлланилди. Бу тизимда кўп йиллик ўтлар ва дала экинлари навбатлаб экилди. Ернинг ярмини ёки ундан кўпроғини ўт эгаллагани учун бу тизим ҳам самарасиз деб топилди.

Деҳқончиликнинг интенсив тизимига ўт қатор оралари ишланадиган ва экин алмашнадиган тизимлари киради. Бу тизимларда ерлар экинлар билан тўлиқ банд бўлади. Агротехник, агрокимёвий, агромелиоратив тадбирлар, фан ва техниканинг ҳозирги замон ютуқларидан фойдаланилган ҳолда деҳқончилик олиб борилади.

3. Ҳозирги замон деҳқончилик тизими маълум таркибий қисмга, яъни ташкилий ва агротехника тадбирлари мажмуасига асосланган бўлиши тақозо этилади. Бу тадбирларга қуйидагилар киради:

1. Хўжалик худудини ташкил этиш ва алмашлаб экиш. Бунда далалар майдони, чегараси, боғлар, иҳота полосалари, сув ҳавзалари, ўзлаштирилган янги ерлар, яхшиланадиган экинзорлар, алмашлаб экиш ва экинларни жойлаштиришлар аниқланади.

2. Ерни ишлаш тизими.

3. Ўғитлаш тизими.

4. Бегона ўтларга, касаллик ва зааркунандаларга қарши кураш тизими.

5. Уруғчилик.

6. Мелиорация тадбирлари

7. Тупроқни сув ва шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш тадбирлари.

Юқоридаги тадбирларнинг барчаси деҳқончиликни жадал равишда ривожлантиришнинг асоси бўлиб, улар фан ютуқлари, илфорлар тажрибасидан тўғри фойдаланилганда, деҳқончилик ва чорвачиликни комплекс механизациялаштирилган, электрлаштирилган ва кимёлаштирилгандагина муваффақиятли ҳал қилинади. Деҳқончилик тизими ҳамма вақт ҳар бир хўжалик шароитига кўра ўзгариб туради.

## ***Саволлар***

1. Беданинг алмашлаб экишидаги аҳамияти нимада?
2. Сурункасига бир хил экин экиши оқибатида қандай жараёнлар юз беради?
3. Алмашлаб экишида экинлар таркибини тузиш нималарга боғлик?
4. Ротация ва ротацион жадвал деб нимага айтилади?
5. Деҳқончилик тизими деб нимага айтилади?
6. Деҳқончиликнинг ибтидои ва экстенсив тизимлари ўртасида қандай фарқ бор?
7. Деҳқончиликнинг интенсив тизимида тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги нима ҳисобига оширилади?

## *Адабиётлар*

1. Эрматов А.К. «Суфориладиган дәхқончилик» Т.: «Ўқитувчи» 1983, 259-269 б.
2. Зауров З.И., Иброҳимов Ф.А., Расулов А.А., Дәхқончилик. Т.: «Ўқитувчи» 1977, 234-236 б
3. Рамазонов О. Тупроқшунослик ва дәхқончилик. Маъruzалар тўплами, Т.: 2001
4. Рамазонов О, Маҳмудова М. Дәхқончилик ва ўсимликшунослик, Т.: 2001.

## **АГРОКИМЁ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Агрокимё дәхқончиликда озиқ моддаларни айланиши ёки тупроқ, ўсимлик, ўғит ўртасидаги боғланиш ва муносабатларни ўрганадиган фандир. Агрокимё назария ва амалиёт, фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий бирлигига юзага қелади ва ривожланади. Агрокимё бир қатор табиий фанлар: жумладан, тупроқшунослик, дәхқончилик, ўсимликлар физиологияси, микробиология, ўсимликшунослик, кимё, иқтисодиёт каби фанлар билан бевосита боғлиқ.

Фанинг асосий мақсади, ўғитларнинг хусусиятлари ва тупроқ билан ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда, ўсимликларнинг озиқланиши учун қулай шароит яратиш ҳамда муайян тупроқ - иқлим шароитлари учун ўғит қўллашнинг энг самарали меъёри, усули, муддатларини ва нисбатларини белгилашдир. Пировард натижада қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришдир. Ўсимликларнинг озиқланиш жараённада моддалар алмашинуви ва тупроқдаги озиқ моддалар динамикасини ўрганиш, ҳосил миқдори, маҳсулот сифати ва тупроқ унумдорлигини оширишда ўғитлардан оқилона фойдаланишини ташкил этиш – фанинг асосий вазифалари жумласига киради.

Шунингдек, агрокимё шуғулланадиган масалаларни тўртта катта гурӯҳларга бирлаштириш мумкин: илдиз орқали озиқланиш, тупроқ унумдорлигининг **химизими**, дәхқончиликда моддаларнинг айланиши ва ўғитларни самарали қўллаш.

ИНсонлар тупроқ унумдорлигини ошириш учун гўнг, ариқ ва зовур тупроқлари, чириган қамиши, хашиб ва барғлар, эски девор тупроқлари, ахлатлар, кул ва суюк толқонларидан фойдаланганлар. «Ўсимлик қандай қилиб ва нима билан озиқланади» деган саволга биринчи бўлиб, буоқ юонон мугафаккири Арасту тўғри жавоб берди. У ўсимликлар керакли озиқ моддаларни тупроқдан илдизлари ёрдамида ўзлаштиради деган холосага келди.

Ўсимликларни илдиздан минерал озиқланиши билан бирга, уни ҳаво орқали озиқланиши ҳақидаги фикрлар ҳам ривожланиб борди. Ўсимликларнинг ҳаводан озиқланиши тўғрисидаги илк фикр 1756 йилда М.В.Ломоносов (1711-1765) томонидан илгари сурилди. 1772 йилда Жозеф Пристли (1733-1804) ўсимликлар нафас олиш жараёнида бузилган ҳавони тозалашини аниқлади.

Антуан Лоран Лавуазье (1774) атмосферанинг миқдорий таркибини аниқлаб, кислороднинг оксидланиш ва ёниш жараёнларидаги ролини асослади.

Ян Ингенгауз 1779 йилда яшил ўсимликлар ёруғда ҳавони тозалашини, қоронғуда эса бузишини кузатди.

Агрокимёнинг назарий асосларини яратишда К.А.Тимиризевнинг (1843-1920) фотосинтез ва ўсимликларнинг минерал озиқланишига доир йирик ишлари катта аҳамиятга эга бўлди. Д.Н.Приянишников (1865-1948) ўсимликларда азот моддалари алмашинувига оид муаммоларни ўрганди, ўсимликларнинг аммиак ва нитрат шаклидаги азот билан озиқланиши назариясини яратди. У сунъий аммиак синтезидан анча илгари аммиакли ўғитларни ишлатиш бўйича тавсияномалар яратди.

Туркистонга минерал ўғитлар 1905 йилда келтирилди ва улар устида дастлабки тадқиқотлар Р.Р.Шредер, М.М.Бушуев ва И.К. Негодновлар томонидан амалга оширилди.

Қовунчи (ҳозирги Янгийўл) да ўғит қўллаш станциясининг очилиши, ўсимликлар озиқланишини ўрганиш борасидаги илмий фаолият А.И. Курбатов, Д.А. Сабинин, Е.А. Жориков, Б.П. Мачигин, В.Н. Мандригин, И.Т. Чернов каби таниқли тадқиқотчилар номи билан боғлиқ бўлиб, улар Ўрта Осиё тупроқларида ҳам азотли ўғитлар ижобий натижা беришини исботладилар.

Иккинчи жаҳон урушигача республикамиизда кўпроқ агрокимёвий-назарий масалаларни ўрганишга эътибор берилди. Қўшимча озиқлантиришнинг афзаллеклари асосланди, гўзанинг ўғитларини тупроққа механизмлар ёрдамида киритиш йўлга кўйилди ва тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларини ўрганишга эътибор кучайтирилди. 1939 йилда Б.П. Мачигин серкарбонат тупроқлар таркибидағи ҳаракатчан фосфор миқдорини аниқлаш усулини ишлаб чиқди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин С.Н. Рижов, Н.Т. Малинкин, Ж.С. Сатторов каби тадқиқотчилар пахтачиликнинг бир қатор муоммаларини ҳал қилишга муносаб ҳисса кўшдилар.

М.А. Белоусов, И.И. Мадраимов, П.В. Протасов, И. Ниязалиев, Т. Пирахунов ва бошқа тадқиқотчиларнинг изланишлари асосида бўз тупроқлар минтақаси учун минерал ўғитлар муҳимлиги исботланди ва уларни қўллашнинг илмий асослари ишлаб чиқилди.

## ЎСИМЛИКЛАРНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

Ўсимликлар кимёвий жиҳатдан ниҳоятда мураккаб тузилган бўлиб, уларнинг танаси сув ва қуруқ моддалардан таркиб топган.

Ўсимлик тўқималари таркибида қуруқ моддаларнинг миқдори нисбатан кам, аксинча, сувнинг миқдори кўп бўлади. Улар таркибидаги сув ва қуруқ моддалар нисбати, одатда ўсимликларнинг тури, ёши ва тана қисми ёки тўқималарининг физиологик ҳолатига боғлиқ равишда ўзгаради (18-жадвал).

18 - жадвал

Айрим экинлар таркибидаги сув ва қуруқ моддаларнинг нисбати%  
(A. V. Петербургский, 1975)

Экин ва унинг тана қисми	Сув	Қуруқ модда
Зигир ва кунгабоқар уруғи	7-10	90-93
Ғалла экинларининг дони	12-15	85-88
Қанд лавлагининг илдиз меваси ва картошка тутунаклари	75-80	20-25
Экинларнинг кўк массаси	80-85	15-20
Сабзи, ош лавлаги, пиёз	86-91	9-14
Карам, шолғом, турнепс	90-93	7-10
Помидор ва бодринг	94-96	4-6

**Сув.** Ўсимликларнинг ўсув органлари тўқималарида 70 дан 95% гача, уругларнинг захира тўтиловчи ва механикавий тўқималари хужайраларида эса 5-15% гача сув бўлади.

Сув ўсимликлардаги энергетик ўзгаришлардан, аввало фотосинтез жараёнида, кимёвий бирикмаларнинг ҳосил бўлишида алоҳида аҳамиятта эга. У күёш нуриининг фотосинтези учун зарур, кўзга кўринадиган ва шунга яқин ультрабинафша қисмини ўtkазиб, инфрақизил радиациянинг маълум қисмини тутиб қолади.

Ўсимлик тўқима хужайраларида сувнинг бўлиши тургорга сабаб бўлади. Бу турли туман физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг мухим йўналганлик ва жадалик омилидир. Ўсимлик танасида органик бирикмаларнинг биокимёвий синтези ва парчаланиш реакциялари бевосита сув иштироқида боради.

**Қуруқ моддалар.** Ўсимликлар танасида қуруқ моддаларнинг тўпланиши атмосферадан карбонат ангирид газининг ютилиши ва илдиз тизими томонидан тупроқдаги минерал тузларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига содир бўлади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари таркибидаги қуруқ модданинг 42-45% и углерод, 40-42% кислород, 6-7% и водород ҳиссасига тўғри келиб, уларнинг йигиндиси 90-94% га тенгdir. Азот ва бошқа элементларнинг йигиндиси атига 6-10% ни ташкил қиласи.

## Ўзанинг кимёвий таркиби, %. Пишиш даври

(С.А.Кудрин, 1947).

Элемент	Қуруқ моддага нисбатан %	Элемент	Қуруқ моддага нисбатан %
Кислород	45,000	Олтингутурт	0,200
Углерод	43,000	Хлор	0,050
Водород	6,300	Темир	0,030
Азот	1,400	Марганец	0,005
Калий	1,500	Стронций	0,004
Кальций	1,000	Бор	0,003
Кремний	0,500	Рух	0,003
Алюминий	0,350	Барий	0,003
Магний	0,300	Титан	0,001
Фосфор	0,300	Мис	0,001
Натрий	0,200	Рубидий	0,0005

Углеводлар, ёғлар ва бошқа азотсиз органик бирикмалар 3 та элементдан — углерод, кислород ва водороддан тузилган. Оқсил ва бошқа азотли органик бирикмалар таркибида эса азот ҳам учрайди. Мазкур тўртта элемент — оргонаген элементлар деб аталади ва ўсимликлар қуруқ моддасининг тахминан 95% га яқини улар ҳиссасига тўғри келади.

Ўсимликлар танасида учрайдиган барча элементлар ўсимлик ҳаётида тутган ўрни ва миқдорига кўра 3 та гурӯхга ажратилиади.

Углерод, кислород, водород, азот, фосфор, калий, кальций, магний, олтингутурт ва темир каби элементлар ўсимликларнинг меъёрида ўсиб ривожланиши учун ўта зарур ҳисобланади. Уларнинг миқдори одатда ўсимлик танасининг 0,01% и дан токи 1-% гачани ташкил қиласида ва **макроэлементлар** деб юритилади.

Марганец, бор, молибден, мис, рух, кобальт, йод, ванинадий каби элементлар ўсимликлар таркибида анча кам ( $10^{-3}$ - $10^{-6}$ ) миқдорда учрасада, ўсимликлар танасида содир бўладиган асосий биокимёвий ва физиологик жараёнларда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу элементлар **микроэлементлар** деб номланади.

Ўсимликлар танасининг жуда ҳам кичик қисмини ( $10^{-6}$ - $10^{-12}$ ) ташкил этадиган рубидий, цезий, целен, кадмий, кумуш, симоб ва бошқа элементлар ҳам ўзига яраша аҳамият касб этади ва улар ультрамикроэлементлар дейилади.

Ўсимликлар ёндирилганда натрий, магний, фосфор, олтингутурт, калий, кальций, темир, бор, марганец ва бошқа элементлар кул таркибида қолиши сабабли улар кул элементлари деган номни олган.

Ўсимликлар қуруқ массасининг асосий қисмини, баъзи ҳолларда 80-90% ни органик моддалар ташкил қиласи. Ўсимликлар танасида энг кенг тарқалган органик моддалар жумласига бир неча турларини киритиш мумкин, уларнинг айрим қишлоқ хўжалик экинлари таркибидаги ўртacha миқдори 20-жадвалда келтирилган.

**Асосий қышлоқ хұжалик әкінлари ҳосиленінг ўртача кімёвий таркиби,  
% (Б.А.Ягодин, 1989)**

Әкін ва ҳосил тури	Сув	Оқсил	Хом протеин	Еғ	Крахмал	Целлюлоза	Кул
Бұғдой (дони)	12	14	16	2,0	65	2,5	1,8
Жавдар (дони)	12	12	13	2,0	68	2,3	1,6
Сұли (дони)	13	11	12	4,2	55	10,0	3,5
Арпа (дони)	13	9	10	2,2	65	5,5	3,0
Шоли (гуручи)	11	7	8	0,8	78	0,6	0,5
Маккажұхори (дони)	15	9	10	4,7	66	2,0	1,5
Гречиха (дони)	13	9	11	2,8	62	8,8	2,0
Үрис нұхот (дони)	13	20	23	1,5	53	5,4	2,5
Ловия (дони)	13	18	20	1,2	58	4,0	3,0
Соя (дони)	11	29	34	16	27	7,0	3,5
Күнгабоқар (дони)	8	22	25	50	7	5,0	3,5
Зигир (уруги)	8	23	26	35	16	8,0	4,0
Картошка (тұганаги)	78	1,3	2,0	0,1	17	0,8	1,0
Қандлавлаги (илдизи)	86	0,7	1,3	0,2	9	1,1	0,9
Сабзи (илдизмөваси)	75	1,3	2,0	0,1	17	0,8	1,0
Пиёз (піеэ баш)	85	3	2,5	0,1	8	0,8	0,7
Беда (күк масса)	75	3	3,5	0,8	10	6	3,0

**Оқсиллар.** Оқсиллар юқори молекуляр органик бирикмалардан ұсабланып, үз таркибіда анча чекіланған миқдордаги аминокислоталарнинг юзлаб ва минглаб қолдиқларини тутади. Оқсиллар үсимлик танасида кетадиган модда алмашинувининг барча жараёнларida ҳал құлувчи рол үйнаганлығы сабабли организмлар ҳәётининг асоси ұсабланади.

Күпчилик үсимліктерде, айникса, уларнинг уругларыда, оқсиллар захира модда сифатида тұпанағади. Экінларнинг үсүс органлары таркибіде оқсил миқдори улар қуруқ массасининг 5-20% ини, дон-дуккакли ва мойли экінлар уругининг 20-35% ини ташкил қиласы (20-жадвал).

Оқсилларнинг таркиби анча барқарор бўлиб, 51-55% ини углерод, 21-24% ини кислород, 15-18% ини азот, 6,5-7,0% ини водород, 0,3-1,5% ини олтингутрга ташкил қиласы.

Оқсил моддаларнинг молекулалари асосан 20 та аминокислота ва 2 та амид (аспаргин ва глутамин) дан тузилган. Оқсилларнинг молекуляр оғирлигі катта бўлиб, аксарият ҳолларда бир неча миллионга етади.

Барча оқсиллар иккита гурухга-протеинлар ва протеидларга бўлинади. Протеинлар (оддий оқсиллар) фақат аминокислота қолдиқларидан тузилган бўлса, протеидлар (мураккаб оқсиллар) оддий оқсил ва у билан боғланган нооқсил табиатли бирикмадан иборатdir.

Оқсиллардан ташқари ўсимликлар таркибida нооқсил табиатли бирикмалар учрайди ва улар «нооқсил азот» фракцияси деб юритилади. Бу фракция таркибига азотнинг нитрат ва аммиак шаклидаги минерал бирикмалари ва нооқсил ҳолатдаги азотли бирикмалар киради.

Нооқсил табиатли азотли бирикмалар одам ва чорва моллари танасида осон ҳазм бўлади ва шунинг учун ҳам ўзига хос биологик қимматга эгадир.

**Углеводлар.** Ўсимликлар таркибидаги органик моддаларнинг яна бир муҳим гуруҳи углеводлардир. Қанд, крахмал, целлюлоза, пектин моддалар энг муҳим углеводлардан ҳисобланади.

Қанд-ўсимлик танасидаги захира модда. Ўсимликларда моносахаридлардан глюкоза, фруктоза, дисахаридлардан сахароза кўп тўпланади.

**Глюкоза.** Глюкоза мева-чевалар таркибida кўпроқ. Қандлавлаги ва бошқа илдизмевалилар таркибida жуда кам (1% га етар - етмас) учрайди. Узум глюкозага энг бой меваларданdir (8-15%). Унинг «узум шакари» деган номи — шундан келиб чиққан.

**Моносахаридлар.** Биринчи навбатда глюкоза ўсимликларнинг нафас олишида асосий энергия манбаи ҳисобланади, уларнинг фосфат ифодалари синтезида ва бошқа моддалар алмашиниш жараёнларида иштирок этади.

**Фруктоза.** Фруктоза ёки бошқача айтганда «мева шакари» данакли ширин мевалар таркибida кўп бўлиб, 6-10% ни ташкил қиласи. Топинамбур (ер ноки) таркибida фруктозанинг миқдори энг кўп—10-12% га етади. Сабзавотлар ва ғаллагулдошларнинг донлари таркибida жуда кам миқдорда (% нинг ўндан ва ҳатто юздан бир утунича) учрайди. Фруктоза одатда сахароза ва бошқа полифруктоза ҳосилаларининг таркибики киради.

**Сахароза.** Сахароза энг муҳим қанд моддаларидан бири бўлиб, глюкоза ва фруктоза молекулалари қолдиқларидан таркиб топган. У барча ўсимлик тўқималарида оз ёки кўп миқдорда учрайди. Мевалар (олмада-5, апелсинда-6, олхўрида-8% гача) ва резавор мевалар, шунингдек, сабзи, ош лавлаги, пиёз ва бошқа бир қатор маҳсулотлар ўз таркибida сахароза миқдорининг кўплиги билан ажралиб туради. Шакарқамиш ва қанд лавлаги сахарозага энг бой экинлар жумласига киради. Уларнинг таркибida бу модданинг миқдори мос равиша 11-15 ва 14-22% га етади. Фотосинтез, нафас олиш, оддий углеводлардан мураккаб углеводларнинг синтезланиши каби жараёнлар фақат сахароза иштироқида бўлади.

**Крахмал.** Крахмал ўсимликларнинг ўсув органларида камроқ миқдорда, туганаклар, пиёзбошлар ва уруғларда асосий углевод сифатида (0,002-0,015 мм катталиқда доначалар ҳолида) тұپланады. Эртеги картошка навлари туганакларидан 10-14%. Кеч пишар навларда эса 16-22% гача крахмал тұпланады. Айниңса, донли әқинлар крахмалга бой бўлиб, энг кўп миқдори гуруч таркибида (70-80%), нисбатан камроқ миқдорда маккажўхори ва пивабоп арпа таркибида учрайди. Умуман олганда, барча донли әқинлар уругида крахмалнинг миқдори 55-70% атрофида бўлади.

**Крахмал** — одам ва ҳайвонлар организми томонидан осон ўзлаشتриладиган углеводдир.

**Целлюлоза** — ҳужайра деворларининг асосий компоненти. У ўсимликларда лигнин, пектин моддалари билан боғланган бўлади. Пахта толаси 95-98%, зигир 80-90%, каноп ва жут толалари ҳам деярли шунча миқдорда целлюлоза тутади. Шунинг учун ҳам айтиб ўтилган әқинлар асосан толаси учун етиширилади. Даражтларнинг ёғоч қисмидаги целлюлозанинг миқдори 40-50% га етади. Дони қипиқ билан ўралган ғаллагулдошлар (сули, шоли, тарик) нинг уруғларидаги целлюлозанинг миқдори 10-15%, дон-дуккакли әқинлар уруғида 3-5%, илдизмевалилар ва картошка туганакларидан эса 1% га яқин бўлади. Тоза целлюлоза — толасимон тузилишга эга бўлган оқ модда. Унинг тўла гидролизланишидан глюкоза ҳосил бўлади.

**Гемицеллюлоза.** Ўсимликларнинг ҳужайра деворлари таркибидаги целлюлоза билан бир қаторда гемицеллюлоза деб номланадиган, кичикроқ молекуляр оғирликка эга полисахаридлар ҳам киради. Гемицеллюлозалар кўпроқ сомон ва ёғочлик қисмидаги (20-40%) гача учрайди.

**Лигнин** — ўсимликлар ёғочлашган тұқымаларининг асосини ташкил этадиган модда. У кўпроқ (20-40%) ўсимликларнинг поя ва сомонларидаги, даражтларнинг ёғочлигидаги тұпланады. У целлюлоза толаларини бириктириади, ҳужайра деворлари оралығидаги бүшлиқларни тұлдиради. Тоза лигнин сувда ва кислоталарда эрийдиган сариқ-жигарранг тусли модда.

**Пектин моддалар.** Пектин моддалар-мевалар, илдизмевалилар ва ўсимликтолаларда бўладиган юқори молекуляр полисахаридлардир. Улар толали ўсимликларда толаларнинг алоҳида-алоҳида тутамларини бирлаشتиради. Пектин моддаларнинг кислота ва ишқорлар таъсирида желе ёки дирилдоқ масса ҳосил қилишидан қандолатчилик саноатида кенг фойдаланилади.

**Липоидлар.** Ёғлар ва ёсқимон моддалар ҳам ўсимлик ҳужайра цитоплазмасининг компонентларидан ҳисобланиб, кўпчилик ўсимликларда захира модда сифатида тұпланады. Ёғларнинг оқсиллар билан ҳосил қиласидиган

бирикмалари-липопротеидлар ўсимлик танасининг барча аъзоларида учраб, улар хўл массасининг 0,1-0,5% ини ташкил қиласди. Шунингдек, бу моддалар ҳужайра мембранасининг фаолиятини бошқаришда ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўсимлик ёғлари таркибида олеин, линол ва линолен каби тўйинмаган, пальмитин ва стеарин каби тўйинган кислоталар мавжуд. Ўсимлик мойларидағи ёғ кислоталарининг таркиби уларнинг қуруқлик даражаси ва суюқланиш ҳарорати каби хоссаларини, ачиш ва совунланиш хусусиятларини ҳамда озуқалик қимматини белгилайди. Линол ва линолеин кислоталари фақатгина ўсимлик мойлари таркибида бўлишини ва инсон организмида бевосита синтезланмаслигини ҳисобга олсак, уларнинг аҳамияти янада равшанлашади.

Ёғларнинг оксидланишидан углевод ва оқсиллар оксидланишига қараганда икки баравар кўпроқ энергия ажralиб чиқади.

Витаминалар ўсимликлар таркибида оқсил, углевод ва ёғларга нисбатан кам миқдорда учрасада, ўсимлик инсон ва ҳайвонларнинг ҳаёт фаолиятида муҳим рол ўйнайди. Одам ва ҳайвонлар танасида витаминалар бевосита синтезланмайди. Тирик организмларда витаминалар органик катализаторлар вазифасини бажаради. Ҳозирги кунга келиб 40 дан ортиқ витамин аниқланган.

## ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ОЗИҚЛANIШI

Ўсимликларни озиқланиши-нафақат илдиз тизимиға, балки ички ва ташқи шароитлар ёки бутун ўсимлик танаси фаолияти билан боғлиқ. Ўсимликларни меъёрида озиқланишига ички ва ташқи шароитлар катта таъсири кўрсатади. Ўсимликларнинг озиқланиши билан боғлиқ ички шароитларга қўйидагилар киради: организмнинг ирсий ўзгарувчанлиги, ўшиш суръати, ривожланиш фазаси, кўпайиш усуллари, ҳосилдорлиги, ҳосилнинг кимёвий таркиби ва ташқи муҳит таъсирида ўзгарувчанлиги.

Ташқи шароитларга: тупроқ эритмасининг концентрацияси, озиқ муҳитидаги элементлар нисбати, тупроқ намлиги, тупроқ аэрацияси, ёруғлиқ, тупроқ муҳитининг реакцияси, гузларнинг физиологик реакцияси ва тупроқдаги микроорганизмлар фаолияти.

Ўсимликларнинг озиқланишида айниқса ташқи муҳит омилларининг таъсири кучли.

Тупроқ эритмасининг концентрацияси кичик бўлган ҳолларда ўсимликлар суст ривожланади. Уларда озиқ элементлар танқислиги кузага

тилади. Концентрациянинг жуда юқори бўлиши ҳам ўсимликлар озиқланишида салбий оқибатларга олиб келади.

Тупроқ эритмасининг мақбул концентрацияси экин тури ва навига боғлиқ равишда ўсимликлар ривожланишининг турли даврларида (онтогенезда) кенг кўламда ўзгарида.

Ўсимликларнинг илдиз тизими жуда суюқ эритмалардан ҳам (0,01-0,05%) озиқ моддаларни ўзлаштириш хусусиятига эга. Табиий шароитларда шўрланмаган тупроқ эритмасининг концентрацияси 0,02-0,2% ни ташкил қилади. Тупроқ эритмасининг концентрацияси бир мунча юқори бўлганда ионлар ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштирилади, сув эса илдиз томонидан тупроқнинг ўғит киритилмаган қатламларидан яхши шимилади.

Озиқланиш муҳитидаги бирорта элементнинг бошقا элементларни ютилишига қаршилик қилиши ионлар антоганизми, аксинча, кўпроқ ютилишига ёрдам бериши ионлар синергизми иборалари билан юритилади. Агар тузлар аралашмасининг таъсири алоҳида олинган компонентлар таъсирига тенг бўлса, ионлар аддитивлиги дейилади.

Антоганизм ҳодисаси кўпроқ Fe ва Ca; Al ва Ca; Al ва Na; Fe ва Zn; Mn ва Zn; Cu ва Zn; Zn ва Fe; Mn, Cu, Mo ўртасида яққол намоён бўлади. Ионлар синергизми эса Cu ва Co, B: Mo ва Cu; Cu ва Mn: Ca ва Co ўртасида кузатилади.

Анионлар ўртасида антоганизм кучсиз намоён бўлади (масалан,  $\text{SO}_4^{2-}$ ,  $\text{SeO}_4^{2-}$ ) ёки умуман кузатилмайди ( $\text{NO}_3^-$ ,  $\text{PO}_4^{3-}$  ва  $\text{SO}_4^{2-}$ ). Галогенларнинг илдиз тизимида ютилиши антогонизм асосида содир бўлади.

Экинларнинг ривожланиши ва ҳосилини шаклланишида озиқ элементларнинг реутилизацияси (қайта фойдаланиши) муҳим аҳамиятга эга. Реутилизация озиқ элементларининг ўсимликдаги қари баргларидан ёш баргларга, ўсув қисмларидан уруф ва мевага оқиб ўтишидир. Ca, Fe, Mn, B, Zn каби элементлар реутилизацияланмайди, олтингугурт қисман азот, фосфор, калий ва магний кўп маротаба реутилизацияга учрайди.

Намлик етишмагандан ферментлар тизимининг фаолияти бузилади, гидролиз, органик моддаларнинг парчаланиши кучаяди, фотосинтез жадаллиги сусаяди ва ўсимликлар ўсишдан тўхтайди.

Маълумки, илдиз тизими орқали ютилган сувнинг атиги 0,2% и ўсимлик танасини шаклланиши учун сарфланади, 99% дан ортиғи барги орқали буғланади. Ўсимликлар озиқ моддалар билан яхши таъминланган шароитда куруқ модда бирлигини яратишга сарфланадиган сув миқдори анча камаяди.

Ўсимликлар илдиз тизимидағи кислород ва карбонат ангидрид миқдори мунтазам ўзгариб туради. Анаэроб шароитда ҳужайраларнинг кислород

билин таъминланиши ёмонлашади, карбонат ангидрид миқдори эса оргади. Қишлоқ хўжалик экинларининг илдиз тизими аэрацияси етарли бўлган шароитларда меъёрида фаолият кўрсатади.

Тупроқдаги кислород миқдори моддалар ёки моддалар тизимининг оксидланиш-қайтирилиш потенциалини белгилайди. Карбонат ангидрид гази илдиз томонидан нитратлар, фосфатлар ва аммоний ионининг ютилишига депрессив таъсир кўрсатади.

Тупроқ аэрацияси микроорганизмлар сони ва улар томонидан озиқ моддаларнинг парчаланишига кучли таъсир кўрсатади.

Ҳар бир қишлоқ хўжалиги экини ургининг униб чиқиши учун мақбул ҳарорат мавжуд. Фалла экинлари ҳарорат 23-25° бўлганда азот ва фосфорни яхши ўзлаштиради. Канакунжут, соя, ловия ва гўза каби ўсимликлар 30-35°C ҳароратда озиқ моддаларни яхши ўзлаштиради.

Ўсимликлар илдиз тизимининг ривожланиши учун бир мунча пастроқ ҳарорат керак. Нисбатан паст ҳароратларда  $\text{NH}_4^+$  шаклдаги азот,  $\text{NO}_3^-$  га нисбатан кўпроқ ютилади. Ҳароратнинг 5-7°C га қадар пасайиши калийнинг ўзлаштирилишига таъсир қўймайди, лекин илдиз томонидан азот, фосфор, кальций ва олтингугуртнинг ютилишини кескин камайтиради.

Экинлар меъёрида озиқлантирилган шароитларда ҳароратнинг 10°C дан пасайиши озиқ элементларининг ўзлаштирилишига салбий таъсир кўрсатади.

Озиқ элементларининг ўзлаштирилиши ҳароратта мос равищда ортиб боради. Лекин 40°C дан бошлаб кескин камайишини ферментлар тизимининг сусайиши билан изоҳлаш мумкин.

Ўсимликлар бир пайтнинг ўзида доимо ўзгариб турадиган иккита озиқланиш муҳити (ҳаво ва тупроқ) да озиқланади. Фотосинтез жараёнида ўсимликлар ёруғлик энергиясини ютади ва шу асосда ташқи муҳит билан энергия алмашинуви бошланади.

Ёруғлик таъсирида ўсимликларда минерал озиқланиш кучаяди. Қоронғуда сақланадиган ўсимликларда фақат фотосинтез жараёни эмас, балки илдиз орқали озиқ моддаларнинг ютилиши ҳам сусайди. Узоқ муддат ёруғликдан баҳраманд бўлмаган ўсимликларда минерал озиқланиш тўхтайди, чунки фотосинтез жараёнида ҳосил бўладиган моддалар илдиз орқали ютиладиган ионларнинг кейинги метаболик реакциялари учун энергетик материал сифатида хизмат қиласади.

Тупроқ муҳитининг реакцияси (тупроқларнинг нордонлиги ёки ишқорлилиги) тупроқ эритмасидаги  $\text{H}^+$  ва  $\text{OH}^-$  ионларининг нисбатига боғлиқ. Муҳитнинг реакцияси, одатда, водород ионлари концентрацияси 10 сонининг мағнитий логорифми кўринишида ифодаланади ва «рН» билан ифодаланади.

Тупроқ мұхитининг концентрацияси барча ўсимликлар учун мұхим физиологик ажамиятта эга. Нордон тупроқларға оқак кирилса,  $H^+$  ионлари  $Ca^{2+}$  ни әгаллады ва рН мұйтадилға қараб сілжиді.

Тупроқ мұхитининг реакцияси ўсимликларға бевосита ва билвосита таъсир күрсатиши мүмкін. Билвосита таъсир түғридан түғри ўсимликтің эмас, балки ўсимлик фаолияти учун зарур шароитларға қаратылған бўлади.

Масалан, нордон мұхитда ўсимликлар ўзлаштирилишига молик  $Fe^+$ ,  $Mn$ ,  $Co$ ,  $Cu$  миқдори ортиб  $N$ ,  $P$ ,  $Mo$ ,  $V$  миқдори камаяди. Тупроқ мұхитининг реакцияси ўсимликлар томонидан озиқ элементларнинг ютилишга кучли таъсир кўрсатади.

Маълумки, нордон эритмалар таркибидаги  $H^+$  ионлари анионларнинг ўзлаштирилишига ёрдам берса, ишқорли эритмаларда катионлар кўпроқ ўзлаштирилади. Бу ҳол айниқса ишқорий тупроқларда фосфорли ўғитларни қўллашда яққол кўринади.

Тупроқ мұхити реакциясининг таъсири бошқа ташқи мұхит омиллари таъсирида у ёки бу томонга қараб сілжиді.

Микроорганизмларнинг фаолияти ҳам тупроқдаги рН билан бевосита боғлиқдир. Сингдириш сифими ва буферлик қобилияти юқори бўлған тупроқларда мұхитнинг нокулай реакцияси ўсимликларга камроқ зарар етказади.

Ўғит сифатида ишлатиладиган барча тузлар кимёвий хоссалари бўйича гидролитик нордон, ишқорий ва мұйтадил тузлар ҳам физиологик жиҳатдан бошқа ҳолатта ўтиши мүмкін.

Ўғитларнинг физиологик нордонлиги-ўсимликлар томонидан туз таркибидаги катионларни кўплаб ютилиши ва натижада мұхит реакциясини нордонлашувида намоён бўлади. Ўғитларнинг физиологик ишқорлилиги асосида аксинча, ўсимликлар томонидан туз таркибидан кўпроқ анионларнинг ютилиши ётади.

Азотли-ўғитлар таркибидан биринчи навбатда азот ўзлаштирилади. Шу боисдан барча аммонийли тузлар физиологик жиҳатдан нордон, селитралар эса ишқорли ҳисобланади. Масалан, натрийли селитра диссоцияланганда  $Na^+$  ва  $NO_3^-$  ионларга ажралади.  $NO_3^-$  ўсимликлар томонидан тез ўзлаштирилади ва  $Na$  тупроқни ишқорлилигини оширади. Шунингдек, мұхитда гидролитик ишқорий туз  $NaHCO_3$  юзага келади.

$NH_4Cl$  ва  $(NH_4)_2SO_4$  каби тузларнинг диссоцияланишидан ҳосил бўладиган аммоний катиони ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади. Кислота қолдиқлари эритманни жадал нордонлаштиради.

Калийли тузларнинг физиологик нордонлиги янада қучсиз. Калийга талабчанлиги кам бўлған арпа ва сули каби экинларга калийли ўғитлар мұйтадил, қандлавлаги, кунгабоқар ва маккажўхори каби калийсевар ўсимликларға физиологик нордон таъсир кўрсатади.

Тоғ жинсларининг нураши, торф, нефть, селитра ва оҳактошларнинг юзага келиши бевосита микроорганизмлар фаолияти билан боғлиқ. Тупроқнинг ҳайдалма қатламидаги бактериялар массаси 3-8 т/га ни ташкил қиласди.

Озиқланиш усулига кўра гетеротроф ва автотроф микроорганизмлар фарқланади. Автотроф бактериялар карбонат ангиридиддаги углеродни боғлаш учун фотосинтездан ёки айрим (хемосинтез) дан фойдаланилади.

Яшил ва қизгиш бактериялар, нитрофикацияловчилар, шунингдек, олтингутурт ва темир бактериялари фотосинтезлаш қобилиятига эга. Тайёр органик моддалар углеродидан тупроқ бактериялари жумласига аксарият тупроқ бактериялари, актиномицетлар, барча замбуруғ ва содда микроорганизмлар киритилади.

Водород сульфид, олтингутурт ва тиобирикмаларни сульфат кислотага қадар оксидланишига сульфофиксация дейилади ва бу жараён олтингутурт ҳамда тиобактериялар иштирокида содир бўлади.

Сульфат кислота ўз навбатида тупроқдаги қийин эрийдиган минерал тузларни (масалан, фосфатларни) осон эрийдиган шаклга ўтказади, асослар билан таъсирашиб, ўсимликлар томонидан осон ўзлаштириладиган сульфатларни ҳосил қиласди.

Темир бактериялар темир бир оксидини темир оксидига айлантиришда, шунингдек, марганец тузларининг оксидланишида иштирок этади.

Микроорганизмлар турли-туман кимёвий бирикмалар билан озиқланади. Тупроқ микроорганизмлари биринчи навбатда азотга кучли эҳтиёж сезади. Автотрофлар асосан аммоний ва нитрат кислота тузларини ўзлаштиради. Айримлари атмосфера азотини ҳам ўзлаштириш қобилиятига эга. Мураккаб органик модда-гумус таркибида озиқ элементларни ҳам ўзлаштирадиган микроорганизмлар мавжуд.

Тупроқ ва микроорганизмлар хужайраларидаги барча кимёвий ва биокимёвий жараёнлар намлиқ тупроқ тўла нам сифимининг 50-60% ига тенг бўлган шароитда содир бўлади. Анаэроб микроорганизмлар эса 80-90 ҳатто 100% намлиқда (шолипояда) ҳам яшайди.

Ўсимликларнинг илдиз тизими ўзидан турли тузлар, қанд моддалар, органик ва аминокислоталар, витамин ва ўстирувчи моддаларни ажратади. Бу моддалар микроорганизмларнинг ривожланиши ва таркибига кучли таъсири қиласди. Микроорганизмлар илдиз ажратмалари билан бир қаторда нобуд бўлган илдиз қолдиқларини ҳам истеъмол қиласди. Юксак ўсимликларнинг илдизи атрофида тупроқ микроорганизмларининг яшаси учун куляй маскан-ризосфера юзага келади. Ризосферадаги 1 грамм тупроқ таркибида 10,7 млн. дона микроорганизм мавжуд.


Ер юзидағи барча тирик организмларнинг ўсиши ва ривожланиши биринчи навбатда уларнинг озиқланиши билан боғлиқ. Лекин юксак

ўсимликларнинг озиқланиши ҳайвонот дунёси озиқланишидан кескин фарқ қиласди, чунки ҳайвонлар фақат органик маҳсулотларни истеъмол қиласлар (гетеротроф озиқланиш) ўсимликлар ўзлари учун керакли органик моддаларни оддий минерал бирикмалар (карбонат ангидрид, сув ва айрим тузлар) күёш энергияси ёрдамида синтезлайди (автотроф озиқланиш).

Яшил ўсимликларнинг озиқланиши бир пайтнинг ўзида иккита сферада содир бўлади. Улар илдизлари билан тупроқдан сув ва унда эриган минерал тузлардан олса, поя ва барглари ёрдамида атмосферадан CO<sub>2</sub> газини ўзлаштиради. Ўсимликларда бир бутун озиқланиш жараёнининг икки томони бўлган ҳаводан озиқланиш (фотосинтез) ва илдиздан (минерал) озиқланиш фарқланади. Ўсимликларнинг илдиз тизими ва ер усти қисмида ўсув давомида модда алмашинуви содир бўлгани боис бу икки озиқланиш типи муштаракдир.

Яшил ўсимликларнинг күёш нури иштирокида карбонат ангидрид гази ва сувдан органик моддалар ҳосил қилиш жараёнига фотосинтез дейилади.

Фотосинтезда асосий маҳсулот сифатида углеводлар ҳосил бўлади.



Кейинги ўзгаришлар натижасида ўсимлик танасида оддий углеводлардан мураккаб углеводлар, шунингдек, бир қатор азотсиз органик бирикмалар ҳосил бўлади. Бу бирикмаларнинг миқдори ёргулар кучи, ўсимлик тури ҳамда яшаш шароитлари (тупроқ намлиги, озиқ моддалар ва ҳарорат билан таъминланиши) га боғлиқ.

Барг юзасига ёргулар тушгандан кейин 5-10 сония ўтгач, органик моддалар синтезланади. Қандай модда ва қанча миқдорда синтезланиши ўсимликтин табиати, ёши ва етиштириш шароитларига боғлиқ.

Бир кг барг таркибида 1-3 гр атрофида хлорофилл бўлади ёки болиқача айтганда, ҳар 25 см барг юзасига 1 мг хлорофилл тўғри келади.

Битта баргдаги хлорофилл доналарининг умумий юзаси шу барг пластинкаси юзасидан қарийб икки юз марта каттадир.

Ёз фаслида 1 мг хлорофилл бир соат давомида 5 мг карбонат ангидридни ассимиляциялашда иштирок этади. Бир кундузда барг массасининг 25% и атрофида органик модда синтезланади, лекин унинг 5-10% и нафас олиш жараёнидаги сарфланади. Күёшдан тарқаладиган ёргулар энергиясининг жуда кам қисми-атиги 1-2,5% и фотосинтез жараёнидаги ўзлаштирилади.

Атмосфера ҳавосидаги карбонат ангидрид миқдори 0,03% дан 0,01% га тушиб қолса, фотосинтез тўхтайди. Карбонат ангидрид миқдори 30 марта ва ундан ҳам кўпроқ оширилса (сунъий шароитларда), фотосинтезларнинг самараси ҳам шунга мос равишда ортиб боради.

Барг 1-2 моль карбонат ангириди ўзлаштириб, 112 ккал энергия түплады. Бир га майдондаги картошка ёки қандлавлаги бир кече-кундузда 1 т га яқин карбонат ангиридини ўзлаштириб, 500 кг органик модда синтезлайди.

Үсимликлар барги орқали атмосферадан камроқ олтингугуртни, илдиздан ташқари озиқлантиришда азот, фосфор ва айрим микроэлементларни ўзлаштириши мумкин. Лекин табиий шароитда барглар орқали асосан углерод ўзлаштирилса, сув, азот ва бошқа озиқ моддаларнинг асосий қисми илдиз орқали ютилади.

Ер юзидағи яшил үсимликлар фотосинтез натижасида ҳар йили 120 млрд. т. әркін кислород ажрагади. Ҳаёт учун зарур энергиянинг құп қисми океан ва қуруқлик үсимликларида ҳосил бўлади.

Үсимликлар ионларини фақат тупроқ эритмаларидантина эмаж, балки коллоидларга ютилган ионларни ҳам ўзлаштиради. Бундан ташқари, үсимликлар тупроқнинг қаттиқ фазасига таъсир этиб (илдиздан ажралиб чиқадиган, таркибида карбонат кислота, органик кислоталар ва аминокислоталар бўлган моддаларнинг эрувчанлик хусусияти туфайли), зарурий озиқ моддаларни ўзлаштирадиган шаклга айлантиради.

Үсимликларнинг тупроқдан озиқ элементларни ютиши пассив ва актив йўл билан содир бўлиши мумкин, бунда актив ютиш етакчи роль йўнайди.

**Пассив (нометаболик) ютилиш.** Сувнинг буғланиши (транспирация) натижасида барг ҳужайраларида сўрувчи куч вужудга келади, бу куч илдизларнинг тупроқдан сувни ютишига сабаб бўлади. Тупроқ эритмасидан сув билан бирга озиқ элементлари ҳам ютилади ва илдизлардан юқориляб борувчи оқим билан ягона гидростатик тизим бўйича үсимликнинг ер устки органларига узатиб берилади; гидростатик тизим қислеманинг әркін бўшлиғи билан туташган ҳужайраларнинг әркін бўшлиғидан иборат. Әркін бўшлиқ деганда ҳужайраларнинг минерал элементлар диффузия йўли билан ионлар ҳолида кира оладиган бўшлиғи (ҳужайра оралити ва ҳужайра қобиғининг тирик цитоплазма эгалламаган ҳамда ҳужайра ҳажмининг 8-10 фоизини ташкил этадиган ғоваклари) тушунилади.

Озиқ элементларнинг пассив ютилиши концентрация градиенти бўйича, яъни катта концентрациядан кичик концентрацияга қараб содир бўлиши мумкин ва метаболик энергия сарф қилиниши талаб этмайди. Бу жараён диффузия ҳамда осмос жараёнлари билан боғлиқ ва әркін сирт энергияси, шунингдек, транспирацияга сарфланадиган күёш энергияси ҳисобига содир бўлади.

**Актив, бошқача айтганда, метаболик ютилиш.** Үсимликларга айрим озиқ элементлари тупроқ эритмасидаги миқдорига нисбатан бошқача нисбатда ўтади. Элементларнинг теварак-атроф мұхитдаги концентрацияси ҳатто бир хил бўлганда ҳам баъзи элементларни

илдизлар кўп миқдорда, бошқалари эса камроқ миқдорда ютади. Мутлақо равшанки, диффузия ва осмос ҳодисаларига асосланган пассив ютилиш ўсимликларнинг озиқланишида муҳим аҳамиятга эга эмас, чунки ўсимликларнинг озиқланиши танлаб ютиш характеристига эга.

Озиқ моддаларнинг илдизларга ютилиши ва уларнинг ўсимликдаги кейинги ҳаракати диффузия ва осмос жараёнлари ҳисобига бўлиши мумкин бўлган тезлиқдан деярли 100 марта катта тезлиқ билан боради.

Буларнинг ҳаммаси ўсимликларнинг озиқ моддаларни ютиши, илдизларнинг тупроқ эритмасини ундаги тузлар билан биргалиқда пассив равишда сўришдангина иборат бўлиб қолмай, балки фаол физиологик жараёндир, деган фикрни исботлайди: бу жараён ўсимликларнинг илдизлари ва ер устки органларининг ҳаёт фаолияти билан, фотосинтез, нафас олиш ҳамда моддалар алмашиниш жараёнлари билан узвий равишда боғлиқ ва албатта, энергия сарфлашни талаб этади.

Ҳужайранинг ютиладиган моддалар йўлида учрайдиган биринчи структура қисми унинг қобиғидир. Ҳужайра қобиғи анча йирик говаклари борлиги туфайли ионларнинг ўтиши учун тўсиқ бўлмайди. Ҳужайранинг пектин-целлюлоза деворлари кучли адсорбциялаш хусусиятига эга, шу туфайли қобиқнинг ички юзасида тупроқ эритмасидан ионларнинг концентрацияланиш жараёнлари содир бўлиши мумкин. Муҳит реакцияси ўзгарганда (илдизларнинг нафас олишида чиқадиган карбонат ангидрид ва илдиздан чиқадиган бошқа моддалар ҳисобига) адсорбияланган ионлар ажратилиши, илдиз ҳужайраларининг эркин бўшлиғига кириши ва цитоплазманинг ташқи юзасида адсорбияланishi мумкин.

Ҳар қайси ҳужайра протоплазмасининг сиртида юпқа чегара пардаполипид-оқсими мембрана бўлади. Бу цитоплазматик мембрана таркибига кўп миқдорда функционал гурухлар кирадиган бирикмалардан ҳосил бўлган ва унинг айрим қисмлари мусбат ёки манфий зарядга эга бўлади. Цитоплазма ташқи юзасининг ана шу участкаларида бир вақтнинг ўзида эритмадан анион ва катионлар адсорбияланishi мумкин.

Цитоплазманинг ташқи юзаси адсорбияланган катион ва анионлар оқсил табиатли маҳсус ташувчилар ёрдамида мембрана орқали ҳужайра ичига киради. Ионларнинг концентрацияси градиентига ва электрокимёвий градиентта тескари равишда мембрана орқали ўтиши энергия сарфлашни талаб этади. Шу сабабли ташувчиларнинг ишлашида АТФ асосий роль ўйнайди.

Үсимликлар томонидан азотнинг ўзлаштирилиши бир қатор мураккаб жараёнлар асосида кечади ва аммиа книнг тегишли органик кислоталар кето гуруҳи билан ҳосил қиласиган аминокислоталардан синтезланадиган оқсил молекуласига бирикиши билан якунланади.

Тупроқ азотининг асосий қисми мураккаб органик бирикмалар таркибиға киради. Тупроқдаги азотнинг миқдори ундаги гумус миқдорига боғлиқ. Қора тупроқларда азотнинг умумий миқдори 0,2-0,15% га, чимли подзол ва бўз тупроқларда 0,05-0,15% га етади. Битта тупроқ минтақасидаги тупроқлар ҳам бир биридан азот миқдори билан сезиларли фарқ қиласиди. Ҳар хил тупроқларнинг ҳайдалма қатламидаги ялпи азот заҳираси гектарига 1,5 т дан 15 т гача етади. Тупроқдаги азот асосан қўйидаги омиллар таъсирида тўпланади:


1. Атмосферадаги физикавий жараёнлар (чакмок, яшин) таъсирида кислородни эркин водород ва азот билан бирикишидан ҳосил бўлган кимёвий бирикмалар ёмғир сувларида эриб, 1 йилда 2-5 кг/га азот тупроққа келиб тушади.

2. Үсимликларни оқава сувлар билан суфориш натижасида ундаги лойқа таркибидаги органик моддалар туфайли ҳар йили 1 га ерга 10-20 кг гача азот келиб қўшилади.



3. Тупроқда эркин яшовчи микроорганизмлар ёрдамида ҳар бир га ерда йилига 3-5 кг азот тўпланиши мумкин.

4. Атмосфера азоти дуккакли экинлар билан симбиоз ҳаёт кечирадиган тутанак бактериялар томонидан кўп миқдорда ўзлаштирилади. Бир га майдондаги себарга 150-160, люпин 160-170, беда 250-300, соя 100-110, ловия ва ўрис нўхат 70-80 кг/га яқин азот тўплайди.

5. Тупроққа минерал ва органик ўғитлар киритиш натижасида унда азот миқдори ортади. Тупроқ азотининг асосий массаси (99% гача) үсимликлар ўзлаштира олмайдиган органик бирикмалар (оқсил ва гумус моддалар) ҳолида бўлади. Органик азотли бирикмаларнинг тупроқдаги микроорганизмлар таъсирида минераллашиб, үсимликлар ўзлаштира оладиган минерал бирикмалар ҳолига ўтиш тезлиги аэрация, намлик, ҳарорат ва тупроқ мұхитига боғлиқ. Шу сабабли тупроқдаги азотли минерал бирикмалар миқдори унинг умумий миқдорининг 1-2% и атрофида бўлади. Тупроқдаги азотли органик бирикмаларнинг парчаланишини умумий ҳолда қўйидаги схема тарзида тасвирлаш мумкин.



Тупроқдаги азотли органик моддаларнинг аммиакка қадар парчаланиши аммонификация дейилади. Ҳосил бўлган аммиак тупроқдаги ўзига хос органик ва минерал кислоталар билан бирикиб, турли тузларни ҳосил қиласиди.



Аэроб шароитларида аммоний тузлари оксидланади. Аммиакнинг тупроқда нитрат кислота тузларига қадар оксидаланишига нитрификация дейилади. Бунинг тескариси бўлиши ҳам мумкин. Нитрат шаклдаги азотнинг азот (II)- оксиди ( $\text{NO}_2$ ), Азот (I) – оксиди ( $\text{N}_2\text{O}$ ) ва молекуляр азот ( $\text{N}_2$ ) каби газсимон моддаларгача қайтарилишига денитрификация дейилади.

Ҳозирги кунда қўйидаги шаклдаги, азотлик ўғитлар ишлаб чиқарилмоқда.

- |                               |                     |
|-------------------------------|---------------------|
| 1. Аммиак – нитратли ўғитлар. | 3. Нитратли ўғитлар |
| 2. Аммиакли ўғитлар.          | 4. Амидли ўғитлар   |

### *Аммиак – нитратли азотли ўғитлар*

Барча азотли ўғитлар ишлаб чиқаришда асосий хом ашё аммиак хисобланади. Аммиак олишда ишлатиладиган азотнинг асосий манбаи ҳаводир. Ҳаво совутилиб (-90 °C), унинг таркибидаги азот ажратиб олинади. Водород эса асосий хом ашё -метан ( $\text{CH}_4$ ) газидан олинади.

Нитрат кислота олиш учун аммиакни оксидлаш натижасида дастлаб азот (I) оксиди  $\text{NO}$  ҳосил қилинади.

Бу ўз навбатида яна оксидланиб  $\text{NO}_2$  – азот (IV) оксидга айлантирилади.


Бу газ сингдирилиш минералларга юборилиб, нитрат кислота ҳосил қиласиди.

Ҳосил бўлган нитрат кислотаси аммиак билан бириктирилади.

Натижада 98-99% оқ кристалл ҳолидаги аммиакли селитра ҳосил бўлади.

Аммиакли селитра таркибидаги соф азотнинг миқдори 34,6% дан кам бўлмаслиги, намлиги 0,4% дан, қўшилмалар миқдори 0,1% дан ошиб кетмаслиги, муҳити мўътадил ёки кучсиз нордон бўлиши лозим. Таёёр ўғит нам тортмайдиган беш қаватли қофоз ёки цеплофан қопларда сақланади.

Аммиакли селитра тупроқнинг сингдириш комплекси (ТСК) билан ўзаро таъсирлашганда,  $\text{NH}_4^+$  катиони тупроқ коллоидларига ютилади,  $\text{NO}_3^-$  аниони эса тупроқ эритмасида қолиб, ўз ҳаракатчанлигини сақлади.




Серкарбонат тупроқлар учун аммиакли селитра энг яхши азотли ўғитлардан бири ҳисобланади.

Аммиакли селитра таркибидаги азотнинг бир қисми серҳаракат ( $\text{NO}_3$ ) ва бир қисми камҳаракат ( $\text{NH}_4$ ) шаклида бўлгани боис уни табақалаштирилган ҳолда ўғитлашнинг барча муддатларида қўллаш мумкин.

Нам иқлимли шароитларда, айниқса енгил механик таркибли тупроқларда уни кузда асосий ўғитлашда қўллаш яхши натижа бермайди, чунки бунда нитрат шаклдаги азот ювилиб кетади.

Қаттиқ ва суюқ ҳолатдаги аммиакли ўғитлар фарқланади. Қаттиқ аммиакли ўғитлар жумласига аммоний сульфат, аммоний хлорид ва аммоний карбонат киради. Суютирилган аммиак, аммиакли сув ва аммиакатлар суюқ азотли ўғитларнинг вакилларидир.


**Аммоний сульфат** –  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$  ўз таркибida 20,5-21,0% азот тутади. Жаҳон миқёсида ишлаб чиқариладиган азотли ўғитларнинг қарийб 25% аммоний сульфат ҳиссасига тўғри келади. Аммоний сульфат концентрангланган сульфат кислотани газсимон аммиак билан тўйинтириш орқали олинади:



Кокс газларидаги аммиак арzon бўлгани сабабли кокс-кимёвий аммоний сульфатни ишлаб чиқариш синтетик аммоний сульфат олишдан анча арzonга тушади.

Аммоний сульфат кучсиз гигроскопик, сочиувчан, таркибida 24% атрофида олtingугурт тутади, қайсики, ўсимликларнинг озиқланишида ўзига хос аҳамиятга эга.

Бу тупроқларга аммоний сульфат солингандан қўйидаги реакция содир бўлади.




$\text{NH}_4$  катионлари тупроқнинг сингдирилиш комплекси томонидан ютилади ва илгари ютилган бошқа катионларнинг эквивалент микдорига алмашинади. Ютилган аммонийни ўсимликлар яхши ўзлаштиради. Тупроқдаги ҳаракатчанлиги ва ювилиб кетиш хавфи кам бўлгани боис аммоний сульфатни асосий ўғитлаш даврида, яъни кузда шудгор остига сўтиш мумкин.

Бўз тупроқларга унинг самарадорлиги аммиакли селитрадан юқори бўлади. Суғорладиган экинларга, айниқса шолига аммоний сульфат қўллаш яхши самара беради.

**Аммоний хлорид** –  $\text{NH}_4\text{Cl}$ . Аммоний хлорид сода ишлаб чиқаришида оралиқ маҳсулот сифатида олинади:



Аммоний хлорид сувда осон эрийдиган оқ заррасимон модда. Таркибида 24-25% гача азот тутади. Яхши физикавий хоссаларга эга. Аммоний хлорид тупроққа тушгач, унинг сингдириш комплекси (ТСК) билан алмашиниш реакциясига киришади:




Аммоний хлорид таркибида 66,6% гача хлор бўлгани учун уни картошка, тамаки, ток каби ўсимликлар хуш кўрмайди. Фалла экинларига қўллаш яхши самара беради.

**Суюқ аммиакли ўғитлар.** Суюқ аммиакли ўғитлар жумласига суюлтирилган аммиак, аммиакли сув ва аммиакатлар киради. Суюлтирилган аммиак –  $\text{NH}_3$  концентрацияси юқори (82,3% азот) балластсиз ўғит. Аммиак газини юқори босим остида сиқиб суюлтириш асосида олинади. Рангсиз ҳаракатчан суюқлик. Солиштирма оғирлиги 0,61, 34°C да қайнайди. Аммиакнинг учеб кетишини олдини олиш учун махсус металл идишларда сақланади ва ташилади. Суюлтирилган аммиак тупроққа киритилганда тезда газ ҳолатига ўтади ва тупроқнинг коллоид фракцияси томонидан ютилади. Физикавий-кимёвий ютилишидан ташқари суюлтирилган аммиак нитрификация жаёёнига ҳам учрайди. Суюлтирилган аммиакнинг тупроққа ютилиши ундаги гумис микдори, механикавий таркиби, намлиги ва кўмилиш чуқурлигига боғлиқ.

**Аммиакли сув** –  $\text{NH}_3 + \text{H}_2\text{O}$  ёки  $\text{NH}_4 + \text{OH}$ . Аммиакли сув синтетик ёки кокс-кимёвий аммиакнинг сувдаги эритмаси бўлиб, икки хил нави ишлаб чиқарилади. Ўғитнинг биринчи нави 20,5% (25% ли  $\text{NH}_4\text{OH}$ ), иккинчи нави эса 16,4% (20% ли  $\text{NH}_4\text{OH}$ ) азот тутади. Буғларининг эластиклиги унча юқори эмас – 0,15 кг/см<sup>2</sup> шу боис уни оддий углеродли пўлатдан тайёрланган идишларда ташиб мумкин.

**Аммиакатлар** – аммиакли селитра (натрийли ва кальцийли селитралар ёки аммиакли селитра ва мочевина) нинг суюқ аммиакдаги эритмаси. Тузларнинг сувли эритмаси куйидаги таркибга эга бўлиши мумкин:



Аммиакатлар таркибий қисмларига боғлиқ ҳолда 30-50% азот тутиши мумкин. Улар махсус мосламаларда тайёрланади, суюқ азотли ўғитлар оғир механикавий таркибли тупроқларда камида 10-12 см, енгил тупроқларда эса 14-18 см чуқурликка кўмилиши лозим.


Суюқ азотли ўғитларни барча қишлоқ хұжалик әқинларига асосий ўғитлаш (экишдан олдин) даврида ишлатиш мүмкін. Тор қаторлаб әқиладиган әқинларни суюқ азотли ўғитлар билан ўғитлашда сошниклар (тупроққа ўғит киритиш мосламаси) 20-25 см оралиқда үрнатылади. Чопиқлатыб, әқинларни құшимчы озиқлантириш учун суюқ азотли ўғитлар қатор ораларининг ўртасига ёки ўсимликлардан 10-12 см узоқлиқда киритилади. Суюқ азотли ўғитлар билан ишлаганда хавфсизлик қоидаларига амал қилиш лозим, чунки аммиак буғлари күз ва нафас йұллари шиллиқ пардаларини яллиглантиради, бүғади ва йұтал құзгайды. Бундай ўғитлар солинган идишларни күздан кечириш ва таъмирлашда ҳам әхтиёт чораларини күриш зарур, чунки аммиакнинг ҳаво билан аралашмаси портлаш хусусиятларига эга.

Нитратли азотли ўғитлар жумласига натрийли ва кальцийли селитра ( $\text{NaNO}_3$ ,  $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ ) лар киради.

Күп йиллар давомида бу гурух ўғитларни асосий вакили Чили селитраси бўлиб, у Чилидаги гуанонинг табиий қатламлари асосида олинади. Синтетик аммиак олиш йўлга қўйилгач, селитралар саноат негизида тайёрланмоқда. Азотли ўғитлар ассортиментида нитратли ўғитларнинг ҳиссаси жуда катта (1% атрофида).

**Натрийли селитра** –  $\text{NaNO}_3$ , нитрат кислота ишлаб чиқаришда азот оксидларининг сода ёки ишқорга юттириш асосида олинади. Эритма нитратланади, буғлатылади ва центрифугалангач, оқ ёки оқиц тусли заррасимон туз олади. Таркибида 15-16% азот тутади, сувда яхши эрийди, гигроскоплиги юқори бўлгани учун муштлашиб қолади.



**Кальцийли селитра** –  $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ , таркибида 15% азот тутади. Кальцийли селитра 40-48% ли нитрат кислотани оқак ёки бор билан нейтраллаб олинади.



У ўта гигроскопик бўлгани сабабли одатдаги шароиттада гидрат ҳолатига ўтиб қолади –  $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2 \cdot 4\text{H}_2\text{O}$  мазкур хусусиятини ҳисобга олиб,  $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$  алоҳида таркибли модда шимдирилган нам тортмас қолларда сақланади. Шунингдек, гигроскопиклигини камайтириш учун гидрофоб моддалар (масалан, парафинланган мазут) қўшилади. Кальцийли селитра биринчи синтетик азотли ўғит бўлиб, 1905 йили Норвегияда олинган (шу боис «Норвегия селитраси» деб юритилади). Натрийли ва кальцийли селитра – физиологик ишқорли ўғитлар. Ўсимликлар бу ўғитлар таркибидаги  $\text{NO}_3^-$  анионини ўзлаштиради,  $\text{Ca}$  ҳамда  $\text{Na}$  катионлари тупроқда қолиб, уни ишқориийлаштиради. Натрийли селитрани турли тупроқларда


барча экинларга қўллаш мумкин. Айрим экинлар (масалан, илдизмевалилар) таркибида натрий бўлган азотли ўғитларга ўта талабчан бўлиб, ҳосилдорлиги билан бир қаторда маҳсулот сифатини ҳам яхшилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўғит таркибидаги натрий қанд моддаларини баргдан илдизга томон кўпроқ оқиб тушишига имкон беради.

**Мочевина (карбомид)** –  $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ . Синтетик мочевина оч тусли заррабин модда бўлиб, таркибида 46% азот тутади. Мочевина  $\text{CO}_2$  ва аммиакни юқори босим остида таъсиралиши асосида олинади:



Мочевина сувда яхши эрийди, гигроскопиклиги ҳароратнинг ошишига мос равишда ортиб боради. Узоқ сақланганда ёпишиб муштлашиб қолади. Физикавий хоссаларини яхшилаш учун гранулаланади (0,2-1,0 ёки 1-1,25 мм катталикда) ёки ёғли моддалар қўшилади.

Мочевина тупроқда тўла эрийди ва уробактериялар томонидан ажратиладиган уреаза ферменти таъсирида аммонификацияланади.




Бу жараён гумусга бой тупроқларда 2-3 кун ичида туталланса, кумли ва ботқоқ тупроқларда нисбатан секин кечади. Ҳосил бўладиган аммоний карбонат – бекарор бирикма. Ҳаво таъсирида у аммоний бикарбонат ва аммиакка айланади:



Демак, мочевина юза қўмилса ёки тупроқнинг бетига тушса, азотнинг аммиак сифатида исроф бўлиши содир бўлади. Тупроқда аммоний карбонат гидролизга учраб, аммоний бикарбонат ва аммоний гидроксидини ҳосил қиласи:



Аммоний ионларининг бир қисми тупроқ коллоидлари томонидан, қолган қисми эса бевосита ўсимликларнинг илдизи ва барги орқали ютилади. Маълум даврдан кейин аммиак нитрификацияланади:



Мочевина тупроққа киритилган дастлабки күнларда гидролотик ишқорий туз ( $\text{NH}_4$ )<sub>2</sub>CO<sub>3</sub> ҳосил бўлиши туфайли тупроқда мувакқат ишқорий муҳит юза келади. Аммоний карбонат нитрификацияланиб борган сари тупроқнинг ишқорийлиги камаяди. Мочевина – энг яхши ўғитлардан бири бўлиб, самарадорлиги бўйича аксарият экинлар учун амиакли селитрага, шоли учун аммоний сульфатга тенг келади. Мочевинанинг асосий ўғит сифатида ишлатиш ёки барча экинларга қўшимча озиқлантиришда, сабзавот ва мевали дараҳтларга илдиздан ташқари озиқлантиришда қўллаш мумкин. Донли экинлар мочевина билан кеч муддатларда озиқлантирилса, оқсил миқдори сезиларли даражада ошади. Мочевинанинг бошқа азотли ўғитлардан фарқли ўлароқ юқори концентрацияси ҳам (5% дан ортиқ) баргларни куйдирмайди. Ем-хашакка қўшиб берилган мочевина чорва молларининг жадал ривожланишига ёрдам беради.

## ФОСФОР ВА ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАР

Ўсимликлар таркибида фосфор минерал ва органик ҳолатида учрайди. Минерал ҳолатидаги фосфор ўртафосфат кўринишида бўлиб, миқдоран жуда камдир.

Органик бирикмалар шаклидаги фосфор ўсимликларда нуклеин кислоталари, фосфопротеидлар, фосфолипидлар, фитин, шакарнинг фосфорли зарралари кўринишида учраб, нуклеин кислоталар (РНК ва ДНК) алоҳида ўрин тутади. Улар оқсил синтези, ўсиш ва ривожланиш, насл ташиш каби муҳим ҳаётий жараёнларда фаол иштирок этади. Нуклеин кислоталар азотли асос, шакар ва фосфор кислотадан таркиб топган. Нуклеин кислоталарни оддий оқсиллар билан ҳосил қиласиган бирикмаларига нуклеопротеидлар дейилади. Нуклеин кислоталар ўсимликларнинг барча ҳужайра, тўқима ва тана қисмларида мавжуд. Ўсимлик барг ва поялари қуруқ массасининг 0,1-1,0% ини нуклеин кислоталар ташкил қиласи. Уруг, муртак, чангчилар ва илдиз қинчаси нуклеин кислоталарга бой. Ўсимликлардаги фосфор органик бирикмаларнинг асосий қисмини фосфопротеидлар (фосфор кислоталари ва оддий оқсилларнинг ҳосиллари) ташкил қиласи. Булардан ташқари ўсимликларда борадиган оқсил, ёғ, крахмал ва шакарларни биосинтези кўп миқдорда энергия талаб қиласи. Бу энергиянинг манбай макроэргик бирикмалар ҳисобланиб, улардаги макроэргик боғларнинг гидролизи натижасида 6-16 ккалъ/моль энергия ажralиб чиқади. Тирик организм-

ларда макроэргик боғларининг тури кўп бўлишига қарамасдан, асосий энергия манбаи АТФ (аденазинтрифосфат) ҳисобланади. АТФ-энергия ташувчи сифатида оқсил, ёғ, крахмал, сахароза, аспаргин, глутамин ва бошқа бир қатор органик бирикмаларнинг биосинтезида иштирок этади. Нафас олиш, фотосинтез ва моддалар алмашинуви АТФнинг иштирокисиз содир бўлмайди. Углевод алмашинуvida фосфор катта роль ўйнаганлиги сабабли фосфорли ўғитлар қанд лавлагида шакар, картошка туганакларида крахмал тўпланишига ижобий таъсир этади. Фосфор ўсимликларда азотли моддаларнинг алмашинуvida ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Озиқланиш муҳитида фосфор жуда кам бўлганда, ўсимликларнинг поя ва барглари ўсишдан тўхтайди, уруғларни маҳсулдорлиги пасаяди. Тащқи белгилар сифатида эса барг чеккаларининг буралиши ва бинафша тусга ўтишини кузатиш мумкин. Табиий шароитларда ўсимликларнинг озиқланиш манбаи бўлиб ортофосфор кислота тузлари хизмат қиласди. Метафосфатларнинг ҳам тўғридан-тўғри, пиро ва полифосфатларни эса гидролизга учрагандан кейин ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши аниқланган.

Уч негизли ортофосфат кислота уч хил анионга ( $H_2PO_4^-$ ,  $HPO_4^{2-}$  ва  $PO_4^{3-}$ ) диссоциаланади. Кучсиз нордон шароитларда  $H_2PO_4^-$ ,  $HPO_4^{2-}$  лар кўпроқ ва  $PO_4^{3-}$  камроқ учрайди.

Тупроқ таркибидағи икки валентли ( $Ca^{2+}$ ,  $Mg^{2+}$ ) ортофосфат кислота билан бир неча хил тузларни ҳосил қиласди. Масалан, катионнинг битта водород ўрнини олишидан ҳосил бўладиган тузлар  $Ca(H_2PO_4)_2$  сувда анча осон эрийди.

Иккита водород ўрнини катионлар эгаллашидан ҳосил бўладиган тузлар эса ( $CaHPO_4$ ,  $MgHPO_4$ ) сувда эримайди, кучсиз кислоталар таъсирида яхши эрийди.

Учта водород ўрнини ҳам икки валентли катион эгаллашидан ҳосил бўладиган тузлар  $Ca_3(Po_4)_2$  кислоталар таъсирида ҳам жуда кам миқдорда эрийди, табиийки, бундай тузлар ўсимликлар томонидан жуда қийинчилик билан ўзлаштирилади. Лекин люпин, гречиха, хантал каби ўсимликлар тупроқдаги қийин эрийдиган фосфатларни ҳам ўзлаштира олиш қобилиятига эгалиги аниқланган. Минерал фосфатлар билан бир қаторда ўсимликлар кам миқдорда бўлсада, органик фосфатларни ҳам ўзлаштиради. Бундай органик моддалар жумласига фитин, глицерофосфатлар ва бевосита кислоталарни киритиш мумкин. Уларнинг ўзлаштирилиши бевосита ўсимликларнинг илдиз тизимидан ажраладиган фосфатаза ферментининг миқдори ва фаоллиги билан боғлиқ. Лекин органик ҳолатдаги фосфорли бирикмаларнинг ютилиши ҳақидаги фикрлар баҳсли бўлиб, шу кунгача тўла-тўқис исботланмаган.

Ишлов берилмайдиган (қўриқ) тупроқлардаги фосфорнинг миқдори асосан она жинс таркибига боғлиқ бўлиб, отқинди тоғ жинслари тахминан 0,275% фосфор тутгани ҳолда, улардан шаклланадиган тупроқлар таркибидаги фосфор миқдори 0,14% дан ошмайди.

Тупроқдаги ялпи фосфор миқдорини 100% деб олсак, подзол тупроқларнинг ҳайдалма қатламида 70, сур тусли ўрмон тупроқларида 56, қора тупроқларда 65, бўз тупроқларда 86% и минерал ҳолатдир.

Тупроқдаги органик фосфатлар гумус ва фитин таркибига киради. Органик ҳолатдаги фосфатлар миқдори бўз тупроқларда 14, сур тусли ўрмон тупроқларида эса 44% ни ташкил этади. Бошқа тупроқ хилларида уларнинг миқдори шу оралиқда ўзгариб туради. Органик ҳолатдаги фосфатлар миқдори бевосита тупроқнинг гумус билан тъминланганлик даражасига боғлиқ. Тупроқдаги фосфатнинг бир қисми (ялпи фосфатнинг 0,5-1,0% и) микроорганизмлар томонидан минераллаштирилади.

Маълумки, ўсимликларнинг илдиз тизими ўзидан маълум миқдорда олма, лимон ва корбонат кислоталарни ажратади. Бундан ташқари тупроқ микроорганизмларининг нафас олиши ва модда алмашинуви жараёнида ҳам талай миқдорда карбонат кислота ажralади ва тупроқда тўпландади. Ўсимликлар фақат сувда осон эрийдиган фосфатлар эмас, балки мазкур кислоталарда эрийдиган фосфатларни ҳам ўзлаштиради.

Ер қобиғида кўпгина минераллар ўз таркибида фосфор тутади, лекин улардан фақаттана отқинди апатитлар ва чўкинди фосфоритларгина фосфорли ўритлар ишлаб чиқаришда амалий аҳамиятга эга.

*Апатит* - отқинди тоғ жинс бўлиб, тупроқ ҳосил қилувчи она жинс таркибида дисперцияланган ҳолатда тарқалган. Конлари жуда сийрак учрайди. Энг катта апатит кони 1925 йилда Кола ярим оролидаги Хибин тоғидан топилган. Шунингдек, Ўрол ва Байкал бўйида ҳам кичикроқ конлар аниқланган. Апатит конлари Бразилия, Испания, Канада, АҚШ ва Швецияда ҳам мавжуд.

Фосфоритлар эса айрим геологик даврларда яшаган ҳайвон скелетларининг минераллашуви ва фосфат кислотанинг сувдаги кальций билан бирикиб, чўкишидан ҳосил бўлади. Фосфоритлар ер юзида кенг тарқалган, лекин Европада улар кичик-кичик конларда жамланган ва ўғит саноати учун унчалик аҳамиятга эга эмас. Африканинг шимолий қисмида фосфорит конлари кўп учрайди.

1937 йилда Ўрта Осиёнинг Қоратов тоғ тизмасида (Қозоғистоннинг Жамбул вилоятида) жуда катта фосфорит конлари топилган. Мазкур коннинг фосфорли ўритларга талабчан экинлар етиштириладиган регионларига яқин жойда жойлашганлиги жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Хозирги кунга келиб, Ўзбекистонда ҳам жуда катта фосфорит конлари мавжудлиги аниқланди. Биргина Жерой-Сардара фосфорит конидаги Марокаш турига мансуб зарра – донадор (кристалл ҳолатдаги) фосфаратларнинг заҳираси 100 миллион тоннадан ортиқдир. Булардан ташқари Марказий Қизилқумда Коркат ва шимолий Жетитов фосфарат конлари ҳам сифатли ҳом ашёга бойдир. Маълумки, Ўзбекистонда аммофос ва аммонийлаштирилган суперфосфат ишлаб чиқарадиган жуда катта корхоналар мавжуд. Республикамиз тез орада фақат ўзини фосфорли ўғитлар билан таъминлаб қолмай, кўп миқдордаги фосфорли ўғитларни хорижга ҳам экспорт қиласди.

*Апатит* – кристалл ҳолатда, фосфоритлар эса ҳам кристалл, ҳам аморф ҳолатда учрайди. Аморф ҳолатдаги фосфаратлар осон парчаланади, шу сабабдан уларга қизиқиш катта.

Апатитнинг энг содда (эмпирик) формуласини  $\text{Ca}_5(\text{PO}_4)_3 \cdot \text{F}$  ёки  $[\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2]_3 \cdot \text{CaF}_2$  ҳолида ёзиш мумкин. Кальций фторид таркибидағи фтор элементи ўрнини хлор, карбонат ёки гидроксил эгалласа, ҳосил бўлган минераллар хлор аппатит, карбонат аппатит ва гидроксил аппатит деб юритилади.

Фосфор ер шаридаги энг кўп тарқалган элементлардан ҳисобланади. У ер массасига нисбатан 0,08-0,125% атрофида бўлади ёки элементлар орасида 13 ўринда туради.

Хозирги вақтда таркибида фосфори бор 120 га яқин минераллар маълум. Дунёдаги фосфор заҳираси 50 млрд. тоннага яқин. Улар мамлакатлар ўргасида фоиз ҳисобида қўйидагича тарқалган.

Марокошда – 43%, АҚШ 30%, собиқ итифоқда – 16%, Тунис ва Алжирда – 6%, бошқа давлатларда 5%.

Дунё бўйича йилига 100 млн. тонна фосфат қазиб олинади. Виноградов маълумотларига кўра, тирик организмларда фосфор 0,013% ни ташкил этади, жумладан, одам организмидаги 1600 гр фосфор бўлса, шундан 1400 грами суюк таркибида бўлади. Тупроқ таркибидағи фосфорнинг бир қисми сувда эримайдиган бирикмага айланади ва бир қисми ўсимлик томонидан ўзлаштирилади ва ҳосил билан бирга чиқиб кетади.

Фосфорли ўғитлар эрувчанлиги ва ўсимлик томонидан ўзлаштирилишига кўра 3 гурӯҳга бўлинади.

1. Сувда нисбатан яхши эрувчан фосфорли ўғитлар: оддий суперфосфат ва қўш суперфосфат.

2. Сувда кам эрувчан, бироқ кучсиз кислоталарда (2% ли лимон кислогасида) яхши эрийдиган фосфорли ўғитлар: преципитан, томас шлак, термофосфатлар, фторсизлантирилган фосфат.

3. Сувда эримайдиган, фақат кислоталарда яхши эрийдиган фосфорли ўғитлар: фосфорит уни, суюк уни.


### Сувда нисбатан яхши эрийдиган фосфорли ўғитлар.

#### Оддий суперфосфат. $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot \text{Ca SO}_4 \cdot \text{H}_2\text{O}$


Одатда кулранг бўлиб, сувда қўсман эрийди, таркибида 12-15% намлик бўлиши мумкин. Аллатитдан олинган оддий суперфосфат таркибида 19-20%, фосфоритдан олинганида 14-16%  $\text{P}_2\text{O}_5$  бўлади. Оддий суперфосфат гранула ва қуқун ҳолида ишлаб чиқарилган. Гранула ҳажми 2-4 мм бўлади.

Суперфосфат таркибида фосфордан ташқари 5,5% атрофида эркин ҳолатдаги фосфат кислота ҳам бўлади. Шунинг учун бу ўғитни қоғоз қопларда сақлаш ва ташиш мумкин эмас.

Қўш суперфосфат -  $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ . Таркибида 40% га яқин фосфор бор. Оддий суперфосфатда гипс оз микдорда фосфор эса икки марта ортиқ бўлади. Сувда яхши эрийди. Қўш суперфосфат олишда таркибида фосфори кам бўлган рудалар сульфат ёки хлорид кислота билан ишланади ва ортофосфат кислота ҳосил қилинади.




Ҳосил бўлган эритма, иккинчи фазада фильтрланиб, фосфат кислота билан фосфорит қукуни қўш суперфосфатга айлантирилади.




Сувда кам эрийдиган фосфорли ўғитлар.

Преципитат  $\text{CaHPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  нинг таркибида 31% гача фосфор бўлади. Бу ўғитни олиш учун дастлаб фосфат кислота ҳосил қилинади.




Ҳосил бўлган кислота фильтрлаш усули билан бошқа моддалардан тозаланади ва оҳак эритмасида нейтраллаб, преципитат ҳосил қилинади.




Томасшлак.  $\text{Ca}_4\text{P}_2\text{O}_9$  – бу пўлатни қайта ишловчи заводлар чиқиндиси, бўлиб, унинг таркибида 14-20% атрофида фосфор бўлади. Метални эритиш вақтида оҳак ( $\text{CaO}$ ) қўшилса, фосфор 1800-2000° С да  $\text{CaO}$  билан биргаликда оҳакли туз ҳосил қиласи. Ҳосил бўлган кальций карбонат ва бошқа бирималар чиқинди (шлак) билан биргаликда, яъни «сут» ҳолида ажралиб чиқади. Бу суюқлик совугандан сўнг қотиб, қора рангли ўғит ҳосил бўлди.

Тупроққа солинган томас шлак тупроқ таркибидаги сув ( $H_2O$ ) ва карбонат ангирид (CO<sub>2</sub>) таъсирида кальций тиофосфатга айланади.



**Термофосфатлар.** Бундай ўғитлар майдаланган фосфорит ёки аппатит ишқорий эритмаларидан сода эритмасида ёки ишқор эритмасида ёки табиатдаги калий силикат ҳамда натрий ва калий сульфат билан эритиши натижасида олинади. Натижада ўсимлик ўзлаштира оладиган тузлар:



Булар таркибида 18-34% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> бўлади. Термофосфатлар томас шлакка ўхшаш ишқорий муҳитга эга. Ca<sub>3</sub>(PO<sub>4</sub>)<sub>2</sub>

**Фосфорит талқони.** Бу ўғит фосфоритни кукун ҳолатга келгунча майдалаб олинади. Ундаги фосфор фтораппатит, гидроксилаппатит, корбонат аппатит бирикмалари ҳолида бўлиб, Ca<sub>3</sub>(PO<sub>4</sub>)<sub>2</sub> шаклидадир. Мазкур бирикмалар сувда ва кучиз кислоталарда эримайди, шунинг учун ундан аксарият ўсимликлар баҳраманд бўла олмайди.

Фосфорит талқонини тайёрлаш учун паст навли фосфоритдан ҳам фойдаланиш мумкин. Фосфорит талқони энг арzon фосфорли ўғит.

Фосфорит талқонининг олий нави 25, биринчи нави 22, иккинчи нави 19% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> тутади.

## ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Фосфорли ўғитлар бошқа минерал ўғитларга нисбатан сувда кам эрийди. Бундан ташқари аксарият ўсимликларни фосфорга бўлган талаби ҳосил нишоналари пайдо бўла бошлаган даврида ортади. Маълумки, бу даврда ўсимликлар илдизи тупроқни анча чуқур қатламларига етиб боради. Шунинг учун ўсимлик тури ўтмишдош экин ва тупроқ-иклим шароитига қараб фосфорли ўғитларнинг йиллик меъёрини тахминан 60-70 фоизини кузги шудгор остига яъни асосий ўғитлашда бериш тавсия этилади. Бундай ҳол қилинганда биринчидан, ўғит тупроқ остида узоқ вақт туриши натижасида унинг сувда эрувчанлиги ошади, иккинчидан ўсимлик фосфорга энг талабчан даврида унинг илдизи тупроқ остидаги ўғитга етиб боради. Фосфорли ўғитларни қўллашни иккинчи муддати уруғ экиш билан бир вақтда (10-12%) тупроқка киритишдир. Сабаби уруғдан униб чиқсан ниҳол ниҳоятда нимжон ва

шу сабабли озиқа моддаларга муҳтож бўлади. Шунинг учун экиш билан бирга берилган ўғит уларни баравж ривожланишига, касаллик ва заараркунандалар таъсирига чидамли бўлишига, оқибатда ҳосилдорликни сезиларли дараражада ортишига хизмат қиласди. Кўпчилик тадқиқот ишлари натижаларидан кўра шу нарса маълумки ўсимликни ёшлигидаги озуқага бўлган муҳтоҗлигини кейинчалик ҳарчанд ўғит қўллаш билан тўлдириб бўлмайди. Фосфорли ўғитларнинг йиллик меъёрини маълум қисми ўсимликни қўшимча озиқлантириш натижасида, айниқса, кам авж ўсимликлар яхши ривожланади ва ҳосил тўпланади. Қўшимча озиқлантиришни чопик талаб экинларга 10-12, имкони бўлса 14-16 см чуқурликка бериш зарур. Фосфорли ўғитларнинг йиллик меъёри агрокимёвий картограмма асосида берилади.

## КАЛИЙ ВА КАЛИЙЛИ ЎҒИТЛАР

Азот ва фосфор каби калий ҳам ўсимликлар учун асосий зарурый озиқ элементлардан бири ҳисобланади.

Ўсимликларда калийнинг асосий қисми цитоплазма ва вакулаларда бўлгани ҳолда, ядрода учрамайди. Ялти калийнинг 20% га яқини ўсимлик ҳужайраларининг цитоплазма коллоидлари томонидан алмашинувчи шаклда, 1% и митохондриялар томонидан алмашинмайдиган шаклда ютилади. 80% га яқин калий ҳужайра ширасида ион шаклида бўлиб, органик бирикмалар таркибига кирмайди. Шунинг учун узоқ ва шиддатли ёмғирлар таъсирида барглардаги (айниқса эски барглардаги) калийнинг анча қисми ювилиб кетади.

Хлоропластлар ва митохондрияларда тўпланадиган калий уларнинг тузилишини маромига келтиради, фотосинтетик ва қайтарилувчи фосфорланиш жараёнларида энергияга бой АТФ лар ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Калий биринчи навбатда цитоплазма коллоидларининг дисперслиниш даражасини ошириши билан уларнинг гидратланишини кучайтиради. Бу ўз навбатида ўсимликнинг сувни тутиб туриш қобилиятини оширади ва қисқа муддатли қурғоқчиликларни енгib ўтишига ёрдам беради.

Калий танқислиги натижасида оддий углеводларнинг анча мураккаб углеводлар (*ди- ва полисахаридлар*) га айланиши сусайди. У қанд моддаларини барглардан ўсимликнинг бошқа қисмларига оқиб ўтишини кучайтиради, углевод алмашинувида иштирок этадиган ферментларининг жумладан, амилаза фаолигини оширади. Калий танқислигига бир қатор ферментларнинг

фаоллиги сусаядь, ўсимликда углевод ва оқсил алмашинуви бузилади, қанд моддаларининг асосий қисми нафас олиш жараёни учун сарфланади, пуч донълар шаклланади ва донли экинлар ҳосилдорлиги кескин камаяди.

Калий ўсимликларда бир қатор витаминларнинг (масалан, тиамин ва рибофлавин) синтезланиши ва тўпланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Калий хужайра ширасининг осмотик босимини оширади, шу туфайли ўсимликларнинг совукقا чидамлилиги ортади.

Калий билан етарли даражада озиқлантирилган ўсимликларнинг турли касалликларга (галла экинларининг қоракуя ва занг касалликлари, сабзавотлар, картошка ва илдизмевалиларнинг чириш касаллигига) чидамлилиги кучаяди.

Калий кальций ва магний элементлари қатори қишлоқ хўжалик экинлари томонидан аммиак шаклидаги азотнинг ўзлаштирилишига ёрдам беради.

Ўсимликларда калий етишмаслигининг асосий белгилари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: қари (эски) барглар чеккалари кўнғир (баъзан зангсимон нуқтали қизил) тус олади ва маълум муддатдан кейин баргларни четлари нобуд бўлади ва йиртилганга ўшаб қолади.

Хужайрадаги калий миқдори ва ўсиш жараёни жадаллиги ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Шу боис калий танқислигига хужайраларнинг бўлининиши, чўзилиши ва ўсиши сустлашади деб тахмин қилинади.

Ҳозирги кунда ўсимликларда оқсил синтези ва калий миқдори ўртасида ижобий муносабат борлиги тўғрисида етарли маълумотлар тўплланган. Калий етишмаганда фотосинтез маҳсулотларининг барглардан бошқа органларга оқиб ўтиши секинлашади, маҳсулдорлиги пасаяди.

Бугдой ўзлаштириши мумкин бўлган калийнинг 25,4% и тўпланиши давригача 42,1% и найчалаш ва 100% и бошоқланиши давригача тўғри келиши аниқланган.

Ғўза шоналаш давригача (униб чиққандан 31 кун ўтгач) 2,8%, шоналашдан гуллашгача (57 кун) 17,8%, пишиш олдидан (145 кун) 100% калийни ўзлаштиради. Бундан гўзада калийнинг ўзлаштирилиши анча узоқ давом этиши кўриниб турибди.

Калий ўсимликлардаги механик элементлар, найсимон тутамлар ва луп толаларининг ривожланишига, пояларнинг йўғонлашиши ва ётиб қолишига чидамлилигини ошишига ёрдам беради, пахта, зигир ва каноп толаларининг ҳосили ва сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўсимлик тана қисмларидағи калий миқдори ўсув даврига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Бошқа элементларда кузатилгани каби калий ҳам қари (эски) барглардан ёш баргларга оқиб ўтади, яъни ундан қайта фойдаланиш – реутилизация содир бўлади.

Турли экинлар ўзларининг 1 тонна ҳосили ва шунга мос қўшимча маҳсулот билан тупроқдан турли миқдордаги калийни олиб чиқиб кетади ва бу рақам донли экинларда 25-37, дуккакли дон экинларида 16-20, картошкада 7-9, қанд лавлагида 6,7-7,9, сабзавот экинларида 4-5 ва беда пичанида 20-24 кг га тенгдир. Лекин келтирилган бу рақамлар таққослаш учун жуда нокулай, чунки экинлар ҳосили таркибидаги куруқ модданинг миқдори бир-биридан кескин фарқланади.

Шунинг учун олиб чиқиб кетиладиган озиқ элементлари миқдорини гектаридан олинадиган ўртача ҳосил ва қўшимча маҳсулот асосида кўрсатиш мақсадга мувофиқдир (21-жадвал).

21 - жадвал

**Кашлоқ хўжалик асосий экинларининг ҳосили таркибидаги калий миқдори  
(А.В.Петербургский, 1989)**

Экин тури	Олинадиган маҳсулот, т/га	Олиб чиқиб кетиладиган умумий калий, кг/га
Донли экинлар	2,0-2,5	4,0-6,0
Гречиха	2,0	6,0
Зигир	1,0	4,5-6,0
Кунгабоқар	1,8	7,5
Картошка	20,0	12,0
Қандлавлаги	30,0	20,0
Карам	70,0	40,0
Дуккакли-дон экинлари	2,0	3,0
Беда (пичани)	10,0	-
		150

Бугдой донида ·ялпи калийнинг 15% и жамланади, қолган 85% сомон таркибига киради бунинг аксича, картошка туганаклари 95%га яқин калий тутгани ҳолда, унинг палаги ҳисобига атиги 5% калий тўғри келади.

Калий ер қобигида жуда кенг тарқалган элементлардан биридир. Ер қобигини ташкил этган жинсларнинг умумий массасига нисбатан калий 8 ўринда ёки 2,35% ни ташкил этади.

Тупроқда умумий калий 1-2,5% ни ташкил этади. Ҳайдалма қатламдаги калийнинг ялпи миқдори азот миқдорига нисбатан 5-50 марта, фосфорга нисбатан 8-40 марта кўп.

А.Н. Лебеденцев маълумотларига кўра, турли тупроқларда калий миқдори турлича. Қумли ва қизил тупроқларда 0,2-0,3%, торфли тупроқларда 0,5-0,14%, Ўрта Осиёнинг бўз тупроқларида 2-3%, оддий қора тупроқларда 2,13-2,64%, чимли подзол тупроқларда 3,10-3,79% ва ҳоказо. Шундай қилиб энг кўп калий бўз ва қора тупроқларда, энг ками эса қизил тупроқларда учрайди.

Эрувчанлиги ва ўсимликлар томонидан ўзлаштирилишига кўра тупроқдаги калий асосан 4 гуруҳга бўлинади.

1. Алюмосиликатлар таркибидаги калий: дала шпати ёки ортоклаз, мусковит, биотит, нефелин. Умумий калийнинг 98-99% ни ташкил этади.

2. Алмашинувчан калий ёки тупроқ коллоидлари томонидан сингдирилган калий. Бу умумий калийнинг 0,5-1,5% ни ташкил этади. Лекин ўсимлик озиқланишида муҳим аҳамиятта эга.

У доимо катионлар билан алмасиниб, тупроқ эритмасига ўтиб туради.

3. Сувда эрувчан калий. Бу тупроқ эритмасидаги  $\text{KNO}_3$ ,  $\text{K}_2\text{PO}_4$ ,  $\text{K}_2\text{SO}_4$ ,  $\text{KCl}$ ,  $\text{K}_2\text{CO}_3$  каби тузлар таркибидаги калий. Бу калий жуда оз миқдорда бўлиб, умумий калийнинг 0,10% ни ташкил этади.

4. Микроорганизмлар ва органик қолдиқлар таркибидаги калий. Агрокимё фани ва амалиётида ўсимликлар озиқланишида муҳим аҳамиятта эга бўлган ҳаракатчан калий миқдорини аниқлаш муҳим ўрин тутади.

Агрокимёвий таҳлил асосида тупроқларнинг ҳаракатчан калий билан таъминланганлиги бўйича агрокимёвий хариталар тузилади ва шу асосда ҳар бир экин тури учун калийли ўғит меъёрлари белгиланади.

Калийли ўғитларни кенг миқёсда ишлатиш Республикаизда XX асрнинг 60 йилларидан бошланди. Собиқ Иттифоқ даврида калийли ўғитлар тўлалигича Русия (Верхокамсий, Соликамск), Беларус (Старобинск) ва Украина (Калуш-Галинск) конларидан олинадиган хом ашёлар асосида ишлаб чиқарилар эди.

Хозирги кунда Ўрта Осиёning ўзидағи бир қатор конларда, масалан, Туркманистоннинг Тубегатан, Карлук конлари, Қашқадарё вилоятидаги Тубақат, Сурхондарё вилоятидаги Хўжаикон конларидан хом ашё олиш ва улардан калийли ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда биргина Сурхондарёнинг Хўжаикон калий тузлари Республикаиз дехқончилигини қарийб 100 йил давомида калийли ўғитлар билан таъминлаш имкониятига эга.

Деярли барча конлар (конларнинг 92% га яқини), хлоридли ва сульфатли хом ашё берадиган конлар тоифасига киради ва улардан олинадиган ўғитлар ҳам хлорли ҳамда сульфатли калийли ўғитлар деб юритилади.

Хлорли калийли ўғитлар ишлаб чиқаришда асосий хом ашё сильвинит (таркибида 12-15%  $\text{K}_2\text{O}$ ) бўлиб, у сильвин ( $\text{KCl}$ ) ва галит ( $\text{NaCl}$ ) аралашмасидан иборатdir.

Калийли ўғитлар концентранган (калий хлорид, калий сульфат, калий хлорид электролити, калий тузи, калий магнезия, калийли магнийли концентрат) ва хом (сильвинит, кайнит) калийли ўғитларга бўлинади.

**Калий хлорид (KCl).** Энг кенг тарқалган калийли ўғит ҳисобланиб, ишлаб чиқариладиган калийли ўғитларнинг 85-90% ни ташкил қиласи. Таркибида 53,7-60% гача K<sub>2</sub>O тутади. Давлат андозаси бўйича калий хлорид намлиги 1% дан кўп бўлмаган, кулранг жилвага эга пушти ва оқ кристалларнинг аралашмаси ҳолида ишлаб чиқарилади. Калий хлориди 2 хил: галлургия ва флотация усуллари ёрдамида олинади.

Сильвинитдан калий хлоридни галлургия усулида ажратиб олиш калий KCl ва NaCl ларнинг сувда турли ҳароратларда эришига асосланади. Ҳар икки туз билан бойитилган эритманинг ҳарорати 20-25 °C дан аста-секин 90-100° С гача қўтарилади. Бунда калий хлорнинг эрувчанлиги 2 марта ошган ҳолда натрий хлорнинг эрувчанлиги ўзгармайди. Эритма қайта совутилганда калий хлор кристалланишга учрайди ва чўқади, натрий хлор эса эритмада қолади.

Флотация усули билан калий хлор ва натрий хлор заррачалари юзаларининг сув билан турли даражада хўлланишига асосланган. Турли лойли шламмлардан тозаланган ва яхшилаб майдаланган руда сув ёки сувнинг ёғли аминлар қўшилган аралашмаси ёрдамида бўтана ҳолига келтирилади. Пульпа орқали юборилган ҳаво оқими майдада пуфакчалар ҳолида аралашма орасидан ўтиш жараёнида гидрофоб хусусиятли заррачаларни илаштириб, эритманинг бетига кўпик ҳолатида олиб чиқади. Бу KCl нинг концентрати бўлиб, центрифугалац йўли билан ундан ўғит ажратиб олинади ва қутилилади. Натрий хлорид эса бошлангич аралашманинг тубига чўқади, сўнгра ажратиб олинади ва тегишли мақсадларда ишлэтилади.

Флотация ва галлургия усуллари билан олинган калий хлорид майдада кристалл заррачалар щаклида бўлади. Гигроскопиклиги юқори бўлганлиги сабабли сақлаш жараёнида нам тортиб, муштлашиб қолиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун заррачалар донадорлаштирилади (1-3 мм катталикда) ёки аминлар қўшиш йўли билан ёпишқоклиги камайтирилади.

Калийли туз (KCl + mKCl • nNaCl) кулранг ва пушти кристаллар тутган, калий хлорид ва сильвинит аралашмасидан иборат ўғит.

Давлат андозаси бўйича намлиги 2% дан ошмаслиги, таркибидаги K<sub>2</sub>O нинг миқдори 40% дан кам бўлмаслиги керак. Ҳаводан нам тортиб, ташиш ва сақлаш жараёнида муштлашиб қолади.

Таркиби ва хоссаларига кўра сильвинит ва калий хлорид ўртасида оралиқ ҳолатни эгаллайди.

Калийли тузни натрийга талабчан ва хлорга чидамли экинларга (қанд лавлаги, ҳашаки ва хўраки илдиз мевалилар) қўллаш яхши самара беради. Бу ўғит хлорга таъсиричан экинлар учун унчалик яроқли эмас. Лекин кузги шудгор остига киритилганда, таркибидаги хлорнинг асосий қисми ювилиб кетади ва экинларга кўрсатадиган салбий таъсири йўқолади.

**Калий сульфат ( $K_2SO_4$ ).** Оқ тусли (баззан сарғиши жилвага эга) майда кристалл заррачали кукун. Таркибидаги намлик 1,2% дан камроқ  $K_2O$  нинг миқдори 46-50% атрофида. Муштлашиб қолиш эҳтимоли кам, баззиде ёпиқ ёки очиқ ҳолатда ташлади.

Калий сульфатни турли тупроқ типларида барча қишлоқ хўжалик экинларига ишлатиш мумкин, айниқса хлорга сезгир экинлар (тамаки, ток, зигир, картошка ва бошқалар) га қўллаш яхши самара беради.

Табиий калийли тузлардан сильвинит ва кайнит энг кўп тарқалган. Уларнинг таркибида кўп миқдорда хлор мавжудлиги сабабли (масалан, сильвинитда 1 кг калийга 4 кг хлор тўғри келади) тамаки, цитрус экинлари, ток, зигир, каноп, гречиха, картошка ва бошқа бир қатор қишлоқ хўжалик экинларига салбий таъсир кўрсатади.

**Сильвинит ( $KCl; NaCl$ )** таркибида 14-18%  $K_2O$ , 34-38%  $Na_2O$  ва 52-55% Cl (ёки 75-80%  $NaCl$ ) бўлади. Орасида кўк кристаллари бор бўлган кулранг-қўнғир тусли, 1-4 мм катталиқдаги (4 мм дан йирик фракция 20% дан кам) майдаланганди жинс. Сувда яхши эрийди. Гигроскопиклиги кам, лекин ҳавонинг намлиги юқори бўлган шароитларда сақланса нам тортади, куритилганда муштлашиб қолади.

Сильвинит асосий ўғит сифатида тупроққа кузги шудгор пайтида киритилади. Бунда асосий қисми тупроқнинг қуви қатламларida ювилиб кетади, калий эса ТСК томонидан ютилади.

**Кайнит –  $KCl \cdot MgSo_3 \cdot H_2O$**  дан ташқари кўп миқдорда  $NaCl$  тутган аралашма. Таркибида 10-12%  $K_2O$ , 8% га яқин  $MgO$ , 40% атрофида Cl ва 35%  $Na_2O$  тутади.

**Кайнитли ва кайнит** – лангбейнитли жинсларни майдалаш йўли билан олинади. Асосий ўғит сифатида ишлатилади. Магний билан кам таъминланган тупроқларда илдиз меваларга қўллаш тавсия этилади. Карналит ( $KCl \cdot MgCl_2 \cdot 6H_2O + NaCl$ ) майдаланганди руда, 12-13%  $K_2O$  тутади. Ўртacha гигроскопик, муштлашиб қолиш хусусиятига эга. Бошқа калийли ўғитларга нисбатан кам ишлатилади.

**Поташ ( $K_2CO_3$ ).** Физиологик ишқорий ўғит. Таркибидаги 52-55%  $K_2O$  тутади. Нефелиндан алюминий олиш учун чиқинди сифатида ажralиб чиқади. Лекин физикавий хоссалари ёмон, ўта гигроскопик, қовушувчан ва тез қотиб қолади, яхши сочилилмайди. Тупроққа киритиш олдидан уни 1:1 нисбатда торф ёки чиқинди билан аралаштириш лозим.

**Кул** – таркибидаги калий, фосфор, кальций ва аксарият микроэлементлар тутган қўмматли ўғит. Шунинг учун ҳам Д.Н. Пряшников кулдан ўғит сифатида фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор берган.

Ёғоч, ўсимликларнинг поя ва сомонлари куйдирилганда ҳосил бўладиган кул таркибидаги кўп миқдорда  $K_2CO_3$  ва  $KHCO_3$  мавжуд.

Кул таркибидаги озиқ элементларнинг миқдори кўп жиҳатдан дарахт ёки экин тури, шунингдек, гўнг, торф ва тошкўмирнинг сифатига боғлиқ.

Кул таркибидаги калий сувда яхши эрийдиган шаклда бўлади. Калийни бу шакли барча қишлоқ хўжалик экинларини озиқланиши учун яроқлидир.

Маълумки, калийли ўғитлар сувда яхши эрийди. Тупроққа кири-тилганда улар тезда эрийди ва тупроқ сингдириш комплекси (ТСК) даги коллоид заррачалар билан алмашинувчан ва алмашинмайдиган тарзда таъсиrlашади.

Ўрта Осиё тупроқларида, айниқса, пахта етиштириладиган майдонларда, калийли ўғитларни қўллашни аҳамияти каттадир. Fўза азотли ва фосфорли ўғитлар фонида калийли ўғитларга кучли эҳтиёж сезади. Айниқса, бедадан бўшаган майдонларда пахта етиштириша кўп миқдорда калийли ўғитлар ишлатишга тўғри келади, чунки беда 3-4 йил давомида етиштирилганда тупроқдан кўп миқдорда калийни олиб чиқиб кетади.

Бўз тупроқларда калийли ўғитлар қўллаш ҳисобига ҳар гектар майдондан ўртача 3,8-4,8 ц қўшимча пахта ҳосили олиш мумкин.

Калийли ўғитлар азотли ва фосфорли ўғитлар билан биргаликда қўлланилганда юқори самара беради.

Калийли ўғитлар йиллик меъёрининг асосий қисми кузги шудгор остига киритилади. Кузда қўлланилганда калийли ўғитлар таркибидаги хлор ёғин-сочинлар таъсирида ўсимликларнинг илдиз тизими тар-қалган қисмидан пастга ювилиб кетади ва хлор суймас экинларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмайди.

Кунгабоқар, тамаки, сабзавот экинлари, қанд лавлаги, хашаки илдиз мевалилар, картошка, кўк масса учун етиштириладиган экинлар ва мевали дарахтлар калийга ўта талабчан ўсимликлар жумласига киради. Бу экинлар биринчи навбатда калийли ўғитлар билан таъминланиши лозим.

Калийли ўғитларни азотли ҳамда фосфорли ўғитлар билан биргаликда қўллашнинг яхши бир томони фосфорли ўғитлар таркибидаги кальций калийнинг (шунигдек, натрийнинг) айрим пайтлардаги салбий таъсирини мўътадиллаштиради.

Серкарбонат тупроқларда кальций ва калий ўртасидаги антогонизм яққол намоён бўлади, шу сабабдан бу тупроқларда, айниқса зигир ва картошка экилганда юқори меъёрдаги калийли ўғитларни ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

## МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР ВА МИКРОЎФИЛЛАР

Табиатда нисбаган оз учрайдиган ва ўсимликлар кам талаб қиласидиган, лекин улар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган озиқ элементлари микроэлементлар деб аталади.

Микроэлементларга B, Mn, Cu, Mo, Zn ва Co каби элементлар киради. Таркибида ўсимликларни озиқланиши учун зарур микроэлементларни сақлайдиган ўғитлар микроўфитлар деб аталади.

Микроўфитларнинг ўсимликлар учун аҳамияти шундаки, улар моддалар алмашинувидаги кўпчилик муҳим жараёнларда иштирок этади, уларнинг кўпчилиги (Mn, Cu, Mo, Zn, Co,) биохимёвий реакцияларни активловчи турли хил ферментлар таркибига киради, баъзилари эса (Mn, Cu, Fe) ўсимликлар ҳужайраларидан оксидланиш-қайтарилиш жараёнида иштирок этади.

Шу давргача микроэлементлардан бор, молибден, марганец, мис, рух ва кобальт ўрганилган.

Бор ўсимликларга ҳаётининг барча даврларида зарурдир. Тупроқда борнинг етишмаслиги ўсишининг тўхташига, ўсимликларнинг касаллашишига, ҳосилнинг камайишига ва сифатини ёмонлашувига олиб келади.

Бор етишмаганда лавлаги «ўзак чириши» касаллигига учрайди. Натижада илдизи ғовак бўлиб қолади, баъзан эса бутунлай чириб кетади, зигир бактериоз, картошка эса парша касаллигига учрайди. Борли ўғитлар солинганда бундай касалликлар батамом йўқолади.

Бор ўсимликлардаги углевод ва оқсил алмашинувига ҳамда бошқа қатор биохимёвий жараёнларга таъсир кўрсатади. Бор етишмаганда баргларда шакар ва крахмал тўпланади, уларнинг бошқа органларига оқиб ўтиши бузилади. Натижада фотосинтез жараёни секинлашади, илдиз системасининг углеводлар билан таъминланиши камаяди ва унинг ривожланиши ёмонлашади, дуккакли ўсимликлар илдизларида туганларнинг ривожланиши бузилади ва туганак бактерияларни азотофикацияловчи қобилияти сусаяди.

Бор репродуктив органларнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Бор етишмаганда гуллар миқдори камаяди, уларнинг уруғланиши бузилади, тугунчалари тўкилиб кетади ва ҳосили камаяди. Борли ўғитлар солиш себарга, беда, зигир, сабзавот экинлари уруғи ҳосилини анчагина оширади.

Тупроқларнинг ҳар хил типларида борнинг умумий миқдори 1 кг тупроққа 2 дан 50-80 мг гача бўлади. Борнинг ўзлаштириладиган (сувда эрийдиган) бирикмалари, одатда, унинг умумий миқдорининг 3-1% ни ташкил этади.

**Молибден** азотни туганак ва эркин яшовчи бактериялар томонидан фиксация қилинишида мұхим рол ўйнайды. У бактерияларнинг молекуляр азотни фиксация қилишдә иштирок этадиган нитрогеназа ферменти таркибиға киради. Молибден етишмаганды дүккәкли экинлар илдизларидаги туганаклари суст ривожланади, азотни фиксацияловчи бактериялар нормал ривожлана олмайды ва атмосфера азотини фиксация қылмайды.

Тупроқда молибденнинг умумий миқдори ( $1 \text{ кг}/\text{мг}$ )  $0,2\text{--}12 \text{ мг}$  гача бўлади. Молибденнинг ҳаракатчан шакллари унинг умумий миқдорининг  $5\text{--}10\%$  ни ташкил этади.

Молибденли ўғит сифатида таркибида  $50\%$  атрофида молибдени бўлган аммоний молибдат,  $35\%$  ли техникавий аммоний-нитратли молибдат, таркибида  $0,1\text{--}0,2\%$  ли молибдени бўлган, молибденланган суперфосфат ва таркибида сувда эрийдиган шаклда  $5\text{--}8\%$  ли молибдени бўлган электролампа саноатининг чиқиндилари ишлатилади. Молибденли ўғитлар тупроқга  $15 \text{ г}$  дан  $100 \text{ г}$  гача одатда экиш вақтида қаторларга солиши ва бошлангич фазаларида аммоний молибдатнинг  $0,01\text{--}0,05\%$  ли эритмаси ҳолида ўсимликларга пуркалади.

Мис асосан оксидловчи ферментлар таркибиға киради ва ўсимлик ҳужайраларида содир бўладиган оксидланиш- қайтарилиш жараёнларида мұхим рол ўйнайды. У ўсимликларнинг углевод ва оқсил алмашинувида ва баргларда хлорофил ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга. Мис етишмаганды баргларнинг хлорофил фаолияти билан боғлиқ бўлган сарғайиш кузатилади. Донли экинларда миснинг етишмаслиги ўзига хос касалликни келтириб чиқаради. Ўсимлик оч яшил бўлиб қолади, тез шохлаб кетади баргларининг учи оқаради, дони камайиб кетади. Мис ҳаддан ташқари етишмаганды умуман бошюқ ҳосил бўлмайди, пояси аста секин куриб қолади.

Чорва моллари ем-хашагида мис етишмаса ҳайвонларда кам қонлик, ич кетиш, бузоқларда ражит, қўйларда жунининг тўкилиб кетиши касалликлари келиб чиқади.

Тупроқда ҳаракатчан шаклдаги мис  $0,05\text{--}14 \text{ мг}/\text{кг}$  гача бўлади ва миснинг тупроқдаги умумий миқдори  $1\%$  ни ташкил этади.

Қишлоқ ҳўжалигида қўлланилаётган мисли микроўғитларга мис купороси ( $21\text{--}22\%$ ), мисли куқун ва мис колчадаги ( $25\%$ ) киради. Булардан ташқари «Аммоофос» ишлаб чиқариш бирлашмасида таркибида миси бор ( $0,25\text{--}0,30\%$ ) аммафос ишлаб чиқарилмоқда.

Маргаңецга барча қишлоқ ҳўжалик экинлари талабчан бўлиб, уни айниқса донли экинлар, дуккакли-дон, қандлавлаги, илдизмевалилар, картошка ва мевали дарахтлар кўп талаб қиласи. Баргларнинг оқариши ва сарғиши доғларнинг пайдо бўлиши, дуккакли экинлар баргининг ёпласига хлорозга чалиниши, бодринг пластинкасининг буралиб

қолиши марганец танқислигининг асосий белгиларидан ҳисобланади.

Марганец юқори оксидлаш-қайтарилиш потенциалига эга, шу боис у ўсимликлар танасида содир бўладиган биологик оксидлаш реакцияларида фаол қатнашади.

Марганец фотосинтез жараёнида мұхим ўрин тутади, қанд моддалар ва хлорофилл миқдорини кўпайтиради, аскорбин кислота синтезида иштирок этувчи ферментлар таркибиға киради.

У ўсимликлар ҳужайраларининг сув тутиши қобилиятини оширади ва ҳосил элементларининг кўпроқ сақланишига ёрдам беради.

Тупроқда марганец миқдори 1% гача етади, лекин унинг асосий қисми ўсимликлар томонидан қийин ўзлаштириладиган шаклдадир.

Марганецли ўғитлар қўллаш ҳисобиға қанд лавлагидан 23,7, буғдоидан 2,2, маккажўхоридан 11,8 ва арпадан 3,0 ц/га қўшимча ҳосил олинади.

Таркибida 70% ли Mn тутган марганец сульфат қимматбаҳо микротупроқ ҳисобланади ва ундан сабзавот экинларини ўғитлашда фойдаланилади.

Марганец фосфорли ўғитлар билан бирга қўлланилганда яхши самарса беради, шу боис марганецли ўғитлар суперфосфат ишлаб чиқаришда йўлга қўйилган. Шунингдек, Mn комплекс ўғитлар таркибиға ҳам киритилади.

Тупроқка, одатда марганец 2,5 кг/га ҳисобида киритилади. Марганецли ўғитларни уруғ билан аралаштириш ўғит қўллашнинг энг кулаг усулларидан бири ҳисобланади. Бунинг учун 50-100 гр чамаси марганец сульфат олинади ва 1 ц уруғ билан аралаштирилади. Илдиздан ташқари озиқлантиришда 200гр марганец сульфат 100 литр сувда эритилиб. 1 га майдондаги ниҳолларга пуркалади.

Рух ўсимликларда бир қатор ферментлар таркибиға киради ва уларнинг активлигини кучайтиради. Рух етишмаганды ўсимликларда ауксинлар ҳосил бўлиши бузилади. Моносахаридлар ҳисобиға мураккаб углеводлар синтези, шунингдек, фосфор, органик бирикмалар ҳосил бўлиши сусаяди. Рух етишмаслик белгилари кўпроқ нейтрал ва кучсиз ишқорий реакцияли корбонатли тупроқларда кузатилади.

Ҳаракатчан рух бўз тупроқларда 0,09-0,6 мг/кг га етади.

Рухли ўғитлар сифатида таркибida 21-28% Zn бор сульфат ( $\text{SO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$ ) ва таркибida 2-7% Zn бор рух шламлари ишлатилади; булар тупроқда 0,5-1,5 г миқдорда солинади. Бундан ташқари 0,01-0,02%ли эритмаси илдиздан ташқари озиқлантириш учун ишлатилади Бунда гектарига 200-400 литр эритма ишлатилади. Чигитни ивitiш учун 0,003-0,004% ли эритмаси ишлатилади.

## КОМПЛЕКС ЎФИТЛАР

Таркибидан иккى ёки ундан ортиқ, ўсимликлар учун зарур озиқ моддаларни сақлайдыган ўфитлар комплекс ўфитлар деб аталади. Таркибига күра иккى компонентли (фосфорли-калийли, азотли-калийли, азотли-фосфорли) ва уч компонентли (азотли-фосфорли-калийли), олиниш усулларынга күра мураккаб, мураккаб-аралаш, аралаштирилган, агрегат қолатига күра эса қаттиқ ва суюқ комплекс ўфитларга бўлинади.

### Мураккаб ўфитлар.

Мураккаб ўфитлар анион ва катионлардан ташкил топган битта туз ҳисобланади. Унинг таркибидан иккى ёки учта озиқ элементи бўлиши мумкин. Аммофос –  $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$  таркибидан 11-12% N ва 46% фосфор бўлади, яъни ўритда  $\text{N}:\text{PO}_4$  нисбати 1:4 ёки 1:5 га тенг.

Аммофос ўртафосфат кислотани аммиак билан нейтраллаш йўли билан олинади.  $\text{NH}_3 + \text{H}_2\text{PO}_4 = \text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$ .

Бу ўфит таркибидаги азот ва фосфорни ўсимликлар яхши ўзлаштиради, сувда яхши эрийди. 1 ц аммофосни 2,5 ц оддий суперфосфат ва 0,35ц аммиакли селитрага тенглаштириш мумкин.

Диаммофос -  $(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4$  таркибидан 19-21% азот ва 49-53%  $\text{P}_2\text{O}_5$  бўлади ёки азот билан фосфор 1:2,5 нисбатда бўлади. Диаммофос фосфат кислотасини аммиак билан тўйинтиришни давом эттириш ёки 1 молекула фосфат кислотани 2 молекула аммиак билан биректириш натижасида олинади.

$2\text{NH}_3 + \text{H}_3\text{PO}_4 = (\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4$  аммофос ва диаммофос асосий ўфит сифатида барча экинларга экиш вақтида ва ўсув даврида қатор ораларига солиниши мумкин. Бу ўфитларни ғўза ва бошқа экинлар экиладиган майдонларга кузги шудгор олдидан ҳам қўллаш мумкин. Калий селитра –  $\text{KNO}_3$ . Ўфит 13% ва 45% гача калийни тутади. 1 центнер калийли селитра 1 ц калий хлорид ва 0,4 ц аммиакли селитра ўрнини босади. Таркибидан балласт моддалар йўқ, физик хоссалари яхши. Хлор сўймас экинлар учун яхши ўфит. Лекин  $\text{N}: \text{K}_2\text{O}$  нисбати 1:4 бўлгани боис қўшимча равишда азотли ўфитлар ишлатишга тўғри келади.

### Мураккаб – аралаш (комбинацияланган) ўфитлар.

Фосфоритга нитрат кислота таъсир эттирилганда кальцийли селитранинг  $\text{CaHPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  ва  $\text{Ca}(\text{H}_2\text{pPO}_4)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$  лар билан аралашмаси-нитрофос олинади. Лекин ўтга гигроскопик бўлганлиги сабабли унга аммоний сульфат қўшилади:



Нитроаммоний-моноаммоний фосфат асосида олинадиган мураккаб аралаш ўғит. Таркибига калий киритилса, нитроаммофоска дейилади.

#### **Аралаштирилган ўғитлар.**

Аралаштирилган ўғитлар компонентларни кимёвий ўзгаришга учратмасдан тайёрланади. Аралаши ўғитлар донадор ёки кукун ҳолидаги 2 ёки 3 хилдаги оддий ўғитларни маҳсус ўғит аралаштириш заводларида ёки агрокимё марказларининг йирик механизацияшган омборларида ёки бевосита хўжаликни ўзида аралаштириш йўли билан олинади. Тупроқдаги озиқ элементлари миқдори ва турига қараб N:P:K нисбати турлича бўлади.

Суперфосфат ва фосфорит уни калийли ўғитлар билан, шунингдек аммиакли селитра ва аммоний сульфат преципитат билан аралаштирилганда номақбул ўзгаришлар содир бўлмайди.

Мочевинани тупроққа киритиш олдидан фосфорли ва калийли ўғитларнинг барча шакллари билан аралаштириш мумкин. Уни суперфосфат билан анча олдиндан аралаштирилганда ҳам салбий ўзгаришлар содир бўлмайди. Донадор ўғитлар, айниқса доначаларнинг ўлчамлари бир хил бўлган ўғитлар аралаштирилганда аралашманинг физикавий хоссалари ва сочиувчанлиги яхшиланади.

## **ОРГАНИК (МАҲАЛЛИЙ) ЎҒИТЛАР**

Ҳар хил организмлар (ўсимликлар ва ҳайвонлар) қолдиқлари ва чиқиндиларидан ҳосил бўлган ўғитлар органик ўғитлар дейилади.

Органик ўғитларга: гўнг, гўнг шарбати, парранда қийи, торф, сапрофель, яшил ўтлар, саноатнинг органик чиқиндилари, шаҳар чиқиндилари, сув ўтлари ва ҳоказолар киради.

Органик ўғитларни қишлоқ хўжалигига энг муҳим аҳамиятлари – улар тўлиқ ўғитлар ҳисобланади. Чунки уларнинг таркибида кўпчилик макро ва микроэлементлар мавжуд.

- Тупроқ структурасини яхшилайди, унинг унумдорлигини оширади.
- Тупроқ ҳароратини маълум даражага кўтаради.
- Тупроқни фойдали микроорганизмлар билан бойитади ва улар учун озуқа вазифасини ўтайди.

- Органик ўғитлар солинган майдонлар атрофида карбонат ангидрид гази миқдори ортади, бу эса ўсимликлар илдизидан ташқари озиқланишига ижобий таъсир кўрсатади.

### Гўнг.

Гўнг энг муҳим ўғит. Таркибида ўсимликлар учун барча зарур моддалар мавжуд. Органик ўғитлар ўрнини минерал ўғитлар, минерал ўғитлар ўрнини органик ўғитлар боссолмайди.

Чорва молларини боқиш усули ва хўжаликларнинг имкониятларига боғлиқ равишда тўшамали ёки тўшамасиз гўнг олинади.

Тўшамали гўнг чорва молларининг қаттиқ ва суюқ аралашмалари ҳамда улар остига ташланадиган похол, сомон, қипик, торф каби жинслардан иборат бўлиб, тахмина 25% қуруқ модда ва 75% сувдан иборат бўлади.

Молларга бериладиган ем-харакат таркибидаги органик модданинг 40, фосфорнинг 80, азотнинг 50 ва калийнинг 85% и гўнг таркибига ўтади. Гўнг таркибидаги озиқ моддалар миқдори чорва молининг тури ва ёши, бериладиган ем-харакат таркибига боғлиқ равишда қенг миқёсда ўзгаради (22-жадвал).

22 – жадвал

**Ҳар хил маҳаллий ўғитларнинг таркибидаги азот, фосфор ва калий**  
(Ўзбекистон Республикаси хўжаликларида ўғитнинг қўлланилиши бўйича тавсиялар. Тошкент – 1982 йил.)

№	Маҳаллий ўғитлар	1 тонна гўнгга кг ҳисобида		
		азот	фосфор	калий
1	Қорамол гўнги	4	2,5	5
2	Майда мол гўнги	16	5	14
3	Чўчқалар гўнги	4	2	6
4	Отлар гўнги	6	3	5
5	Паррандалар гўнги	34	16	8

Бир суткада бир бош чорва ва паррандалардан олинадиган гўнг, кг ҳисобида.

1	Қорамол	20
2	Майда мол	2,5
3	Чўчқалар	2,2
4	Отлар	2,0
5	Паррандалар	0,02-0,025

Чорва моллари ва паррандалардан гўнг тўплашда уларни шартли бош сонига айлантириш коэффициентлари.

№	Турлар	Коэффициент	1 йилда 1 тадан, тонна
1	Қорамоллар	0,8	6
2	Майда мол	0,1	0,180
3	Чүчқалар	0,2	0,070
4	Отлар	0,5	0,500
5	Паррандалар	0,001	0,036

Гүнгнинг миқдори ва унинг сифати кўп жиҳатдан гўнг сақлаш усулига боғлиқ бўлади.

Гўнгнинг таркибида асосан азотли бирикмалар ва азотсиз бирикмалар бўлади. Гўнгни сақлаш шароитига қараб, парчаланиш турли хил интенсивликда бўлади. Яъни, турли сифатли гўнг ҳосил бўлади. Гўнгни тигиз, ҳавол ва ҳавол-тигиз сақлаш усуслари бор.

**Тигиз**, яъни совуқ сақлаш усулида уни 3-4 м кенглика қатлам-қатлам уюлади ва шиббаланади, баландлиги 1,5-2 м қилиб, усти торф ёки похол билан ёпиб қўйилади. Бунда ҳарорат унча юқори бўлмайди ( $20-30^{\circ}$ ).

**Шиббаланмасдан** – ҳавол ҳолда сақланганда гўнг таркибидаги органик моддалар парчаланмайди, унинг ўғитлик сифати ҳам пасаяди, лекин ҳарорат юқори ( $60-70^{\circ}$  С) бўлади.

**Ҳавол** – **тигиз** усуlda (қизиган) сақланганда у дастлаб шиббаланмасдан 0,8-1 м баландликкача ҳавол уюлади. Бунда гўнг таркибидаги органик моддалар интенсив парчаланади ва ҳарорат эса  $60-70^{\circ}$  С гача кўтарилади ва азот кўплаб йўқолади. Шундан сўнг гўнг уюми шиббаланади. Натижада ҳарорат  $30-35^{\circ}$  С гача пасаяди. Дастлабки уюм устига худди олдингидаги тартибда гўнг уюлади ва баландлиги 2-3 м га етказилади.

Одатда 20 т янги гўнгдан 14-17 т гача чала чириган, 10 т чириган ва 5-7 тонна чиринидига айланган гўнг олинади.

Тупроқда солинган гўнг унинг физик, физик-кимёвий ва биологик хоссаларига ижобий таъсир этади. Чиринди ва умумий азот миқдори ортади. Кумли ва қумоқ тупроқлар бир мунча қовушқоқ бўлиб қолади, уларнинг сингдириш хусусияти ва буферлиги ортади, бу эса улардан сув ва озиқ моддаларнинг сақланишига имкон беради.

Кунига 30-40 т гўнгнинг парчаланишидан 35 дан 65 кг. гача  $\text{CO}_2$  ажралиб чиқади. Гўнг билан бирга ерга жуда кўп миқдорда микроорганизмлар ҳам ўтади.

1 т чириган гўнг таркибида 4-5 кг азот ва 2-2,5 кг фосфор ва 5-7 кг калий бўлади.

Далага сочилган гүнг тезда тупроқقا аралаштирилиб ҳайдаб юборилиши лозим. Энг яхшиси, гүнгни кузда ерларни шудгорлаш олдидан солингани маңыл.

### **Парранда қийи**

Парранда қийи ўсимликлар томонидан осон ўзлаштириладиган, таркибида азот, фосфор ва калий бўлган, тез таъсир этувчи ўғитлардан ҳисобланади.

Парранда қийи таркибида аммиак ҳосил бўлиш билан тезда парчаланадиган азот асосан мочевина шаклида бўлади.

Парранда қийи нотўгри сақланса, аммиакнинг учувчанлиги туфайли азот кўп нобуд бўлади ва парранда қийи 1,5-2 ой давомида нотўгри сақланганда, нобуд бўладиган азот миқдори 50% ва ундан ҳам ортиб кетади.

Парранда қийини қуруқ чириндили тупроқقا ёки чиритилган гүнгга аралаштириш, шунингдек, унга 7-10% суперфосфат қўшиш мумкин. У парранда қийидан ажраладиган аммиакни деярли тўлиқ боғлайди, яхши сақланади. Парранда қийи қимматли ўғитлардан ҳисобланиб, уни ҳамма экинларга асосий ўғит сифатида гектарига 5-6 т дан қўллаш мумкин.

### **Кўк ўғитлар**

Кўк ўғитлар ёки сидератлар деб, айрим дуккакли ўсимликлар (сидератлар)ни ўстириб, тупроқни азот ва органик моддалар билан бойитиш мақсадида уларни тупроқقا қўшиб ҳайдаб юборишга айтилади. Бирон экинни экиб, уни ўғит сифатида ҳайдаб юбориш сидератлаш дейилади.

Бунда сидератлар сифатида бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлардан люпин, середелла, кузги вика, кузги нўхат, хашаки люпин, кўп йиллик люпин ва чина, мош ва бошқалар экиласди.

Дуккакли ўсимликлар илдизида ривожланадиган туганак бактериялар ҳаводаги азотни ўзлаштириш ва тупроқни азотнинг боғланган бирикмалари билан бойитиш хусусиятига эга.

Бир гектар ерда 35-40 тонна кўк поя ҳосил бўлса, уни тупроқقا аралаштирилганда 100-200 кг азот, 30-50 кг фосфор, 40-80 кг калий ва бир қанча микрозлементлар билан бойитилади.

Таркибида азот тутиш бўйича 1 т кўкат ўғит 1 т гүнгга тенг келади, ҳайдаб юборилган кўкат ўғитларининг таъсири 2-3 йил давом этиши мумкин. Лекин кўкат ўғит таркибидаги азотдан фойдаланиш коэффициенти биринчи йили гўнгдагига нисбатан деярли икки баробар юқори бўлади.

## **Торф**

Торф халқа қишлоқ хұжалигыда катта аҳамиятта эга. Торф намарчилік юқори ва ҳаво етарли бўлмаган шароитда ботқоқликда ўсадиган ўтларнинг тўлиқ парчаланмаслиги натижасида ҳосил бўлади. Торфли ботқоқлар ҳосил бўлиш ва ўсимликлар ўсишига қараб З турга бўлинади: юқори, пастки ва ўткинчи торф қатламлари. Ўзбекистонда ҳам торфнинг ҳар хил тури учрайди, лекин булар асосан тўшама сифатида ишлатилади.

Торфнинг ҳамма турлари таркибида калий кам, лекин азот кўп бўлиб, кул моддаси сақловчи пастлик торфлар кальций ва фосфорга бой бўлади. Тоза ҳолда яхши парчаланганди, таркибида кўплаб моддаларни сақловчи пастлик торфини, айниқса оҳак ва фосфорга (вивиантли) бой бўладиган торфларни бевосита ўғит сифатида ишлатиш мумкин. Торфни органик ўғит сифатида гектарига 10-20 т дан ҳайдов олдидан ишлатиш, шунингдек, компост тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Торфнинг самарадорлиги уни биологик фаол органик ўғитлар, гўнг, гўнг шарбати, нажас ёки фосфорит уни, кул ва бошқалардан иборат бўлган минерал ўғитлар билан бирга қўшиб компостлангандан ортади.

## **Компостлар**

Маҳаллий ўғитлар таркибидаги озиқ моддалар исроф бўлишининг олдини олиш ва фосфорли ўғитлар таркибидаги озиқ моддаларни ўсимликлар томонидан осон ўзлаштириладиган шаклга ўтказиш учун турли – туман компостлар тайёрланади. Бизнинг шароитимизда асосан гўнг, гўнг шалтоғи, фосфорли ўғитлар, гозон, шоҳ-шаббалар, сапрофел ва ҳоказолардан компонент сифатида фойдаланилади. Компост тайёрлаш учун маҳсус ўра ковланади. Ўранинг чукурлиги тахминан 80-90 см бўлиб, узунлиги ва эни тайёрланадиган компост миқдорига боғлиқ бўлади. Компостлар ўрага қаватма-қават жойлаштирилиб, бироз зичланади ва намланади, усти эса тупроқ билан қопланади. Компостлардан тахминан 4-5 ойдан кейин фойдаланиш мумкин.

## **Ўғитларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.**

Қишлоқ хұжалигыда ўғитлар, қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

-«Ўзқишлоқ хұжалик агрокимё» бирлашмасининг ўғитнинг ҳар бир физик тоннаси учун нархи ва устама баҳоси.

-Ўғитларни омборларга тушириш, хұжаликка ташиш учун кетган ҳаражатлар.

-Ўғитларни сақлаш, юклаш, тушириш, тайёрлаш ва қўллаш билан боғлиқ ҳаражатлар.

-Маҳсулот бирлигини йиғиштириш, ташиш ва сақлаш, реализация қилиш учун кетган сарфлар.

-Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг прейスクруант бўйича харид баҳоси.

-Ўғит қўллаш, ҳосилни йиғиши, ўғитни ерга солишга тайёрлаш уларни механизациялаш, қўл меҳнатлари ва бошқалар учун сарф ҳаражатлари.

-Меҳнат ҳақига қўшимча ҳақ, мукофотлар, устама хақлар борки улар ҳам етиштирилаётган ўсимликшунослик маҳсулотлари таннархига қўшилган юк хати (накладной) сарфларининг ўртacha фоизи.

-Асосий маҳсулот бирлигининг таннархи ва меҳнат сарфи асосида гектарига сўм ҳисобида сарфланадиган барча ишлаб чиқариш ҳаражатлари.

-Хўжаликларда экинларга қўлланилган ўғитларнинг меъёри ва ўртача ҳосилдорлик.

-Хўжалик шароитида минерал ўғитлар қўллашнинг энг тўла иқтисодий самарадорлиги қийматига қўйидаги кўрсаткичларни ҳисобга олинганда эришиш мумкин.

**Су** – Ўғитнинг устама билан бирга нархи, сўм

**Хо** – Хўжаликка олиб кетиш учун ҳаражатлар, сўм

**Хс** – Сақлаш учун кетган ҳаражатлар, сўм

**Хт** – Ўғитни солишга тайёрлаш учун кетган ҳаражат, сўм

**Хв** – Тупроққа солиш учун кетган ҳаражатлар, сўм

**Хк** - Қўшимча ҳосилни йиғиштиришга кетган ҳаражатлар, сўм

**Бк** - Қўшимча ҳосилнинг харид баҳоси, сўм

**Шс** – Ўғит қўллашдан олинган шартли соф даромад, сўм

Ўғит қўллашдан келадиган «шартли соф даромад» терминини шунинг учун ишлатиладики, минерал ўғитлар ҳисобига олинган қўшимча даромад шартлидир, чунки у пахтани етиштириш билан боғлиқ қатор бошқа омилларга ҳам боғлиқ.

## Үгитларниң иқтисодий самарадорлыгыны анықлаш

т.р	Күрсаткычлар	Үлчов бирлиги	Умумий сарф			
			Азот	Фосфор	Калий	Жами
1.	Үгит күлланилади	кг/га				
2.	Хосилдорлик	ц/га				
3.	Олинган құшимча ҳосил	ц/га				
4.	Үгитнинг нари	сүм				
5.	Үгитни құллаш билан бөглиқ харажатлар а) үгитни сақлаш учун б) үгитни солишига тайёрлаш учун в) тупроққа солиши учун	сүм				
6.	Құшимча ҳосилни йигиштириш билан бөглиқ барча харажатлар	сүм				
7.	Құшимча ҳосилға кеттеган жами харажатлар	сүм				
8.	Құшимча ҳосилнинг баҳоси	сүм				
9.	Үгит әвазига олинган шартли соф даромад (фойда)	сүм				
10.	1 кг соф ҳолдаги үгит әвазига олинган құшимча ҳосил	кг				

## ҮФИТ ҚҰЛЛАШ ТИЗИМИ

Үфитлаш тизимининг асосий мақсади алмашлаб екиш шароитида үйтлардан оқилона фойдаланишга йұналтирилган ташилий, хұжалик, агрокимөвий ва агротехник тадбирларни ҳисобға олған ҳолда қишлоқ хұжалик әқинларидан мүл ҳосил олиш учун энг мақбул үфит тури, меңгері, құллаш муддатларини белгилаштыр. Үфитлаш тизимини ишлаб чиқиша әқинларнинг биологик хусусиятларини, режалаштираёттан ҳосилдорликни, тупроқ-иклем шароитларини, үфитларнинг кейинги таъсирини, алмашлаб екиш жараёнда тупроқдаги озиқ моддаларнинг балансини, үфитларнинг ҳосил сифати ва тупроқ унумдорлигига күрсатадиган таъсирини ҳисобға олиш зарур.

Үфитлаш тизими одатда, ҳар бир майдонга узоқ муддат давомида режа асосида үфит киритиш учун ишлаб чиқылади ва ўз олдига қуйидаги вазифаларни құяды:

- 1) әқинлар ҳосилдорлигини ошириш ва ҳосил сифатини яхшилаш;
  - 2) үйтлардан самарали фойдаланиш, интенсив деңқончилик көритеш ва атроф-мухитни муҳофазасини түгри йүлга қўйиш;
  - 3) тупроқ унумдорлигини ошириш.
2. Үфит құллашнинг турлари, усуллари, муддатлари ва техникаси.

Үфитлаш тизимида ишлатиладиган иборалардан түғри фойдаланиш зарур:

- асосий үфитлаш (экишгача, екиш билан);
- қаторлаб үфитлаш (екиш билан бирга);
- құшымча озиқлантириш (әқинларнинг ўсов даврида).

Үфитларни тупроққа қуйидаги муддатларда киритиш мүмкін:

- кузда; баҳорда; ёзда; белгиланған маълум ойларда.

Үфитлашнинг асосий усуулларига қуйидагилар киради: ёппасига; уялаб; тасмасимон; захиравий; механизмлар ёрдамида; ҳаводан ва ҳ.к.

Үфитларни тупроққа аралаштирища плуг, культиватор-озиқлантиргич, дискали ва тишили тиркама каби мосламалардан фойдаланилади.

Үфитларни құллашда күпинчә үфит меңгері ва үфит дозаси тушунчалари алмаштириб юборилади.

Үфит меңгері — әқинга вегетация даври давомида бериладиган үфит миқдоридир ва у кг/га бирликда ҳисобланады.

Үфит дозаси деганда муайян муддатта бир марта бериладиган үфит миқдори тушунилади (масалан, екиш олдиdan, 3-4 чинбарг чиқарғанда ва ҳ.к.).

**Асосий үфитлаш.** У әқинларни бутун ўсов (вегетация) даври мобайніда, айниқса озиқ моддаларга юқори талаб қўйиладиган, жадал ривожланиш

даврида, озиқ элементлари билан таъминлаш учун қўлланилади. Асосий ўғитлашда режалаштирилган ўғит меъерининг асосий қисми тупроққа киритилади. Хўжаликнинг тупроқ-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда асосий ўғитлаш кузда, батзи ҳолларда эса баҳорда амалга оширилади.

Асосий ўғитлашнинг энг мақбул муддатларини белгилашда тупроқнинг механик таркиби, намланиш шароитлари ва ўғитларнинг хусусиятлари ҳисобга олинади. Осон эрувчан ва серҳаракат бўлгани сабабли азотли ўғитлар фақат тупроқни қайта ҳайдаш даврида ёки культиватор-ўғитлагич ёрдамида киритилади.

Фосфорли ўғитларни иложи борича чуқурроқ кўмиш учун улар одатда кузги шудгор ёки баҳорги қайта ҳайдаш олдидан сочиб чиқилади.

Таркибда хлор тутган калийли ўғитлар йиллик меъерининг 50 фоизи ёки ундан кўпроғи кузги шудгор остига киритилса, куздаги ёғин-сочинлар таъсирида хлорнинг ўсимликларга салбий таъсири анча камаяди.

*Ўғитларни экиш билан қўллаш*. Ўғитларни бу усулда қўллашдан асосий мақсад ниҳоллар ривожланишининг дастлабки 6-15 - кунларида озиқ моддалар билан етарлича таъминлаш бўлиб, асосан осон эрийдиган минерал ўғитлардан фойдаланилади. Экиш билан бирга азотли ва фосфорли ўғитлар солинади.

*Экинларни қўшимча озиқлантириш*. Маълумки, сугориладиган дэхқончилик шароитида азотли ўғитларни асосий ўғитлаш вақтида қўллаб бўлмайди. Азотли ўғитларнинг 70-80 фоизи, калийнинг ярми ва фосфорнинг камроқ қисми тупроққа қўшимча озиқлантириш сифатида киритилади.

3. Қишлоқ хўжалик экинларини ўғитлашда ҳар бир экиннинг биологик хусусиятлари, хўжаликнинг тупроқ-иклим шароитларини ва бошқа омилларни ҳисобга олиш зарур.

*Ғўзани ўғитлаш*. Ғўзанинг ўғит ўзлаштириш қобилияти унинг навига, биологик хусусиятларига, экиш ва ўстириш шароитларига боғлиқ. Бир тонна пахта хом ашёси ва унга мос вегетатив массани тўплаш учун ғўза тупроқдан ўрта ҳисобда 50-60 кг азот, 15-20 кг фосфор ва 50-60 кг калийни ўзлаштиради. Тупроққа киритилган ўғитнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштириш хусусияти, асосан агротехника тадбирларига ва дала шароитига боғлиқ.

Ғўзага солинадиган азотли ўғитлар меъерини белгилаш учун режалаштирилган ҳосил, тупроқ шароити, алмашлаб экинларни тўғри жойлаштириш ва ўғитларни тўғри қўллаш лозим.

Пахтадан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда азотли ўғитлар билан бир қаторда фосфорли ва калийли ўғитларнинг ҳам аҳамияти жуда катта. Бу ўғитларни ғўза далаларига ўз вақтида киритилиши ғўза ҳосилдорлигини оширади ва унинг сифатини яхшилайди.

Үйтларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўйтлаш усулларига ва ўйт солиши муддатларига боғлиқ. Ўйтлар, асосан, экишгача, экиш билан бир вақтда ва озиқлантириш муддатларида қўлланилади. Экишгача азотли ўйтларнинг 8-10 фоизи, фосфорли ўйтларнинг 70 фоизи ва калийли ўйтларнинг 50 фоизи солинади. Ўйтларнинг бир қисми экиш билан бирга, қолган қисми эса қўшимча озиқлантириш вақтида тупроққа киритилади.

**Донли экинларни ўйтлаш.** Донли экинлар юқори ҳосилдорликка эга бўлиб, ўйтларга жуда талабчан.

Донли экинларда уруғ униб чиққандан токи ниҳоллар ишловга киргунга қадар бўлган давр энг маъсуллиятли давр ҳисобланади. Шунинг учун бу даврда экинларни ўйтлар билан етарли миқдорда таъминлаш зарур.

Кузги экинлар яхши ўсиб, ривожланиши, қишлиши учун кузда фосфорли ва калийли ўйтларни кўпроқ, азотли ўйтларни эса камроқ қўллаш зарур. Кузги донли экинларга фосфорли ва калийли ўйтларнинг ҳаммаси, азотли ўйтларнинг бир қисми кузда солинади. Азотли ўйтларнинг асосий қисми баҳорда, қўшимча озиқлантиришда берилади.

Баҳорги донли экинларда эса фосфорли ва калийли ўйтларнинг асосий қисми кузги шудгордан олдин берилиши лозим.

Донли экинларда гектаридан 35 – 40 центнер ҳосил олиш учун бўз тупроқларда соф ҳолда 100-120 кг азот, 80-90 кг фосфор ва 50-60 кг калий солиши зарур.

**Шолини ўйтлаш.** Шоли иссиқсевар ва ёргусевар ўсимлик бўлиб, сувга ўта талабчан. Муҳити мўътадил ва мўътадилга яқин тупроқларда яхши ўсади.

Бир тонна шоли ҳосили билан тупроқдан ўртacha 22 кг азот, 10 кг фосфор ва 30 кг калий олиб чиқилади. Шолидан юқори ҳосил олишда минерал озиқлантиришнинг аҳамияти катта.

Шоли азотта жуда талабчан экин. У азотни ўсув даврининг бошидан охиригача ўзлаштиради. Шолига гектарига 150-200 кг соф ҳолдаги азот киритилади.

Фосфорли ўйтлар гуруч сифатига сезиларли таъсир қиласи. Ниҳоллар ўсув даврининг бошларида фосфорга жуда талабчан бўлади. Шоли учун энг яхши фосфорли ўйт – суперфосфат ҳисобланади. Бир гектар майдонга 60-90 кг фосфор киритилиши лозим. Калийли ўйтларнинг шоли учун тавсия этиладиган ўртacha меъёри гектарига 80-100 кг.

**Сабзавот экинларини ўйтлаш.** Сабзавот экинлари ҳосилини оширишда ўйтлар жуда катта аҳамиятта эга. Сабзавот экинлари ердан озиқ моддаларни бутун ўсув даврида олиб туради, мева тувиш даврида улар ўйтларга жуда талабчан бўлади.

Сабзавот экинлари минерал ва органик ўғитларга талабчандир. Органик ўғитлар минерал ўғитларга құшиб ишлатылганда яхши самара беради.

Сабзавот экинларидә азотли ўғитлар йиллик мөъёрининг 60-75%ини вегетация даврида ва 25-40% ини экисі олдидан солинади.

Фосфорли ўғитларни йиллик мөъёрининг 60-75% ини кузги шудгорлашда, қолган 25-40% и уруг экисі ёки күчат ўтқазиш билан бирга солинади.

Калийли ўғитлар йиллик мөъёрининг 50% и кузги шудгорлашда ва қолган 50%и азотли ўғитлар билан бирга ўсимликларнинг шоналаш даврида берилади.

Кишлоқ хұжалик экинлари ўзининг ривожланиши ва озиқланиши билан бир-биридан фарқланиш хусусиятига эга.

Экинларға минерал ўғитларни тақсимлаш учин режалаштырылған ҳосил, тупроқ унумдорлиғи, ўтмишдош экинга солинган органик ва минерал ўғитлар мөъёри, алмашлаб экиш тизими, күчат сони ва бөшқа бир қанча омиллар ҳисобға олинади ва ҳар бир экин турига алоҳида ўғит мөъёри белгиланиб, озиқланиш даврлари бўйича тақсимлаб чиқлади.

### *Саволлар*

1. Ўғитларни тупроққа ўз вақтида киритишнинг қандай аҳамияти бор?
2. Ўғитлар класификациясини биласизми?
3. Азотли, фосфорли ва калийли ўғитларнинг қишлоқ хұжалигидаги аҳамиятини кўрсатиб беринг.
4. Органик ўғит неча турга бўлинади?
5. Микроўғитларнинг қишлоқ хұжалик экинларига таъсири.
6. Ўғитлауни кўллаш мулдатлари ва усусларнинг аҳамиятини таърифлаб беринг.
7. Рӯзани ўғитлашда нималарга эътибор бериш керак? ✓
8. Донли экинларга солинадиган қандай минерал ўғитларни биласиз?

### *Адабиётлар*

1. Ягодин Б.А. Агрохимия (учебник) М.: Агропромиздат. 1989 г.
2. Минеев В.Г. Агрохимия. М.: МГУ. 1990 г.
3. Протасов П.В., Ниёзалиев И.Н., Тоиров Т.З. Пахгачиликда агрохимия. Т.: 1981.
4. Мусаев Б.С. Ўғит кўллаш тизими (ўқув кўлланма). Т.: 1998. "Радио".
5. Агрокимё. Маъруза матнлари. Т.: 1999 й.
6. Мусаев Б.С. Агрокимё. Т. Шарқ. 2001 й.

---

## МУНДАРИЖА

<b>I. Дехқончилик, тупроқшунослик ва агрокимё асослари</b>	
Фанининг мақсади ва вазифалари .....	3
Тупроқ ва тупроқшунослик фани ҳақида тушунча.....	5
Тупроқнинг морфологик белгилари.....	8
Тупроқнинг пайдо бўлиши, механик таркиби ва классификацияси.....	14
Тупроқ географияси. Ўзбекистон тупроқлари.....	17
Тупроқнинг агрофизик хоссалари. Тупроқ унумдорлиги ва маданийлиги. Структура ва унинг аҳамияти.....	25
Тупроқнинг структураси.....	28
Структуранинг бузилиш сабаблари .....	35
Структурани тиклаш шароитлари ва усуллари .....	36
Тупроқ структурасини тиклашнинг сунъий тадбирлари .....	40
<b>II. Дехқончиликнинг илмий асослари .....</b>	<b>43</b>
Дехқончиликнинг ривожланиш тарихи .....	43
Тупроқнинг сув ва ҳаво режимлари ҳамда уларни бошқариш .....	46
Тупроқнинг иссиқлик ва озуқа режимлари ҳамда ўларни бошқариш .....	50
<b>III. Бегона ўтлар ҳақида тушунча, уларнинг зарари ва биологик хусусиятлари .....</b>	<b>56</b>
Бегона ўтларнинг биологик гурухлари ва ҳисобга олиш усуллари .....	58
Бегона ўтларга қарши кураш чоралари.....	62
<b>IV. Тупроқни ишланашният умумий масалалари .....</b>	<b>79</b>
Тупроққа асосий ишлов бериш .....	79
Тупроққа экин экишдан олдин ишлов бериш. Қишлоқ хўжалик экинларини экиш усуллари .....	81
Тупроққа экин экишдан кейин ишлов бериш. Қатор оралари ишланадиган ва ёпласига экилган экинларга ишлов бериш.....	88

<b>V. Алмашлаб экиш.....</b>	<b>92</b>
Алмашлаб экишнинг илмий асослари.....	96
Алмашлаб экишда экинларни жойлаштириш.....	100
Алмашлаб экишда оралиқ экинларни экиш.....	103
Алмашлаб экишнинг классификацияси.....	108
Алмашлаб экишни лойиҳалаштириш, жорий этиш ва ўзлаштириш.....	111
Тоғ олди ярим саҳро минтақаси учун тавсия этилган алмашлаб экиш тизимлари.....	114
Текис саҳро минтақаси учун тавсия этилган алмашлаб экишлар .....	119
Деҳқончилик тизими.....	125
Агрокимё фанининг мақсади ва вазифалари.....	128
Ўсимликларнинг кимёвий таркиби.....	130
Ўсимликларнинг озиқланиши.....	135
Ўғитлар.....	144
Азот ва азотли ўғитлар.....	144
Фосфор ва фосфорли ўғитлар.....	151
Фосфорли ўғитларни қўлаш.....	156
Калий ва калийли ўғитлар.....	157
Микроэлементлар ва микроўғитлар.....	164
Комплекс ўғитлар.....	167
Органик (маҳаллий) ўғитлар.....	168
Ўғит қўлаш тизими.....	175

**Собиржон Арифжонович АЗИМБОЕВ**

**ДЕҲҚОНЧИЛИК,  
ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА  
АГРОКИМЁ АСОСЛАРИ**

Муҳаррир *O. Мусаев*

Техник муҳаррир *M. Олимов*

Саҳифаловчи *Б. Сироғиддинов*

Босишига рухсат этилди 28.06.2006. Қоғоз бичими 60x84. 1/16.

Хисоб нашр табоби 26. б.т. Адади - 500 нусха.

Буюртма рақами №29

«IQTISOD-MOLIYA» нашриёти,  
700084, Тошкент, X. Асомов кўчаси, 7-уй.

Тошкент Молия институти босмахонасида босилди,  
700084, Тошкент, X. Асомов кўчаси, 7-уй.